

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
“ИЖОД” ЖАМОАТ ФОНДИ

*Адиб ва  
жамият*

Уйғун РЎЗИЕВ

# ШАБНАМ СОЯСИДА

*Роман*

ТОШКЕНТ  
“АДАБИЁТ”  
2021

УЎК: 821.512.133-32  
КБК: 84(5Ў)6  
Т 71

Т 71 **Рўзиев, Уйғун**  
**Шабнам соясида** [Матн]: Роман / Уйғун РЎЗИЕВ. – Тошкент:  
«Adabiyot» нашриёти, 2021. – 288 б.

ISBN 978-9943-6782-1-7

### **Масъул муҳаррир** Собир ЎНАР

Ушбу асарда тақдирнинг бутун зарбаларию ҳукмини сабр-тоқат, шукроналик билан қабул қилиб яшаган она ва қиз ҳаёти мисолида бутун бир мураккаб давр, зиддиятли характерлар, инсонларнинг шафқатсиз томошатабалиги ёритиб берилади. Ялтироқ ҳою ҳаваслар ичида инсонийликнинг қандай йўқолиб кетиши ва унинг меҳр-муҳаббат туфайли қайтадан барпо бўлиши ҳақидаги ҳақиқат воқеалар ривожда англашилиб боради. Бахтли ва бахтсиз дамларда ҳам қалб асиллигини сақлаб қолиш қанчалар муҳим эканлиги ҳақидаги бу роман ўқувчиларда чуқур таассурот қолдиришига ишонамиз.

УЎК: 821.512.133-32  
КБК: 84(5Ў)6

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
“Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-6782-1-7

© У. Рўзиев, 2021  
© “АДАБИҲОТ”, 2021

\* \* \*

199... йилнинг ёзида мен эндигина бешинчи синфни тамомлаган эдим. Онам деярли кун бўйи кашта тикиб ўтирарди. Мен эса онамга кўмаклашишни, ҳеч бўлмаса, игнага ип ўтказиб беришни, ҳар хил қийқимларга ўзимча кашта тикишни яхши кўрардим. “Кўлингга эҳтиёт бўл, қизим” деб огоҳлантирарди онам. Лекин барибир неча марталаб бармоқларимга игна санчиб олиб, юм-юм йиғлаган пайтларим бўлган. Шундай кезларда мендан ҳам кўра онамнинг юраги кўпроқ ачишар эди. Кейин ҳовлига чиқиб, қўлимдан келган юмушларни қилиб овунардим.

Ёз келса мазза – жазирама кунлар бошланиши билан гулдан гулга қўниб ўйнайдиган бир-биридан чиройли ҳашаротлар кўпайгандан кўпаяди. Мен шундай иссиқ кунда ҳам рўмолимни бошимдан ечмай, ҳовли этагидаги ўтлоқ оралаб, ҳар хил тусдаги капалакларни авайлабгина ушлаб, обдон томоша қиламан ва уларни яна қўйиб юбораман. Қизил, сариқ, кўк рангдаги турли ниначилар мен билан қувлашмачоқ ўйнамоқчидек атрофимда гир айланиб учишади. Анжир ёки наъматакнинг шохларига қўнганида яқинроқ бориб, уларнинг ҳарир қанотларини, шишасимон кўзларини томоша қиламан ва тутмоқчи бўлиб, секин кўл чўзганимда хушёр ниначилар “пир” этиб учади-ю, кўздан ғойиб бўлади. Бу каби ўйинлардан кейин бироз чарчганимда қадрдон челақчаларимни олиб, сойга югураман. Бу ерда ўзимни анчагина енгил сезаман. Муздай сувга оёқяланг тушиб олиб, роса кечиб ўйнайман. Баъзан кўйлагимнинг этаги шалаббо бўлса ҳам сув кечишдан тўхтагим келмайди. Сув остидаги майин қумлар оёғимнинг қафтларини қитиқлаши завқ беради. Худди шу ердан ўзимнинг сеvimли булоқчамни ҳам

топиб олганман. Булоқча гўё менга сирдош дўстдек бўлиб қолган. Ҳар куни бир неча марта шу ерга келиб, унга бир нималарни гапириб беришни хуш кўраман.

Ўша кунларнинг бирида ҳар доимгидек булоқ тепасига келиб энгашдим. Ундан ҳовучимга сув олиб ичдим. “Булоқча, бунча тиниқ, бунча чиройлисан? Сендай гўзал ҳеч қаерда йўқ”, – дедим сув юзини авайлаб силаб. Шу пайт сойнинг пастки томонида бир нотаниш боланинг сув кечиб, аста-секин мен томонга қараб келаётганини кўриб қолдим. Булоқ билан суҳбатимни тугатиб, челақларимни ялтиратиб қўйиш учун сув остидан сиқимлаб қум олиб, уларни ишқалаб юва бошладим. Кўз остимдан ҳалиги болага бир-икки қараб қўйдим-у, лекин таниёлмадим. Бу ерлик болаларга ўхшамайди. Эғнидаги кийимлари ҳам бошқача, худди ҳозиргина дўкондан олгандек яп-янги. Бола салгина энгашиб, сув остидан ниманидир қидираётганга ўхшарди. У шу қўйи сув кечиб, менга яқинлашиб қолди ва таққа тўхтаб, бир зум индамай турди. Мен унга қарамасдан юмушимни қилавердим. Бола, совуқ сувда оёқлари совқотди чамаси, сув ёқасидаги қуёшда қизиб турган харсангтош устига бориб ўтирди.

– Ҳой қиз, – деди у ниҳоят мени чақириб, – бу ерда балиқлар борми?

– Йўқ, бу ерда балиқ бўлмайди, – дедим мен ҳамон унинг юзига қарамасдан. – Хув баландроқда ҳовуз бор, ана ўша ерда бўлса керак. У ерда болалар чўмилишади, лекин сувни роса лойқалатиб ташлашади.

Сойнинг юқори томонида катта ҳовуз бор – ариқларга сув чиқариш учун қурилган. Ёз келди дегунча ҳамма болалар ўша ёққа югуришади. Илгари, дугоналарим кўп бўлган вақтлари, мен ҳам қизлар билан ўша ҳовузга кўп борганман. Ўғил болалар кетган пайтда биз қизалоқларга Худо берарди: кўйлақларимизни еч-

май, мазза қилиб чўмилардик. Ўғил болалар ҳовузнинг чуқур жойларига бориб чўмилишни яхши кўришади, энг чуқур жойига борганлари мақтаниб ҳам қўйишади. Бизга эса саёз жойи ҳам бўлаверади. Офтоб куйдирай деганда қизлар билан сув сепишиб чўмилиш қанчалар роҳат. Кейин уйга етгунимизча кўйлақларимиз ҳам қуриб қоларди. Онам ҳовузга бормаслигимни тайинларди. Аммо у ерга бориб чўмилганимни кўпинча ҳали қуриб улгурмаган сочимдан билиб қолар эди. Сочимни қуритиб уйга кирганимда ҳам барибир билиб қоларди ва дакки берарди. Онамнинг койишлари ҳам ёқимли эди, уришяптими ё эркалаяптими, деб ўйлардим.

– Ҳаҳ, қурғур, яна ҳовузга бордингми? – дерди онам кулимсираб.

– Ая, сеҳргармисиз, сочим ҳам, кўйлагим ҳам купуруқ-ку, қаердан билиясиз? – дердим ҳайрон бўлиб.

– Лойқа сувда чўмилибсан, қара, бетинг қовундай тўрлаб кетибди.

Шундан сўнг мен ҳовуздан чиққач, сойнинг тиниқ сувига юзимни ювиб келадиган бўлдим. Бироқ шунда ҳам онамни алдаб бўлмасди.

Нотаниш болага ўша ҳовузни айтаётган эдим. Шу пайт сойнинг нариги қирғоғидан бизнинг синфимизда ўқийдиган Маҳмуд деган бола югуриб ўтиб қолди. Ёз эндигина бошланди-ю, унинг ярим яланғоч бадани офтобда чалмадай қоп-қорайиб кетганини қаранг.

– Эй, Марка, Алиш билан Шерка шу ердан ўтишмадимми? – сўради у тез чопганидан пишнаб.

– Йўқ, кўрмадим, – дедим ҳамон челагимни кум билан ишқаб юварканман.

Маҳмуд юқоридаги ҳовуз томонга қараб чопқиллади. Тош устида ўтирган бола эса ҳайрон бўлиб жилмайди.

– Нега у сени Марка деб чақирди? Марка конвертга ёпиштириладиган қоғоз-ку.

– Болалар шундай дейишади, – дедим хижолат бўлиб.

– Ҳе, ғалати эшитиларкан. Исминг нима ўзи?

– Марям.

– Уйингдагилар ҳам Марка деб чақиришадими?

– Йўқ, отам Марям деб, онам бўлса Биби Марям деб чақиради.

– Ўхў, битта қизда шунча исм бўлишини биринчи марта эшитишим.

– Ўзингнинг отинг нима?

– Анор.

Менинг кулгим қистади. Бунақа исмни биринчи марта эшитишим эди-да. Ичимда кулсам ҳам бола сезиб қўйди.

– Нега куляпсан?

– Қизларнинг отига ўхшаркан, – дедим.

– Ҳечам-да. Анора десанг, қизларнинг исми бўлади. Меники эса Анор – ўғил боланинг исми, билдинг. Анави юқоридаги ҳовли сизларникими?

– Ҳа.

– Дарахтларинг кўп экан.

– Ҳм.

– Менга қара, сизларда ёнғоқ борми?

– Йўқ.

– Эй, рўмолингни ечсанг-чи, ҳаво жуда иссиқ-ку. Сенинг рўмол ўраганингни кўриб, мен терлаб кетяпман. Гапиришингга ҳам халақит беряпти, юзинг ҳам кўринмайди.

– Э, йўқ, – дедим баттар ғужанак бўлиб.

– Майли, ўзинг биласан. Ҳа, айтганча, бизникида ҳам дарахтлар кўп. Лекин мевасини ейишнинг иложи йўқ, бувамдан рухсат тегмайди. Ёнғоқнинг-ку яқинига ҳам йўлаб бўлмайди: “Ёнғоқ кузда пишади, мезон

шамолини емагунча унга тегманглар”, – дейди. Кузда мен шаҳарда бўламан-ку.

Шунда унинг ростдан ҳам бу ерлик эмаслиги, афтидан, шаҳарлик эканлигини тусмолладим.

– Қаерликсан ўзинг? – сўрадим унга бир-икки қараб қўйиб.

– Ойим шу ерлик бўлган, дадам эса шаҳарлик. Шунинг учун шаҳарда турамиз, Тошкентда. Ҳов анави пастроқда яшайдиган Мели бувани танийсанми? Ана ўша киши менинг бувам бўлади. Ёзда шаҳар жуда иссиқ бўлади-да. Уйимиз тўққизинчи қаватда. Қишлоқда эса мазза экан.

– Тошкент чиройлими?

– Ҳа, чиройли. Ўзинг ҳеч борганмисан у ерга?

– Йўқ, фақат эшитганман.

– Нечинчи синфда ўқийсан?

– Олтинчи синфга ўтдим.

– Мен бўлсам еттинчи синфга. Эҳ, аттанг, ёнғоқларинг йўқ экан-да. Ёнғоқни жуда яхши кўраман. Йўқ, ейишни эмас, ёнғоқ ўйнашни ёқтираман.

– Лекин гилос ва ўрикларимиз бор.

– Пишганми, еса бўладими?

– Бўлмасам-чи, юр, олиб бераман.

Мен юмушимни тўхтатиб, иккала челақчамни ҳам булоқдан тўлдириб олдим.

– Пақирларингни менга бер, ўзим кўтараман, – деди Анор. Мен челақлардан бирини унга тутқаздим.

– Вой, манглайингга нима қилди? Йиқилдингми? – дедим пешонасининг ўнг томонидаги қип-қизил доғни кўриб.

– Э, қўявер, бу хол-ку. Исмин ҳам шунга қараб қўйилган, – деб у бепарвогина қўл силтаб қўйди.

Биз сойдан чиқиб, ҳовлимиздаги дарахтлар ёнига бордик. Мен унга меваларнинг энг пишганларини, энг

ширинларини териб беришни истардим. Шаҳарлик боланинг бу ерда зерикаётганини, болалар билан танишиб, киришиб кетолмаганини ич-ичимдан сезиб турардим. Мен ҳам ўртоқларим кўплигида зерикмасдим. Улар билан ўйнамай қўйганимдан бери ўзим билан ўзим овуниб юраман. Шунинг учун ҳам ҳозир унинг аҳволини ҳаммадан ҳам кўра мен яхшироқ тушунсам керак. Яхшиям, шу дарахтлар бор, яхшиям, ҳар хил мевалар ранг очиб қолган. Бўлмаса, мана бу болакай шу ҳовлига келармиди, у билан тил топишиб, яхшигина гаплашиб ўтирармидик? Одатда, чор атрофида тенгқурлари кўп бўлатуриб, лекин биронта ўртоғи бўлмаган, уларнинг ҳеч биридан тотли сўз эшитмаган одам ана шундай ҳаяжонга тушади. Мен учун бу боланинг эски қадрдонлардай гаплашиб, бирга ўйнаши қорбобонинг қутилмаган совғасидай бўлди. Бу тасодифдан бениҳоя шодланиб: “Яхши бола экан, ишқилиб, тез кетиб қолмасин-да, ҳар куни келсин, у билан ҳар доим бирга ўйнайлик”, дея кўнглимдан ўтказмоқда эдим. Шунинг учун ҳам уни хурсанд қилиш, ширин меваларни териб бериш истагида ўрик шохига маймундай сакраб чиқиб кетдим.

– Ма, мана буларни илиб ол, – деб энг баланд шохлардаги сара пишган ўрикларни териб, пастга ташлай бошладим.

– Вой-бў, манави гилосларни қара, шохларини кўтаролмай қолибди, – деди Анор кўзлари чақнаб.

– Ол, олиб еявер.

Анор бир дона гилосни олиб, татиб кўрди-ю, юзи бужмайиб кетди.

– Қип-қизил бўлсаям аччиқ экан, – деди у чайнанини зўрға ютиб.

– Баландроқдаги қорамтир бўлиб пишганларини олсанг-чи.



– Дарахтнинг танасини роса елим қоплаган экан, чиқаман деб тағин ёпишиб қолмай.

– Унда, ҳозир, шошмай тур, ўзим олиб бераман.

Мен ўрик шохларига осилиб, пастга тушдим ва чаққонлик билан гилос шохларига тирмашиб, юқори-га чиқдим. Пишиб, қорамтир тусга кирган гилосларни териб, пастга ташлайвердим.

– Қалай, аччиқ эмас эканми? – дедим пастга қараб.

– Нордонроғ-у, лекин мазали экан, – жавоб қилди Анор ўтлар орасига тушган гилосларни териб кафтига артиб еярган.

Шу пайт кўча эшик тарақлаб очилди-ю, отамнинг овози эшитилди.

– Гулшан, қаердасан? – дея у бақирганча онамни чақирди.

Одатда отам маст бўлиб келган пайтлари гоҳида эшикдан бақириб киради. Кўпинча ёнида икки бақалоқ улфати ҳам бирга келади. Англадимки, отам бугун ҳам тўйгунча ароқ ичиб келган. Ҳа, ростдан ҳам шундай эди. Отам эшикдан чайқала-чайқала кирди. Шериклари ҳам қип-қизариб, изидан киришди. Онам шўрлик уйдан оёқяланг чопиб чиқди. Ўрик дарахти тагидаги чорпояга кўрпача ёзди. Отам билан шериклари чорпоя устига чўзилишди. Онам зир югурганча дастурхон ёзишга чоғланди. Отам маст бўлиб келганда доим шунақа бўлади: онам оёғи куйган товукдай типирчилайди. Отамнинг бирон жанжални бошлаб қолишидан чўчирди чамамда. Менимча, отамнинг ичида аламлари кўп эди, ана шуни ароқ билан енгмоқчи бўларди. Аламининг ўтини ароқ ҳам босолмаса, онамга зуғум қиларди. Аямай сўккан, дўқ урган пайтлари ҳам кўп бўлган. Бечора онамнинг ана шундай хархашалардан юраги зада бўлиб қолган эди. Айниқса, анави бақалоқ ўртоқларининг олдида ҳақоратласа, онам кўз ёшини

яшириб, йиғлаб-йиғлаб олади. Мен эса ҳаммасини кўриб, сезиб тураман. Шунда ўғил бола бўлиб туғилмаганимга, онажонимга ҳимоячи бўлолмаганимга чексиз афсусланаман, ичимни ит тимдалайди.

– Йиғиштир дастурхон-пастурхонингни, – деди отам кўлини силтаб, – бизнинг қорнимиз тўқ.

– Ҳа, бизнинг қорнимиз тўқ, – дея масхаралагандай қийқиришди шериклари ҳам.

– Бор, ундан кўра муздай сув олиб кел бизга, – деди отам қорнини силаб.

Шундай пайтларда отам ё муздай сув ичиб ҳовурини босади ёки “чалоб тайёрлаб бер” деб бақиради. Ҳовлимизда на бир сигир, на қўй, на бирорта эчки бор. Лекин онам буни важ қилиб ўтирмайди. Қўшнилардан биронтасиникига чиқиб, чакки олиб келади-да, сув кўшиб, кўкат аралаштириб чалоб тайёрлаб беради. Отам билан шериклари чалобни хўриллатиб ичишади. Хайриятки, ҳозир чалоб эмас, муздай сув сўради. Ўчоқхонадаги идишда турган сув илиб қолган бўлса керак. Онам атрофга қараб, мени ахтара бошлади. Мен шошиб дарахтдан сакрадим ва ўтлар орасига тушган гилосларни териб, Анорга тутқаздим. Менинг бесаранжом бўлиб қолганимни кўриб, Анор қандайдир хавотирни сезгандай, энгашиб шоша-пиша меваларни кўйнига солди.

– Отам келди, меҳмонлари ҳам бор, мен бориб қарашим керак. Сен энди уйларингга бора қол, – дедим шивирлаб. – Эртага яна кел, хўпми, сенга ширин-ширин ўрикларни териб бераман.

Анор гўё бировнинг боғидан ўғирлик қилгандай энгашганча чошиб кетди. Мен сойга тушиб, челақларимни булоқдан бошқатдан тўлдириб олдим-да, онамнинг олдига югурдим. Онам битта челақни чойчўмич билан бирга чорпоя устига қўйди, иккинчисини ошхонага олиб кириб кетди. Отам билан шериклари навбати билан муздай сувни денгиз қирғоғида қолган

балиқдай тамшаниб симиришди. Шериклари қоринларини силкитиб кулишарди, нега кулаётганларини эҳтимол ўзлари ҳам билишмаса керак. Кейин отам жиддий тортиб, болишга ёнбошлади.

– Хотиндан ёлчимадим-да, Турдибой, – деди отам ҳар доимги дийдиёсини бошлаб. – Худо менинг пешонамга яхши хотин битмаган экан. Аввалгиси икки қизчасини етаклаб, қочди-кетди. Буниси касалдан чиқмайди. Камига яккаю ёлғиз боласини ҳам куйдириб ўтирибди. Буларни тузатгунча озмунча харажатга тушдимми. Ўзи шундоғам бўйнимгача қарзга ботиб юрган бўлсам.

– Хотин қаҳатми, Шопўлат. Истасанг буни ҳам қўйиб, бошқасини ол, – деди шоп мўйлабли улфати. – Ҳозир кимга тегишини билмай юрган хотин кўп.

– Эҳ, дардимни билмайсан-да, Мавлонкул, – отам болишни ғижимлади. – Буни қўйиб юбориш осон, биринчисидан оғзим куйганидан кейин бу билан ҳатто никоҳдан ўтмаганман, муллага ўқитиб олганман, холос. Лекин ҳадеб хотин алмаштираверишдан нима наф? Буларнинг ҳаммаси бир гўр, турган-битгани харажат. Илгариги топиш-тутишим бўлганда-ку, ўзим билардим-а. Қандай замонлар эди – еганим олдимда, емаганим ортимда. Унча-мунча пулнинг бетига қарамасдим. Шаҳардаги базадан ҳар куни дўконларга юк олиб келиб тарқатардим. Одамлар эҳтиёжига қараб арзонроқ нархда у-бу нарсаларни олиб келиб беришимни илтимос қилишарди. Ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмасдим. Бировлар тўй қилаётган бўлса бир-икки қоп қанд-қурс, беш-олти яшик ароқ-коньякми, тўп-тўп мато дейсанми, олиб келиб берардим. Қирқта-элликта шиферларни насияга бериб юборган пайтларим ҳам бўлган. Пулини бермай кетганларга ҳам индамай қўяверганман.

– Ҳа, сенинг қўлинг очиқ эди, – деди Мавлонқул отамнинг гапларини маъқуллаб. – Бутингдан туя ўтиб кетса кўрдим демасдинг.

– Биз савдо ходими эдик. Савдода тангилик бўлгани дуруст, қўлинг қанча очиқ бўлса, шунча барака киради. Ҳозирги савдогарларни кўринглар. Тадбиркор эмиш булар. Бир қути гугуртни насиёга сўрасанг, ранги оқариб, оёғи қалтирайди. Биз ҳам савдода ишлаганмиз, унча-мунча нарсани одамлардан аяб ўтирмаганмиз, бунча хасис бўлмасанглар, дейман. Сиз давлатникини бергансиз, бизники хусусий мулк, дейди. Давлат ким эди? Давлат – халқ эди. Демак, ҳамма нарса халқники бўлган. Халқникини халққа бермай катта холангга беришим керакмиди, дейман. Сиз эски замоннинг одамисиз, биз ҳозирги замоннинг тадбиркоримиз, ҳозир отанг бозор, онанг бозор, дейди. Отанг билан онангни бозорга обчиқиб қўй бўлмасам, дейман.

– Ҳозиргиларнинг кўзи оч, Шопўлат, кўзи оч, – гап қўшади Мавлонқул. – Одамнинг кўзи тўймаса ўзи ҳеч қачон тўймайди.

– Ҳа, бизнинг назаримиз ҳам, кўнглимиз ҳам тўқ бўлган-да, Мавлонқул, ҳамма гап шунда. Замон ҳар доим шундай бўлиб туради, деб ишонганмиз. Бўлмаса, иттифоқ тугаётиб, ола-ол бошланган йиллари битта-яримта дўконни олиб қўймайманми. Ҳали савдо қанақа бўлишини буларга кўрсатиб қўяман. Олдин қарзларимдан қутулиб олай, кейин шундай ишлар қилайки, бир-иккита босар-тусарини билмай юрган янги бойваччалар тилини тишлаб қолсин. Фақат ҳозир сал омадим келмай турибди-да.

Турдибой бақириб қўшиқ хиргойи қила бошлади:

*Ўтди даврон, кетди даврон,  
Омад кетиб, қолди армон...*

– Вой-до-о-од, – дея қийқириб, унга жўр бўлади Мавлонқул.

Онам икковимиз девларнинг тузоғига тушган кийикдай дир-дир титраб ўтирардик. Кейин онам кечки овқатга уннаб кетди. Қозончага солинаётган масаллиқлардан билдимки, мастава пиширмоқчи. Албатта, гўшт солинмайди. Чунки кўпинча уйимизда гўшт бўлмасди. Отам ойда бир марта озгина гўшт олиб келар, онам эса шуни ҳам тежаб-тергаб бир неча кунги овқатга етказарди. Ҳатто онда-сонда палов пиширганда ҳам гўшт ўрнига картошка ёки шолғом солар эди. Лекин ҳеч қачон турмушимиздан нолимасдик. Биз ана шундай муштумзўр ва ғарибона ҳаётга кўникиб қолган эдик.

\* \* \*

Ўша куннинг эртасига эрталабдан Анорни кутдим. Булоқ бўйига бир неча марта бориб келдим. Дарахтларга ҳам дам-бадам чиқиб-тушдим. Ўрикнинг энг баланд шохига чиққанимда сой томонга қайта-қайта разм солдим. Соининг нариги қирғоғидан бир тўп болалар ҳовуз томонга чопиб ўтишганда улар орасидан Анорни қидириб синчиклаб қарадим, лекин у кўринмади. Айвонда кашта тикиб ўтирган онамнинг ёнига бориб, ип турадиган қутичани титкиладим. Игналарга ҳар хил ипларни ўтказиб, тикишга тайёрлаб қўйдим. Буюртма билан кашта тикиб ўтирган онам менга бир-икки қараб қўйди-ю, индамасдан ишини давом эттираверди. Онам бу ишни тирикчилик вазидан қиларди. Қизларини турмушга узатишга тайёрланаётган аёллар унга кашта тикиб бериш учун буюртма беришарди. Бу ҳам бўлса келинлик сепини безаш учун қилинадиган қадимдан қолган одат. Шуни билардимки, илгари бу ишни бўй етган қизларнинг

ўзлари қилишган, улар йиллар бўйи келинликка ҳозирлик кўришган. Кашталар ёстиқларнинг бош томонига ҳошия қилиниб, тахмонларга териб қўйиларкан. Тўй қилган хонадоннинг узоғу яқинлари келиннинг қанчалик эпчил, дид-фаросатли ва баракали эканини тиккан кашталарию сўзаналарига, жимжимадор қўлрўмолларига қараб билишар экан. Ҳозирги қизлар эса бундай ишларни хуш кўришмайди. Гўё бу эскирган одат, замонавий қизларнинг бу каби кераксиз юмушларга эҳтиёжи ҳам, вақтлари ҳам йўқ. Жуда бўлмаса уларнинг оналари тўй куни уялиб қолмаслик учун онамга ўхшаган чеварлик қилувчиларга буюртма бериб, уч-тўртта кашта тиктириб олишарди. Бундай буюртмалар ҳам кун сайин камайиб борарди. Шошқалоқ қизлар ва уларнинг оналари кўҳна одатлар ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасдан, бош-адоғини билиб бўлмайдиган тайёргина фабрика кўрпа-ёстиқларини дўкондан сотиб олиб, сеп деганини алламбало нарсалар билан бир кунда тўлдириб қўя қолишмоқда эди. Онам, гарчи урфдан қолаётган бўлса ҳам, кашта тикишни менга ҳам ўргатиб борарди. Менга аввал ипларнинг ранглари танилашни, игнага ўтказишни, кейин турли қий-қимларга гуллар тикишни ўргатди. Ҳар ҳолда у, бирга ўйнаб-қувнайдиган ўртоқлари бўлмаган мендек қизга шу ҳам бир овунчоқ бўлишини ўйлаган бўлса керак. Айни вақтда эса онам менинг нимадандир безовта бўлиб, кашта тикишга ҳам ҳафсала қилмаётганимни оналик қалби билан сезиб турарди-чамамда.

– Қаерларда юрган эдинг, қизим? – сўради онам менга қарамасдан.

– Сойга бориб келдим, – дедим хушламайгина.

– Кечаги бола ким эди, мактабда бирга ўқийсизларми?

– Йўқ, бирга ўқимаймиз. Шаҳарлик бола, Мели бува деган одамнинг набираси экан.

– Э, ҳа, қариндошлариникига келибдими?

– Ҳа, – дея жавобни қисқа қилдим. Одатда, мен бир саволга ўн жавоб ҳозирлаб, бийрон-бийрон бидирлашни яхши кўрардим.

Кейин мен яна челақларимни олиб, сойга югурдим. Оёқяланг сув кечиб юрдим. Муздайгина сув оёқларимга хуш ёқарди. Аммо якка-ёлғиз сув кечиб юриш ҳам барибир зерикарли. Анордан эса ҳамон дарак йўқ эди. Оёқларим сувда бўлса ҳам, иссиқлаб кетдим. Рўмолимни ечиб, майсалар устига қўйдим-да ҳовучимга тўлдириб-тўлдириб сув олиб, юзимни чайдим. Рўмол остида кигиздай бўлиб кетган сочларимни ҳам сувга ботиргим келди, бироқ бунга улгурмадим.

– Марям, чўмиляпсанми? – деди қирғоқда туриб кимдир.

Мен овоз келган томонга қарадим-у, Анорни кўрдим. Бола менинг шу пайтгача рўмол остида яширинган, энди эса бус-бутун очиқ турган чап юзимга кўзи тушиб, сесканиб кетганини пайқадим ва рўмолимни олиб, челақларимни ҳам эсдан чиқариб, ҳовлига қараб югурдим. Дарахтлар тагидаги ўтлоққа ўзимни ташлаб, йиғлашга тушдим. Анор бир зум ҳайратдан қотиб турди-ю, кейин сакраб сойга тушди ва менинг челақларимни олиб, ортимдан аста келди. Менга яқинроқ келиб, ўтлар устига ўтирди. Мен аллақачон рўмолимни ўраб, юзимни яшириб олган эдим. Боланинг келганини кўриб, юзимни терс ўгириб ўтириб олдим.

– Нега келдинг? – дедим ҳиқиллаб.

– Нимага унақа дейсан? – ҳайрон бўлди бола.

– Тепада пойлаб турган экансан-да?

– Ҳечам пойлаганим йўқ. Ҳамма болалар юқоридаги ҳовузга чўмилгани боришаркан, мен ҳам ўша ёққа бордим.

– Бор, ўшалар билан ўйнайвер.

– Йўқ, энди бормайман. Улар мени, баданинг оппоқ экан, қиз болага ўхшаркансан, деб масхара қилишди. Ёмон болалар экан.

– Сен билан ўйнамайман, кет, – деб боланинг кетишини ҳам кутиб ўтирмасдан ўзим у ерни тарк этдим.

Чорпоя устида йиғлаб ўтирсам, дард устига чипқон деганларидай, оқсоқланганча Соли амаки келиб қолди. У ҳар доимги одатича, кўча эшикни ўзи тақиллатиб, ўзи очиб, кириб келаверди. Бу одам отамнинг ўғай акаси, эҳтиёжмандларга пул бериб, ортиғи билан қайтариб олади. Уни судхўр деганларни ёқтирмайди. “Судхўру саррофлар қадимги подшолар замонида бўлган. Биз қайси замонда яшаяпмиз ўзи, тараққий этган замондами, замонавий мамлакатдами? Шундоқ экан, янги замон одамига эскича рутбани ёпиш ҳақорат бўлади, чироғим. Мен судхўрлик қилмайман, одамларга яхшилик қилиб, муҳтожлик юки бошига тушганда пул бериб, мушқулини осон қиламан. Ҳисобли дўст – айрилмас дўст, деган ҳикматга монанд, мен пулни кредит қилиб бераман. Ахир, замоннинг зайли шундай, ҳеч ким пулни кўчадан супуриб олмайди, ҳозир ҳар кимнинг ўз тирикчилиги бор. Тирикчилик айб эмас. Қолаверса, бир муҳтожнинг кунига яраб, ҳожатини чиқариш ҳам савоб”, – дея у ўзининг қилиб юрган амалини чандон оқлаб, кўкларга кўтариб мақтаб юради. Одамлар унга рўпара келиб қолганда мулозамат билан саломлашсалар-да, орқасидан кинояли кулиб, унинг “савоб”лари ҳақида латифанамо гапларни гапиришадди. Соли амаки одамлар пул сўраб келганида тилхат ёздириб олиб, сўралган пулни бериб юборади-ю, келишилган вақт яқинлашганида мижознинг ўзи келишини кутмасдан, унинг уйига бориб, келишувни обдон эслатиб қўяди. Саломини ҳам пулга чақадиган



бу одамдан отам ҳам қарз олган. Шундан бери амаки ойда бир-икки марта келиб, йўқлаб кетади.

– Одамларга яхшилик қилиб қарз берасан-у, кейин раҳмат эшитиш ўрнига орқасидан югурасан, – деб гап бошлайди ҳар гал у амри маъруф ўқишга келган мулладек салобат билан. – Қарзни фоизи билан қайтараман деб лафз қилиб олгансан, чироғим, шу эсингдами? У пул ҳар куни фоиз ишлайвериб, катта ботқоққа айланиб кетди, иним. Сени бу ботқоқдан ким қутқариб оларкин, ҳайронман. Мен-ку, акалик қилиб фоизлардан кечиб юборишим ҳам мумкин эди, лекин ўзинг кўриб турибсан, ҳозир ҳаёт – бозор, бу – ўзинг учун ўл етим, дегани. Энди таниш-билиш, оға-иничилик деган нарсалар кетмайди. Бу нарсалар бўлса, унинг бозорлиги қоладими? Тўғри, сен билан икковимиз ака-укамиз, аммо бунинг пулга дахли йўқ. Бозорчиликда чап қўл ўнг қўлга бегона – ўртадаги ҳисоб-китоб тўғри бўлса, муносабат ҳам яхши бўлади. Гапнинг индаллоси шуки, чироғим, бизнинг кредитнинг фоизларини олиб чиқ. Қолганини ҳам тезроқ қутулиш чорасини кўр, ҳадеб ароқ ичавермасдан. Бўлмаса, бир вақти келиб уй-жойингни сотиб ҳам тўлай олмай қоласан.

Отам жаҳли чиқса ҳам тишини-тишига қўйиб чидайди, айбдор одамдек қўл қовуштириб, индамай тураверади. Бир-икки сўм пули бўлса бериб юборади, бўлмаса, бирон кунни ваъда қилиб жўнатади. Амаки пинагини ҳам бузмай хотиржам кетади. Ҳар ҳолда у зарар кўрмайди. Яшашнинг ҳадисини олган бу одам пулини қайси пайт қандай қайтариб олишни яхши билади. У кетиши билан отам жаҳл отига минади. Худди ҳаммасига онам айбдордай бор аламини ундан олади. Онам эса бирон марта гап қайтармайди, ҳаммасини ичига ютади. “Шунинг учун ҳам онам бечора касалманд бўлиб қолган бўлса керак”, дердим ўзимга-ўзим.

– Қаёқданам шу касофатдан қарз олдим-а, – дея бошини чангаллайди отам. – Ака бўлгани билан ўгайда. Пул деса туққан онасини ҳам танймайди. Бунинг фоизлари деб тепа сочимгача қарзга ботдим. Бошқа бировдан қарз олганимда шу маҳалгача ортиғи билан қутулган бўлардим. Буникини адо қилиб бўлмайди-ку. Бунинг фоизлари қуёндай болалаб кетаверади...

Шу тобда мени ранжитган нарса, йиғлаб турганим устига Соли амакининг ҳукмфармон қиёфада кириб келиб, чорпоя устига чордона қуриб ўтириб олгани ҳам ёки ҳадемай бир-икки оғиз мақтанишу танбеҳга тўла гапларни айтиб, ҳамманинг дилини хуфтон қилиб кетиши ҳам эмас, балки у билан бирга ўғли Донабой – Дониш пакананинг думга ўхшаб эргашиб келгани бўлди. Ўзи мендан икки ёш катта-ю, лекин паканалигидан бўлса керак, бир-икки ёш кичкинага ўхшайди. Бурнидан доим икки ирмоқ оқиб туради. Кўпинча, отасининг орқасидан думдай эргашиб юради. Ўзи, нафсиламрини айтганда, менинг фалокатга йўлиқиб, бир умрга юзим айбли бўлиб, бирйўла тенгдошлариму болаликнинг ҳамма завқ-шавқларидан ажралиб қолишимга ҳам шу шумшик бола сабабчи бўлган. Аслида, аввалроқ мен ҳам бошқа қизалоқлар қатори чиройли эдим. Кўнғироқ сочларимга ҳамманинг ҳаваси келарди. Турли-туман қизиқарли ўйинлар ўйлаб топиб, кун бўйи ўртоқларимни зериктирмаганим, тўптошми, мак-макми, жамбилми – барча ўйинларни қойилмақом қилиб ўйнаганим, мактабда ҳам дарсларда бийрон-бийрон жавоб бериб, муаллимларимни қувонтирганим учун бўлса керак, яқин атрофдаги ҳамма қизлар, ҳатто ўғил болалар ҳам кўпроқ мен билан бирга ўйнарди. Дугоналарим сочларини менинг сочларимга ўхшатиб тарамоқчи бўлиб, қанча тароқларни синдириб қўйишарди ва опаларидан дакки эшитиб, ора-си-

ра калтак ҳам еб қолишар эди. Ана шундай мунаввар, бахтли ҳаёт бир кунда, бир лаҳзада чилпарчин бўлди, гўё қуёш ғарбдан чиқди, дарёлар тескари оқди, ёмғир ўрнига тош ёғди, дарахтлар япроқсиз, гуллар ифорсиз қолди...

\* \* \*

Ёзнинг чилласи, офтобнинг тиғида қолган қовжираган ўт-ўланлар “пуф” десанг “лов” этиб ёнаман, деб турган бир паллада Дониш пакана бурнини тортганча эшиқдан мўралади. Болалар бу бола кўзларига овсарга ўхшаб кўринганидан у билан ўйнашни ёқтиришмасди. Мен эса шу овсаргинанинг ҳам кўнглига қараб, бемалол ўйнайверардим. Бундан Дониш бениҳоя хурсанд бўлиб, ҳар куни шу ерга келишни канда қилмасди. Бир неча кун аввал бизнинг ҳовлимизга қаёқдандир келиб қолган мушук сомонхонамизга кириб болалаган эди. Мен буни мушук болаларининг ожизгина миёвлашлари қулоғимга чалинганда пайқаб қолдим. Қувончим ичимга сиғмасди. Бу хушхабарни онамга айтиб, нон ушоқларини ивитиб, мушукчаларга олиб бориб бериб турдим. Бир куни уларни Паканага ҳам кўрсатмоқчи бўлиб, уни сомонхонага бошладим. Мушукчалар сомонхонанинг қоронғи бурчагида эди. Менинг ортимдан борган Пакана сомонхона ичкарисига мўралади-ю, бироқ қоронғиликка киришга кўрқди. У, ҳозир, деди-да, чопиб бориб ошхонамиздан гугурт олиб келди. Кейин сомонхона эшигидан кирибоқ гугурт чақди. Ичкари бир муддат ёришиб турди. Унга ғира-шира кўринди. Мен мушукчаларни кўлимга олиб эркалаётган эдим. Паканани чақирдим: “Яқинроқ кел, яхшироқ кўрасан”, дедим. Барибир яқин келишга юраги дов бермади. Кўлидаги гугурт чўпи ўчатуриб бармоқларини чимиллатиб куйдирган бўлса керак, у

чўпни ташлаб юбориб, бармоқларига туфлади. Кейин қутичадан иккинчи чўпни олди. Аммо иккинчи чўпни ёқишга ҳам улгурмай, у ердаги бир тўп сомон “лов” этиб ёна бошлади. Пакана қўрқиб кетиб, урра қочди. Алангани кўриб, юрагим ёрилаёзди. Мен сомонхона ичида қолиб кетган эдим. Тутунни пайқаган онам сомонхона олдига югуриб келганида менинг чинқириб йиғлаётганимни эшитиб, ўзини аланга ичига урди. Бир зумда мени бағрига маҳкам босиб, олов қаъридан отилиб чиқди ва биз ерга ағанадик. Ёнғинни кўриб, югуриб келган қўни-қўшнилари бизнинг ёнаётган кўйлақларимиздаги оловни ўчиришди. Сомонхона эса бус-бутун ёнди.

Онам икковимизни марказга – Узумзордаги касалхонага олиб кетишди. Биз касалхонада анча вақтгача даволаниб ётдик. Отам кунора касалхонага бориб турди. Баъзан ярим кечаси маст бўлиб келиб шовқин кўтарар, докторларга, сенлар тез-тез даволамаяпсанлар, текинтомоқлар, деб дағдаға қилиб кетар эди. Шундай бўлса ҳам у докторлар неки дориларнинг рўйхатини ёзиб берса, Узумзордаги дорихонадан олиб келарди. Худди шу дамларда отам Соли амакидан қарз олишга мажбур бўлган эди. “Оловни сенинг овсар ўғлинг ёқди-ку”, деб айтиш отамнинг хаёлига келмаган, чамамда. Соли амаки эса ўғлини заррача айбдор деб ҳисобламасди. Одатда болалар бирор ножўя иш қилишганда, катталар, овсарми, абжирми, ҳамма болаларга бир хил қарашади ва кечиришади – бола-да, болалик қилган, деб. Дониш пакананинг ана шу “болалик” қилиб қўйгани оқибатида мен сал бўлмаса ҳаёт билан хайрлашай дедим. Онам ўзининг чандиқларидаги оғриқларга ҳам парво қилмасдан, уззукун мени ўйлаб қийналарди. Мен куйишдан олган жароҳатлар бераётган азобдан деярли ухлаёлмасдим. Эндигина кў-

зим илинган заҳоти оғриқдан инграб юборар, ёнимда мижжа қоқмай, юрагини ҳовучлаб ўтирган онажоним мени тинчлантиришга уринарди. Онам гоҳида менга тикилиб туриб, сўнг тескари ўгирилганча овоз чиқармай юм-юм йиғлаётганини сезиб қолардим. Қўл ва оёқларимдаги куйган жойларни дори суришаётганда кўриб қолардим. Онамнинг: “Ҳадемай тузалиб кетади, жоним қизим, кўрмагандай бўлиб кетасан” дея таскин беришларига ишониб, тинчланардим. Лекин юзимдаги куйиш асоратини ҳали кўролмаган эдим: турли нарсаларни баҳона қилиб, мени кўзгуга яқин йўла-тишмасди.

– Биз имконимиздаги ҳамма ҳаракатни қилдик, аммо куйган терини асл ҳолига қайтариш қўлимиздан келмайди, – деди доктор бизга касалхонадан жавоб бераётган куни.

– Шуёғига ҳам раҳмат, доктор, қизимнинг жони омон қолганига шукур, – деди онам ўзга чора йўқлигидан хўрсиниб.

Кун иссиқ бўлишига қарамасдан онам менга енглари узун кўйлак кийдириб, бошимга рўмол ўраб қўйди. Касалхонадан чиқаётганларга одатда шундай қилишса керак, деб ўйладим мен. Ўзимни рўмоли ияги остига танғилган кампирлардек тасаввур қилсам-да, лекин уйга қайтаётганимдан кўнглим чоғ эди. Бир эски шалдироқ автобусда уйимизга етиб олдик. Ҳовлимиз тўзғиб ётарди. Қоп-қорайиб куйиб кетган сомонхонанинг куллари ҳар ёққа сочилган, ўша куни оловга сув сепиш учун ишлатилган челагу тоғоралар думалаб ётар, буларни саришта қилиш учун онам икковимиз анчагина тер тўкишимиз зарурлиги кўриниб турарди. Отам, ташқари ҳаддан ортиқ иссиқ бўлгани учун бўлса керак, уй ичида болишга ёнбошлаб ётган экан. Эшик-деразалар очиб қўйилганидан елвизак эсиб турарди.

Биз салом бериб, ичкарига кирдик. Мен отамни кўриб хурсанд бўлдим, бироқ унинг юзида хурсандчиликни кўрмадим. Отам менга қараб бақрайиб қолди. Хонтахта ёнига бориб ўтирдим. Онам отамдан ҳол-аҳволини сўраган бўлди. Отам эса бош ирғаб қўйди-да, ҳамон мендан кўзини узмасди. Мен хижолат бўлиб, кўзимни олиб қочавердим. Отам хонтахта устидаги совиб қолган чойдан бир пиёла қуйиб ичди, кейин бизга ҳам қуйиб узатди. Унинг тунд юзига қараёлмасам-да, ҳамон менга тикилаётганини сезиб турардим. Мен аста ўрнимдан туриб, ташқарига чиқдим.

– Барибир ҳеч нарса қилишолмабди-да, – деган гапи қулоғимга чалинди отамнинг.

– Ёш бола-ку, аста-секин яхши бўлиб кетар, – деди онам. У бу гапни йиғлагудай бўлиб айтди.

– Бизнинг докторлар юз йиллаб орқада қолиб кетган бошқалардан. Булар игна санчиш-у одамларни шилишдан бошқасига ярамайди. Қўлларидан ҳеч нарса келмайди-ю, яна шу чала хизматига уялмай пул сўрайди. Илгари пул сўраган докторларнинг пешонасидан отишарди. – Отамнинг нега бундай деётганини ўшанда англамаган эдим.

Онам ортимдан ҳовлига чиқиб, тезда ишга киришиб кетди. Менга сойдан сув олиб келишимни буюрди. Челақларимни олиб, қадрдон булоғим томонга қушдай учдим.

– Сувни кечмай тур, Биби, ҳали яраларинг битмаган, – дея қичқирди онам хавотир олиб.

Шу чоғда роса сув кечиб ўйнагим келаётган эди, аслида. Онамнинг айтганини қилиб, челақларимни булоқдан тўлдириб олдим-да, изимга қайтдим. Онам фаришта аёл эди, уйнинг бесаранжом бўлиб ётишига асло чидамасди. Биз аввал ҳовлини, сўнг уй ичини супуриб-сидирдик, сочилиб ётган идишларни жой-жой

йига кўйдик, чанг босиб кетган қозон-товоқларни яхшилаб ювдик, эшик-деразаларгача артиб, уйимизни ёғ тушса ялагудек қилиб кўйдик. Ҳамма юмушларимизни тугатганимизда қоронғи тушиб, сойдаги қурбақалар басма-басига қуриллай бошлаган эди. Онам пиширган карам шўрвадан бир-икки қошиқ ичдим-у, қаттиқ чарчаганимдан ухлаб қолибман. Эрталаб эса...

Эрта тонгда ҳаммадан аввал турдим, десам онам аллақачон уйғониб, чой дамлаб, чорпоя устидаги дастурхонга қўяётган экан. Отам эса ҳовлида кўринмайди, бугун якшанба бўлгани учун саҳарлаб бозорга кетган бўлса керак. Эшик олдидаги обдастага қаноат қилмай, югуриб бориб сойдан юз-кўлимни ювиб келдим.

– Нега рўмолингни ўрамадинг? – деди онам чойнакдаги чойни қайтараркан.

– Ўрагим келмаяпти, ая, – деб ичкарига кириб кетдим. Иссиқ кунда рўмол ўрашни ҳечам истамаётган эдим-да. Ундан кўра сочимни чиройли қилиб тарайман, капалакчали тўғноғичимни тақаман. Бироздан сўнг кўчага чиқиб, дугоналаримни кўраман, мазза қилиб ўйнаймиз. Уларни соғинганман, ахир. Улар ҳам мени соғинишган бўлса керак. Шуларни ўйлаяпман-у ҳозироқ кўчага отилиб чиқиб кетгим келяпти. Токчадан тароғу тўғноғичларимни олдим. Қувончим ичимга сиғмай, кўзгу олдида бордим. Аммо...

Кўзгуда кутилмаганда бегона бировни кўргандай сесканиб, бир неча қадам ортимга тисарилиб кетдим. Сал бўлмаса оёғимдан мадор кетиб, йиқилаёздим. “Ҳали уйқум очилмабди, кўзимга ажина кўринди шекилли”, деб ўйладим. Кўрқа-писа яна кўзгуга яқинлаша бошладим. Ҳа, яна ўша қиёфа. Буёғини айтиб беришга юрагим бетламайди. Лекин, майли, бошладимми, айтақолай. Кўзгудан менга... юзининг ярми қовжираган... ялмоғиз кампир қараб турарди. Ярми таниш юз, ярми

эса нотаниш башара. Мен ойнада ўзимни кўриб турганимга ишонгим келмасди. Аммо шафқатсиз ҳақиқат шу қиёфа ўзимники эканини уқтирган лаҳзада кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. “Йўқ, бу мен эмас, мен эмас...” дея чинқириб юбордим ва гиламча устига ўтириб қолдим. Онам чинқиригимни эшитиб югуриб келди-ю, пойгакда қотиб қолди.

– Ая, – дедим ҳали ўзимга келолмай, онамдан нажот кутгандай бир алфозда, – энди мен шундай бўлиб қоламанми?

– Қандай?.. – деди онам шошиб қолиб ва бу саволнинг залворидан боши ғувиллаб кетди чоғи, ҳолсизланиб деворга суяниб қолди.

– Бетим... – дея олдим, холос.

– Тузаласан, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан, ҳали яраларинг битгани йўқ, жон қизим, йиғлама, – деб онам мени юпатмоқчи бўларди-ю, лекин ўзи мендан ҳам баттар йиғларди. Она-бола бир-биримизни опичлаб кўзёш тўқдик.

Менга енглари узун янги кўйлак тиктирилди, янги рўмол олинди. Мен рўмолни бошим билан юзимга шундай ўраб-чирмадимки, сочларим, бўйним ва чап юзим бутунлай беркилди. Фақат ўнг юзим очиқ турар ва атрофни ҳам фақат бир кўзда кўрадиган бўлдим. Уйдан бир қадам чиққим келмас, кўзгу яқинига боришни ҳам истамас, ҳеч ким билан ўйнашни ҳам, гаплашишни ҳам хоҳламас эдим. Фақат ҳар замонда деразадан ҳовлига қараганимда, ёниб кул бўлган сомонхонага кўзим тушиб, даҳшатли манзара хаёлимга келар ва сесканиб, шартта юзимни ўгириб олар, унсиз йиғлардим. Ўзимдан ҳам кўра аланга ичида қолиб кетган мушук болаларига кўпроқ юрагим ачишар эди.

Рўмол билан чандиқларимни бекитиб юришга ўрганганимдан сўнг илк бор ҳовлига чиқиб, гуллар



ва ўтларнинг хушбўй ҳидлари анқиб турган ҳаводан нафас олдим. Сойга тушиб сув кечдим. Кўчага чиқиб, ҳар куни болалар билан мазза қилиб ўйнайдиган майдончага бордим. Бу ерда ҳар доим ўғил болалар билан қиз болалар бирга ўйнашарди. Болалар мени кўриб югуриб келиб ўраб олишди. Мен уларни жуда соғинган эдим. Бироқ болалар мен билан ўйнашга эмас, жароҳатимни кўришга кўпроқ қизиқишарди. Рўмолимни аста кўтариб, ярадор юзимни кўриб олишга улгурганлари ҳам бўлди. Кўрганлар кўрқиб кетишди. Бу кўрқувнинг даҳшати оғиздан-оғизга ўтиб, гўё менинг юзим эртақлардаги ялмоғизнинг жодусига учраб, бадбашара махлуққа айланиб қолган маликанинг қиёфасидек тасаввур пайдо қилгани қулоғимга етиб келди. Инсон боласи барибир ожиз банда-да: менинг ярадор юзимни кўришга катталар ҳам уялмай қизиқа бошладилар. Болаларнинг ўзларини бундай тутишларидан, одамларга томоша бўлишдан юрагим безиллаб қолди. Шундан сўнг болаларнинг олдига бормай кўйдим, кўчага чиқсам ҳам, ўйнагани чиқмайман. Менинг бахтиёр кунларим поёнига етганини тушундим. Алвидо, менинг таъби нозик дўстларим, алвидо, завқли ўйинларга тўла хушнуд дамларим!

Ўқиш бошланганда мактабга ҳам рўмол ўраб борадиган бўлдим. Ҳатто дарс вақтида ҳам рўмолимни ечмадим. Муаллимлар менинг аҳволимни тушуниб, рўмол ўраб юришимга рухсат бера қолишди. Юзимнинг ярмини рўмол ёпиб тургани учун доскадаги ёзувларни гоҳида бир кўзда кўраман, китобларни ўқиётганда эса рўмолни секин суриб, иккинчи кўзимни очаман. Менинг рўмол ўраб юришим синфимиздаги баъзи ўйинқароқ, бетамиз болаларнинг ғашини келтирарди. Улар танаффус бўлди дегунча менинг ортимдан пушиб келиб рўмолимни тортиб қочишар: “Қаранглар,

Марканинг бетини кўриб қўйинглар” деб масхара қилишарди.

- Эй, Марка, бошингдаги рўдапони еч.
- Марка, рўмолингни бериб тур, доскани артиб қўяй.
- Паранжингни қачон ташлайсан, Марка? – деб

жиғимга тегишарди улар.

Ҳасадгўй қизларнинг эса жони кирарди. Айниқса, Санобар деган синфдошим гўёки ҳусн бобида яккаю ягонага айлангандек ўзига янада кўпроқ оро берарди. Болаларнинг қилиқларидан хўрлигим келиб, бошимни қайси деворга уришни билмасдим, дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетарди. Охири мактабдан бутунлай безиб қолдим. Китоб-дафтарларга қарашга ҳам, болаларни кўришга ҳам истагу иштиёқим мутлақо қолмади.

– Бу мактабга энди ҳеч қачон бормайман, ая, бошқа жойга кетайлик, – деб йиғладим мен ниҳоят сабрим тугаб.

– Озгина чидагин, қизим, тийиқсиз болалар бир куни тийилиб қолишар, – деди онам йиғлағудай бўлиб. – Бошқа қаёққа ҳам борамиз? Бош уриб борадиган бирор кўнгилтортар яқинларимиз бўлмаса. Эъзоз тоғанг иккаламиз етимликда ўсганмиз. Шаҳарда яшар эдик, ҳозир у ерда ҳам бошпанамиз йўқ.

– Ана, тоғам бор-ку, – дейман ногаҳон йилт этган йўлчи юлдузни кўргандай.

– Тоғаннинг йўриғи бошқа, болажоним. Тўғри, у бизга меҳрибон, лекин иши кўп, илмга шўнғиб кетган. Бошқа иложи ҳам йўқ эди-да. Эъзоз иккаламиз тортган азобларни ҳеч кимга раво кўрмайман. Шундай қийноқлардан қутулиш йўлини тоғанг фақат илмда кўрган бўлса керак, болам. Кечалари темирйўл омборига бориб юк ташиб, кундузи вақт топди дегунча китобга мук тушарди. Шу азобларда ўқишини тугатди. Энди бўлса чет элга бориб, яна ўқийман деётган эди.

У йўлини топиб олди, энди тўхтамайди. Мен эса отанг билан танишганимиздан кейин бу ёқларга келиб қолдим. Ҳозир отангнинг ишлари бироз юришмай турибди. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, қизим.

Онам отам ҳақида ҳеч қачон ноҳўя гап айтмайди. Фақат унинг бир кун келиб ишлари яхши бўлиб кетишини истайди. Аслида мен отамнинг қизи эмасман, онамнинг биринчи турмушида туғилганман. Опа-ука шаҳарда ҳаёт машаққатларини тортиб юрган бир лаҳзада онамнинг қаршисида бир хушрўй йигит пайдо бўлган. Онам ёши ўтиб қолаётгани боис оғиз солган йигитнинг насл-насабини кўпам суриштириб ўтирмай, шундоққина кўз ўнгидаги бўй-бастига ишониб қўя қолган. Муҳаббатнинг кўзи кўр, жилвалари алдоқчи бўлади, хушёр бўлмаган киши панд еб қолади, деганлари рост экан. Йигитнинг ўзини тутиши, одобу муомаласи аввалига онамни маҳлиё этган-у, аммо тўйдан кейин кўп ўтмай, буларнинг бари йигитнинг юзидаги ниқоб экани аён бўлибди. Оқ отдаги шаҳзода аслида фарибгар ва ўғри бўлиб чиқибди. У гоҳо ичкиликка мук тушиб, гоҳо бир балоларни чекиб кунда-кунора маст бўлиб келар, қўли ҳам югурик экан. У онам оғироёқ пайтида ҳам ҳеч бир сабабсиз дўппослаб туришни қанда қилмабди. Она бўлганидан кейин ҳам бир куни аёвсиз калтаклаган ва онамни умрбод дардга мубтало қилган экан. Кейин кўп ўтмай шериклари билан бир қинғир иш устида қўлга тушиб, қамалиб кетибди. Онам чеккан барча қийноқларидан Эъзоз тоғамни воқиф этмаган. Кейинроқ тақдир мазлума онамнинг истиқболига ҳозирги ўғай онамни бошлаб келган. Уларнинг қисматлари ўхшаш бўлган. Биринчи кўришганларидаёқ ўғай отам ҳаётидаги бор ҳақиқатни рўй-рост айтиб берган экан. Унинг оиласи, икки жажжи қизалоғи бўлиб, турмуши ҳам эл қатори кеч-

ган. Аммо ўша хотин борига қаноат қилмасдан, фаровон ҳаётни орзу қилиб, қизалоқларини етаклаган-да, уч-тўртта сатанг хотинларга қўшилиб, чет элга кетган. Ўшандан сўнг отамнинг ичи дардга тўлган, кўнглига чироқ ёқса ёришмайди.

Онам ўгай отамга турмушга чиқиб, Боғишодга келганимизда мен эрта-индин мактабга борадиган кичкина қизалоқ эдим. Аввалига бир-икки ой отам бизга фақат яхши муомалада бўлди. Онамга мулоимлик билан гапирар, мени эркалатиб, кунда-кунора хўрозқандми, бирон майдароқ ўйинчоқми олиб келар эди. Лекин, менимча, бошлаган янги турмушидан кўнгли тўлмади. Аста-секин ичидаги алам уни енгиб, ҳасрати сиртига чиқа бошлади. У ҳаётидан, тақдиридан койиниб, ўчини кимдан олишни билмасди.

– Минг лаънат ҳаммасига, хотин зотининг ҳаммаси бир гўр. Мен эркак эдим, эркаклик ғуруримни топтаб кетди, мени яксон қилиб кетди, ярамас, – деб қичқирганча аввалги хотинини лаънатлаб, қўлига илинган нарсани ҳар ёққа отадиган одат чиқарди. Кечагина бизга хушфеъл бўлиб кўринган одам энди жаҳлнинг жилови йўқ бир махлуқдай тасаввур уйғотмоқда эди. Мен, кетайлик бу ердан, деб хархаша қилардим. Онам эса мени сабр қилишга, буларнинг ҳаммасига кўни-кишга даъват қиларди ва охир-оқибат бунга эришди ҳам. Назаримда, шўрлик онамнинг бошқа чораси ҳам йўқ эди. Икки марта турмуш қуриб, икковида ҳам оғзи куйган муштипар онам энди буёғига сув келса симириб, тош келса кемириб, турмушнинг борки муштлирига бардош бериб яшашни афзал кўрди, деб ўйлайман. Отам эса қаршисидаги бундай ожизликни суиистеъ-мол қилиб, қаҳру ғазаби кундан-кун авжига чиқарди.

У илгари дўконларни ҳар хил нарсалар билан таъминлайдиган давлат идорасида ишлаган ва шу вайдан шаҳарга тез-тез бориб тураркан. Эски тузум

барбод бўлгач, замоннинг зайли билан отам ишлайдиган идора ҳам ёпилган. Унинг омади юришмай, боши гангиб қолган. Давлат ихтиёрида бўлган кўп нарсалар одамларга мулк қилиб сотиб юборилган-у, сармояси борлар уларни арзон-гаровга сотиб олишган. У ўз вақтида тежаб-тергаб, бир-икки сўм пул жамғариб қўёлмаганидан надомат қиларди. Отам ора-сира ўзига ўхшаган омади чопмаганлар билан кўча-кўйда улфатчилик қилиб, маст бўлиб келадиган бўлди.

Онамнинг мени юпатишларидан таъсирландим. Бундай йиғи-сиғиларимнинг бефойдалигини, қайтага бундан ўзимдан ҳам кўра онамнинг хаста кўнгли чандон эзилишини, бизнинг тақдирнинг ҳар қандай синовларини лаббай деб кутиб олишдан ўзга чорамиз йўқлигини бола қалбим билан пок-покиза англаб етдим. Шундан кейин мен бошқа хархаша қилмай кўйдим. Юзимни рўмол билан чирмаб юришга ҳам, болаларнинг ҳазил-мазахларига ҳам, тенгқурларим билан кўнгил ёзиб ўйнай олмаслигимга ҳам чидадим ва бора-бора буларнинг ҳаммасига кўникдим. Мен ўқишга аввалгидан ҳам шиддатлироқ киришиб кетдим. Барча изтиробларни енгишга китоблардан куч олаётгандек, танаффусларда ҳам, уйда ҳам китоблар ичига шўнгиб кетардим. Кутубхоналар унутилган оролдек мунғайиб қолаётган, не-не китоблар саҳифалари очилмай эскириб кетаётган бир пайтда менинг дардкашим ҳам, бирга ўйнаб-қувнайдиган қадрдон дўстим ҳам, беминнат маслаҳатгўйим ҳам китоблар бўлиб қолди. Ҳар ҳолда, китоблар мен билан бугун бирга ўйнаб, эртага ташлаб кетмайди, мендан ижирғанмайди ҳам, масхара ҳам қилмайди. Қачонки кўнглим таскин истаганда ёхуд шукроналик туйганимда онамга ўхшаб фақат Худога илтижо қилишга одатландим: *Оллоҳим, бу дунёда неки дилозорлик бўлса, барининг ажрини бергувчи Ўзингсан!*

\*\*\*

Соли амаки ўрик соясида ўтириб, ўзининг қанчалик саховатпешалигию одамлар уни умрбод алқаб юришлари кераклиги, қарздорлар олган пулларини ўз вақтида қайтармаса, бир куни хонавайрон бўлиши мумкинлиги ҳақида узундан-узоқ насиҳат айтиб турганида кўчадан отам келиб қолди. Бу сафар у, хайриятки, маст эмас эди. Қаердадир тирикчилик учун биронта юмуш қилиб келяпти шекилли, чарчагани юз-кўзларидан сезилиб турарди. Бир-икки сўм пул ҳам ишлаган чамаси, бир жуфт ҳандалак ҳам олиб келибди. Унинг кўзи қутилмаган меҳмонларга тушиши билан авзойи ўзгарди ва бир дам ногаҳон қўлга тушган ўғридек кўча эшик олдида серрайиб қолди. Кейин секин бориб, амаки билан саломлашди-да, чорпоянинг бир четига ҳорғин ўтирди. Соли амаки ўткир насиҳатлари билан уни сийлади. Дониш пакана суқланиб, чорпоя устида турган ҳандалакларнинг олдига борди. Биттасини қўлига олиб, ҳидлаб кўрди. “Мишиғи оқиб турган бурни ҳид сезармикан?” деган гап ўтди хаёлимдан. Отам чўнтагидан пичоқчасини олиб, ҳандалакни тиликлади. Бир тилигини Паканага, бир тилигини амакига узатди. Кейин яна, яна тиликлади.

– Бу зомича деганлари жуда хуштаъм нарса бўлади, – деди амаки димоғини қириб. – Қайсидир йили мен ҳам ҳовлимга уч-тўрт туп эккан эдим. Яхши тугди. Айни пишай деганда Зайни ғилайнинг ялмоғиз сигири ҳовлига кириб, экинларни пайҳон қилгани етмагандай, зомичаларни ҳам паққос туширибди. Ғилай ҳам кўрадиганини кўрди. Охири сигирини сотиб, пулини бериб қутилди. Шундан бери ҳеч нарса экмайман. Мен экиб, бировнинг моли ҳузурини кўрсинми? Ҳовлида беш-олти туп дарахт бор, шунинг ўзи кифоя. Уларга мол-ҳолнинг бўйи етмайди.

Ота-бола битта ҳандалакни еб бўлишгач, Дониш иккинчи ҳандалакни ҳам қўлига олиб ҳидлай бошлади. Отам унисини ҳам тиликлаб, меҳмонларга узатиб турди. Лекин тиликлар тобора юққалашиб борарди. Шундай бўлса-да, ота-бола иккинчи ҳандалакнинг ҳам учдан икки қисмини еб бўлишди. Мен эшик панасида уларни кузатиб, ютиниб-ютиниб қўярдим.

– Жонивор, ўзи митти бўлгани билан шундай асалки, қанча еганинг билан тўймайсан, – деди Соли амаки лабини ялаб. – Бўлди энди, ўзларингга ҳам қолсин. Ҳа, мен шунақа танги одамман, бировнинг ҳақини емайман. Нима бўлса элга бўлсин, эл қатори менга бўлсин, дейман-да. Менинг кимлигимни билган билади, билмаган ўзи билади.

Соли амаки кетишга чоғланди. Отам атрофга аланглади, буни дарров тушундим, отам мени ахтарётган эди. Чопиб бориб, обдастани кўтариб, сув қуйишга чоғландим. Соли амаки шира бўлган қўлларини ювди. Пакана ҳам қўлию лабларини хўллади, бироқ шунда ҳам тепа лаби устидаги икки “ирмоқни” ювмади. Менинг эса ғашим келди. Паканани ҳар сафар кўрганимда кўз олдимга олов ичида қолиб кетган бечора мушук болалари келаверади ва кўнглим бузилади. Ҳозир ҳам шундай бўлди: мен шундоққина рўпарамда ожиз мушукчаларнинг қотилини кўриб турардим.

Отам чўнтагидан озгина пул чиқариб, Соли амакига бергач, у кекирганча ҳовлидан чиқди ва унинг изидан Пакана ҳам равона бўлди. Кейин отам чорпоя устида қолган бир бўлаккина ҳандалакни учта тиликклади. Бир тиликни ўзи еб, икковини мен билан онамга қолдирди. “Кўрган ошнинг куюги ёмон, дейишади, – деди отам. – Олинглар, ўзимизга шуниси ҳам етади”. Мен ўзимга теккан бир тилик ҳандалакни анча вақтгача ҳидлаб ўтирдим. Хушбўй ҳиддан кайфиятим кўтарилди.

Мен бир неча кун сойга тушмадим, булоқдан сув ҳам олиб келмадим. Зўр бериб кашта тикдим. Гоҳ-гоҳ бармоқларимга бехосдан игна санчилиб кетса елкам учиб тушар, яна индамай ишимни давом эттираверардим. Онам кўз қири билан мен томонга назар ташлаганда ҳаракатларимдан кулгиси келаётганини сезиб турардим.

– Кўлларинг чакич урилган патирдай бўлиб кетди. Каштани қўй, бор, ўриклар тўкилган бўлса териб кел, – деди онам менинг хаёлим паришонлигини пайқаб.

Мен ҳам худди шу буйруқни кутиб тургандай, каштани тахмонга қўйдим-да, челагимни олиб сой томонга кетдим. Булоқ ёнига тушиб, у ёқ-бу ёққа қараб олдим. Қуйироқда Анорнинг сув кечиб юрганини кўрдим. У энгашиб олиб, сувдан ниманидир қидираётганга ўхшарди. Мен челагимни булоқ лабига қўйиб, сувга термилиб ўтирдим. Тип-тиниқ сув юзида сув қўнғизлари қувлашмачоқ ўйнаётгандек айланишарди.

– Эй, Биби, нега кўринмай қолдинг, бирон жойга кетганмидинг? – деди Анор. У узоқдан мени кўриб югуриб келганди.

– Йўқ, уйда эдим, – дедим унга қарамай. – Нега келдинг?

– Ие, гапинг қизиқ бўлди-ку. Нима, мендан хафамисан? Ахир, мен сенга биронта ёмонлик қилмаган бўлсам.

– Нега рўмолимни ечганимда келганингни билдирмай қараб турдинг?

– Бу нима деганинг?

– Энди сен ҳам мени масхара қиласанми?

– Қўйсанг-чи, унақа гапларни. Қара, қанча итбалиқ тутдим, – деб у қўлидаги шиша банкани кўрсатди. Банка ичидаги сувда бир ҳовуч итбалиқ сузиб юрарди.

– Нима қиласан уларни?



– Шунчаки, бошқа нима ҳам тутиш мумкин бу ердан. Қўйиб юбораман, ҳозирча шунинг ичида ўйнаб туришсин.

Мен эндигина ўзимга яхши дўст топдимми деганимда у ҳам кетиб қолдимикан, деб ўйлаб, сиқилиб юрган эдим. Унинг яна ҳеч нарса бўлмагандек келиб гап-лашаётганидан кўнглимга илиқлик югурди. Уни ўриқларнинг энг ширинлари билан меҳмон қилгим келди.

– Ўриқларимиз жудаям яхши пишибди, юр, олиб бераман, – дедим ўрнимдан туриб.

Мен дарахтдан олтиндай товланиб пишган бир ҳовуч ўриқни териб, челақдаги сувга ташладим. Анор ўтлар устига чордона қуриб олиб, ўриқларни мақтаб-мақтаб еяверди.

– Биби, юзингга нима қилган? – сўради у гап орасида ва кейин яна, хафа қилиб қўймадиммикан, деган хавотирда мен томонга зимдан қараб қўйди. Мен жавоб ўрнига юзимни терс ўгириб олдим. – Майли, хоҳламансанг жавоб берма, шунчаки сўрадим-қўйдим-да. Хафа бўлмагин тагин.

– Йўқ, хафа бўлмайман, – дедим ниҳоят лўнда қилиб. – Сомонхонамиз ёнганда олов ичида қолиб кетганман, бўлди, шу.

Анор абжирлик билан гапни бошқа нарсаларга буриб кетди. Шу пайт сойнинг нариги қирғоғидан бир тўп болалар тупроқ чангитиб ўтиб қолишди. Уларнинг кўзлари мен билан Анорга тушиб, гап отишди.

– Ҳой, шаҳарлик, қиз бола билан ўйнаяпсанми?

– Ўзингга қиз болага ўхшаркансан-да.

– Ўйнайвер, унинг сендан бошқа бирга ўйнайдиган дугонаси йўқ ўзи...

– Бор, йўлингдан қолма, – деди Анор ва кейин мендан изн сўраб, чаққонлик билан дарахт тепасига чиқиб кетди.

Кейинги куни ҳам бир неча марта булоқ бўйига тушиб чиқдим, аммо Анор кўринмади. Тушга яқин сойнинг қуйи томонига қараганимда қизларнинг қийқиришиб чўмилаётганини кўрдим. Улар кўйлақларини шалаббо қилиб, яйраб чўмилишарди. Лекин уларнинг олдига бориш бефойда. Агар борсам, мен ҳам кўйлагим билан ўзимни сувга ташлайман, бироқ рўмолим билан чўмилмайман-ку. Рўмолимни ечганимдан кейин эса қизларнинг бутун диққати менинг юзимда бўлади. Шунда уларнинг қийқириқлари сўнади, ўйинлари совийди, чўмилишнинг завқи қолмайди, кейин уй-уйларига тарқалишади. Бунга сен сабабчи бўлаётганингни зимдан сезиш нақадар оғир. Йўқ, ундан кўра бормаганим маъқул. Дарахт соясида ўтириб, уларнинг кетишларини кутдим. Анча вақтдан сўнг қизлар кетишди. Мен дарров сойга тушиб, сувнинг оқими бўйлаб кечиб боравердим. Мели буванинг уйини биламан, ёнғоқларининг шоҳлари сой томонга осилиб турадиган ҳовли. Ўша ёнғоқларга етишим билан юқорига тирмашиб чиқдим ва ҳар томонга алангладим.

Бир пайт нарироқдан таниш овоз мени чақирди:

– Ие, Биби, нима қилаяпсан бу ерда?

Чўчиб тушиб, овоз келган томонга қарадим. Анор нарироқда ёнғоқлар соясидаги ўтлар орасида дам олиб ётган экан. У ёнимга келиб ўтирди.

– Ёнғоқ тагида ухлама, эсинг оғиб қолади, – дедим.  
– Нега бугун бизникига бормадинг?

У индамади, негадир хомуш, хаёли фаромуш кўринарди. Уй олдидан эса хотин кишининг йиғлаб, ниманидир тушунтирмоқчи бўлаётгани, Мели буванинг эса ғазаб билан койиётгани эшитилиб турарди.

– Нима бўлаяпти у ерда? – дедим кўнглим бир нотинчликни сезиб.

– Э, ҳар куни шунақа жанжал, – деди Анор хафа бўлиб.

Ёлвориб йиғлаётган аёл Анорнинг онаси Башорат хола экан. Анор менга бу машмашанинг боисини, онасининг қандай қилиб тошкентлик бўлиб кетганлигини айтиб берди. Башорат хола мактабни битиргунча Боғишоддан бир қадам чиқмаган оддий қишлоқ қизи бўлган, лекин бошқаларга ўхшаб содда эмас, ўзига яраша шаддодгина, тутган ерини узадиган, чўрткесар бўлган экан. Уларнинг шаҳарда бирор бир яқинию танишлари ҳам бўлмаган. Мактабни битиргач, институтга кирмоқчи бўлганида Мели бува рухсат бермаган. “Бегона жойда бетартиб бўлиб кетасан. Қиз бола мактабни тамомласа бўлди, у ёғига ўқиши шарт эмас. Рўзғорни эркак тебратади, хотин киши диплом олиб, дунёга устун бўлармиди. Йиғиштир дийдиёнгни” деб уришган. Башорат хола кечаю кундуз дод-фарёд қилиб, охири онасининг кўмагида Мели бувани кўндирган. Кейин Тошкентда қариндошлари бор дугоналарига эргашиб, у ерга кетган. Омади чошиб ўқишга ҳам кириб олган. “Илоё, ўқишга киролмай қайтиб келсин” деб илтижо қилиб ўтирган Мели бува баттар тажанг бўлиб қолган. Башорат хола институтда ўқиб юрганида тошкентлик бир йигит билан бир-бирларига кўнгил кўйиб, аҳду паймон қилишибди. Ўқишни битириш арафасида йигит Боғишодга совчи юборган. Бундан Мели буванинг фиғони фалакка кўтарилган.

– Мен шунча йил қизимни ўзим танимаган етти ёт бегонага бериб юбориш учун боқиб катта қилдимми? – деган Мели бува совчиларни оғиз очишга ҳам қўймай.

Лекин Башорат хола аҳдидан қайтмаган.

– Мен аҳду паймон қилганман, берган сўзимдан қайтмайман, ўлдирсангиз ҳам шу йигитга тегаман, – деган.

– Аҳд қилгансан? – деган Мели бува ҳам ғазаб отига миниб. – Менинг аҳдим-чи? Сен мактабда ўқиб юрганиндаёқ қиёматли ўртоғимнинг ўғлига сени

бераман деб лафз қилиб қўйганман. Шаҳарга бориб ўқийман, дединг, кўндирдинг. Энди бунисини кечириб бўлмайди. Сен менинг юзимга оёқ қўйдинг, лафзимни булғадинг. Энди мен нима деган одам бўлдим? Қиз боққунча ит боқсам бўлмасмиди?

Башорат хола барибир ўша йигит билан турмуш курган. Тўйларига Мели бува бормаган, бошқаларни ҳам боришга қўймаган. Аммо онасининг илтимоси билан бир-иккита қариндошлари яширинча бориб келишган. Улар куёвни ҳам, унинг ота-оналарини ҳам оғзиларидан бол томиб мақташган. Шунда онасининг у томондан кўнгли анча таскин топган бўлса-да, бу томондан ғам-андухга тўлган: Мели бува қизининг бу хонадонга қайтиб қадам босмаслигини тайинлаган. Башорат хола орадан шунча вақт ўтиб, мана энди юрак ютиб келган экан. Бироқ Мели буванинг кўксидаги тош йиллар ўтиб ҳам эримабди.

– Ойим ҳар куни бир йиғлаб олади, ялиниб-ёлворади, бувим ҳам ойим тарафида, лекин барибир бувам кечирмаяпти, – деди Анор хўрсиниб.

Ҳовлидаги бақир-чақир, йиғи-сиғи ҳамон тинмаяпти.

– Боламни олиб борсам кўнгли юмшаб қолар, деб ўйладингми? Бекор айтибсан. Сен мени оёқости қилиб кетдинг, ғуруримни ер билан яксон қилдинг. Энди буни тиклаб бўлмайди, – деди Мели бува қаҳр билан.

– Мен бир бетайин, бедавога тегмадим-ку, – дея қон йиғларди Башорат хола. – Турмушим яхши, оилам тинч, рўзғорим бут. Сиз мени узатмоқчи бўлган ўртоғингизнинг ўғли ҳеч қаерда ўқимаганидан чет элга бориб, ишлаб пул топиб келаман, деб боридан ҳам айрилиб қайтибди-ку. Энди ўзинг бориб пул топиб кел, деб хотинини четга жўнатиб юборибди. Хотини бир этак боласи билан эрини боқиш учун қайси юртда нима юмушларни қилиб юрганини ким билади? Менга шу ҳаётни раво кўрганмидингиз, ота?

Мели буванинг тоқати тоқ бўлди, шекилли, жаҳл билан уй ичига кириб, эшикни қаттиқ ёпди. Башорат хола супага ўтириб олиб, онасининг кўксига бошини қўйганча йиғлайверди. Мен бу аянчли манзарани ортиқ томоша қилгим келмай аста изимга қайтаётган эдим, Анор тўхтатди.

– Шошма, Биби, сенга бир нарса бераман, – деди у ва чопиб дарахтлар орасига кириб кетди. – Қара, сенга нима олиб келдим, – деди бирпасдан сўнг қайтиб келиб. Унинг қўлидаги елим халта қаергадир кўмиб қўйилган бўлса керак, тупроқ юки бўлиб ётарди. Халта ичидан миттигина китобчани олиб, менга узатди. – Бу дуолар китоби. Ма, ола қол, бу сенга.

– Қаердан олдинг? – дедим китобчани олиб у ёқ-бу ёғига қарарканман. Китобчанинг муқовасига ростдан ҳам “Нажот келтирувчи дуолар” деб ёзиб қўйилган эди.

– Бувамнинг китоблари орасидан олдим.

– Ўғирлаб олдингми?

– Йўқ, шунчаки олдим, вассалом. Э, бувамда бунақа китоблардан сон мингта. Бир кучоғини олсанг ҳам камайиб қолмайди.

– Нима қиламан уни?

– Бувимнинг айтишича, бундаги дуоларни юз марта ўқиган одам ҳар қандай яхши ниятига етишар экан.

– Ростданми?

– Бўлмасам-чи, буни мен ўзимда синаб ҳам кўрдим. Бир уни чала пишган олмани еб, кейин қорним оғриб қолган эди. Шунақаям қаттиқ оғридики, ўлиб қолай дедим. Бувим кафтларини тўлдириб-тўлдириб исирикнинг донини чайнатди. Бирам заҳар экан, бирам заҳар экан, барибир фойдаси бўлмади. Кейин эса қўлимга мана шу китобчани берган эди. Маккапоянинг орасига ётиб олиб, оғриқни тўхтатишини сўраб, кечгача тўхтамай дуоларни ўқидим. Юз мартадан кўпроқ

ўқидим-ов, билмадим, эллиқдан кейин адашиб кетдим-да. Дуоларни деярли ёдлаб ҳам олдим. Қоронғи тушай деганда қорнимнинг оғриши таққа тўхтади. Шундан бери бу китобни эсимдан чиқармайман. Сен ҳам ниманидир чин кўнгилдан хоҳласанг, мана шу китобдаги дуоларни юз марта ўқи, кўрасан, сен истаган нарса, албатта, бўлади.

Мен рўпарамда гўё буюк сеҳргар сўзлаётгандек, кўпдан бери ахтариб юрган нажоткоримни топгандек унга қулоқ тутиб турардим. Китобчани маҳкам ушлаб бағримга босдим ва мени изтироблардан халос қилгувчи, ҳамма истакларимни муҳайё этгувчи бир туйғу кўнглимга киргандек бўлди. Шундан сўнг, бу табаррук китоб менинг доимий ҳамроҳимга айланди. Мен ётганимда ҳам, турганимда ҳам китобчани қўлимдан қўймасдим. Унда шундай дуолар бор эдики, гўё ўқиганим сайин шеър ёдлаётгандек завқланардим. Анорнинг: “Юз марта ўқиган одам яхши ниятига етишади” деган гапи қулоғим остида жаранглаб турар ва мен уни деярли ҳар куни юз мартадан ўқирдим. Мен дуоларни ҳар гал такрорлаганимда: “Художон, жароҳатларим бутунлай битиб кетишига, яна аввалги соғ-саломат кунларимга қайтишимга мадад бер” дея илтижо қилиб юзимга фотиҳа тортардим.

\*\*\*

Бу ёз мен учун, ҳар ҳолда, мароқли ўтди. Август ойи охирига, ишқомдаги хусайнига маза кириб қолган бир пайтда мен шундай яхши кунларнинг охирига бораётганидан хўрсиниб кўярдим. Тандир ёнида нон ёпаётган онамга ёрдамлашиб ҳали сув, ҳали рапида ва енгсаларни узатиб, ҳар битта нонга чакич уриб турган эдим. Иссиқ нон тандирдан узилаётганда ҳовли этагида Анорнинг шарпаси бир кўринди-ю, ғойиб бўлди.

Бир парча нон синдириб олиб, қўлларим куя-куя ўша томонга югурдим. Анор сойда итбалиқ тутиб ўйнаётган эди. Мен булоқ ёнига ўтириб қўлимдаги ҳовури кўтарилиб турган нонни иккига бўлдим ва бирини унга узатдим.

– Уф-уф, бунча иссиқ бўлмаса, – деди Анор қўллари куйиб.

– Буни мана бундай қилиб сувга ташласанг дарров совийди, – деб қўлимдаги нонни булоққа ташладим. Анор ҳам худди шундай қилди. Кейин муздай сувга бўккан нонни мақтаб-мақтаб едик.

– Жудаям мазали экан, – деди Анор нонни еб бўлгач лабини ялаб.

– Яна олиб келайми?

– Йўқ, раҳмат, қорним тўйди.

– Сеням аянг шунақа нон пиширадими?

– Йўқ, айтгандим-ку сенга, биз кўпқаватли уйда турамиз, деб. У ерда тандир бўлмайди. Бизникида кўпинча бўлка нон бўлади, дўкондан олиб келамиз-да. Кейин бизда бунақа булоқ ҳам йўқ. Биби, мен эртага кетяпман, – деди Анор ниҳоят хайрлашгани келганини билдириб.

– Қаёққа?

– Тошкентга, уйимизга.

– Кейинги ёзда яна келасанми? – дедим унинг юз-кўзларини эслаб қолишга киришиб, синчиклаб қарарканман.

– Билмадим, балки яна келарман, – деди Анор хўрсиниб. У нимадандир хомуш кўринарди. Чамаси, онасининг илтижоларию шунча кун овора бўлганлари бекор кетган, буваси эса сира юшмамаганга ўхшайди.

– Лекин мен сени унутмайман, сен ҳам мени эсингдан чиқариб юборма, Биби. – У итбалиқлар солинган шиша банкани менга бериб, ўзи бошини қуйи солганча сув кечиб, уйлари томонга кетди.

– Буларни нима қиламан? – дедим унинг ортидан бақириб.

– Сувга қўйиб юбор, – деди Анор тобора узоқлашиб бораркан ортига ўгирилиб.

– Банканг-чи?

– Сенда қола қолсин.

Мен Анор кўринмай қолгунча ортидан қараб турдим, сўнг итбалиқларни сойга қўйиб юбордим.

Шундан сўнг кунлар зерикарли кечди, юрагимни ғашлик тарк этмади. Онам ўчоқбошида мураббо қайнатаётганида мен дарахтлар орасида бироз куймаланиб юрдим. Ўрик ва гилос дарахтлари меваларини бус-бутун ҳадя этиб бу йилги хизматини адо этиб бўлганидан шохларини кўтариб хотиржам бўлиб олган. Энди мева улашиш навбати шафтолиларга келганидан улар шиғил мева тугган шохларини эгиб, салом бериб турибди. Мен тўкилган шафтолиларни тердим, кейин қовжираган ўтлар устига ётиб, осмонга кўз тикиб, хаёл сурдим. Онамнинг мен томонга қараб-қараб қўяётганини сезиб турибман. Биламан, дугоналаримдан узилиб, ёлғиз бўлиб қолганим онамни изтиробга соларди. Анорнинг қишлоққа меҳмон бўлиб келгани яхши бўлди. Ҳартугул, бир муддат ёлғизлик шамоллари мени четлаб ўтди. Энди мен билан ўйнайдиган яккаю ёлғиз ўша болани, гарчи ўғил бола бўлса ҳам, келгуси ёзгача кутишим керак. “У жуда беғубор бола экан. Нега ҳамма болалар унга ўхшаб яхши бола бўлишмайди? Нега ўқиш даври узоқ чўзилади-ю, таътил вақтлари бир зумда ўтиб кетади? У яна қайтиб келармикан? Қанийди, у шу ерга қўчиб келса-ю, бизнинг мактабимизда ўқиса. Балки, бошқа болалар ҳам ундан ўрнак олиб яхши бўлиб қолишармиди” дея энтикиб ўйлаётган хаёлларимнинг чеки йўқ эди. Лекин нима бўлганда ҳам, ёз поёнига етди. Буёғига энди ўқиш бош-



ланади. Яна ҳар куни мактабга бориш керак. Кузда бир нави-ю, қишда юпун кийинишга ҳам, оёқларим қор ва лойдан азоб чекишига ҳам чидашим мумкин. Лекин бардош топиш зарур бўлган бошқа нарсалар мени қийнарди: яна ўйинқароқ болаларнинг масхараомуз гапларию рўмолимни тортиб қочишларига, қизларнинг сездириб-сездирмай айирмакашлик қилишларига – ҳамма-ҳаммасига чидашим керак.

*Ўзинг менга сабр ва тоғларнинг тошидек бардош ато эт, Эгам!*

\* \* \*

Кўча томондан отамнинг бўғиқ овози эшитилди. Яна бошқа қийқириқлар ҳам қўшилганига қараганда, шериклари ҳам бирга келганга ўхшайди. Эшик очилиб, аввал отамнинг ширакайф юзи кўринди. У оёқда зўрға турарди. Шериги уни суяб ичкарига кирди. Иккинчи шериги эса уларнинг ортидан бир эчкини етаклаб кирди. Эчкининг иккита улоқчаси ҳам бор эди. Отам билан шериги бир-бирини суяб, чорпояга бориб ўтиришди. Онам ҳайрон бўлиб қараб турган эди, отам ўшқириб берди: “Нега бўзрайиб турибсан, ол, эчкини кўрага боғла”. Онам ўчоқнинг оловини тортиб қўйиб, шошилганча эчкини шохидан ушлади. Мен ҳам югуриб бориб, онамга кўмаклашдим. Эчкини улоқчалари билан кўрага қамадик. Улоқчаларни кўриб, севиниб кетдим. Бири оқ, бири қора, бирам чиройли. Уларни галма-галдан кўтариб ўйнайман, қувончим ичимга сиғмайди. Чорпояда отам билан шериклари қийқиришади.

– Бизга чалоб олиб кел, – деб бақирди отам.

“Онам чалобни қаёқдан олади?” деб ўйладим. Отам сигиримизни сотиб юборганидан бери уйимиздан оқлик узилган. Лекин онам шошилганча кўчага чиқиб кетди-да, бирпасдан сўнг қайсидир қўшнени-

кидан бир коса чакки олиб келди. Чаккини челақдаги сувга аралаштириб, бир чимдим туз сепиб, кўкатларни тўғраб солса, бир челақ чалоб бўлади. Онам чалобни тайёрлаб, челаги билан чорпоя устига қўйди. Отам билан шериклари дам-бадам чалобни косаларга қуйиб ичишарди. Ҳар ичганда танлари яйраб, қийқириб ҳам қўйишарди. Чалоб тугагач, отам қўлидаги чинни косани ўчоқхона томонга қарата улоқтирди, коса чилчил синди. Биз бунга ўрганиб қолганмиз – отамнинг “раҳмати” шу. Отамнинг мақтаниб гапиришларидан шуни тушундимки, бозорга қайсидир узоқроқ тоғли қишлоқдан келган бир содда чолнинг эчкиларини бу учовлон кўз остиларига олишибди. Сўраган нархларига чол сотмагач, булар зимдан ҳеч кимни шу эчкиларга харидор бўлишга қўйишмабди. Даллолларга шивирлаб қўйишган экан, улар эчкиларни ерга уриб пачакилашибди: “Сотмай қайтариб олиб кетсангиз, уйингизга етгунча ўлиб қолади”, – дейишибди. Бозор охирлаб қолганда бечора чол ноиложликдан эчкиларни буларга арзон-гаровга бериб кетибди. Эчкиларнинг бир нечтасини отамнинг улфатлари олишибди. Анали эчки билан иккала улоғини отам етаклаб келаверибди.

– Ҳаммасини бор-йўғи биттагина эчкининг пулига сотиб олдик, – деб отам қаҳ-қаҳ отиб куларди. – Савдо деганлари бундай бўпти-да. Ҳали кўрасанлар, мен катта савдо-сотикларни бошлайман. Ана ўшанда ҳамма менинг соямга салом берадиган бўлади. Шопўлатнинг кимлигини билмай юрганларнинг кўзларини мошдай очиб қўяман.

Шу гапларни эшитиб, ҳалиги эчки сотган чолнинг уйига қай аҳволда кетганини тасаввур қилардим ва унга раҳмим келарди. Лекин улоқчаларга қарасам, қувониб кетавераман. Анча вақтлардан бери қўрамиз-

дан бирон жонлиқнинг маъраши эшитилмай қолган эди-да.

Отам чорпоя устидаги чалобдан бўшаган челакни тешиб юборди.

– Ол бу ердан манави итялоғингни, эй, – деб бақирди.

Онам қаттиқ чарчаганми ёки эски дарди шу тобда кўзғалиб қолдими, ўчоқхонага кириб, бошини маҳкам чангаллаб, энтикиб нафас олаётган экан. Мен онамга қандай ёрдам беришни билмасдим. Дилобар холанинг уйига югурдим. Касалхонада ҳамшира бўлиб ишлагани учун, уйимизда ким бетоб бўлиб қолса, ўша аёлни қақриб келишга одатланганмиз.

Ҳамшира холанинг уйи олдида етганимда бўсағада бир лўли аёл билан қизалоғи турганини кўрдим. Назаримда, улар тиланчилик қилиб, эшик қоқишган-у, ҳамшира холанинг бирон нарса олиб чиқиб беришини кутиб туришибди. Қизчанинг бўйнидаги оппоқ мунчоққа бехос кўзим тушди-ю, юрагим “жиз” этиб кетди. Бу қизни дарров танидим, зоғорадай юзию жингалак сочлари ҳамон ўша-ўша, ўзгармабди. Лўлилар ҳар йили ёзда бизнинг қишлоққа қабиласи билан келиб, қир этагида чодир тикишади. Одамлар то улар чодирларини йиғиштириб кетмагунча ҳовлиларини бир кун ҳам эгасиз қолдиришмайди, эшикма-эшик юрадиган бу тиланчиларнинг ўғрилиқ қилишларидан чўчишади. Улар ўтган йили ҳам ёз бўйи қишлоқ айланишган, бизнинг ҳовлимизга ҳам неча марталаб бош суқишган эди. Охирги келганларида мен чорпоя устида ётиб, эски бир китобчани ўқиётган эдим. Она-бола қўлларидаги лўлитаёқни дўқиллатиб кириб келишди-да, рухсат ҳам сўрамасдан тўппа-тўғри чорпояга келиб ўтиришди. Онаси ҳавонинг иссиқлигидан нолиган бўлди, бир коса сув сўради. Мен чопиб бориб, булоқдан бир челак

муздай сув олиб келдим. Икковлари чўлдан келган туя билан бўталоқдай роса маза қилиб чанқоқларини қондиришди. Онам нон ёпаётган эди. То нон тандирдан узилмагунча булар ҳам кетақолишмади. Онам уларга бир жуфт иссиқ нон бергач, қўланса ҳид анқиб турган иркит хуржунларига солиб кетишди. Кечқурун мунчоғимни ахтариб қолдим ва ҳеч қаердан тополмадим. Шунда уни эрталаб чорпоя устига қўйганимни эсладим-у, унинг қаёққа ғойиб бўлганини энди пайқадим. Мен булоққа кетганимда лўли қиз мунчоғимни кўрган ва фурсатни бой бермай хуржунига жойлаган. Тамом, мен мунчоғимдан айрилдим. Бировларга яхшилик қиласан-у, улар сенинг яхшилигинг эвазига чиройли нарсангни ўғирлашади. Мен аламимдан юм-юм йиғладим, лекин онамга билдирмадим. Орадан анча кунлар ўтгандан кейин онам бўйнимда мунчоғим кўринмаётганлигини сўраганда: “Қаердадир узилиб, тушиб қолибди, балки сойга тушган бўлса, оқиб кетганмикин” деб қўя қолдим. Энди эса мана бу мўндининг бўйнида кўриб, аччиғим келди. Лекин, бу меники эди, деб қандай айтаман? Орадан шунча вақт ўтиб кетган бўлса. Нафсиламрини айтганда, энди бундай тақинчоқлар менга керак бўлармикан? Қанчалик товланмасин, у энди менга безак бўла оладими? Кошкийди зебигардонлар яккаю ягона истагимни бажо келтира олса. Шуларни ўйлаб, ичимдан тошиб келаётган ғазаб ва аламни босишга уринардим. Аммо... Барибир мунчоғимдан кўзимни узолмасдим, у лўли қизнинг қоп-қора бўйнида яна ҳам оқариб кетгандек кўринарди.

Дилобар хола бир-икки сўм қоғоз пул билан бир ҳовуч қурут олиб чиқди. Уларни лўлига узата туриб, менинг нима ташвиш билан келганимни сўради. Мен онамнинг аҳволини айтдим. Ҳамшира хола шошилиб уйига кирди-да, дарров қопчиғини олиб чиқди. Тошлоқ

йўлда шундай чаққон юриб кетяптики, мен югуриб ҳам етолмай, ортда қолаётган эдим. У ора-сира ортига ўгирилиб, бояги лўлиларга ҳам қараб-қараб қўярди. “Иссиқ кунда шу бечораларга ҳам қийин. Бола-чақаси кўп бўлади лўлиларнинг. Болаларим оч қолмасин, деб тиланчилик қилиб, эшикма-эшик юришади-да, шўрликлар” дея ачиниб жавраб борарди. Уларнинг бола-чақасидан ташқари данғиллама ҳовлилари, машиналари, ҳатто юриб турган савдолари ҳам борлигини мен анча йиллар ўтиб, шаҳарга келганимдан кейин эшитдим. Содда қишлоқ аёллари буни қаёқдан ҳам билсин.

Ҳамшира хола онамни қўлидан ушлаб, уйга олиб кирди. Қопчиғидан дори олиб ичкизди. Мен сочиқни намлаб манглайига қўйишга кўмаклашдим. Онам, бироз яхши бўлдим, деганидан кейин хола кетди. Отам билан шериклари эса алжирай-алжирай ухлаб қолишган экан.

\* \* \*

Мактабда ўқишлар бошланганда мен янги рўмол ўраб бордим. Уни ҳам бўлса онам отамга бир неча кун ялиниб, зўрға олдирган эди. Онам мен учун доим жонсарак бўларди. Ўзи учун айтарли ҳеч нарса сўрамас, қайтага бетоб бўлганида ҳам отамга билдирмасликка ҳаракат қиларди. Онам эрталабдан қозонда сув иситиб, сочларимни юиб-тарашимга, мактабга киядиган формамни дазмоллаб олишимга ёрдамлашди. Формам оз-моз калтароқ бўлиб қолгандек кўринди кўзимга, демак, ёзда бўйим бироз ўсибди. Рўмолимни иягим остидан танғиб, чиройли қилиб ўраб олдим.

Кузнинг биринчи куни бўлишига қарамай, ҳаво ҳамон ёздагидек иссиқ эди. Биринчи кўнғироқ чалинишини кутиб, ҳамма тераклар соясида тўпланиб турар, кимдир рўмолчаси билан, кимдир қўлига дафтарини

олиб елпиниш билан овора. Санобар елпиғич олиб келибди. Ҳаммининг нигоҳи унда. Янги форма қўйлақ кийган, ёқасига оқ ҳарирдан қўшёқа қадабди. Сочини шундай чиройли турмаклабдики, бунақа турмаклаш унча-мунча моҳир сартарошнинг ҳам қўлидан келавермайди. Оёғида қишлоқ чанглари ни ҳайф кўрадиган оппоқ бежирим туфли. Юзу қўллари ҳам оппоққина, қишлоқ қизлариникига сира ҳам ўхшамайди: у ўқиш бошланишидан олдин бир-икки ҳафтага шаҳардаги қариндошлариникига бориб келганлигини мақтаниб айтиб бераётган эди. У қўлидаги жимжимадор елпиғични шундай назокат билан елпимоқдаки, шу туришида европалик маликаларга ўхшаб кетарди. Ҳамма синфдошлар унинг атрофида гирдикапалак. Ахир, ҳар йили шундай, ёз бўйи деярли учрашмаганимиздан бир-биримизни соғинамиз, мактабга ошиқамиз, ўқишнинг биринчи кунлари завқу шавққа тўламиз. Бир неча кундан кейин эса яна мактабдаги кунларимиз оддий ҳолга айланади, таътилни кута бошлаймиз. Барча қизлар у билан юзларидан ўпиб саломлашишди. Мен бошқалар билан қўл бериб саломлашарканман, унга ҳам қўл узатдим. Санобар хушламайгина қўл тутиб, совуққина кўришиб қўя қолди. Унинг осмон қадар аъло кайфиятига фақат Назира опа деган муаллима соя ташлаб қўйди. “Муштдай қиз ўзингга бунча оро беришга уялмайсанми, сафга тур”, – деб жеркиб берди муаллима. Бу муаллима бутун мактабдаги қизларнинг юриш-туришини кўздан қочирмайди.

Директоримизнинг мўйлабини силай-силаё сўзлаган бир-икки оғиз нутқидан кейин қўнғироқ чалинди. Ёзда нари-бери таъмирланган синфхонамиздан бўёқ ҳиди анқиб турарди. Аввал ўғил болалар, кейин қиз болалар ёпирилиб синфга киришди. Охириги бўлиб синфга кирганимда ҳамма парталар эгаллаб бўлинган,

фақат орқа қатордаги парта бўш қолган экан. Секин бориб ўша жойга ўтирдим, бошқа иложим ҳам йўқ. Илгари доим олдинги қаторда ўтирардим. Бунинг учун ўқишнинг биринчи кунда синфхонага югуриб кириб, жой эгаллаш керак. Ҳозир эса менда бундай иштиёқ йўқ, қайси жойда ўтириш мен учун аҳамиятсиз. Ҳаммадан орқада қолган Илёс деган энг бўшанг бола парталар оралаб жой ахтариб, охири менинг ёнимдаги бўш турган жойга келиб, истамайгина ўтирди. Нариги қатордаги болалар буни кўриб, пичинг қилиб қулишди. Илёс эҳтимол ҳамма дарслардан бериладиган вазифаларни, машку мисолларни мендан кўчиришга умид қилган бўлса керак. Майли, хоҳлаганича кўчирсин, мен ундан қизғанмаганим бўлсин. Дарс бошлангунча ҳамма болалар чуғурлашиб бир-бирларидан таътилда нималар қилгани, қаерга борганини сўраб, жағлари тинмади. Фақат мен бу издиҳомга кўшилмай, ўз хаёлларим билан овуниб ўтирардим. Уларнинг мен билан ишлари йўқ, мен ҳам уларнинг ҳеч бир ҳаракатларига эътибор бермасликка аҳд қилган эдим. Шунда синфдошларим билан орамиздаги масофа қанчалар узоқлашиб қолганини сезиб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Ўйлаб-ўйлаб, охири бир фикр миямга келди: улар мендан узоқлашсалар ҳам мен улардан узоқ кетмаслигим керак. Ўшандан кейин ўғил болалар жиғимга тегса ҳам кўнглимга олмадим, кимки мендан бирон дарсни кўчирмоқчи бўлса, қизғанмадим. Йўқса, шу биргина қалтис ҳаракатим билан дўстлик дарахтидаги омонатгина илиниб турган сўнгги япроқнинг “чирт” этиб узилиб тушишига ўзим сабабчи бўлиб қоламан. Кўчириб яхши баҳо олганлар раҳмат айтишса, мен ҳали уларга керак эканлигимдан ўзимча енгил тортардим.

– Қизим, аълочи эканлигингни биламан, лекин озодаликни ҳам унутма. Рўмолни тоза қилиб ўраб юр-

санг, ўрагин, бўлмаса ечиб қўй, – деб бир куни Назира муаллима йўлакда тўхтатиб, танбеҳ берди. Ер ёрилса, кириб кетгудек бўлдим. Янги рўмолимнинг гуллари оқлиги боис болалар иркит қўллари билан ғижимлаб тортганида тезда кир бўлиб қолаверади. Кунда-кунора уни ювишимга тўғри келади. Ўша куни кир бўлганини ҳали кўрмаган эканман, қаттиқ уялдим.

Кузги таътил кунлари зерикишга вақт қолмади. Эчки ва улоқларимни сойга олиб тушиб ўтлатаман. Кейин китобга мук тушиб, эртақлар дунёсига шўнғиб кетаман. Зумрад менинг ана шу дунёдаги сирдошим бўлиб қолган. У билан ўзимча бир балоларни гаплашаман, дардлашаман. Мен унга ўгай онаси буюрган оғир юмушларни бажаришда ёрдам бераман, у ҳам менга ўгай отамнинг ғазабини енгишда кўмаклашади. Шунинг учун бу китобни юз марталаб мутолаа қилганман. Миттивой Нилс ҳақидаги эртақни ўқиганимда мен ҳам кичкина одамга айланиб қолсаму, ёввойи қушлар билан узоқ-узоқларга учиб кетсам, деб орзу қилардим.

Биронта қизиқроқ китоб оларман деб қишлоқ кутубхонамизга бордим. Кутубхона эшигига каттагина қулф осилган. Кутубхоначи хола ҳали келмаган бўлса керак, келгунича кутиб ўтираман, деб ўйладим. Девор ёнидаги харсангтош устига ўтириб, кута бошладим. Ҳавонинг авзойи бузуқ, ёқимсиз шамол эсиб, ҳаммаёқни тўзғитаётган эди. Мен зерикиб кетсам ҳам кутиб ўтиравердим. Ёмғир томчилай бошлади ва у аста-секин кучая борди. Кутубхонанинг ёнгинасига почта-хона жойлашган. Почтахона ичкарасида одамлар бор шекилли, синиқ деразасидан эркак кишининг тинмай йўталиб гапириши эшитилади. Кейин бўёқлари адо бўлган эшиги ғичирлаб очилиб, ичкаридан шоп мўйлабли қориндор амаки чиқиб, сигарет тутатди. У мен



томонга қараб-қараб қўярди. Ёмғирда ивиб ўтирганимга ҳайрон бўлган бўлса керак. Сигаретини чекиб бўлгач, яна ичкарига кириб кетди. Нарироқдан оппоқ соқоли кўксига тушай деган бир чол ҳассасини дўқиллатиб, тез-тез юриб келяпти. Бошидаги дўпписига елим халта қоплаб олган, эгнидаги чопони эса ҳўл бўлиб кетибди. Ҳойнаҳой, у ҳам почтахонага келаётган бўлса керак. Одатда чоллар у ерга серқатнов бўлишади, пенсияларини олишга келишади-да. Ўйлаганимдай бўлди, чол почтахона эшиги олдида тўхтади ва мен томонга кўзларини қисиб қаради.

– Эй, қизча, нима қилиб ўтирибсан у ерда, ёмғирда қолиб кетибсан-ку? – деди у. Шунда уни аввал ҳам кўрганимни эсладим. Кутубхоначи холанинг чоли бўлса керак, доим унинг ёнида чой ичиб ўтирарди.

– Кутубхоначи холамни кутиб ўтирибман, – дедим салом бериб.

– Холанг келмайди, кутубхона ёпилган. Ана, кўрмаяпсанми, ҳаммаёғига миҳ қоқиб ташланган-ку.

Мен аҳамият бермаган эканман, кутубхонанинг деразаларига худди уруш кинолардаги эгасиз уйларга қоқилгандек тахта қоқиб ташлашибди.

– Нега ёпилади? – деб сўрайман ҳайрон бўлиб.

– Мен қаёқдан билай, катталар ёпилсин, дегандан кейин ёпилади-да. Китобларнинг ҳам ярайдиганларини териб-териб олишди, қолганини бир мошин қилиб, қоғозфурушларга бериб юборишди.

– Қоғозфурушлар нима қилади уларни?

– Нима қиларди, истанокдан ўтказиб апилка қилади (қиринди демоқчи), сўнг пресслаб, тухум солади-ган кутими, ҳожатхона қоғозими чиқаради.

– Ҳожатхона қоғози? Шундай китобларни-я? – дейман ҳам ҳайрон бўлиб, ҳам аччиқланиб.

– Кутубхона энди йўқ, қизим, тез уйингга бор. Қара, уст-бошинг шалаббо бўлибди. Касал бўлиб қол-

санг, додингни худога айтасан. Ҳозир битта дори бир арава китобдан қиммат. Тез уйингга жўна, – деди чол ўзи ҳам елкасидан нам ўтганидан қалтираб. – Эй, падарингга қусурлар, мана битта бўлсаям ўқийдиган одам бор-ку, улар бўлса... – чол яна нималардир дея минғирлаб, норози тусда бошини ирғаб, почтахонага кириб кетди.

Мен тарвузим қўлтиғимдан тушиб, уйга қайтдим. Аксига олгандай ёмғир ҳам роса савалади. Кийимларим хўл бўлиб, баданимдан совуқ ўтиб кетди. Лекин менинг хаёлимда фақат ҳалиги китоблар. Улар қандай яхши эди-я, сарғайиб кетган бўлса ҳам кўзни қувнатарди. Ҳидини айтмайсизми, кутубхонага киришим билан энг аввал китобларнинг ҳидидан маза қилардим. Кейин ўзимга ёққан учта китобни танлаб олиб кетардим. Кутубхоначи хола учтадан ортиқ китобни уйга бериб юбормас эди-да. Энди шу ҳам йўқ. Бечора китоблар, наҳотки энди улар ростдан ҳам қоғозга айланиб кетса?

Яхшиям, уйимизда анча-мунча китоблар бор. Уларни онам олиб келган. Бир куни отам кесатиб кулган эди – сепига ҳам китоб йиққан бу Афлотун, деб. Китобларнинг кўпи катталар учун бўлса ҳам, энди уларни бирма-бир ўқишга киришдим. Менга шундай ширин орзуларни, чек-чегарасиз хаёлот дунёсини ҳадя этган китоблардан умрим поёнига қадар миннатдорман.

Қишки таътил ҳам ҳарҳолда мароқли ўтади. Қор қалин ёққан кунлари қишлоғимиздаги болаларга энг яхши эрмак топилади. Қирга чиқиб, қизу ўғил араллашиб, яхмалак учишади. Чанаси борларга-ку, ҳаммадан маза. Мен девор оша қирга қарайман, болаларнинг музда тойишлари, қорбўрон ўйнашлари узоқдан бўлса ҳам яхши кўринади, қийқиришлари ҳам эшитилиб туради. Мен у ёққа бормайман, ўзи биттагина этигим бор,

унинг ҳам бўлса таги емирилиб, ичига сув кирадиган бўлиб қолибди. Оёғим жиққа хўл бўлиб кетса ҳам, онамга билдирмайман. Мактабдан келибоқ секин ечаман-да, печка ёнига кўйиб қўяман, эрталабгача қуриydi. Лекин мен ҳам ўзимга ҳовлимиз этагидаги қияликдан кичкина яхмалакча қуриб олганман. Унда калиш билан учса бўлади. Оёғим музласа, дарров уйга кириб, печкага суяниб, исиниб оламан. Ичи қорга тўлиб, хўл бўлиб қолган калишимни ҳам оз-моз қуритаман. Оёғим исигач, бориб эчкиларимдан хабар оламан. Улоқчаларим яна икки-тага кўпайди. Уларга кафтимда емиш беришни яхши кўраман. Кейин айвондан болтани олиб, ўтин ёришга киришаман. Катта ёўлаларга кучим етмайди, кичик-роқларини олиб ёраман. Болта ўтмас бўлиб қолган, ўзим-ку, майли, ёўлани ҳам қийнаб юбораман.

Паға-паға қор ёғишини жуда яхши кўраман. Айниқса, капалак қор ёғаётганида осмонга қараб туриб, қор-момо парёстиғини силкитаётганлигини кўз олдимга келтириб завқланаман. Ҳаммаёқ гурпак қор бўлса қандай яхши. Қорбобо ясашни ўрганиб олганимдан қувончим ичимга сиғмайди. Қорни коптокдек думалоқлаб, учта бўлак ясайман. Бўлакларни устма-уст жойлаштираман. Белкурак билан у ёқ-бу ёғини қиртишлаб, бурнию қош-кўзларини чизаман. Бошига челагимни кийгизсам, қаршимда эртақлардагидек қорбобо пайдо бўлади. Эртақдаги қорбобо янги йил кечаси болаларга совға ташлаб кетиши тасаввуримда қолган. Аммо менинг қорбобом совға олиб келмайди. Шундай бўлса ҳам уни яхши кўраман, унинг борлиги яхши.

Янги йилни онам икковимиз кутиб оламиз. Онам ғарибгина байрам дастурхонимизни бир нималар билан безамоқчи бўлади, мени ҳам, ўзини ҳам хурсанд қилгиси келади. Шу кунга атаб нималарни тежаб, йиғиб юрган бўлса, ҳаммасини дастурхонга қўяди.

Уч кишига етарли қилиб палов ҳам дамлайди. Бироқ отам янги йилни ҳар доим қаердадир ўртоқлари билан кутиб олади. Биз билан бир оила бўлиб байрам қилишнинг отамга ҳечам қизиғи йўқ эди. Онам икковимиз телевизор кўриб, янги йил киришини кутиб ўтирамиз. Телевизоримиз ҳам пирпирайвериб, гоҳ кўрсатиб, гоҳ кўрсатмай хуноб қилади. Мени уйқу элтаверади, гоҳ-гоҳ ўтирган жойимда мункиб кетаман. Онам шивирлаб, янги йилдан кўп яхшилиқлар, шодлиқлар олиб келишини тилаб ўтиради. Лекин, афсуски, йиллар келиб-кетаверади-ю, онам сўраган шодлиқлардан ҳеч дарак бўлавермайди.

Телевизордаги соат қоқ ярим тунда бонг урганда дам-бадам юмилиб кетаётган кўзим очилади. “Хайрият” дейман, чуқур нафас олиб. Бу бонг эски йилнинг иззати битиб, янги йил кириб келганлигини билдиради. Энди бемалол ухласак ҳам бўлади, деб ўйлайман уйқуни соғиниб. Мен ёстиққа бошимни қўйиб, бамайлихотир кўзимни юмаман. Бир ухлаб уйғонганимда онам ҳали ҳам ухламаган бўлади. Шунда англайманки, онам аслида янги йилни эмас, отамни кутиб ўтирган экан. Отам эса тонготарга яқин йиқила-сурина кириб келади. Ҳаммаёқни ароқнинг қўланса ҳиди тутиб кетади. Онам отамнинг этигини, пайпоқларини ечиб, уни жойига ётқизади. Отам шу кўйи то кун ёришиб, кўёш тиккага келгунча уйғонмайди. Онам ҳам сахар чоғи оз-моз кўз илинтириб олади. Отам чошгоҳда бошини чангаллаб ўрнидан туради, кейин гандираклаганча яна ўша улфатларининг ёнига кетади.

Баҳорнинг илиқ кунлари бошланиши билан мен яна сойга ошиқаман. Соининг суви кўпайиб, муз қотган кўлмакчалар ҳам аста-секин эриётган эди. Кейин ёмғирлар мавсуми бошланади. Бу пайтда ҳадеб сойга тушаверишга юрагим бетламайди, кутилмаганда сел

келиб қолишидан чўчийман. Чунки бир гал сал бўлма-са селда оқиб кетай деган эдим. Ўриклар айни қийғос гуллаганда сой бўйида ялпизлар ҳам бодроқдай потирлаб чиқади. Мен этагимга ялпиз териб, ёлғиз ўзим сойда юрганимни бутунлай унутиб қўйган эканман. Кимдир бехосдан: “Сел келаяпти, сел!” деб қичқирди. Атрофда ҳеч ким йўқ эди, ким қичқирганини ҳам англаёлмадим. Шундоққина нарида қутурган сел ваҳима солиб келаятганини кўрдим. Менга етиб олишига атиги бир неча қадам қолган эди, қушдай учиб, юқорига чиқдим, ҳартугул, улгуриб қолдим. Сел сойни қиртишлаб кетади. Мен термоқчи бўлган ялпизлар селдан сўнг ғойиб бўлади. Булоқчам кўмилиб кетади. Кетмонимни олиб чиқиб, булоқнинг кўзини очаман. У аввал лойқаланиб туради, бироздан сўнг эса тип-тиниқ сувга тўлади. Унинг митти-митти кўзларидан сув қайнаб отилади, ялтироқ қум зарраларини рақсга туширади. Эртаси куни ялпизлар, мана бўлмаса, дегандек кечадан ҳам кўпроқ бўлиб чиқади. Мен сойга кичкина челақчамни олиб тушаман ва у тўлгунча ялпиз тераман.

Худди ана шу пайтда ёмғирдан сўнг кўпчиган ерларда япалоқ-япалоқ бўлиб исмалоқлар ҳам кўрина бошлайди. Қир ортидаги илгари буғдойзор бўлган ерларда исмалоқ жуда кўп бўлади. Аввалги йиллари қўшни қизлар билан у ерга кўп марта борганмиз. Кўчага чиқсам, бир тўда қизлар халталарини елкаларига ташлаб ўша томонга кетишаётганини кўрдим. Мен ҳам дарров ўчоқхонага кириб, халтачамни олдим-да, онамга айтиб, кўчага югуриб чиқдим. Қизлар анча узоқлаб кетишган экан. Шундай бўлса ҳам уларни қора қилиб, изларидан қолмай чопиб кетавердим. Вой-бў, бунча чаққон юришмаса, қанча чопсам ҳам етолмаяпман. Ҳадемай улар қирдан ошиб, кўринмай кетишди.

Қирга чиқаётганимда нафасим тиқилиб қолай деди. Ана, қизлар кенг майдонда ёйилиб, исмалоқ теришни бошлаб юборишибди. Қизларнинг қизиқ одати бор: ҳар бири тўп этиб бир жойга ўтириб олади-да, атрофидаги тўрт-беш кадамча жойни ўзиники қилиб белгилаб қўяди, шу доирадан бошқа ҳеч кимнинг исмалоқ теришига қўймайди. Шунинг учун улар бу ерга келган заҳоти ёйилиб кетишади.

– Марка, сен ҳам келдингми? – дейишди мени кўриб қизлар.

Мен уларнинг ёнидан ўтиб, сал узоқроқдаги исмалоқлар тиғиз ўсган жойни танладим. Қизларнинг гаплари, бепоён далада яйраб қийқиришлари қулоғимга чалинар, менинг эса бутун диққатим исмалоқларда эди. Бироздан сўнг улар бошқа жойга кўчиб, овозлари деярли эшитилмай қолди. Халтачам яримлай деганда, кутилмаганда бошқа қандайдир ғалати овозларни эшитиб сергак тортдим. Мен дала чеккасидаги сел ўзанига яқин келиб қолган эканман. Ўзан анчагина чуқур, унинг нариги томонида қушлар галаси бамайлихотир ўтларни чўқиб, озиқланиб юришарди. Мен аввалига уларни лайлаклар деб ўйлабман, кейин тусмоллаб билсам, турналар экан. Турналар ҳар гал осмондан тизилишиб учиб ўтганда онам уларнинг қув-қувлаган товушларини эшитиб, оёқяланг ҳовлига югуриб чиқарди. Мен ҳам чопиб чиқардим. Онам қаёқларгадир йўл олган турналарни то кўринмай кетгунча кузатиб турарди, бир нималарни пичирлаб, кафтларини юзига тортарди. Мен ҳам ҳеч нарсага тушунмасам-да, онамнинг ҳаракатларини такрорлардим. Ҳар ҳолда, онам турналарни кўриб хурсанд бўларди. Лекин мен шу пайтгача уларни бунчалик яқиндан кўрмаган эдим. Ҳозир эса шундоққина рўпарамда турганидан, мендан заррача ҳам ҳайиқишмаётганидан ҳаяжоним ичимга

сиғмасди. Қанийди ўзаннинг нариги қирғоғига ўтиб олиб қанотларини силасам, бирга ўйнасам, уларга қўшилиб узоқ-узоқларга учсам, онамни ҳам олиб кетсам, деб орзу қилардим. Назаримда улардай бахтли, улардай эркин ва иноқ жонивор йўқдай эди.

Мен ўзан қирғоғида уларни анча вақтгача томоша қилиб ўтирдим. Бир пайт нимадир кетма-кет қаттиқ пақиллади-ю, юрагим така-пука бўлиб кетди. Момақалди роқ гумбурладимикан, деб ўйладим, лекин осмонда сийрак булутлар сузиб юрарди. Қўрқиб кетган турналар ҳам қанотларини қаттиқ қоқиб, бирваракайига осмонга парвоз қилишди. Шундан сўнг, нарироқдаги бир чуқурликдан қамиш қалпоқ кийган, белидаги камарига ўқлар қадаб олган, узун милтиқ ушлаган одам чиқди. У овчи бўлса керак, учиб кетаётган қушларга қарата яна бир-икки марта ўқ отди. Сўнг ерда ўлиб ётган иккита турнани тепиб кўрди-да, оёқларини бир-бирига жуфтлаб боғлади. Биттасининг ҳали жони бор экан, типирчилаб овоз чиқарарди. Овчи уларни ерга ташлаб, тепасида туриб, мамнун жилмайди. “Яна бир-иккитасини отганимда эди” дегандек осмонда учиб, тобора узоқлашиб кетаётган турналар галаси орқасидан қараб қолди. Кейин пичоғини қинидан чиқариб, нималардир қилди. Ҳалиги типирчилаётган турна ҳам тинчиб қолди. Овчи турналарни оёқларидан маҳкам ушлаб, бошларини ерга теккизганча судраб кета бошлади. Ям-яшил майсалар устида узун чизиқ бўлиб қон изи қолаётган эди. Овчи менга кўзи тушган заҳоти таққа тўхтади. Мен бундай ёвуз манзарани кўриб, даҳшатдан тошдай қотиб қолган эдим. Кўркувдан дир-дир титрардим, оёқ-қўлимда мадор қолмаган эди. Ҳозир анави қонхўр одам турналарга қўшиб, мени ҳам отиб ташлайдигандек туюларди. Нажот ахтаргандек атрофга алангладим, қизлар ҳам

исмалоқларини териб бўлиб уйларига қайтишаётган экан. Мен уларни чақирдим. Ё овозим чиқмади ёки улар эшитишмади. Қизлар анча узоқлашиб қолишган экан, кейин қирдан ошиб, кўздан ғойиб бўлишди. Мени баттар ваҳима босди. Ўрнимдан туриб қочай десам, оёқларим ишламаётганга ўхшарди. Кимсасиз далада овчининг қаршисида қанотлари синиб, иложсиз қолган қушдай мўлтираб ўтирардим.

– Ўв, қиз, нима қилиб юрибсан бу ерларда? – деди овчи овози бесўнақай дўриллаб. Мен жавоб бера олмадим. – Нега йиғлаяпсан? Ё адашиб қолдингми? – Мен, йўқ, дегандек бошимни қимирлатдим. – Кимнинг қизисан? – Жавоб қайтаришга тилим айланмасди. Мен қонга беланган турналарга ачиниб йиғлаётган эдим. – Ёлғиз ўзинг нима қилиб юрибсан бу ерда? Қани, тез уйингга жўнаб қол-чи.

Мен гўё тутқунликдан қутулган ўлжадай оёғимни кўлимга олиб чопдим. Уйга қандай етиб келганимни эслаёлмайман. Онам ранг-рўйимни кўриб, кўрқиб кетди. Юзимга сув сепиб, кейин бир пиёла сувни мажбурлаб ичкизди. Онам нима содир бўлганини қайта-қайта сўрарди. Мен: “Турналар ўлди, турналар ўлди” деб тинмай такрорлардим. Бироздан сўнг онам Дилобар холани чақириб келди. Ҳамшира хола оёқ-қўлларимни уқалади. Нимадир ичкизди. Икки кун ўзимга келолмадим. Кечалари алаҳсирайдиган, чўчиб уйғонадиган бўлиб қолдим, лабларимга учуқ тошди. Онам бир куни кўшни қишлоқдаги қушноч кампирнинг уйига олиб борди. Кампир олдимга бир коса сув қўйиб, алланималарни ўқиди, хивчин билан елкаларимга савалади, анча енгил тортгандай бўлдим. Ўша баҳор исмалоқ териш учун қир ортига бошқа бормадим.

Мен сабрсизлик билан ёзни кута бошладим. Гўё ёзги таътил бошланиши билан яна Анор келадигандай



хурсанд эдим. Ҳа, у тўғри бизникига келади, мени чақиради. Ўғил болалар билан ўйнамайди, ҳовузга чўмилишга ҳам бормайди. У билан яна сойдан итбалиқлар ушлаб ўйнаймиз. Яна ўригу гилосларимиз пишади, унга энг сараларини териб бераман. Энди эчки-улоқларимиз ҳам бор. Анор билан уларни сойга олиб тушиб ўтлатамиз...

Ана шундай ширин хаёллар билан ёз келишини орзиқиб кутардим. Аммо ёз келиб, поёнига етса ҳамки Анор келмади. Мен ҳар куни қайта-қайта сойга тушиб уни кутардим. Бир ўзим итбалиқлар тутиб ўйнадим. Сув кечиб юриб, бир неча марта Мели бобонинг уйи тарафга ҳам бориб келдим. Ҳовлисига мўраладим. Лекин ўша ҳовлида яшаётган бирор кишидан: “Анор қачон келади?” деб сўрай олмадим. Уни қанчалик интизорлик билан кутаётган бўлмай, барибир, бировдан сўрашга журъатим етмади, уялдим. Демак, Мели бобо билан Анорнинг онаси ўшанда келиша олишмаган. Бобонинг тош қотган юраги озгина ҳам эримаган-у, Башорат хола умидини бутунлай узиб кетган. Мен шундай хулосага келдим ва Анор бундан кейинги ёзги таътилларда ҳам келмагач, бу хулосам тўғри эканлигига тобора ишончим ортиб борди.

Шундай бўлса ҳам мен ҳар ёз уни кутишни қанда қилмасдим. Бу фақатгина ўзимга аён, бошқа ҳеч ким билмайди, билолмайди ҳам. Мабодо у келиб қолгудек бўлса ҳам мен учун ростакам мўъжиза юз бергандай бўларди. Мен у берган китобни қўлимдан қўймайман. Ҳар куни юз марталаб ундаги дуоларни ўқийман. Бу дуоларнинг бирон-бир янгилик яратиб қўйишидан энди умидвор бўлмасам ҳам, шу китобни қўлимга олганда Анорни кўргандай, гўё у билан ёнма-ён ўйнаётгандай ҳис этардим. Менинг ҳам дўстим бор ва у ҳозир дунёнинг қайси манзил-маконида бўлса ҳам соғ-сало-

мат юрганига имоним комил, дея ўзимга таскин берман. У ҳамма болалардан яхши. У мени бирон марта хафа қилмаган, хафа қилмайди ҳам ва ҳеч қачон мени эсидан чиқариб юбормайди. Бу ёз келмаган бўлса, кейинги ёзда албатта келади. Юрагим сезиб турибди, у билан албатта яна кўришамиз. Мен ўқиган китобларимнинг энг қизиқ жойларини унга сўзлаб берман. У совға қилган китобдаги дуоларнинг ҳаммасини ёддан айтиб бера оламан. Анор хаёлимда: “Китобчани ўқи, тўхтама, ўқийвер, юз марта ўқисанг, ҳар қандай истагингга етишасан” деб тинмай уқтираётгандек овози қулоғим остида доим жаранглаб турарди ва бу яна менинг умидларимни янгиларди. Мен эса уни эслаб ёзларни ёзларга улайвердим. Лекин, афсус, болалик манзилидан кун сайин узоқлашиб бормоқда эдим.

\*\*\*

Ўн биринчи синфга ўтганимизда анчагина улғайиб қолганимизни сездим. Менинг рўмолимдан тортиб ғашимга тегадиган болалар ажабтовур қуйилиб қолишган, ҳаммамизнинг бўйларимиз чўзилган, болаларнинг гапларига ҳам маза-матра киргандек эди. Муаллимларимиз ҳам аввалгидек танбеҳ бераверишмайди. Бу бизнинг сўнгги ўқув йилимиз, яна тўққиз ой киприк қоққунча ўтиб кетади. Синфдошларим ҳадемай қанот чиқарган қушлардай ҳар томонга учиб кетишади-ю, шундан сўнг тақдир яна қачон йўлларимизни туташтиради – буниси фақат Яратганга аён.

Қизларнинг сумкалари дафтар-китоблардан ҳам кўра турли пардоз бўёқларию ширинликлар билан тўлалигини кўриб, кулгим келади. Танаффусга қўнғироқ чалинди дегунча қизлар йўлакдаги ойна атрофига жамланишади. Бир-бирларига гал бермай, ойнага қараб, сочларини қайта- қайта тарашади, юзларига яши-

ринча упа суртиб, ўзларига оро беришади. Уларнинг бундай бебошликларига бошқа муаллимлар парво қилишмаса ҳам, Назира муаллиманинг кўзи тушгудек бўлса роса қойийди:

– Ҳа, ер ютсин сен қурғурларни. Келинчак бўлгиларинг келиб қолдими? Мактабда пардоз қилишни ким қўйибди. Қани, биттанг бўёқ чаплаб кўр-чи, лабларингни қайчилаб ташлайман. Эрга текканларингдан кейин қош-кўзларингни бўясанглар ярашади. Мактаб сенларга ўзларингни бозорга соладиган жой эмас.

Қизлар муаллиманинг овози эшитилган заҳоти тумтарақай қочиб қолишарди. Мен эса ойна билан ошно эмасман. Танаффусларда ҳам, мактабдан қайтаётганимизда ҳам ойнани четлаб ўтаман. Ундан кўра, дарсларимиз тугаганида Барно муаллиманинг хонасига кириб чиқиш мен учун мароқли. Барно муаллима инглиз тили ўқитувчимиз, бошқа тилларни ҳам яхши билади. Менга ҳам эринмасдан ўргатди. Ҳар куни ярим соатча бирга ўтириб гоҳ инглиз тилида, гоҳ рус ёки немис тилида суҳбатлашиб оламиз. Бу суҳбатлардан икковимиз ҳам завқ оламиз.

– Мени қойил қолдирыпсан, Марям, сен мендан ҳам ўзиб кетяпсан, – деб шодлигини яширмасди муаллима.

Кейин менга турли тиллардаги бир-биридан чиройли шеърый китобларни берарди. Мен шеърларни ёд олиб, эртасига Барно муаллимага айтиб беришга ошиқардим. Биз суҳбатларимизни тугатгимиз келмасди. Аммо уйга ҳам шошилмасам бўлмайди. Онам кундан-кунга ҳолсизланиб борар, юзи сўлгин бўлиб, озиб-тўзиб кетган эди. Овқат қилиш, кир ювиш, ҳатто нон ёпишни ҳам онамдан олиб қўйдим. Бу юмушларнинг ҳаммасини энди ўзим қила оламан. Онамга ширин овқатлар тайёрлаб бергим келади. Лекин “янгамнинг таоми акамнинг масаллиғига боғлиқ” деганлари

рост экан. Мазали овқатлар пиширай дейман-у, бироқ керакли масаллиқлар бўлмагач, овқатим кўпинча оддийгина ёвғон бўлиб қолади. Якшанба кунлари қозонда сув қайнатиб, кир юваман. Бир тандир нон ёпсак тежаб-тергаб, бир ҳафтага етказамиз. “Сиз уринманг, ая, ҳамма иш ўзимнинг қўлимдан келади” дейман. Онам ҳам мамнун бўлади, ҳам менга ачинади, буни кўзларидан сезаман. Лекин барибир онам дам олмайди. Ҳали кашта тикади, ҳали қизларга қўйлак бичиб-тикади – бир зум тинч ўтирмайди. Тирикчилигимиз шу ишлар орқасидан бўлганидан кейин бошқа иложи ҳам йўқ аслида. Эчки-улоқларимиз кўпайиб қолганидан кейин рўзғоримизга оз-моз барака кириб қолган эди. Отам уларнинг бир нечтасини Соли амакига қарзлари ҳисобига берди, қолганини бозорга олиб чиқиб сотиб юборди. У ниҳоят ўзи кўпдан бери айтиб юрган “катта савдони” бошлашга бел боғлади.

– Ўзимизнинг бозорда майда-чуйда тирикчилик қилиб юриш жонга тегди, – деди отам бир куни одатдагидан бошқачароқ қатъият билан. – Бунақа хашаки савдо билан бир амаллаб кунинг ўтади, холос. Лекин ёлчитиб бир-икки сўм орттиролмайсан. Чет элга чиқиб, савдо-сотиқ қилиб келганлар ютяпти. Менинг улардан қаерим кам, а? Ҳозир замон шунақа – пулинг бор бўлса одамсан, пулинг йўқми, тўрт оёқли, қўш туёқли, ақл-фаросати йўқ молдан нима фарқинг бор. Менинг ҳам қўлимдан келади. Эртагаёқ қарз олиб, катта ишга пул тикаман, тамом. Қарабсанки, бир-икки йилдан сўнг ҳали чўнтагидаги чойчақанинг дамига босар-тусарини билмай юрган тирранчалар эгилиб салом берадиган бўлади.

Отам айтганини қилди. Ўртоқлари билан кечқурунлари бизнинг уйимизда тўпланишиб, қаерга боришу нима сотиб келишни бир ҳафтача режалаштириб

чиқишди. Аҳён-аҳёнда уларнинг гаплари қулоғимга чалинганда шуни англадимки, бир нечта қишлоқлардаги деҳқонлардан узум сотиб олиб, бошқа юртларга бориб сотиб келишмоқчи.

– Йўл узоқ, азоби ҳам бор-у, аммо фойдаси ҳам шунга яраша-да, – дейишарди шериклари отамни дам-бадам қизиқтириб.

Отам шу ишга қаттиқ киришди. Онам хавотирга тушар, лекин отамни шаштидан қайтара олмаслигини билиб, бирор сўз деёлмасди. Узумлар ғарқ пишган пайтда отам ҳафталаб уйга келмайдиган бўлди. Биз унинг қайсидир қишлоқларда шериклари билан узум йиғиб юрганлигини ўзимизча билардик.

– Ишқилиб, Худойим паноҳида асрасин. Шу ташвишларнинг кераги бормиди ўзи? Ейишга нонимиз, яшашга уйимиз бор. Шу ернинг ўзида ҳам қимирлаган жонга ризқ топилади-ку, – дея ўзига-ўзи гапираётгандек жаврарди онам.

Ниҳоят, бир куни отам иссиқ кийимларини эски жомадонга жойлади. Саҳарлаб онамга овқат пиширтириб, бир косасини еб, қолганини ўзи билан олиб, тонг ҳам ҳадеганда отавермайдиган, қовжираган ўт-ўланлар устига муздай шудринг ташлаган салқин куз кунида биз билан совуққина хайрлашиб, узоқ сафарга кетди. Эрталаб уйғонганимда ҳам, кечқурунлари ҳам онамни жойнамоз устида отамнинг ҳаққига дуо қилиб ўтирганлигини кўраман. Мен эса негадир отамни ҳеч соғинмайман. Шу ерда юрганида нима эди-ю, узоққа кетганида нима ўзгарди? Қайтага унинг ҳозир уйда йўқлигидан қандайдир енгиллик туйгандек бўляпман. Тошбағир бўлиб қолдиммикан, деб ўйга толаман. Лекин аввал ҳам бирон марта отамни соғинганимни ёки унга кўнглимда заррача илиқлик бўлганини эслай олмадим.

– Нега фақат отамнинг жони соғ бўлишини тилайсиз, ўзингизни ҳам ўйласангиз бўлмайдимиз, ая? – дедим бир куни онамга.

Онам менга хомуш қараб қўйди. Кейин бир нарсаларни тушунтироқчи бўлиб, елкамдан кучди. Нима десам экан, дегандек бир дам каловланади.

– Ҳар бир уйда эркакнинг, у қандай феъл-атворли одам бўлса ҳам, ўз ўрни бўлади, – деди кейин лўнда қилиб.

Мен шунда ҳам отамни соғинолмадим. Соғинган одамнинг қўли ишга бормади, еганида хузур, уйқусида ҳаловат бўлмайди. Мен эса гоҳ чошгоҳ маҳали, гоҳ ярим тунда кўча эшикнинг тепиб очилиши, бесуроб сўкинишлар, идишларнинг синиши каби юракни зада қилгувчи шовқин-суронлар тиниб қолганидан кечалари хотиржам ухлайдиган, тиниқиб ором оладиган бўлганимдан мамнун эдим. Онамнинг бўлса ҳар доимги қуш уйқуси ўзгармади.

Рўзғорга керакли нарсаларни харид қилиш учун онам бозорга чиқмоқчи бўлиб, тонг азонда шайланаётган экан.

– Сиз овора бўлманг, ая, ўзим бориб келаман, – дедим қўлидаги бозор халталарни олиб.

Ҳали ҳеч бозор-ўчар қилиб кўрмаганим учун онам нимани қанча миқдорда олишни, қандай савдолашишни обдон тушунтирди. Мен уяла-уяла бозорга йўл олдим, чунки бозорга фақат эркаклар чиқади, деган тасаввурда эдим. Кичкиналигимда, биз бу қишлоққа эндигина кўчиб келган пайтларимизда, бир марта отам мени етаклаб бозорга олиб борган, хўрозқанд, бодроқлар олиб берган эди. Отам мени хурсанд қилиш учун бозорни айлантирди, энди ҳар якшанба олиб чиқиб, хўрозқандлар олиб беради, деб ўйлаганман. Аммо кейинчалик фаҳмласам, ўшанда отам уни ташлаб кетиб қолган хотинининг ўрнига шаҳарлик ёш жувонга уйлангани, эгизак қизларининг ўрнини

босадиган чиройли қизчаси ҳам борлигини одамларга маълум қилиб қўйиш учун мени етаклаб борган экан. Отамнинг бозор айланиб юриб, одамларга айтган гаплари элас-элас қулоғимда қолган. Ўшанда ҳақиқатан ҳам бозорда фақат эркаклар юришган эди. Онда-сонда супургими, нимадир сотиб олаётган бир-иккита кекса аёлларга кўзим тушганлигини эслайман. Шуларни ўйлаб, минг бир хижолатликда бозорнинг ланг очиқ дарвозасидан аста ичкарига қадам қўйдим. Илгариги кўрган манзарамнинг бутунлай тескарисини кўриб, бир зум шошиб қолдим. Тумонат хотин-халаж, қиз-жувонларнинг орасида эркаклар камроқ кўзга ташланарди. Мен таниган қўшни хотинлар, ҳамшира хола ҳам, синфдош қизлар ҳам шу ерда. Биров қўйлаклик матони бор бўйига ташлаб кўряпти, бошқаси янги камзул харид қилипти. Салдан кейин мен ҳам шу издиҳомга қўшилиб кетдим. Шу чоққача бунча оломоннинг орасига тушиб кўрмаганим учунми, дарров бошим айланди. Кийим-кечаклар растасидаги одамлар орасидан туртиниб-суртиниб, деҳқонлар растасига ўтдим. Деҳқонлар овозларини баралла қўйиб, харидорларни чақиришарди. Мен ким билан қандай савдолашишни ўйлаб, анча айланиб юрдим. Бозорни кезиб-кезиб, топиб келган нарсаларимни кўрган онам кулгидан ўзини зўрға тийди. Хуллас, менинг биринчи бозорим бозорга ўхшамади. “Барибир бозор-ўчар қилиш эркакларнинг иши-да, эркак киши бозор қилса, барака бўлади” деган гапни онам айтмади. Бироқ шу гапни ичида айтаётганини юзидаги нимкулгидан бир лаҳзада англаб олдим.

\* \* \*

Душанба куни мактабдан келсам, онам тараддудланиб турган экан. Эшиқдан киришим билан:

– Тез кийимларингни алмаштир, токзорга борамиз, – деди.

- Токзорда нима қиламиз?
- Токларни кесишаётган экан, ёрдамчилар керак, дейишди.

Тушлик ҳам қилмасдан, бир парча нонни халтага солдим-да, онам билан йўлга тушдик. Қишлоқ чеккасида давлатга тегишли хўжаликнинг токзори бор. Узуми териб олинган токларнинг ортиқча узун шохларини кесиб, токларни кўмишади. Токлар баҳоргача тупроқ остида дам олади. Биз ҳар йили ана шу мавсумда онам иккаламиз ток кесувчиларга ёрдамлашамиз. Токпояларни бир қулочдан қилиб кесиб, сўнг боғлаймиз. Токзор хўжайини ҳар битта боғни санаб олади. Кейин ҳар ўн боғига бир боғ токпоя бериб, меҳнатимизни ҳисоб-китоб қилади. Биз шу тариқа қишга ўтин ғамлаб оламиз. Бу сафар ҳам икки ҳафтача токзорда ишладик. Онам кун бўйи ўша ерда. Кафтча нон билан елим идишга солинган бир чойнак чойни олиб кетиб, тушликни ҳам ўша ерда қилади. Мен дарсдан кейин бориб, кўмаклашиб турдим. Она-бола ҳар куни қоронғи тушгунча токпояларни кесиб боғладик. Кун охирида ўзимизга берилган “иш ҳақимизни” токзорнинг бир чеккасига тахлаб қўявердик. Ҳали ҳамма ишлар туганидан сўнг, қўшнилардан арава сўраб, уларни ташиб олишимиз керак. Кафтларимиз шилиниб, белларимиз сингудек оғриси ҳам бир-биримизга билдирмай ишладик. Оқшом чоғи зўрға оёқ судраб, уйга келганимизда бирон егулик тайёрлашга ҳам ҳолимиз қолмаган эди. Аксига олиб чироқ ҳам ўчиб қолган экан. Зимистонда пайпаслаб гугурт билан шамни топиб, хира ёруғда ёрилиб кетган қўлларимизни ювдик. Бармоқларим чунонам ачишяптики, чидаш қийин, кўзларимдан ёш чиқиб кетяпти. Лекин унимни чиқармайман. Мен чой қайнатиш учун ўчоққа ўт қаладим. Лекин чой қайнагунча онам болишга суяниб, ухлаб қолибди. Устига секин-



гина кўрпани тортиб қўйдим, ўзим эса мураббо суртилган нонни кавшаганча шам ёруғида дарсларимни тайёрлашга ўтирдим. Кўзларим юмилиб кетяпти. Уйку шундай хумор қиляптики, кўзимга фақат ёстиқ кўриняпти. Кўпинча дарс тайёрлаб ўтирганида уйкусираб, мункиб кетаверсам, онам ёнимга келарди-да, нималарни ўқиётганимни сўраб, уйкумни очиб юборарди. Бир куни онам дарслик китобларимни варақлаб қолди.

– Нималарни ўқияпсан ўзи? – деб онам адабиёт китобимга кўз югуртирди. – Вой-бў, мана бу шеърни ўқиш бунча қийин бўлмаса. Бу шеърми ёки бошқотирмами? На шеърга, на гапга ўхшайди. Бизнинг давримизда шеър деганлари шундай самимий ёзилардики, ҳатто бир ўқишдаёқ ёдда қолар эди. Вазн, қофия деган шеърни шеър қиладиган нарсалари бўларди. Уни мазмуни, оҳангига қараб ифодали ўқиш шарт эди. Мана, қара:

*Водийларни яёв кезганда  
Бир ажиб ҳис бор эди манда.  
Чаппар уриб гуллаган боғин,  
Ўпар эдим Ватан тупроғин...*

Кўрдингми, ҳар сатрини ўқиганда этинг жимирлаб кетади. Сизларнинг китобларингиздаги шеърни на ёдлаб бўлади, на чиройли ўқиб. – Онамнинг ҳазиломуз гапларидан завқланиб, кулгим келади. – Сизлар мана шуларни шеър деб ёдлайсизларми?

– Йўқ, биз буларни ўқиб, тушунганимизча мазмунини айтиб берамиз.

– Э, унда шеър эмас экан-да. Бизнинг давримиздаги шеърларни ўқисанг, худди қўшиқ эшитаётгандай, қайдандир мусиқаси ҳам эшитилиб тургандай туюларди. – Онам “бизнинг давримиз” деганда ўзининг ўқувчилик даврини айтарди.

– Сизнинг замонингизда одамлар содда бўлишган, шунга яраша шеърлар ҳам соддагина бўлгандир-да. Бизнинг даврда эса ҳамма нарса янги – ҳаёт ҳам, одамлар ҳам, шунга монанд шеърлар ҳам. Бу янги давр шеъри, тушунапсизми? Замонавий шеърлар ҳар қандай қофияни ҳам, вазнларни ҳам тан олмайди, қолипларга сиғмайди, эркинликни яхши кўради.

– Ҳа, ҳозир ҳеч ким қолипга сиғмайди. Чунки ҳеч нарсанинг аниқ йўриғини билишмайди. Буни ҳаспўшлаш учун эса ўзларини гўё эркинликни ёқтирадиган қилиб кўрсатишади.

– Ҳар бир замоннинг ўзига яраша шеър ва ҳикоялари бўлса керак-да, ая.

– Замонлар-ку, келиб кетаверади, одамлар ҳам. Лекин шеър шеърлигича қолгани яхши. Уни ҳар ким ўз йўриғига соламан деб тўрт томонга тортқиласа, шунчаки жароҳатлагани қолади. Сен буюк Навоийни ўқи, Бобурнинг ғазалларини ёд ол, Қодирийни, Чўлпонни кўлингдан қўйма. Нима, улар эркинликни ёқтиришмаганми? Ростакам эркинлик уларнинг ёзганларида.

Онамнинг мана шунақа баҳслашишларини жондилимдан яхши кўраман. Улар айтган шоиру адибларнинг китоблари менинг сирдошим, ҳасратдошларим-у. Уларнинг шеър ва ғазалларини ичимда тинмай айтиб юраман. “Ўткан кунлар” каттагина китоб бўлса ҳам, ҳар бир саҳифасини ёддан айтиб бера оламан. Кумуш билан ҳатто тушларимда дардлашиб чиқаман, Зайнабга ачинаман, уни юпатгим келади...

Ташқарида шамол ғувилляпти. Шитирлаган товушлар эшитилганидан шамол хазонларни учириб ўйнаётганини, дарахтлардан чирт-чирт узилиб тўшаётган сарғайган, қирмизи япроқлар деразага келиб урилаётганини сезяпман. Шамолнинг аста-секин шашти зўрайди. Ҳовлидаги деворга суяб қўйилган

кир ювадиган тоғора даранглаб ағдарилди. Дераза тирқишидан кираётган елвизакдан шамнинг липиллаб турган оловчаси рақсга тушарди. Шамолнинг баттар кучайиб ғувиллаши қоронғи тунда юракка ваҳима солади. Мен хаёлим бўлинмасидан дарсларимни тезтез тайёрлаб олишга ошиқардим. Лекин барибир ғувиллаган товуш диққатимни ўзига тортиб кетаверди. Кейин шамолнинг шиддати пасайиб, ёмғир томчилаётгани қулоғимга чалинди. Бир муддат деразага тиктик томчилар урилиб турди-да, сўнг бирданига ёмғир заптига олиб, шовуллаб қуя бошлади. Тарновдан шариллаб қуйилаётган ёмғир товушидан онам уйғониб кетди. Бошига эски чопонни ёпиб, шошилганча ҳовлига чиқди: ёмғирда ивийдиган бирон нарса ташқарида қолиб кетмадимикан, деб хавотир олди, чамамда. Мен дарсларимни тайёрлаб бўлай деганимда китоб устига бошимни қўйиб, ухлаб қолибман.

Эртасига мактабдан келгунимча онам қўни-қўшнилардан арава ахтариб, анча овора бўлибди. Охири ҳамшира холанинг ўғлини мотоциклда тоқпояларни ташиб беришга қўндирибди. Кечаги ёмғирдан кейин ҳаммаёқ лой бўлиб кетган экан. Аравачали мотоцикл бу аҳволда тоқзорнинг ичига кириб боролмайди. Шунинг учун уни йўл четига қўйиб, биз тоқпоя боғламларини ўша ерга ташиб чиқадиган бўлдик. Тўплаб қўйган тоқпояларимизнинг ярмини кечаси кимдир ўғирлаб кетишга ҳам улгурибди. Меҳнатимизга ачиhib, йиғлагим келарди. Аммо энди кўзёш тўқкандан нима фойда. Онам ҳатто ўғрини қарғамади ҳам. “Барака топкурлар, юкимизни анча енгиллаштиришибди, қийналмасин, дейишган-да” деб киноя қилиб қўя қолди. Қолганига шуқр қилишдан ўзга иложимиз ҳам йўқ. Тоқзор оралаб юриш қийин эди, тиззамизгача лойга ботиб, тоқпояларимизни зўрға ташиб олдик.

Кечга бориб онам ҳолсизланиб қолди. Пешонасини ушлаб кўрмоқчи бўлсам, унамади: “Ҳавотир олма, озгина шамоллабман шекилли, ўтиб кетади”, – деди. Иссиқ чой дамлаб бердим, бир-икки пиёла ичди. Овқатни эса емади. “Ўзинг еявер, қизим, менинг иштаҳам бўлмапти” деб болишга бош қўйиб, ухлаб қолди. Ярим кечаси онамнинг аёзда қолган одамдек қалтираётганини сезиб, уйғониб кетдим.

– Ая, нима бўлаяпти сизга? – дедим кўрқиб кетганимдан ўзим ҳам қалтираб.

– Ваража қилаяпман, аъзойи баданим музлаб кетаяпти, – деди онам овози ҳам қалтираб.

Онамни ўрнига ётқизиб, икки қават кўрпа ёпдим.

– Мен ҳозир, бир зумда дори топиб келаман, ая, – деб югуриб ташқарига чиқдим. Бундай зарурат мавридида хаёлимга фақат ҳамшира хола келарди, холос. Кўча зим-зиё, милт этган шуъла кўринмайди. Осмон булут бўлганидан митти юлдузлар ҳам беркинган. Вужудимни кўркув қамраб олди. Қаерда кетаяпман, қайси манзил томон, ўзим ҳам билмайман. Танграмга таваккал қилиб, кўчани чамалаб боравердим. Ҳаво биррам совибдики, этларим жунжикиб, тишларим такиллай бошлади. Уйдан гугурт олсам бўларкан, шу эсимга келмабди. Ҳарна бир қадам бўлса ҳам йўлимни ёритарди. Муюлишга етганимда ўнг томонга йўл солдим. Кўзим қоронғиликка бироз кўниккандай бўлди. Ҳамшира холанинг уйига бир амаллаб етиб олдим. Совуқдан оёқ-қўлларим қалтираб, эшикни тақиллатдим. Бирпас ўтиб, ҳовли ичкарисидан қадам товуши эшитилди. Бу уйдагиларнинг ширин уйқусини бузганимдан қаттиқ хижолат чекаётган эдим. Эшикни холанинг ўғли очиб, сўнг гугурт чақди.

– Кимсан? – деди у қоронғида мени таниёлмай.

– Марямман, аямнинг тоби қочиб қолди, қаттиқ шамоллаганга ўхшайди, холамдан дори сўраб келган эдим, – дедим тишларим такиллаб.

Холанинг ўғли эшикни очиқ қолдириб ичкарига кириб кетди. Кейин дарров уйдан холанинг ўзи чиқди. Қўлида пилиги милтираб ёниб турган мойчироқ ҳам бор эди.

– Вой, Марям, ўзингмисан, онангга нима қилди? – деди ҳамшира хола чироқни юзимга яқин тутиб.

– Кун бўйи лойгарчиликда ишладик, зах ўтган бўлса керак, иситмаси кўтарилаяпти.

– Вой, бечорагина-ей, шу ҳаводаям лойда ишлайдими, – деб уйга кириб кетди ва бироздан сўнг қайтиб чиқди. – Ма, мана бу доридан битта ичсин, иситмани туширади. Эрталаб бориб, хабар оларман. Ё ҳозир бирга борайми?

– Йўқ, раҳмат, овора бўлманг, шу дорининг ўзи етади.

– Ўзинг ҳам совуқдан кўкариб кетибсан, шунақаям юпун кийини чиқасанми. Вой ўлай, ҳали оёқяланг ҳам юрибсанми?

Мен шундагина шошилганимдан уйдан оёқяланг чопиб чиққанимни пайқадим. Мойчироқнинг хира ёруғида оёқларим қонаётганини кўрдим. Мана энди оёқларимдан қаттиқ совуқ ўтаётганини, тошлар тилиб юборган жойлари ачишаётганини сеза бошладим.

– Шошма, ҳозир сенга калиш олиб чиқаман, – дея хола куюнганча кириб кетди.

Менга эса бир лаҳза ҳам ғанимат эди. Бу ерга қандай чопиб келган бўлсам шундай изимга қайрилиб, шамолдай учиб кетдим.

– Биби, қаёқларда юрибсан, жон қизим, хавотир олдим сендан, – деди онам болишдан қийналиб бошини кўтариб. – Нега совуқда дийдираб юрибсан?

Мен индамадим. Кечкурун чойнакда қолган чойни сочиқ билан ўраб қўйган эдим, илиб қолибди. Пиёлага

чой қуйиб, онамга бир дона хапдори узатдим. Онам бироз ёнбошлаб, дорини ичди. Пиёлани қайтариб узатаётганида бехосдан оёғимга қўли тегиб кетиб, чўчиб тушди.

– Оёғинг музлаб қолибди-ку! – дея шоша-пиша оёқларимни ушлаб кўрди. Кейин кафтини шам ёруғига тутиб, баттар кўрқиб кетди. – Нима бўлди сенга ўзи, нега оёқларинг қон?

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, ая, тинчланинг. Ҳамшира холаникидан дори олиб келдим.

– Дори? Шу қоронғи кечада, ёлғиз ўзинг? Оёқланг бориб келдингми?

– Чопиб бориб келаман дебман-да. Шошилганимдан...

Онам кўрқиб кетганидан касалини ҳам буткул унутди.

– Ташвишланманг, ая, менга ҳеч нарса қилгани йўқ. Сиз жойингизга ётинг, тезроқ тузалинг, – дедим ҳамон оёқ-қўлларим қалтираб.

– Қоронғи тунда дорининг нима кераги бор эди? Сенга бирон нарса бўлса, менинг жоним узилади-ку, Биби. Оёқларингни тошлар тилганга ўхшайди. Сенинг оёғинг тилинса, менинг юрагим тилинади, Биби. – Онам ёнимга ўтириб, мени маҳкам бағрига босди. – Аъзойи баданинг музлаб қолибди-ку. Нега бундай қилдинг, эси йўқ қиз?

Мен бирон сўз деёлмай юм-юм йиғлардим. Онам мени адёлга ўраб, ўзи ташқарига чиқди. Ўчоққа ўт қалаб, сув иситди. Сўнг тоғорада иссиқ сув олиб келиб, оёқларимни авайлаб ювди. Чойшаб билан оёқларимни ўраб қўйди. Қайноқ чой дамлаб, бир-икки пиёла мажбурлаб ичкизди. Бутун танамга иссиқ ҳарорат югурди. Ўрнимга ётқизиб, кўрпа билан ўраб-чирмади. Ўзи ҳам қалтираганча ёнимга ётиб, елкаларимни силади. Қаттиқ чарчоқ ва суяк-суягимгача ўтиб кетган

аччиқ совуқдан кейин иссиқ кўрпага бурканиб ётиш, оқ, бундай роҳатни ҳеч нарсага алишмасдим. Боягина қоронғи кўчалар бўйлаб чопиб юрганымда танам айтарлик ўзимга бўйсинмай қолаётган эди. Шунчалар даҳшатли қалтираётган эдимки, бу фақат замин узра энгилгина қиров тўшаётган куз ҳавосининг эмас, зимистон қаъридаги қўрқувнинг ҳам таъсиридан бўлгандир эҳтимол. Энди иссиқ тўшакда гўё офтобда эриётган муздек бутун вужудим бўшашди. Онамнинг ҳароратли нафасини туйиб, ухлаб қолибман.

\* \* \*

Шамоллаш деганлари битта хапдори билан ўтиб кетадиган нарса эмас экан. Онамнинг юзлари чўғдай қизариб, кўзларидан ёш оқиб қолди. Меники-ку сал энгилроқ, томоғим қичишиб, йўталяпман, холос.

– Лойгарчиликда тоқпоя ташиймиз деб икковимиз ҳам баравар тумов бўлибмиз-да, қизим, – деди онам эрталаб шивалаб ёғиб турган ёмғирда тарнов остига эски челакни қўятуриб.

– Ая, сиз кириб дам олинг, менга ҳеч нарса қилгани йўқ, – дедим.

– Ҳеч нарса қилмаганмиш-а, томоғинг бўғилиб қолибди-ку, овозинг зўрға чиқяпти.

Онам жаврай-жаврай ўчоқхонага кириб, қўлбола электр печда сув қайнатмоқчи бўлиб, чироқни ёқиб кўрди, ток ҳали ҳам келмабди. Ноилож ўчоққа ўт қалаб, сув қайнатдик. Онам исириққа яна алламбало ўтларни қўшиб дамлама тайёрлади. Ўшандан икковимиз ҳам бир-икки хўпладан ичдик: шамоллашга даво бўларкан. Мен эшик олдини супуриб-сидиргунимча онам ҳолсизгина ичкарига кириб кетди. Нонушта ҳам қилганимиз йўқ. Дастурхонда бир тишлам ҳам нон қолмабди. Менинг мактабга жўнайдиган вақтим бўлиб

қолган эди. Лекин бугун ҳеч боргим келмаяпти, оёғим тортмаяпти. Онамни шу алфозда ташлаб кетолмасдим. Ундан кўра, хамир қориб, агар онам рухсат берса, нон ёпиб қўйганим яхши, деб ўйладим. Ўчоқхонага кириб, хамир қоришга тараддуд кўрмоқчи бўлдим. Лекин ун қопимизнинг ичида ҳам шамол айланиб қолибди. Қоп тубида қолган бир ҳовучгина ун икки кишига урвоқ ҳам бўлмайди. Дўконнинг уни бизга қимматлик қилади. Қоплаб қўйган буғдойимизни тегирмонга олиб бориб ун қилдириб келишим керак. Онам иккаламиз киш ғамини ёзда ейишга одатланганмиз. Бўлмаса, масалдаги боқибеғам ниначининг ҳолига тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Чунки бизнинг ўзимиздан бошқа суянчимиз йўқ. Отамнинг эса рўзғор билан иши бўлмайди. Ҳолбуки, дастурхон бўм-бўш бўлса, фиғони фалакка кўтарилади. Ҳатто бўлакланган нонни ҳам емайди, тап тортмасдан: “Бутунини олиб кел” деб дўқ қилади. Бели оғримаганнинг нон ейишини кўринг, деганлари шудир-да. Онамнинг жонига тўзим берсин, шундай пайтда ҳам отамга бир оғиз гап қайтармай, одоб сақлайди. Шунинг учун ҳам онамни рўзғорни бутлайман деб эртаю кеч тиним билмайдиган чумолига ўхшатаман. Қопдаги буғдойни ҳам онам икковимиз жазирама саратонда, айна буғдой ўрими палласида хўжалик даласида ишлаб йиққанмиз. Ҳатто ўрим пайтида адашиб тўкилиб-сочилиб қолган, шундоғам қушларга ем бўладиган бошоқни ҳам дала хўжайини текинга бериб қўя қолмайди. Бир қоп-ярим қоп буғдой учун хўжаликнинг лавлаги экилган даласини бегона ўтлардан тозалаб беришимиз керак. Намхуш ерда онамнинг йиртиқ калишидан оёғига зах ўтиб кетишидан кўрқаман. Онам эса менинг оёқларимдан хавотир олади. Икковимиз қўлларимиз қонай-қонай кўрсатилган жойдаги бегона ўтларни юлиб чиқамиз.



Тарвақайлаб ўсиб кетган бангидевоналарни юлиш ҳаммасидан ҳам мушкул. Ҳидини айтмайсизми, бирам қўлансаки, ҳар юлганимда кўнглим айнийди. Кейин буғдойзорга қайтиб келамиз. Комбайн буғдойни ўриб кетаверади. Бепоён далада тангадай соя йўқ. Офтоб тиғи бошимиздан ўтиб кетса ҳам хўжайиннинг ваъда қилган буғдойни беришини сабр билан кутамиз. Унга-ча бекор ўтирмасдан, ерга тўкилган бошоқларни ҳам терамиз. Ҳозир хўжайинлар буғдойни янги комбайнга ўрдирадиган бўлишган. У деярла топ-тоза қилиб ўради. Ҳадеганда ерга бошоқ тўкилавермайди. Тўкилганлари ҳам кўпинча пуч ёки дони унчалик тўқ бўлмаган бошоқлар бўлиб чиқади. Шугина темир-терсак ҳам шунчалик ақлли бўладими? Эски комбайнлар яхши эди, ҳар ҳолда, анча-мунча тўкиб-сочиб ўрар эди. Келишилган буғдойимизни олганимиздан кейин дала хўжайини буйруқ беради:

– Бўлди, кетинглар, ерда ҳам бирон нарса қолсин. Сизлар худди чигирткага ўхшайсизлар, ортларингиздан фақат қоп-қорайиб тупроқ қолаяпти.

Биз ана шундай қилиб то бир қишлик буғдойимизни тўплаб олмагунимизча далама-дала юраверардик.

Тегирмонга кетаётганимни онамга айтиб қўймоқчи бўлиб, ичкари уйга мўраладим. Онам бир қўлида кашта билан болишга ёнбошлаганча ухлаб қолган экан. Ишқилиб, шамоллаши зўрайиб кетмасин-да. Уйқусини бузиб, безовта қилгим келмади. Ярим қопча буғдойни орқалаб, тегирмонга жўнадим. Тегирмон уйимиздан икки чақиримча нарида. Гоҳ тош йўлдан, гоҳ лой кечиборардим. Елкамдаги қоп тобора оғирлашиб бораётгандек туюлади. Ерга қўйиб, бироз дам олай десам, буғдойимнинг нам тортиб қолишидан қўрқаман. Устига-устак боягина тўхтаган ёмғир яна ёғиб қолса ундан баттар бўлади. Елкам оғриб кетса ҳам тўхтамасдан тез-тез

юриб кетавердим. Тегирмон олдиға етиб борганимда ўн чоғли одам айвон тагида навбат кутиб ўтиришган экан. Қатор охирида ўтирган аёлнинг ёниға бориб, мен ҳам навбатға қўшилдим ва қопимни ерга қўйиб, муздай ўриндиққа ўтирдим. Бу хотин бир синфдошимнинг онаси эди. У ҳам мени таниди.

– Жуда юпун кийиниб олибсан, қизим, қопинг ҳам анча оғирға ўхшайди, – деди у дўриллаган эркакча овозда, менға бошдан-оёқ қараб.

– Совқотаётганим йўқ, хола, – дедим нафасимни ростлаб. Хола ҳорғингина жилмайиб қўйди.

– Ўтган гал онанг келган эди, бугун чиқолмадимиз?

– Бугун аямнинг бироз тоби йўқ.

– Ҳа, ҳозир хотинларға қийин. Биламан, сизларнинг ҳам уйлариңда эркак йўқ. Меникилар ҳам рўзғорға пул топиб келамиз деб иш қидириб, узоққа кетишди. Уч ойдан бери на дарағи бор, на бир хат-хабари. Рўзғорнинг аравасини ўзим қизларим билан тортаяпман.

– Аравангиз бўш-ку, буғдой олиб келганмидингиз? – дедим унинг олдидағи аравачаға ишора қилиб.

– Боя ёмғир ёғаётганда йўлга чиқиб қўйган эканман. Бу ерга келгунимча қопдағи доннинг ҳаммаси ҳўл бўлиб қолибди. Қопни салапон билан ўраб олсам бўларкан. Ўзи бошим ҳам ишламай қолди. Тегирмончи олмайман деб қайсарлик қилди, тегирмони ҳўл донни янчолмасмиш. Шу ҳам тегирмон бўлди-ю. Тегирмони ҳозирги янги чиққанидан, ток билан ишлайдиган хилдан. Ундан сув тегирмони яхши эди, шундай бақувват бўладики, тошни ҳам бир зумда янчиб юборади.

– Буғдойинг ҳалибери қуримаса керагов, Салтанат, кутганинг бефойдами дейман, – деди оппоқ мўйлабининг учлари сарғайиб кетган киши лабидағи папиросни бурқситиб тутатаркан.

– Ҳа, ўзимниям кутиб ўтирадиган бекорчи вақтим йўқ. Донни ичкарига олиб кириб, ёйиб қўйдим, эрта-лабгача қуриса янчиб қўяр, эртага олиб кетаман. Шу ҳавода шунча оғир қоп билан келиб кетаверишнинг ўзи бўладими, – деди Салтанат хола қўл силтаб. – Бунинг устига оёғим шишган. Озгина дам олай, кейин кетаман. Сенинг ҳам навбатинг тезроқ яқинлашади, – деди у менга қараб. – Мана бу олийжаноб эркакларнинг биронтаси аёлларни навбатсиз ўтказиб юборайлик, уйда ишлари кўпдир ҳам демайди.

– Ҳозир кимда иш кам дейсан, ҳеч кимнинг бекорчи вақти йўқ.

– Қаёқда, эртадан кечгача ҳаммангиз Чорибойнинг чойхонасининг атрофида тимирскиланиб юрасизлар. Уй ишларини ҳам, мол-ҳолга қарашни ҳам, ер чопишни ҳам хотинларингиз қилишади. Хотинларнинг ўлмаган жони.

– Ўзингам катта бозорчи бўлиб кетибсан деб эшитаман, савдонг авжида бўлаётгандир?

– Э, шуям савдоми, совун-повун, қурут-мурут дегандай майда-чуйда нарсаларни ундан олиб бунга сотаман, ҳарна тирикчилик деб. Қимирлаган қир ошади. Оз-моз ҳаракат қилиб турмасам, болаларимни ким боқади?

– Эринг пул юбормаяптими?

– Пул тугул икки энлик хат ҳам юборгани йўқ. Пули бош-кўзидан садақа, ўзи тирик қайтиб келса ҳам гўрга эди, деб ўтирибман.

– Эрингни соғинганга ўхшайсан?

– Э, соғиндим нима-ю, соғинмадим нима, эркакларнинг ҳаммаси бир гўр. Қизларим катта бўлиб қолишди, уларни турмушга беришим керак ҳали. Ҳаммаси аёл бошим билан ўзимнинг бўйнимга қолган. Э, бўпти, кўп гап – эшакка юк. Қанча дийдиё қилганим билан

биров дардимни тушунармиди. Қани, қизим, менинг жойимга ўтир. Мен кетдим, ҳали бир дунё иш кутиб ўтирибди уйимда. – Салтанат хола жаврай-жаврай, аравачасини судраганча лапанглаб юриб уйига кетди.

Менинг навбатим келгунча пешин бўлди. Бир талай эркакларнинг қаторида ёлғиз қиз бола бўлиб турганимдан ўнғайсизланавердим. Боя оқ мўйлаби папирос тутунидан сарғайган амаки: “Қизим, қачонгача кутиб ўтирасан, буғдойингни ташлаб кетавер, тегирмончи янчиб қўйса, кечқурунми, эртагами олиб кетасан” деганида бир хаёлим шундай қилмоқчи ҳам бўлдим. Аммо яна шунча йўлга бориб келишни чама-лаб, ундан ҳам кўра буғдойимнинг алмашиб қолишидан чўчиб, индамай ўтиравердим. Аввал одамлардан эшитган эдим: тегирмончи яхши тозаланган буғдойни кўрса, уни бир четга олиб қўйиб, ўрнига ўзидаги яхши тозаланмаган донни янчиб бераверар эмиш. Ўшандай буғдойларнинг орасида ҳатто аччиқмиянинг донлари ҳам аралашиб кетган бўлади, дейишади. Бунақа унинг нони жуда тахир бўларкан. Бизнинг буғдойимизни эса онам иккаламиз битталаб тозалаганмиз, орасида бир дона бегона ўтнинг дони ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам кимки онам пиширган нонни еса, мазасини мақтаб-мақтаб ейди, фақат отамдан ташқари. Шуларни ўйлаб, қопимнинг ёнидан бир қадам ҳам нари кетмадим. Ҳатто навбатим келиб, тегирмончи қопимдаги донни тегирмонга солганда ҳам тепасида қараб турдим. Ҳарҳолда камбағалнинг буюми кўзининг олдида бўлгани яхши. Тегирмоннинг чангини ҳам писанд қилмадим. Онам иккимизнинг пешона теримиз билан топган донимизнинг чанглари ҳам табаррук.

Тегирмондан қайтиб келсам эшигимиз олдида синфдошларим Муниса билан Турсуной туришган экан. Ораста кийиниб, сочларини бирам чиройли тараб олишганки, ҳавасинг келади. Мени кўриб иккови ҳам

донг қотиб қолишган эди. Шунда сиртдан, уларнинг кўзлари билан ўзимга қарадим ва қоп кўтарган, мункиллаган кампирни кўргандай хўрлигим келиб кетди. Елкамдаги юкни ерга қўймасдан қизлар билан саломлашдим-да, индамай эшикдан кириб кетавердим.

– Э, ҳой, Марка, менга қара, – деди шошиб қолган Муниса ортимдан. – Нега мактабга бормадинг? Аяндан сўрасак, сени мактабга кетган эди, деб айтди.

– Аям ҳам, мен ҳам шамоллаб қолдик, – дедим овозим хириллаб.

– Вой-ей, шамоллаган одам қоп орқалаб юраркан-да. Мактабга текширувчилар келишармиш. Дарсни қолдириб юрмасдан эртага мактабга борар экансан, муаллима тайинлаб юборди. Сени деб раҳбарлардан гап эшитишни хоҳламас экан, тушундингми? Бизни ҳам овора қилганинг қолди.

Бугун дарсга бормаганимга-ку, ўзимнинг ҳам виждоним қийналиб, ичимни ит тирнаяпти. Имконим бўлса, дарслар тугаган бўлса ҳам ҳозироқ мактабга бир бориб келишни жон деб истаб турибман. Аммо иложим қанча. Ўчоқхонага кириб, қопни елкамдан туширдим. Оҳ, биринчи марта белим қаттиқ оғриди. Бироқ онамга билдирмадим. Онам даҳлизда жун титиб ўтирган экан. Кимдир икки қоп қўй жунини келтириб ташлабди. Уни аввал титиб юмшатиш, ҳар хил хас-хашаклардан тозалаш, кейин эса урчуқда йигириб калава қилиб беришимиз керак. Шу ишимизга бир-икки сўм чойчақа оламыз. Мени кўриши билан онам ҳайрон бўлиб қараб қолди.

– Мен сени мактабга кетган десам, тегирмонда юрганмидинг? – деди онам, нега менга айтиб қўймадинг, дегандай савол назари билан қараб.

– Уйда бир бурда ҳам нон қолмабди, шунга тегирмонга дарров бориб келаман деб ўйлаган эдим. Нав-

батда турганлар кўп экан. Ишимни битирмай қайтишга кўнглим бўлмади. Бугунги дарслар ҳам қолиб кетмайди, эртага албатта етиб оламан, ая, хавотир олмаманг, – дедим.

Белим зирқираб оғриётганини онамга сездириб қўймаслик учун тезда ўчоқ ёнига бордим. Қозонда икки кишилик карам шўрва қайнаб турибди, онам мен келгунча пишириб қўйибди. Мазали ҳидидан иштаҳам яйраб кетди. Жудаям очқаб кетган эдим, шошилиб дастурхонни ёздим. Онам икковимиз нонимиз бўлмаса ҳам шўрвани хузур қилиб ичдик. Онам пиширган карам шўрва бирам ширин эдики, агар шугинанинг ичида данакдеккина гўшти ҳам бўлганида борми, асалдан ҳам зиёда бўлиб кетарди. Кейин хамир қоридим. Хамир тошай деганда тоқпоя ёқиб, тандирни қиздирдим. Онамни ҳол-жонига қўймай, нонни ўзим ёпишга кўндирдим. Болалигимдаги ўша мудҳиш воқеадан сўнг ловуллаб ёнаётган оловни кўрсам қўрқадиган бўлиб қолган эдим. Шунинг учун онам қиздираётганда тандирнинг яқинига ҳам йўлатмасди. Бу гал эса негадир оловдан қўрқмадим. Нон ёпишга ҳам астойдил иштиёқ пайдо бўлди. Бу иштиёқни онам ҳам кўзларимда кўрди ва ёнимда ҳар бир ишни ўргатиб турди. Кўнглим сезиб турибди, онам тандирнинг тафти абгор юзимга таъсир қилиб қолишидан чўчиб, безовта бўлмоқда эди. Мен бунга парво қилмасдим. Қайтага ҳар битта нонни тандирга энгашиб ёпаётганимда бу ишни оловга қасдма-қасд қилаётгандек дадилланардим. Нон ёпишни завқу шавқ билан ўрганмоқда эдим. Баҳонада шамоллашдан ҳам бирийўла қутулдим. Тоғимни бўғиб турган касаллик тандир тафтидан чилпарчин бўлди. Енгил нафас ола бошладим.

– Вой, шамоллашим кетганга ўхшайди, ая, сиз ҳам тандир оғзига яқинроқ келинг, – дедим хурсанд бўлганимдан.

Онам айтганимни қилиб тандирга яқинроқ келиб энгашиб турди. Лекин биламан, уни шамоллаш эмас, бошқа дард изтиробга солмоқда...

Тандир ичидан “тап-тап” деган овозлар чиқди, бурқсиб кулнинг чанги ҳам кўтарилди.

– Ҳай, Марям, ўрикларинг пишиб, ерга тўкилаётганга ўхшайди, – деди онам шоша-пиша ва шарақлаб кулиб юборди. Онамнинг бундай ёзилиб кулганини кўрмаганимга кўп йиллар бўлиб кетган эди. Шу сабабдан ҳам қувониб, ҳам ҳайратланиб маҳлиё бўлиб қолибман. – Ҳой қиз, қарасанг-чи, – деди онам тандирнинг оғзига ишора қилиб.

Жон ҳайбатида тандир ичига мўраладим. Мен ёпган нонларнинг ярми пишай деганда тандирдан узилиб, кулга ағанабди. Чаққонлик билан уларни кулдан олиб, рапиданинг устига кўйиб, ёпишган чангларини енгса билан обдон тозалаб артдим. Буларни тозалаб бўлгунимча қолганлари ҳам узилиб, бирин-кетин кулни чангитди. Уларни ҳам шошилганча тандирдан чиқариб олдим. Мен довдираб қолган эдим. Онам эса ҳамон мириқиб куларди. Кейин билсам онам ўзининг ёшлигини, биринчи нон ёпганини эслаган экан. Ўшанда онамнинг ҳам нонлари беўхшов чиққан, шалпайган, чанг ёпишган нонларига қараб юм-юм йиғлаган экан. У пайтда онамни юпатадиган ҳеч кими бўлмаган. Менинг ҳам йиғлагим келиб, мижжаларимда ёш милтиллаб турарди. Аммо онам қизиқ гапларни айтиб мени юпатди. Кўнглим анча енгил тортди. Нон ёпиш ҳазилакам иш эмас экан. Менинг биринчи нонларим қийшиқ бўлса ҳам мазали чиқибди, онам иккаламиз мақтаб-мақтаб едик.

Қоронғи тушганда мойчироқни ёқиб, дарс тайёрлашга ўтирдим. Бугун қайси фандан қайси мавзу ўтилганини тахминан биламан, албатта. Уларни синчиклаб

ўқиб, алгебрадан мисолларни тез-тез ечиб ташладим. Бир кун мактабга бормаганимга китобларимни соғиниб қолгандек гўё уларнинг ичига шўнғиб ўқирдим. Уйқу элитаётгани ҳам йўқ. Ҳатто дарсларни тайёрлаб бўлганимдан кейин ҳам анчагача уйқу эсимга келмади. Мен эса вақтни бекор ўтказмадим, дуолар китобини қўлимга олиб, онам билан ўзимга шифо сўрадим. Китобчадаги дуоларни бошдан-адоқ ёддан айтаётган бўлсам-да, барибир уни қўлимда ушлаб туришга, кўзларимни ундаги нафис сўзлар узра югуртиришга ўрганиб қолганман. У қўлимда бўлса кўп-кўп яхши хотираларни ёдимга солади, кўнглимга ҳаловат ва қувват беради.

Шу кўйи китоб устига бошимни қўйиб, ухлаб қолибман. Тонг ғира-ширасида мойчироқнинг аччиқ тутунидан уйғониб кетдим. Мойчироқ ўчиб қолибди, демак, мойи тугаган. Энди яна мойфурушдан керосин олиб келишим керак. Пулимиз етармикан? Ёки яна насияга олиб келаманми?

\*\*\*

Якшанба куни Одил буваникига бордик, икки кун олдин чақириб кетишган эди. Қоплаб қўйган буғдой бошоқларини янчиб, совуриб беришимиз керак. Ҳаво бироз илиб, шамол эсаётган эди. Бундай кунда ишимиз унумли бўлади. Биз борганимизда чол-кампир офтобрўядаги чорпояда гаплашиб ўтиришган экан. Онам дарвоза ўрнига ходадан қўйилган ғовни салгина туртган эди, тарақлаб тушиб, уй соҳибларининг диққатини тортди. Чол биз томонга кўзини қисиб қаради. Офтоб момо секин ўрнидан кўзғалди. Одил бува: “Сизларга мушайит бермай” деб чорпоя устида турган термосни қўлтиқлаганча ичкарига кириб кетди. Момо биз билан сўрашиб, айвон томонга бошлади. Учта қопда бошоқлар, мени янч, деб турибди. Уларни



яланг жойга олиб чиқиб, ерга шол тўшадик ва шолга тўкиб, янчишга тушдик. Шолнинг бурчакларини қайириб бошоқлар устига ёпиб, кафтимиз билан эзгилаб уқалайвердик. Ҳамма бошоқлар янчилиб бўлгунча кафтларимиз ҳам шилиниб кетай деди. Кейин уларни тоғорага солиб, онам юқоридан пастга тўкиб турди. Шамолнинг кўмагида буғдой билан сомонлар бир-биридан ажралиб, шол устига тушарди. Мен сомонларни бир четга супуриб қўявердим. Офтоб момо ҳам менга ёрдамлашгандай куймаланади-ю, лекин тинмай жаврайди. Икки ўғлининг бир йил бурун Холли раис билан чиқишолмай, кейин аччиқ устида далани ташлаб, чет элга иш қидириб кетиб қолганини куюна-куюна гапириб берди. Айтишича, Холли лафзида турмаган эмиш. Йил бўйи ёлланган одамларни роса ишлатган. Оғиз ошга етганда эса бошда келишган иш ҳақининг ярмини берибди. “Бу йил ҳосил мўлжалдагидан камроқ бўлди, келаси йил яхши бўлса, ҳақларингни тўлиқ қилиб бераман”, – дебди. Куруқ гапга қорин тўйса қанийди. Деҳқонларнинг оилалари қишни минг бир азобда қийналиб ўтказишган ҳойнаҳой. Шундан сўнг, ризқларини узоқроқдан қидириб кўришни ўйлашган. Холли раис ўзи шунақа – хасис одам. Биз ҳам шунинг учун унинг даласига буғдой сўраб бормаймиз. Ҳамма ишини қилдиргани етмагандай, ваъда қилган буғдойининг ҳам ярмини олиб қолади. Офтоб момо Холлини бисотидаги қарғишлар билан анча-мунча сийлади. Кейин келинларидан ёзғирди.

– Эй, ҳозирги келинларнинг пати елвагай, пуф десанг бўлди, дарров ҳурпайиб кетади. Эрлари узоққа кетгандан кейин, икки келиннинг боши бир ҳовлига сиғармиди. Бирга ўйнаб юрган болалари аразлашиб қолишса ҳам уларга баҳона, дарров гап талашади. Бир-бировига чанг солиб қолмасидан: “Оналарингни

соғинганга ўхшайсизлар, боринглар, эрларинг қайт-гунча уй-уйларингда яшаб туринглар”, дедим. Оч бўлсам ҳам тинч бўлай, дедим-да. Жон-жон деб кетишди, ота уйларида яшашяпти. Кунда-кунора навбат билан келиб, кир-чирларни ювиб, ош-нонимни пишириб бериб кетишади. Ўғиллар аҳён-аҳёнда пул жўнатиб туришади. Қанча юборганини билолмай қийналаман, юборганлари ўзимизнинг пулга ўхшамайди-да. Келинлар бало, пулнинг ҳар қанақасини дарров танийди. – Момо кафтининг орқаси билан оғзини яшириб, секин шивирлади. – Яқинда катта ўғлим пул юборди, Сайрам жувозкашнинг ўғли бериб кетди. Қарасам, иккита пул экан, иккала келинни чақириб, икковига бўлиб бердим. Биттаси тўйиб, биттаси оч қолмасин, дедим-да. Каттасига пул келса-ю, кичигига келмаса, кўнгли ўксийди, болам. Катта ўғлим эпчилроқ, қаерда бўлса ҳақини айириб олади, кичигим бўшроқ. Жувозкашнинг ўғли: “Хола, ўғилларингиз қийналишяпти, у ёқларда ҳам пул топиш осон эмас”, – деди. Буни ўзим ҳам биламан, болам, кўнглим сезади. Қишин-ёзин совуқ бўладиган жойларда ўғилларимнинг қай бир азобларда ишлаб юрганини билиб ўтираман, тушларимдаям кўриб чиқаман. Лекин нима қилайлик, ризқини излаб йўлга тушгандан кейин чолу кампир қариган чоғимизда уларнинг йўлига кўндаланг бўла олармидик.

Момонинг ҳасратидан тутун чиқарди. Онам бўлса, кампир гапириб-гапириб олсин, анча енгиллашадими бечора, дегандек унинг айтганларини маъқуллаб, ишини давом эттирарди. Мен эса буғдойдан ажралиб учаётган майда сомонларни бир четга супуравердим. Бир пайт нимадир кўзимга учиб кирди-ю, ўнг кўзим чимиллаб оғриди. Бармоқларим билан мижжаларимни уқалайман-у, лекин нафи бўлмасди. Онам ҳам, Офтоб момо ҳам бироз қараб туришди-да, кейин кўзимга

кирган нарсани чиқаролмаётганимни кўриб, ёнимга келиб энгашишди.

– Кўзинг оғриси қўлингни тий, қизим, – деди мо-мо кўлимни ушлаб.

– Кўзимга нимадир кирди, энди чиқмаяпти, вой-вой, жуда оғрияпти, – дедим кўзимдан оқаётган ёшни енгим билан артиб.

Онам хавотирланиб, қўлининг чангини этагига артиб, киприklarимдан тортиб кўзимга қаради. Аммо ҳеч нарса тополмади.

– Шошмай тур, менга кел, қизим, – деди Офтоб мо-мо ва бошимдан ушлаб, юзимни ўзига қаратиб олиб, қовоғимни сийпалади. Кейин мижжаларим остига тилини солиб ўйнатди. – Мана, сенинг жонингни оғри-таётган миттичани топдик, – дея у тилининг учига илашиб чиққан майдагина хасчани бармоғига олиб кўрсатди. Бир зумда кўзимдаги оғриқ ҳам тинди.

Буғдойларни созуриб бўлай деганимизда кўча томондан отнинг кишнагани эшитилди. Бу яқин атрофларда ҳеч кимда от йўқлигидан кўпдан бери от товуши қулоғимга чалинмаган эди. Икки йилча аввал қишлоқ адоғидаги адирда кўпкари бўлган, томошага кетаётган қизларга эргашиб мен ҳам ана шу кўпкарига борган ва от деган жониворни сўнгги бор ўшанда кўрган эдим. Роса қизиқ томоша бўлган эди. Биз тепаликка чиқиб олиб, мириқиб томоша қилдик. Улоқни тортишиб, бир-биридан ўзиб чопаётган чавандозларнинг ҳаракатларини кўриб, завқим ортган. Томошага бутунлай қизиқиб қолганимдан дугоналаримнинг кетиб қолишганини ҳам сезмабман. Кейин у ердан бир ўзим қайтган эдим. Келибоқ онамга қандай зўр томоша бўлганини шошилиб-шошилиб айтиб берганимни эсласам, ҳали ҳам завқим келади. Офтоб мо-мо отнинг кишнаганини этишиши билан сергак тортди.

– Нурияжоним келдимидейман, – дея жилмайганча эшик томонга юрди.

Зум ўтмай кўча эшиги очилиб, ёшгина бир аёл кўринди. Офтоб момо кучоқ очиб уни қаршилади. Онам икковимиз буғдойларни саранжомлаб, шолчаларни бир четга йиғиштириб қўйиб, эгни-бошимизни тўғрилаётганимизда улар биз томонга яқинлашиб келаверишди.

– Шу томонларга йўлим тушган эди, баҳонада сизларни ҳам бир кўриб кетай дедим-да, амма, – деб шошиб-пишиб гапирарди меҳмон аёл. У оёғига маҳси-калиш кийган, эгнида одмигина кўйлак, қалин куртка, бошида момиқ рўмол, қўлида эса қамчи. Кулганида юзидан нур ёғилаётган бу аёлнинг кулгичлари унинг ой каби чехрасига яна ҳам чирой бахшида этмоқда эди. Унинг кўзларида ўзгача олов ва шиддат чақнаб турганини кўрган одамнинг юрагини ҳавас чирмаб олади. Бир аёл сиймосида ҳам Барчинойникидек назокату нафосат, ҳам Алпомишники каби шахту шиддат мужассам бўлишини илк бор шоҳиди бўлиб туришим эди, шундан бир лаҳза бу аёлнинг истиқболида анграйиб, табассумига маҳлиё бўлиб қолибман. Бир гапириб ўн кулиб сўйлаётган сўзларидан англадимки, у Офтоб момонинг жияни, ҳар ҳолда, қайсидир бошқа қишлоқда яшар экан. Нурия опа биз билан саломлашгач, Офтоб момо уни ҳам, бизни ҳам ичкарига таклиф қилди. Лекин онам унамади. Менинг эса овози ҳам, сўзлари ҳам ёқимли мана бу аёл билан бирпас гаплашиб ўтиришга истагим бор эди. Бу истагим ичимда қолиб кетди, ошкор этолмадим. Онам Офтоб момо берган тугунни олди-да, уй соҳиблари билан хайрлашди, мен онамга эргашдим.

Шу куни Нурия опа туни билан хаёлимдан кетмади. Бу аёлнинг нимасидир мени ўзига тортмоқда эди:

ойдек тиниқ чехрасими, офтобдай истарасими ёки тим қора сочларимикан, балки чарос кўзларида чақнаб кўринган шиддатиدير? Ҳатто унинг от чоптириб юргани тушимга кириб чиқди. У отини шиддат билан елдириб кетар, мен эса гўё шамолга айланиб унинг ортидан югурардим. Мен унинг юзини кўришни истардим, бироқ кўролмаёй ҳалак эдим. У фақат олға қараб интилиб, отини тиндирмас эди. Мен барибир унга етолмадим. Уйғонганимдан кейин ҳам унинг нурли жамолини эслашга уринардим. Ё тавба, қадди-қомати кўз олдимда турибди-ю, лекин юзини эслаёлмай қийналардим. Афсус, қанча уринмайин, ўша гўзал чехрани кўз олдимга келтиролмадим. Унга шунчалар ҳавас қилган эдимки, энди эслаёй олмаётганимдан асабларим чақнарди, ўзимни қаерга уришни билмасдим. Инсоннинг истараси ҳам қуёш тафти билан баробар бўлишини шу тобда юрак-юрагимдан ҳис этмоқда эдим. У қанчалар хушсурат, қанчалар дилбар, қанчалар бахти барқарор аёл. Ёстиғим остидан дуолар китобини олиб бағримга босганча илтижолар қиламан. Яратгандан кўп нарса сўрамадим, бугунгидай қувончли лаҳзаларни, онам икковимизга сиҳатлик беришини, яхшиларга ҳамроҳ қилишини тиладим, холос.

*Яратган Эгам, агар бунинг имкони бўлса, ҳаммага тўқис бахт бер, кўпнинг қаторида бизни ҳам бир чимдим муруватингга мушарраф айла!*

\* \* \*

Янги йилнинг киришига икки кун қолганда отам сафардан қайтиб келди. Отам анча озиб-тўзиб кетибди. У маст ҳам эмас (мен унинг қиёфасини фақат маст ҳолда тасаввур қилишга ўрганиб қолган эдим), кўполликларини ҳам қаёққадир ташлаб келганга ўхшарди. Саломимизга хушмуомалалик билан алик олди.

Бизни бўлмаса ҳам, уйини соғингани сезилиб турарди. У каттагина сумкасини очиб, онамга момиққина рўмолни узатди: “Бу сенга”, – деди сезилар-сезилмас жилмайиб (назаримда, турмуш қурганларидан бери биринчи марта совға бераётган бўлса керак). Онам, совға олиш нималигини эсидан ҳам чиқариб юборган онажоним бениҳоя севиниб кетди. Шундоқ ҳам боядан бери қувончи ичига сиғмаганидан ўзини кўярга жой тополмай турган эди, энди шодлиги кўзларидан ёш бўлиб қалқиб чиқди. “Раҳмат, отаси, раҳмат, илойим, бахтимизга омон бўлинг. Совғангиз нимаси, соғ-саломат кириб келганингизнинг ўзи бизга катта хурсандчилик-ку”, – дея тинмай жаврарди у. Отам менга ҳам юпқароққина бир рўмолни узатди. Таассуфки, қувонмадим, эгим ҳам жимирламади. Болалигимдаёқ юрагимда у пайдо қилган муз ҳамон эримаганлигини билардим. Чамамда, у сафардан анчагина пул билан қайтган эди, сумкасидан рўмолни олаётганида ўрам-ўрам пулларга кўзим тушди. Қиёфасидаги мамнунлик ҳам шундан бўлса керак. Лекин барибир унга қараб туриб гоҳ раҳмим келар, гоҳ ўзим сабабини билмаган ҳолда аччиғим чиқарди. Юзида елвагай табассум зоҳир бўлса-да, барибир ҳадемай унинг жанжалкашлиги тутиб, яна ҳаловатимизни бузадигандай, осуда ўтаётган ёруғ кунларимиз тагин зимистонга айланадигандай кўнглимда бир хавотир ҳукмрон эди. У сумка ичига яна бир қур кўз ташлаб, ичидаги пулларни қайта санагандай бўлди-да, кейин ўрнидан ҳорғин кўзғалди.

– Бирон овқатинг борми? – сўради у онамдан.

– Қовоқшўрва қилганман, қайнаб турибди, иссиққина ичиб олинг. Йўл азоби... дегандай, чарчагансиз, – деб онам меҳрибончилигини, кўнглидаги қувончни ҳали ҳам яширолмасди.

Отам юзини бужмайтирди. Шундай бўлса ҳам, онам иккимиз чаққонлик билан дастурхон ёзиб, нон,

туршак, жийда, умуман, бор бисотимизни кўйдик. Отам ғарибгина дастурхонимизга назар ташлаб, кейин бир нима эсига тушгандай сумкасини бошқатдан очиб, ичини кавлаб кўриб, елим халтага солинган бир ҳовуч ширинликни олиб менга берди. О, бизнинг хонадонимиз бундай ажойиб ширинликни кўрмаганига неча йиллар бўлган бўлса керак. Энди шундай чиройли ўрамдаги конфетларга эскириб, ранги ўнғиб кетган дастурхонимиз шунчаки ярашмай турганидан хижолат бўлмоқда эдим. Отам қовоқшўрвани бир-икки хўплаган бўлди. Кейин ташқарига чиқиб, ҳовлини бус-бутун айланди. Ҳеч нарса ўзгармаган, у кетаётганида қандай бўлса, шундайлигича турибди. Назаримда, у ҳалитдан зерика бошлаган эди. Онам эса мириқиб суҳбатлашмоқчи, дунё кезиб, нималарни кўрганини жудаям билгиси келарди. Бироқ отам бунга парво ҳам қилмасди. Унинг ичидаги қачонлардир ўчиб қолган чироқ ҳамон ёришмаганини онам билмаганга олган бўлса ҳам, лекин мен аллақачон англаб улгурган эдим.

Отам ҳовли этагидаги толдан синиб тушган бир-иккита шох-шаббани териб, четандан нарига улоқтирди-да, қайтиб келиб уйга кирди. Унинг юзида ясама табассум ҳамон зоҳир эди. Буни очиқчеҳраликка йўйган онам хуш кайфиятда саволлар берарди. Аммо отам жавоб беришга ҳадеганда ҳафсала қилавермасди. У болишга ёнбошлаб олиб онамнинг сўраганларига “ҳа”, “ҳим” дегандай қисқагина жавоб берар, кўзини юмганча нималарнидир ўйларди. Сўнг шу кўйи ухлаб қолди. Онам сезилар-сезилмас хўрсиниб кўйди.

Эрталаб, ҳали кўёш олтин сочини ёймасидан, отамни йўқлагани биринчи бўлиб Соли амаки эшик қоқди. Ҳар доимгидай Дониш пакана ҳам думдай эргашиб келди. Пакананинг энди анча-мунча бўйи чўзилиб, сўлоқмондай йигит бўлиб қолганини аввал пайқама-

ган эканман. Биз отамга нонушта тайёрлаётган эдик. Отам дарахт тагидаги ювингичга энгашиб, юзларини чаймоқда эди. Соли амаки томоқ қириб: “Ҳормасинлар, Шопўлатбой, кўз ойдин, кўз ойдин”, – дея беярашиқ тиржайиб келаверди. Отам юз-қўлларини елкасидаги сочиққа арта-арта битта-битта қадам ташлаб келиб, улар билан саломлашди ва ичкарига таклиф қилди.

– Қани, оқсоқол, тўрга ўтинг, – деди отам Соли амакининг иззатини қилиб.

– Йўқ, чироғим, жуда тўрга чиқиб кетмаймиз, бизга ўхшаганларга мана бу ер ҳам бўлаверади, – деб амаки печкага яқинроқ жойга ўтирди-да, болишга ёнбошлади. Уйнинг тўрига эса Дониш пакана ялпайиб ўтириб олди. – Хўш, мулла Шопўлат, қани, сўйланг-чи, қай юртларда бўлдингиз, нималарни кўрдингиз?

– Қаерда бўларди, шу, ўзингиз эшитган, билган жойларда-да, – деди отам чой узатаркан, мийиғида кулиб. Энди отам Соли амакининг олдида илгаригидай бўйнини қисиб, бошини қуйи солиб ўтирмасдан, худди қарзларини ортиғи билан узиб кўядиган одамдай дадил-дадил гапирмоқда эди. – Дунё дегани, Соли ака, Қизилқум саҳросидай бепоён экан. Лекин бир мақсадни маҳкам тутиб кетаверсангиз-кетаверсангиз, охири етаркансиз-ей. Мен ҳам етдим. Савдо-сотигим ўйлаганимдан ҳам яхши бўлди. Ўзингиздан қолар гап йўқ, мен савдонинг одамиман, ақчани ақчага уриб, соққа қилишни озми-кўпми биламан.

– Сен ўрганган савдо билан бугунги савдонинг фарқи ер билан осмонча, бўтам. Сен давлатнинг олиб келиб берган тайёр молини қўйиб берган нархида сотиб ўргангансан. Ҳозир замон бошқа, молни ўзинг топиб кел-у, ўзинг сот. Харидор сен қўйган нархни ё кўтаради, ё кўтармайди. Фойдаси ҳам, зиёни ҳам ўзингнинг гарданингга. Худойим, ол қулим, деса, бойиб кетасан, ўл қулим деса, тойиб кетасан.



– Ўлманг, оқсоқол, маълумотингиз олий бўлмаса ҳам, дунёнинг илмини сув қилиб ичиб юборгансиз-а.

– Ҳа, олий маълумотингни билмадим-у, лекин энг олий билимни домла эмас, ҳаёт беради, чироғим.

– Устозим – ҳаёт, денг?

– Шундай, бўтам.

– Мен бўлсам устозингиз бошқа биров деб юрарканман, – дея отам айёрона илжайди. Назаримда, у, устозингиз шайтон бўлса керак, демоқчийди. Буни Соли амаки ҳам фаҳмлади, шекилли, қошини чимириб, томоқ қириб қўйди.

– У ёқларда даромадли иш кўп дейишади, шу ростми? – деди Соли амаки гапни бошқа ёққа буриб. Чунки ҳозир аччиқлашиб ўтиришдан наф йўқ, ундан кўра сипо гаплар билан қарзини ундириб кетгани муҳимроқ.

– Э, нимасини айтасиз, иш дегани бижғиб ётибди. Лекин ишлайдиган одам йўқ. Бизда нима кўп – одам кўп, иш оз, иш топсанг, кўнглинг тўладиган иш ҳақи йўқ.

– Бизнинг ўғилтойга ҳам ўша ёқларда дурустроқ иш топилармикан?

– Ўғлингизни уринтириб нима қиласиз, Донабой ҳали ёш, ўқисин, хунар-пунар ўргансин. Бундай қараганда, ўғлингизга хунарнинг ҳам кераги йўқ. Ўзи сизнинг топган-тутганингиз бунга умрининг охиригача етади-ку.

– Нима, мени боғлаб бериб қўйибдими, беш кунлигим борми-йўқми, кейин қийналиб юрмасин, дейман-да.

– Қизиқ гапирасиз-а, оқсоқол, сиз ўлмайсиз, ҳали бизга ўхшаганларнинг нечтасини кўмасиз.

Бу мақтовми ёки кесатиқми, Соли амаки тушунолмади чоғи, дўпписини ечиб, бошини қашлади. Дониш пакана дастурхондаги охирги конфетни еб тугатай деганда отам нариги хонадан қоғозга ўралган бир даста

пул олиб чиқиб Соли амакининг олдиға қўйди. Амаки ўрамни очмасдан пулнинг салмоғини чамалаб кўрди-ю, юзи ёришди.

– Овинг анча бароридан келган кўринади, Шопўлатбой, – деди у отамни мақтаб.

– Насибаға яраша, тақсир. Ҳа, овим ёмон бўлмади. Ҳарқалай, савдони билганнинг қўли қуруқ қолмайди. Биринчи уринишға бу кутганимдан аъло десам ҳам бўлади. Энди йўл-йўриқни анча билиб олдим. Яна бироз пул тўплай, баҳорға чиқиб каттароқ юк билан жўнайман у ёққа. Мана бу сизға хамир учидан патир. Қолган қарзларингизни қистамай турасиз-да энди. Кейинги гал боришимда сизникиға ўхшаган қарзлардан элликтасини узадиган пул олиб келаман. Бир-икки сўм пул топиб, бурниға хода етмай юрган мишиқи савдогарларингизға ўшанда кўрсатиб қўяман савдо нималигини. Шопўлатнинг кимлигини бир билиб қўйишсин.

Отамнинг катта гапларига ота-бола маҳлиё бўлиб ўтиришарди.

– Шопўлат, иним, агар пул зарур бўлса, мана буни ҳам олиб ишлатавер. Ўша катта пулни олиб келганингда фойдаси билан қайтарарсан. Мен, пулимни ҳозир берасан, деб оёқ тираб туриб олганим йўқ-ку.

– Э, йўқ, оқсоқол, – деди отам Соли амакининг ичида нафс ўти яна ҳам аланга олганини кўриб, – ҳисобли дўст айрилмас, дейдилар. Қарзларимни оз-оздан узиб қўяверганим яхши, шунда ҳисоб-китобимиз тўғри бўлади.

– Шундайми, ҳай, майли, ўзинг биласан. Лекин мабодо пул зарур бўлиб қолса, тортинмай сўрайвер. Сен фойдаси билан қайтарадиган одамсан, мен сендайлардан пулни қизғанмайман. Ҳар кимдан ҳам пул олаверма. Биламан, кимлардан қарздор бўлиб юрганингни. Улар ғирт бетайин одамлар. Пулни беришға беришадди-ю, кейин орқаворотдан гўрингга ғишт қалаб юришадди. Сен олсанг, мана мендан ол. Биласан, мен қўли очиқ, кўзи тўқ одамман. Ахир, подшойи олам Хорун ар-рашид

ҳам молу давлатини савобга тиккан дейишади, агар рост бўлса. Бизнинг у зотдан қаеримиз кам, чироғим?

Соли амаки отамдан олган пулини бағрига босиб, мамнун ўрнидан қўзғалди. Қўйнидаги пул уни бир қоп семиртирганидан димоғи чоғ бўлиб, эшикдан ўзгача салобат билан чиқди. Улар кетгач, отам ҳам худди яна одамлар қарзларини сўраб келаверадигандек шоша-пиша кўчага отланди. Биз меҳмонлар кетганидан энгил нафас олиб, дастурхон ёнига ўтирган эдик. Кўнглим сезиб тургани шу эдики, онамнинг отам билан бир пиёла чой устида гаплашиб ўтиргиси бор эди. У чойни бошқатдан дамлаб, тез-тез қайтарарди. Унинг бундай ҳаракатлари отамнинг парвойига ҳам келмасди. Онам унга деб чой қуйди-ю, лекин пиёла қўлида қолди. Отам бир сўз демай, ташқарига йўл олди. Она-бола кўнглимиздан кечаётганларини бир-биримизга билдирмаслик учун чойни узун-узун ҳўплардик.

Отам шу кетганича кечаси алламаҳалда қайтиб келди. Яна ичкиликнинг қўланса ҳиди анқий бошланди – эски ҳаммом, эски тос. Сезгиларим алдамаган экан: кеча унинг юзида намоён бўлган нимтабассум бир лаҳзалик зарурият бўлган, у бизни соғинмаган, бу туйғу кўнглининг кўчасидан ҳам ўтмаган, у бир қатра ҳам ўзгармаган эди. Яна аввалги ҳаётимиз қайтадан бошланди – биз отамни эрта тонгда индамасдан уйдан чиқиб кетаётгани-ю, тунда маст ҳолда оёқлари чалкашиб кириб келганини кўрардик, холос. Отам шу аҳволида гўё бу уйда ижарада яшаётган сўққабош одамни эслатарди. Менинг хаёлимда, биз ҳам онам иккимиз қайсидир бегона жойларга бошимиз оғиб келиб қолганмиз-у, мажбурликдан мана бу одам билан битта ижара уйда яшашга маҳкум этилгандекмиз.

Бу ёқда қишнинг ҳавоси ҳам одамни эрмак қилгандек кунда-кунора алмашилиб туради. Гоҳ қуёш чарақлаб баҳорни эслатиб қолади, гоҳ қор бўралаб ёғиб,

бўрон кўтарилади. Совуқ забтига олган пайтларда уйни иситишга қийналиб қоламиз. Отам эса пинағини ҳам бузмайди, қорни ғарч-ғурч босганича чиқиб кетади-да, бошидаги қуён мўйнали телпағи-ю, қалин пўстини оппоқ қорга беланиб қайтади. Унинг заррача совқотмаётгани, қайтага иссиқдан бўғриққани чироқ ёруғида қип-қизил бурни устидаги тер томчилари йилтиллаётганидан ҳам билиниб турарди. У баъзида икки-уч кунлаб уйга келмайдиган ҳам бўлиб қолди. Мен-ку, ташвишланмас эдим, аммо онам хавотирланиб қийналарди. Ўзини ухлаганга солса ҳам, лекин “тиқ” этган товушга қулоқ тутиб ётгани менга аён эди.

\* \* \*

Кўкламнинг боши серёмғир келди. Деярли ҳар куни эрталаб мактабга етиб боргунимча уст-бошим ҳўл бўлиб кетади. Лойғарчин йўллардан юриб борганим боис ботинкамнинг турқиға қараб бўлмай қолади. Мактаб ичкарасига киришдан олдин тарновдан тушаётган ёмғир сувидан ҳовучимга олиб ботинкамни обдон юваман. Кейин синфхонага кириб, камзулимни партамнинг суянчиғига илиб қўяман, бироз турса қурийдим. Лекин ҳўл бўлиб кетган бўлса ҳам рўмолимни ечмайман, ахир, у танимнинг ажралмас бир бўлагига бўлиб улгурган-да. Болаларга қарасам, бу йилги баҳор аввалгиларидан фарқлидек кўринади кўзимга. Синфдошларимнинг юриш-туришлари анчагина ўзгарган. Ҳаммалари ораста кийинишган, ҳазил-мутоибалари ҳам ярашиқли. Мактабни битиришга яқинлашганимиз сари улар бир-бирларининг қадрини сеза бошлаган эди, чамамда.

8 март куни ўғил болалар қизларни байрам билан табриклашлари ҳам ўзгача бўлди. Илғари ҳам ана шу байрам куни болалар қизларни табриклашарди, бироқ ҳаммани эмас. Ўзлари қизларнинг орасидан

кимларни маъқул кўришса, ўшанга совға беришарди – кимгадир ручка, кимгадир тирноқ бўёғи, яна кимгадир рангли қалам насиб этарди. Менга бундай сийловларни ҳеч қачон раво кўришмаган ва бундан асло хафа ҳам бўлмасдим. Санобар эса қандай совғаларни ёқтиришини, ким нима олиб келишини ўзи бирма-бир айтиб чиқар эди. Сўнгра бунинг эвазига Наврўз байрами арафасида бир қути ширинлик олиб келиб, барчани меҳмон қиларди. Бу гал қизларнинг биронтаси совғадан бебахра қолмади, ҳаттоки мен ҳам. Менга китоб совға қилишди. Кўзларимга ишонмай, атрофга жовдираб қарадим. Ҳаяжонланганимдан раҳмат айтиб қўйишни ҳам унутибман. Қўлимдаги китобнинг аввал муқовасига кўз ташладим: Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони. Бу китоб уйимизда бор, кўп марта ўқиганман. Лекин совға деб олганинг барибир бошқача бўлар экан. Китоб қайта-қайта ўқилган, чамамда, бироз уринган, муқовадаги сурати ҳам хиралашган, аммо нима бўлганда ҳам у мен учун ҳар қандай янги буюмдан кўра аълороқ совға бўлди. Менинг китобларни жону дилимдан яхши кўришимни билишганини айтмайсизми. Сўнг китобнинг ичига нигоҳ ташладим. Муқованинг ички томонида табрик сўзлари ҳам ёзилган экан: *“Байрам билан чин юракдан табриклайман, Марям. Болаликда шўхлик қилиб, кўп бора ранжитганларим учун кечир. Қандай дилхираликлар ўтган бўлса, ҳаммасини унутишингни истайман. Синфдошлигимиздан фақат яхши хотиралар қолсин. Ҳурмат билан Аброр”*. Китобни бағримга маҳкам босдим. Хурсандлигимдан сал бўлмаса йиғлаб юборай дедим. Қувончим ичимга сиғмай, ҳамма болаларнинг юз-кўзларига қарайман. Мен ростдан ҳам уларни таниёлмай қолган эдим. Фақатгина Санобарни таниб турибман. У ҳам ҳар кунгидан-да гўзал, ораста бўлиб келган, бироқ негадир барибир ҳар доимгидек таниш

туюлаверди. Унинг қучоғи совғаларга тўлди. Кимдир хатто момикқина қўғирчоқ ҳам берибди. У шодликдан гул-гул яшнар, болаларнинг ҳар бирига чиройли табассум билан раҳмат айтишдан тўхтамас эди. Қизлар эса ҳаммалари совға олган бўлсалар ҳам, унинг қўлидаги бир-биридан чиройли нарсаларни кўришга ошиқишар, авзойларидан ҳавасдан кўра кўпроқ ҳасад қилишаётганга ўхшарди.

Кун бўйи кайфиятим чоғ бўлди. Танаффусларда қўлимдаги буюк муҳаббат достонини варақлаб, пичирлаб ўқишга чоғланаман. Навбатдаги дарсга қўнғироқ чалинганда ҳам ундан кўзимни узгим келмайди. Фақат муаллимимиз синфга кирганидан кейингина китобни аста ёпаман, шунда ҳам унинг муқовасидаги расмидан нигоҳимни узмайман. Мен бугун жуда бахтиёр эдим. Мактабдан уйга келгунимча ҳам китобни қўлимдан қўймадим. Уйга келиб, китоб муқоваси ичидаги ёзувни такрор-такрор ўқигим келаверди: *“...синфдошлигимиздан фақат яхши хотиралар қолсин”*. Ҳар ўқиганимда юрагимни ўртаб юборарди бу сўзлар. Аммо яхши хотираларнинг ўзи бормикан? Нега шунча уринсам ҳам, биронта яхши воқеа эсимга келмаяпти? Майли, барибир ҳам шу ишни ўз вақтида қилдинг, мана шу гапларни айни мавридида айтдинг, Аброр. Агар мактабни тугатиб кетганимиздан кейин узр сўраганимда, эҳтимол кечирардим-у, аммо дилхираликлар юрагимдан бутунлай ювилиб кетмас эди. Ҳозир эса неча йиллардан бери ўтган кунларимга соя ташлаб турган пардалар очиб юборилгандек, қалбимга азоб бериб келган хўрликлар, изтироблар бир лаҳзада сувларга оқиб кетгандек дилим равшан тортиди. Шу кунгача мактаб билан тезроқ хайрлашишни, бу ердан узоқлашишни ва дилимга озор берган ҳамма-ҳаммани унутиб юборишни ўйлаб шошилар эдим. Лекин энди ўқишларимиз охирлаётгани хаёлимга

келган сари шошқалоқ вақтнинг секинроқ одимлашини жуда-жуда истаяпман. Кейинроқ, орадан анча кунлар ўтиб, менга берилган бу совғани ва ҳатто ичидаги табрикномани Назира муаллима йигитларга тайинлаб ташкил қилганлигини қизлар гап орасида билиб-билмай айтиб қўйишди. Муаллима шундай қувончли байрамда мени ажратиб қўйишларини хоҳламаган. Бироқ барибир хурсанд эдим.

“Фарҳод ва Ширин” китобларим орасида икки та бўлди. Икковини ёнма-ён қўйиб, галма-галдан варақлайман. Унисидан бир саҳифа, бунисидан икки саҳифа ўқиб, тунни ярим қилдим. Тонгни ҳам шу дoston завқи билан оттирдим. Мактабда ҳам тушгача хуш кайфиятда юрдим. Тушдан кейин эса мактабга суратчи келганини айтишди. Унинг келишини ҳамма болалар кеча билишган экан-у, бироқ мен хурсандчилик хаёллари билан овора бўлганимданми, эшитмаган эканман. Бугун ҳамма қизларнинг чиройли кийиниб, сочларини бошқача турмаклаб келганларини кўриб, ҳали ҳам кечаги байрам шодлиги давом этаётгани учун бўлса керак, деб ўйлабман. Аммо... кеча билганимда нима ўзгарар эди? Синфдошларимга ўхшаб янги кўйлак кийиб, сочларимга, юз-кўзларимга оро бериб келармидим? Қаердан олардим ўша чиройли кўйлакни? Ўзимга оро беришга менда имкон қайда?

Охирги дарс ўтилмади. Ёп-ёруғ бўлгани учун бизни ўқитувчилар хонасига чақиришди. “Ҳамма эшик олдида тайёрланиб турсин, ичкарига битта-битта кирасизлар, “винетка”га суратга тушираман”, – деди суратчи. Бу кўҳна одат эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Мактабни битириб кетаётганлар эсдалик учун ана шундай жамланган суратга тушишади. Кимлар бизнинг устозларимизу синфдошларимиз бўлишганини шу суратга қараб, бир умр эслаб юрамиз.

Йигитлар қайсидир бири олиб келган бўйинбоғни алмашиб тақиб, навбат билан суратга тушишар, қизлар эса бир-бирларининг сочларини бошқатдан тўғрилашар, юзларига упалар суртиб, кўзгуни талашушар эди. Табиийки, қизлар ичидан энг биринчи бўлиб Санобар суратга тушди. Унинг суратга тушиши инжиқ киноактрисанинг кинога тушиши билан баробар бўлди. “Э, бўлмади, яхши чиқмади, кўнглим тўлмапти, бошқатдан олинг” деявериб суратчиниям хунуб қилиб юборди. Биз, навбатда турганлар эса унинг чиқишини кутавериб, зерикиб кетдик. Ниҳоят, Санобар ичкаридан чиққанида ҳаммамиз жўр бўлиб “хайрият-е” деб юбордик. Галим келганида мен ҳам хонага кириб, оппоқ девор ёнидаги курсига бориб ўтирдим. Суратчининг курсига тўғрилаб қўйилган ёриткичлари кўзимни қамаштирарди. Суратчи фотоаппаратининг у ёқ-бу ёғини бураб бўлгач, менга кўзи тушиб, бир зум ҳайрон бўлиб қараб қолди. Мен эса хижолат бўлиб ўнғайсизландим.

– Шундай ўтираверасанми? – деди у ҳамон осмондан тушган ғайриоддий жонзотни кўргандек кўзини лўқ қилиб.

– Қандай? – дедим тушунолмаي.

– Рўмолингни ечиб қўй, пардоз-андоз қилиб, сочларингни ёйиб-тара. Кейин... кўйлагинг ҳам расмга яхши чиқмайди.

– Йўқ, – дедим шартта гапини бўлиб, – мен пардоз қилмайман, рўмолимни ечишни ҳам, бошқа кўйлак кийишни ҳам хохламайман. Қандай бўлсам, шундайлигимча суратга олаверинг.

– Ё тавба, бунақа ўжар қизлар тўпланган синфни биринчи кўришим. Нега қайсарлик қиласан? Ахир, сен бу кўринишингда бутун бошли винеткани бузасан-ку...

Суратчининг гапи оғзида қолди. Мен шахт билан ўрнимдан турдим. Нафасим бўғзимга тикилди. “Мен



суратга тушмайман”, – дедим-да, ташқарига отилдим. Ортимдан синфдош қизлар ҳай-ҳайлаб қолишди. Шамолдай учиб, мактаб ҳовлисидан чиқиб кетдим. Уйга қандай етиб келганимни ҳам билмайман. Кўзларимга ёш қалқиб чиқмасин, деб чуқур-чуқур нафас олардим. Эшикдан киришим билан онам менга бир қаради-ю, кашта тикишдан бир дам тўхтаб қолди.

– Нима бўлди, Марям, аҳволинг яхшими? – дея хавотирланиб сўради.

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, биров чарчадим, – дедим-да, уйга кириб, кийимларимни алмаштирдим.

Шу пайт кўча эшигимиз олдига бир машина келиб тўхтади. Отам улфатлари билан келган бўлса керак, деб ўйладим. Чунки бир неча кундан бери отам уйга келмаётган эди. Қаерларда юрганини ҳам билмаймиз. Машинада отам келмаган экан. Эшик очилиб, башанг кийинган бир аёл билан мен тенги бир қиз киришди ва гўё бу ҳовлига аввалдан келиб юргандек бамайлихотир келаверишди. Онам иккимиз шоша-пиша уйдан чиқдик. “Келинг, опа”, – деди онам бу нотаниш аёлни таниёлмай салом бераркан. Аёл ҳам, қизи ҳам саломимизга алик олмай, қошларини чимириб аввал онамга, кейин менга ижирғанган кўйи ёвқараш қилишди. Нотаниш аёлнинг эгнидаги кийимлари камалакдек товланиб турар, ўзига ҳафсала билан оро берган, сочлари калта, лекин чиройли таралган, қўлида қимматбаҳо сумкача, ҳамма нарсаси ўзининг кибру салобатига ярашиб тушган эди. Ёнидаги қиз ҳам зеболикда ундан заррача қолишмас, боққан одам уларга суқланмай қарай олмасди. “Оҳ, одамлар бунча гўзалликни қаердан олишаркан? Яратган ризқни барчага баробар сочмаганидек, хусни ҳам фақат суйганларига ҳадя этади чоғи? Уларга тортиқ қилинган шунча хусну латофатнинг четидан бир чимдимгина биз бечораларга ҳам

илинса қанийди” дея уларга тамоман маҳлиё бўлиб, оғзим ланг очилиб қолибди.

– Сиз экансиз-да, эски уйимнинг янги бекаси, – деди аёл. Хаёлим “чирт” бўлиниб, ўзимни ўнгладим. – Эрингизнинг аввалги хотини бўламан. Йўлим тушган эди, йўл-йўлакай бир пайтлар ўзим яшаган уйга ҳам бир кириб ўтгим келди. Мана, ҳаммаси ўша-ўша, ҳеч нарса ўзгармаган, шунча йиллардан бери ҳатто битта тош ҳам у ёқдан бу ёққа олиб қўйилмаган. Вақтида қўлимни ювиб, қўлтиғимга урган эканман. Бу ердан кетаётганимда қизларим ҳали кичкина эди, мана, катта бўлиб қолишди. Биз ҳозир шаҳарда яшаймиз, ҳамма нарсамиз етарли, бу жойларни асло соғинмайман ҳам. Сиз бўлсангиз... қандай чидаб яшаяпсиз?

– Бу нима деганингиз? – деди онам хомуш тортиб.

– Билишимча, ҳозиргача ҳам никоҳдан ўтмаган экансизлар. Эрингизнинг кўнглига йўл тополмабсиз-да? Наҳотки шу ботқоққа ўхшаган жойда яшашга ўз ихтиёрингиз билан кўниккан бўлсангиз?

Онам бўрининг пойидаги қўзичоқдек ожизларча унга қулоқ тутиб турарди. Биз ростдан ҳам уларнинг олдида ҳар жиҳатдан ожизга ўхшар эдик. Шуни сезганим заҳоти кутилмаганда юрагимда бир ғалаён кўтарилди. Ўзим ҳам тушунмаган бир куч пайдо бўлди.

– Бизни камситиш учун келдингизми бу ерга? – дедим нафратимни яширолмай.

Аёл ялт этиб менга қаради. Онам гапимдан саросимага тушиб, мени тинчлантирмоқчи бўлди.

– Ўзингиз билан олиб келган қизингизми? – деди аёл истехзоли жилмайиб. Қизи унинг қулоғига нимадир деб шивирлади. – Унинг юзига нима қилган? – Онам индамай ерга қаради. – Лекин тили ўткир экан, камбағал бўлсанглар ҳам. Кўрдингизми, бошқа болали ҳам бўлмабсизлар. – Аёл, шу ҳам яшашми, дегандек ҳамон бизга ҳам ачиниш, ҳам ижирғаниш билан қарар-

ди. – Тўғриси, сизга бир гапни айтиб кетиш учун бурилдим бу ҳовлига. Эрингиз, яъни менинг собиқ эрим аввал бошидаёқ шаҳарга изимдан эргашиб борганида кўзимга бошқа кўринмаслигини тайинлаб, орани очиқ қилган эдим. Лекин ҳали ҳам уйимнинг атрофида изғиётган экан, қўшниларим айтишди. Сиз шунча йилдан бери у билан яшаб, қолган умрингизни ҳам шу оилага бағишлаган экансиз, унга айтинг, энди менинг уйим атрофида тентираб юрмасин. Бўлмасам, менга ҳам, қизларимга ҳам, ўзига ҳам жабр қилади.

Бу онам иккаламиз учун саратонда чақмоқ чаққандай гап бўлди. Онам нима дейишини билмай, аёлга қаттиқ тикилиб қолди. Чақирилмаган меҳмонлар шу гапни айтишди-ю, ортларига қайтиб кетишди. Онамни эса қалтироқ тутди. Уйга суяб олиб кирдим-да, бир пиёла сув бердим. Ичган суви кўзларидан ёш бўлиб оқди. Энди билдим, отамнинг нима учун гоҳида бир неча кунлаб уйга келмай қаёқларда санқиб юрганини. Ўз уйидан узоқда, бегона кўчаларда қай аҳволда сандироқлаб юргани кўз олдимдан ўтаверди. Нафақат жисми, ҳатто ички олами ҳам кўзимга кундай ёрқин кўринмоқда эди. Нима ўйда, не хаёлда, у ёқларга борган бу одам – энди менга ҳаммаси аён. Негаки энди ёш қизалоқ эмасман. Ё эрта улғайдим, ё мен тенгиларнинг ҳаммаси унча-мунча гапларнинг мағзини тезда чақа оладиган бўлиб улгуришган. Ўйлашимча, мен илғаган синоатни онам ҳам дарров тушунди. Шунинг учун ҳам унинг бутун дунёси қоронғи бўлди, тушкунлик уни ўз домига тортиб кетди. Нега келди ўзи бу аёл? Шундоқ ҳам туманли бўлган турмушимизни остин-устин қилиб кетиш учунми? Ёки ўзининг умидсиз турмушдан воз кечиб, орзусидаги тўкис ҳаётга етишганини кўз-кўз этиш учунми? Мана, ҳеч қандай шовқинсиз, ҳақоратлашу юзга чанг солишларсиз ҳам одамни моталалоқ қилиб ташласа бўлар экан. Танноз хоним

юмшоққина гапириб, устимиздан кулиб кетди. Онам иккаламизнинг дилимизни вайрон қилди. Ундан кўра ошкора таҳдид қилиб келмайдими? Кейин бир-биримизнинг сочларимизни юлиб, дод солмаймизми? Шунда, балки, аламимиз ичимизда қолиб кетмасди, эҳтимол, анча енгил тортган ҳам бўлар эдик. Улар бўлса ўз ёғимизга ўзимизни қовуриб кетди. Инсон боласи ҳам шунчалик шафқатсиз бўладими?

Эртаси куни мактабда яна кун бўйи ҳамманинг эътиборида мен бўлдим. Кеча суратга тушмай кетиб қолганим учун синфдагиларнинг ҳаммаси мендан ранжишган эди. Суратчи: “Битта одам учун яна овора бўлиб келиб юрмайман”, – деган эмиш. Токи мен ўзим суратхонага бориб, очиқ юз билан суратга тушмагунимча ўша савил қолгур винеткани ҳам тайёрламас экан. Қизлар мени койишгани-койишган. Ўғил болалар ҳам ҳар хил пичинглар қила бошлашди. Ҳатто муаллимлар ҳам мени аврамоққа тушишди. “Майли, ҳозироқ бориб суратга тушиб келаман, фақат рўмолим билан тушаман” деб қайсарлик қилиб туриб олдим. Муаллимлар бунга кўнишмади. Таълим идорасидаги раҳбарлардан балого қолишармиш. “Улар ҳам одам, уларга ҳам тўғри тушунтирса, албатта, тушунишади-ку” дедим. “Агар билсанг, уларга бир гапни уқтиргунча она сутимиз оғзимизга келади. Ҳамма нарса фақат юқоридан пастга юборилишига кўникиб қолганмиз. Пастдан юқорига бирор гапни етказиш эса шовуллаган оқимга қараб сузаман деб беҳуда чираниш билан баробар”, – дейишди. Лекин мен барибир кўнмадим. Охири ўша винеткаларини менсиз чиқарадиган бўлишди. Хайрият, енгил нафас олдим. Бир ҳисобдан жуда яхши бўлди. Майли, мени шу синфда ўқимаган деб ҳисоблаб қўяверишсин. Шундоқ ҳам бу болалар билан қадрдон эмасмиз, шунчаки синфдошмиз, холос. Эслаб юрадиган яхши хоти-

раларимиз ҳам деярли йўқ. Сурат деганига чиройи киройилар тушсин-да. Бизга ўхшаганларга бундай нарсалар аллақачон бегона бўлиб кетган.

Танаффусда одатдагидай ёлғиз ўзим ташқарида айланиб юрдим. Қуйи синфлардаги болалар шовқин солиб ланка ўйнашаётган экан, томоша қилиб туриб, завқим келиб кетди. Болалигимда мен ҳам ўйнаб кўрганман бу ўйинни. Болалар эчкининг терисидан тангадайгина қирқиб олиб, сўнг тагига кўрғошинми, тошми, бир балони ёпиштириб, ким кўп тегишга баҳс бойлашиб ўйнашар эди. Нотўғри тепган одамнинг оёғи оғрийди. Айниқса, ўша кўрғошин тўпикқа тегса борми... Менинг ҳам тўпиғим шишиб кетган эди. Ўшанда билганман, бу қиз болаларга тўғри келмайдиган ўйин эканлигини. Ўғил болалар эса шундай маҳорат билан тегишадикки, гўё лазгига рақс тушаётгандек одамни қизиқтириб қўяди. Ҳозир ҳам болаларнинг чуғурлашиб ланка тегишлари эски даврларни эсимга солгани учунми, анча вақт томоша қилиб турдим. Синфдош қизлар эса дераза ёнига туриб олишиб, бир-бирларининг сочларини тўғрилашар, кафтдеккина битта ойнага галма-галдан қарашар эди. Улар билан байрам баҳонасида эндигина орамиздаги масофа яқинлашаётгандек туюлган эди менга. Сурат воқеасидан кейин бу яқинлашув яна пароканда бўлди, назаримда.

\* \* \*

Бир неча кунлик бедаракликдан кейин отам яна кўриниш берди. Мактабдан келганимда уй ичкарасида онам юрагига йиғилиб қолган гапларни айтаётган, отам эса унинг ҳар бир гапига ўзининг баҳоналарини рўқач қилиб ўшқирмоқда эди. Уларнинг гапларига аралашмаслик учун ўчоқхонага кирдим-да, даҳанаки тортишувлари тугагунча кутиб ўтирдим.

– Э, ҳамманг қирилиб кет, – дея қичқирди отам ниҳоят ва эшикни қарсиллатиб ёпганча кўчага чиқиб кетди.

Уйга кирсам онам шўрлик йиғлаб ўтирган экан. Ёнига чўккалаб, юпатмоқчи бўлдим.

– Биз нима ёмонлик қилганмиз отангга, қизим? – деди онам кўз ёшларини тўхтатолмай. – Мана шу турмушимиз тинч бўлсин, деб ҳамма орзуларимдан воз кечган эдим. Борига ҳам, йўғига ҳам чидадим. Оч қолган кунларимизда ҳам бировдан нон тиланмадим. Бу киши бўлса...

Онамни юпатмоқчи бўламан-у, аммо ўзимнинг ҳам ичимни дард тирнайди. Ахир, нега онамга чиройли турмуш насиб этмаган? Нега у фақат қайғуга кўмилиб яшаши, ҳаёт завқларидан бенасиб ўтиши керак? Ёки буларнинг бари синовмикан? Унда нима учун тақдирнинг синовлари бунчалар чўзилиб кетган? Одамзод бардошининг ҳам, умрининг ҳам чегараси борлигини тақдир унутиб қўйган чоғи?

Отам кечкурун улфатлари билан келганида ҳаммалари ширакайф эди. Кўчадаги ўтиришлари маромига етмаган кўринади, чаласини уйимизда давом эттиришмоқчи экани билиниб турибди. Бирининг қўлида бир шиша ароқ, бошқасининг қўлида елим халтага солинган шўр бодринг. Улар бир-бирларига суяниб, уйга киришди. Онам икковимиз ошхонага ўтдик. Онам уларнинг олди-га дастурхон олиб кирди. Кейин чой дамлаб берди. Мен бўлсам бу бетайин одамлар ўтирган уйга қадам босгим келмасди. Улар ярим кечагача мижғовланиб ўтиришди. Биз эса ўчоқхонада деворга суяниб мудрардик.

– Ая, – дедим қаттиқ уйқум келганидан кўзларим юмилиб, – бизга мана шу уйдаги файзсиз ҳаёт жуда зарурми? Ёки сизга умр йўлдош, менга ота бўлолмаган анави одамдан қарзимиз борми? Бизнинг бору йўқлигимиз унинг парвойига ҳам келмайди-ку.

– Ундай дема, Марям, – деди онам барибир отамнинг ёнини олиб. – Одам боласи хом сут эмган банда. Ҳаётда ҳамма ҳам хато қилади.

– Икковимиз бу ерлардан бошимизни олиб, узоқларга кетсак бўлмайдими? Шундоқ ҳам ўз тирикчилигимизни ўзимиз қилиб келяпмиз. Ҳадемай менинг мактабдаги ўқишларим ҳам тугайди. Кейин мени ҳам, сизни ҳам бу ерда боғлаб турадиган ҳеч нарса қолмайди.

– Қаёққа ҳам кетамиз, қизим, шу ер бизнинг уйимиз, охирги маконимиз бўлиб қолди.

– Барибир кетганимиз маъқул, ая, қайтага ҳаммаси яхши бўлади.

– Саргардонлик азобини мен кўрганман, қизалоғим. Эсласам, ҳали ҳам юрагим эзилади. Уйимиз, бош уриб борадиган остонамиз йўқ эди, йўл кўрсатадиган яқинларимиз ҳам бўлмаган. Укам икковимиз кўрган кунларни худойим ҳеч бандасининг бошига солмасин.

– Ўша сизнинг укангиз, менинг тоғам ҳозир қаерда?

– Бу ерлардан узоқ юртларда.

– Унда жуда соз, биз ҳам кетайлик ана ўша узоқ юртларга. Тоғамга яқинроқ яшаймиз. Ҳар ҳолда, керак пайтда суянчиқ бўладиган яқинимизнинг ёнида бўламиз. Бу ерда кимимиз бор? Ҳамма бегона, ҳамма бизни камситади. Бир уйда яшайдиган оиламиз боши ҳам биздан жирканади. Фақат ўзи билан ўзи овора. Унга биз ҳеч киммиз.

– Балким, тўғри айтаётгандирсан, лекин бирон нарса ўйлашга кечикдик. Поезд аллақачон кетиб бўлган, энди унинг ортидан югургандан маъни йўқ. Яқинда отанг яна савдо иши билан узоқларга кетади. Топиб келган бор пулларини ўшанга сарфлабди. Соли амакингдан ҳам, бошқалардан ҳам қарз олибди. Майизми, пиёзми, нималардир йиғиб юрибди. “Энди йўлни билиб олдим, аввалгидан анча кўпроқ нарса олиб

бораман”, – деяпти. Қоп-қоп пул топиб келишни кўз-лаб кетяпти. Майли, бизга фойдаси тегмаса ҳам, омон бўлсин. Кейин сен билан мен кенг ҳовлида бир кунимизни кўриб яшайверамиз.

– Мен-ку, хотиржам яшарман, аммо сиз яна отамдан хавотир олиб кун санайсиз.

– Йўқ, энди хавотир олмайман.

Уй эшиги қарсиллаб кетди. Отамнинг ўртоқлари бирин-кетин оёқлари чалкашиб, ташқарига чиқишди. Отам уларни кўча эшиккача кузатиб қўйди. Биз уйга кириб, дастурхонни йиғиштирдик. Уй ичи сигаретанинг қуюқ тутунию ароқнинг қўланса ҳидига тўлган экан. Нафасим бўғилиб, йўталиб қолдим. Ҳайронман, бу одамлар қандай нафас олишаркан? Эшикни ланг очиб, уйни шамоллатдик. Отам зўрға қадам ташлаб қайтиб келди. Нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин гапиролмади. Кейин кўрпача устига таппа ташлаб ухлаб қолди.

Шу оқшом кўзларимга уйқу келмади ҳисоб. Алла-маҳалгача дарс тайёрладим. Кейин дераза олдига ўтириб, ташқарига назар ташладим, ҳамма ёқ зим-зиё. Боя милтираб турган юлдузлар ҳам булутлар ортига беркиниб олибди. Тун шунчалар зерикарлики, ҳатто ёлчителиб хаёл сургинг ҳам келмайди. Нега уйқум қочганига ҳайрон бўламан. Балки, ҳаво етишмаётганми-кан? Димоғимга ҳали ҳам папирос тутуни аралаш ароқ ҳиди урилаётганга ўхшайди. Хаёлимда бу қўланса ҳид фақат димоғимга эмас, уст-бошимга, мана бу пардага, кўрпаю ёстиқларга, деворларга ҳам ўрнашиб қолгандек. Сукунат ютиб юборай дейди. Нафас олаётганим қулоғимга баралла эшитиляпти. Чироқ шуъласида ўтирганим боис бўлса керак, деразанинг нариги томонида қуюқ қоронғилиқдан бошқа нарса кўринмайди. Мойчироқнинг пилигини бироз кўтариб, қадрдон китобчамни олиб дуоларни бошдан-адоқ қайта-қай-



та ўқийвердим. Ҳар бир дуони ўқиганимда илти-  
жоларимни ҳам пичирлаб қўшиб турдим. Ўзимдан  
ҳам кўра шу китобчани берган болакайнинг ҳаққига  
кўпроқ ниятлар қилдим. Ҳозир у ҳам кап-катта йигит  
бўлиб улғайгандир. Қаерлардадир ўқиб ёки каттаги-  
на ишларнинг бошини тутиб, дунёнинг ташвишлари  
билан банд бўлиб юргандир. Балки қачондир яна бу  
ерларга йўли тушар, агар бутунлай ёдидан кўтарилиб  
кетмаган бўлсам, кўришиб қолармиз. Мен унга мана бу  
китобчани кўрсатаман, эсидан фаромуш бўлган бўлса  
ҳам, шундан сўнг албатта эслайди. Устимдан роса кул-  
са керак, шу китобни ҳали ҳам кўтариб юрибсанми,  
деб. Майли, кулаверсин, унинг кулгусида ғубор йўқ.

\* \* \*

Мартнинг охирги шанбасида қишлоқ аёллари  
йиғилишиб, сумалак пиширадиган бўлишибди. Бизни  
ҳам айтишган экан. Онам: “Шу сумалакка сен бориб  
кела қол, Биби. Менинг оёқларим қақшаб оғрияпти,  
– деб керагича ун ва ёғни идишларга солиб берди. –  
Бу бизнинг қўшандамиз, Маъмура холангга бер”. Ҳали  
кундузлари ҳаво илиб, турли, туман қўнғизчалару ёв-  
войи асаларилар учиб юрган бўлса ҳам, кечқурунлари  
шудринг тушиб, салқин шабада этни жунжиктирар  
эди. Мен кечаси ҳам у ерда қолишимни ўйлаб, пахта-  
лигимни олиб олдим.

Отам бугун кўчадан эртароқ қайтди. Ўзи билан  
бирга келган бир нотаниш одамга ичкаридан қоғозга  
ўралган ғиштдек нарсани олиб чиқиб берди. Чамамда,  
пул бўлса керак. Эшик олдида нималарнидир гапла-  
шиб, қоғозга алланималарни ёзиб, узоқ ҳисоб-китоб  
қилишди. Назаримда, отам қандайдир жиддийроқ  
ишга тараддуд кўраётган эди. Ҳалиги киши кетгач,  
отам менинг қаёққа отланаётганимни сўради. Сума-  
лакка бораётганимни айтдим. У индамасдан қўл сил-  
таб, уйга кириб кетди.

Сумалак қилинаётган жой аллақачон сайлгоҳга айланиб кетган экан. Маъмура холанинг ҳовлиси қишлоқнинг юқорироғида, шундоққина сой ёқасида. Ҳовли дарвозаси ланг очилган, одамлар гавжум, ҳар ким бир юмуш билан банд. Усталар сой қирғоғини кавлаб ерўчоқ қуришяпти. Йигитлар атрофдаги ҳовлилардан, сойнинг нариги томонидаги чакалакзордан шох-шаббаларни, ғўлаларни олиб келиб ўтин ғамлашяпти. Қизлар ундирилган буғдойни янчишмоқда. Хотинлар уларга ўргатиб туришибди. Гулсум лапарчи доира чалиб хотинларни ўйинга тортаяпти. Қизлар орасида синфдошларимни кўриб, қувониб кетдим. Санобар билан Муниса бир-бирларининг қошларига ўсма қўйиш билан овора. Хусния, Гулнора, Чарос ва Турсуной бўлса буғдой янчаяпти. Олиб келган нарсаларимни Маъмура холага бериб, қизларнинг ёнига бордим.

– Келганинг яхши бўлди-да, Марка. Ма, мана бу буғдойни ўзинг янч, сен бундай ишларга устасан. Энгашавериб белим оғриди, – деди Гулнора қиймалагичнинг ёнидан нари сурилиб. – Э, қариган чоғингда бунақа ишларга ярамай қоларкансан, вой, белим-ей.

Қизлар қийқириб кулишди. Бундай чиройли ҳазилу кулгидан мен ҳам яйраб кетаман. Қизларнинг ёнига ўтириб, дарров ишга киришдим. Усталар ўчоқни қуриб бўлиб, иккита дошқозонни ўрнатишди. Ўтинчилар олов ёқишга тараддувланишди. Биз супрамизни қозонга яқинроқ жойга олиб бориб ўрнашдик. Гулсум лапарчининг овози яна бир парда кўтарилиб, доирасининг зарби авжигачиқди. Ўсмаларини эндириб бўлган Санобар билан Муниса ҳам хотинларга қўшилиб ўйинга туша кетишди. Айниқса, сочларини ёйиб олган Санобарнинг чиройли рақсга тушиши ҳамманинг ҳавасини келтираётгани шундоққина билиниб турарди.

Кутилмаганда қаердандир Дўсан девона пайдо бўлди-ю, кўпчиликнинг нигоҳи унга қадалди. Ўчоқ-

ни қуриб бўлиб, уст-бошидаги чангларни қоқаётган усталардан бири унинг қўлидан шартта ушлаб ўйинга торта кетди. Девона ҳам худди шуни кутиб тургандек беўхшов тиржайиб, бесўнақай ўйинга туша бошлади. Санобар билан Муниса девонанинг кир-чир бўлиб кетган кийимлари, йиртиқ калиши, туллаган телпаги ва афтодаҳол ранг-рўйидан ижирғаниб, ўзларини четга олишди. Буни кузатиб турган қизлар чапак чалиб кулишди. Ёйилиб ўйнаётган хотинлар ҳам бирин-кетин четланишди. Даврада фақат Дўсан девонанинг ўзи қолди. Одамлар уни ўраб олиб, баралла чапак чалишарди. У эса одамларнинг завқу шавқ билан олқишлашларидан куч олиб, баттар эшилиб ўйинга тушарди. Соё ёқасидаги майдончамиз энди росмана байрам шавқига тўлди. Бу издиҳомга қўшилмаган ҳеч ким қолмади. Ҳассага суянган мункиллаган кампирлар ҳам, пилдираб юрган иштончан болакайлар ҳам – ҳамма-ҳамма олқишлаб чапак чалар, девона эса илжайганча сакраб рақсга тушар эди. Гўё айиқ ўйнатувчи айиғини ўртага қўйиб юборган-у, ҳамма шу айиқни ўйнатиш учун зўр бераётгандек туюларди. Ёнимдаги қизлар ҳам қотиб-қотиб кулганча чапак чалишарди.

– Вой, тавба, шугина телбада ҳам кўнгил бор эканми? Унинг қувонишини-чи. Тузук-қуруқ гапиришни билмайди-ю, лекин ўйинга тушишни қойиллатиб қўяркан, – деди Ҳусния кула-кула.

Юрагим ачишиб кетди. Негадир мана шунақа телбанамо, хору хас одамларни кўрганимда уларга раҳмим келаверади. Шундай одамларнинг устидан кулаётганларни кўрсам хўрлигим келади, гўё менинг ҳам устимдан кулишаётгандек. Дўсан девонанинг ҳеч кими йўқ деб эшитганман. Қаерда яшашини ҳам, тўғриси, билмайман. Лекин гоҳ кўча-кўйда, гоҳ тўй ёки бирор маърака бўлаётган ҳовлилар атрофида учратиб қоламан. Гоҳида кўчадаги болалар уни эрмак

қилиб, ўртага олиб ўйинга туширишади. У эса болаларнинг айтганини қилиб девоналарча ўйинга тушаверади. Болаларнинг қийқиришларини кўриб, ўзи ҳам хурсанд бўлгандек кулади. Катта ёшли одамлар кўриб қолишса, болаларни қувиб солишади-да: “Бор, Дўсан, уйингга кетавер”, – дейишади. Бировга зиёни тегмайдиган бу мусичаи беозорга одамлар эшикларидан гоҳ нон ёки бирон овқат, ёхуд эскирган кийимларини чиқариб беришади. Девона эса уларни ерга ағанагудек таъзим қила-қила олади.

Гулсум лапарчи доирани чертавериш қўллари қавариб кетганидан кейин, ниҳоят лапар айтишни тўхтатди. Ҳамма, лапарчи четда қолиб, Дўсан девонани олқишларди.

- Яша, Дўсан.
- Баракалла, Дўсанбой.
- Кам бўлма, мазза қилдик...

Ё тавба, айтсам биров ишонмаса керак, ростдан ҳам шу девона келганидан кейин даврадагилар бошқача жонлангандек бўлди. Ҳамма бирваракайига завқ олди. Ҳатто пўрим кийимига гард текизмай, бўйинбоғ тақиб олган казо-казо одамлар байрам даврасига кириб келишганида қайнаб турган издиҳом бир лаҳзада муздай бўлиб қолган пайтларга шоҳид бўлганман. Мана бу ҳеч ким назарга илмайдиган рўдапо одамнинг эса ичида нимаси борлигини билишга ақлим бовар қилмайди.

Хотинлар дарров нон ва егуликлар солинган бир тугунни олиб чиқиб девонага беришди:

– Мана буни ол, Дўсан, уйингга борганда ейсан. Дуо қилиб тур, сумалагимиз тотли чиқсин.

Дўсан девона қайта-қайта таъзим қилиб, уйига равона бўлди. Анчагина узоқлашганидан кейин ортига ўгирилиб қичқирди:

- Яхши одамло-ор, омон бўлингло-ор.

Девона кетди-ю, лекин у бошлаб берган завқ шу ерда қолди. Сумалакчи хотинлар қозонларни обдон ювиб, бирин-кетин масаллиқларни солишди.

– Келинлар, ҳой келинжонлар, қизлар, бу ёққа келинлар, қозонларни кавлаб турасизлар. Буларга тош ҳам солиш керак ҳали, бир ҳовучдан тош териб келинлар, – дейишди улар.

– Тошни ўзимиз соламиз, – деди Гулнора.

Биз сойга тушиб, бедананинг тухумидек келади-ган думалоқ, силлиқ тошларни териб келдик. Келин-чаклар битта қозонни эгаллашди, биз, қизлар иккинчи қозонни олдик. Тошларни қозонга ташлаётганимизда Гулнора: “Тўхтанлар, қизлар, бу тошларга қўшиб ҳар биримиз биттадан ёнғоқ ҳам ташлаймиз. Шунақа ўйин бор-ку. Сумалак пишганидан кейин навбат билан кавлаб кўрамиз. Ким ёнғоқни биринчи топса, шу биринчи бўлиб турмушга чиқади. Кимга ёнғоқ чиқмаса, у турмушга чиқолмайди”. Бу сирли ўйинни фақат қизлар билишади ва у ҳеч кимга билдирмай қизлар ўртасида ўйналади. Гулнора Маъмура холадан олган ёнғоқларини биттадан бизга берди, қолганини эса нариги қозон атрофида куймаланишаётган келинчаларга бериб юборди. Таомилга кўра, биз қўлимиздаги ёнғоқни ичимизда ният қилиб қозонга ташлашимиз керак. Ёнғоқлар сумалакка қоришиб, тагига чўқади ва тошларга аралашиб кетади.

– Қани, ким биринчи бўлиб ташлайди? – деди шивирлаб Гулнора. – Санобар бошлай қолсин.

Ҳа, албатта, ҳамма нарсани биринчи бўлиб Санобар бошлаб бериши синфдош қизлар орасида бузилмас анъанага айланиб бўлган. У ҳам бунга ўрганиб қолганидан ўсмали қошларини ўйнатиб, қозонга бир муддат тикилиб туриб, кейин ёнғоқни ташлади. Ундан сўнг биз ҳам бирин-кетин ният қилиб, қўлимиздаги ёнғоқларни қозонга ташладик. Бошқа қизлар ни-

маларни ният қилган бўлса, ўзларига аён. Мен бўлсам, парвардигор, кўпнинг қаторида мен ожиз бандангни ҳам бир чимдим бахтдан бенасиб этма, онажонимга сихатлик бахшида қил, дея тилагимни айтдим.

– Ҳой, жиблажибонлар, ёнғоқ ташлаяпсизларми? – деб нариги қозонни кавлашга тушган келинчаклар қийқиришиб, ҳаммамизни чўчитиб юборишди.

– Вой, пойлаб турганмидинглар, ўзларингиз ҳам ўйнагансиз-ку. Сизлардан ўрганганларимизни қиламиз-да, – деди Гулнора.

Қозон атрофига ўтириб, уни навбат билан кавлай бошлаганимизда қуёш ботиб, сокинлик чўкаётган эди. Илиқлик ўрнини салқин ҳаво эгаллади. Эркаклар ўзларига айтилган ишларни бажариб бўлиб, уйларига кетишган, ўчоқбошида фақат келинлар ва қизлар ўтиришар, хотинлар Маъмура холанинг ҳовлисида чой ичиб, гурунглашишмоқда эди. Ҳали кўрбақалар ва чигирткалар уйғонишмаган, сой сувининг шилдираши ёқимли эшитилар, қозондаги сумалакнинг биқир-биқир қайнашию ўчоқдаги ғўланинг чирс-чирс ёниши унга жўр бўлаётганга ўхшар эди. Осмон тиниқ, тун қоронғиси қуюқлашгани сайин чарақлаган юлдузлар ҳам тобора кўпаймоқда. Сой тарафдан келаётган салқин шабада юзларимизни силайди. Баррагина майсаларнинг ёқимли ислари димоққа урилиб, танни яйратади. Хотинлар ичкаридан бир тоғора кўксомса олиб чиқишди. Иссиққина сомсаларни қизлар билан чувиллашиб, талашиб-тортишиб едик. Сумалакни ўттиз малак – ўттиз фаришта осмондан тушиб, тонггача қўзғаб чиқади, деб айтишади. Шу тобда эса бизнинг сумалагимизни етти қиз – етти малак қўзғайганини бирон ким ҳис қилаётганмикан?

Салқин тушганидан қизлар рўмолларини ўраб олишди. Мана, энди ҳаммамиз бир хил кўринишда бўлдик. Хотинлар кўрпачаларимизни икки қават қи-

либ кетишди. Келинлар шивирлашиб, ўзларининг сирли суҳбатларини бошлаб юборишди. Бизнинг қизлар эса жимгина ўтиришарди.

– Гули, бирон нарса айт, қўшиқми, лапарми. Жим ўтираверсак, ухлаб қоламиз, – деди Турсуной Гулнора-ни туртиб.

– Тағин ухлаб қолиб, мункиб қозонга тушиб кетманглар. Куйиб, ажир–бужур бўлиб қолсанглар ҳеч ким тузатолмайди, – дея гап қўшди Санобар.

Ичимда бир нарса узилиб кетгандай бўлди-ю, лекин ўзимни бу гапни эшитмаганга солдим.

– Вой, мен қўшиқ айтишни билмайман. Ана, Марка айтсин. Бу писмиқ индамай юргани билан ҳамма нарсани билади, – деди Гулнора мен томонга ишора қилиб.

Қизлар қистайверишганидан кейин оёқ тираб тураверсам бўлмас эди. Ўзини тарозига солаяпти, деб яна кун беришмасди. Мен Нодиранинг шеърларидан айтиб бердим:

*Нигори гулбаданимни тушимда кўрсам эдим,  
Лаби шакаршиканимни тушимда кўрсам эдим.*

*Кўз очмайин ғамида рўзгорим ўтқучидур –  
Ки, ёри сиймтанамни тушимда кўрсам эдим...*

Кейин Увайсий ғазалларидан бир талайини айтдим.

– Марка, буларни қаердан ёдлагансан, мактабда ўтмаганмиз-ку? – деди Хусния уйқусираб эснаркан.

– Э, айтмадимми, бу ҳар балони билади, деб, – дея Гулнора қозон кўзғаш навбатини Турсунойдан олди. – Ҳалиям кутубхона ёпилиб кетди. Бўлмаса, бу кун бўйи ўша ердан чиқмас эди. Китобчи хола бунга ҳар кун ширин чой ҳам қуйиб бераркан, ўқийвериб кўзинг тиниб қолмасин, қизим, деб. Санобар, сен ҳам кирганми-сан ўша кутубхонага?

– Нима, менинг бекорчи вақтим бор эканми? Мактабда ўқиганим ҳам етиб-ортади. Ғазал айтиб, матал ўқиб юришларга ҳеч тоқатим йўқ. Менинг жону дилим театр, кино. Машҳур актриса бўлишни хоҳлайман. Бунга менда иқтидор ҳам бор. Уйимдагилар ҳам қарши эмас. Керак бўлса ҳали ҳинд актрисалари ҳам соямга кўрпача солишади.

– Ростдан ҳам, Санобар, сенда артистликка қобилият бор, – деди Гулнора ҳушёр тортиб. – Эсизгина, бу ерга келаётганда биронта китобми, дафтарми, ола келмабман-да, сендан дастхат ёздириб олардим. Машҳур бўлиб кетганингдан кейин яқинингга йўлаб бўладими. Сен осмонда парвоз қиласан, бизлар чумолига ўхшаб ерда ҳам зўрға юрсак керак.

– Э, нукул кесатасан-да, Гули, – деди Санобар.

– Унда турмушинг нима бўлади, ахир, машҳурлар то осмондан тушмагунча эрга тегишмайди-ку, – деб гапни илиб кетди Чарос.

– Буёғидан хавотир олманглар, мени олиб кетадиган шахзодам тайёр, десам ҳам бўлаверади.

Қизлар бирданига ҳайратдан энтикишди.

– Ростданми? Ким экан у омадли йигит?

– Ҳозирча сир. Лекин айтишим мумкинки, у йигитларнинг энг олди.

Ҳамма нарсаси етарли. Шаҳарда ҳам уйи бор экан. Биз шаҳарда яшаймиз. У ҳамма истакларимни муҳайё қилишини айтди. Аввал ўқишга киргизиб қўяркан, кейин қолган орзуларим ҳам бирин-кетин ушалаверади.

– Қандай бахтлисан-а, Санобар.

Шу пайтда ҳаммамиз оғзимиз очилганча унга ҳавас қилаётган эдик. Ҳатто ҳасад эпкинлари-да киприкларимизни сийпалаб ўтганини ҳам яширолмайман. Кўзингни очсанг-у олдингда олисларга туташиб кетган ёруғ йўл намоён бўлиб турса, қанчалар бахт.



Қизлар ширин хаёллар суриб, мудрай бошлашди. Менинг кўзларимга эса бутун оқшом уйқу келмади. Тун бўйи сумалакни кавлаб ўтирдим.

Сахар чоғи Гулсум лапарчининг доираси уйқудагиларни уйғотиб юборди. Яна сайилгоҳ жонланиб кетди. Хотинлар галма-галдан келиб, қозондан хабар олиб кетишди. Тонг ёришгач, одамлар ҳам кўпая бошлади.

– Ҳадемай сумалагимиз тайёр бўлади. Кейин анави хотинлар бизни қозон ёнидан қувиб, ўзлари ялпайиб ўтириб олишади. Вақт ғаниматида ёнғоқ ўйинини охирига етказиб қўямизми? – деди Гулнора шивирлаб. – Ўйин шартига кўра ҳар биримиз токи ёнғоқ топилгунча уч мартадан кавлаб кўрамиз. Ёнғоқ чиқса яхши, чиқмаса пешонадан кўрамиз, келишдикми?

Қозонга биринчи бўлиб Санобар капкир ботирди. Биринчи уринишдаёқ бир тўп тош билан ёнғоқ чиқди. У хурсанд бўлиб, ўзининг ёнғоғини олиб, тошларни яна қозонга ташлади. Кейин қолганлар навбат билан капкир ботиришди. Биров биринчи кавлашда, кимдир иккинчи ёки учинчисида ёнғоқни топди. Хусниянинг гали келганда, уч мартаба капкир ташлаганда ҳам фақат тошлар чиқди, ёнғоқ топилмади. Унинг ранги докадек оқариб, саросимага тушди. Сўнг у капкирни истар-истамас менга узатди. Мен бу ўйиндан воз кечмоқчи бўлдим, лекин қизлар қўйишмади. “Ўйинни бузма, кемага тушганнинг жони бир. Қозонда икки-та ёнғоқ қолди, балки, омадинг чопса, биттаси сенга чиқиб қолар. Қани, бўл, кавла”, – дейишди. Уларга бу ўйин охиригача қизиқ эди. Мен эса Хусниянинг афт-ангоридан кўз узолмайман. Хусния бу ўйинни гўё тақдир ҳукмидек қабул қилиб, тобора изтироб домига шўнғиётганга ўхшарди. Капкирни ноилож сумалакка ботирдим. “Эй, Худо, ишқилиб ёнғоқ илиниб чиқмасин-да” дея ичимда илтижо қилардим. Хайрият, ёнғоқ чиқмади. Иккинчи кавлашимда ҳам фақат тошлар

илинди. Қизлар, бу тошмикан, ёнғоқмикан, деб синчиклаб текшириб кўришарди. Хусниянинг кўлларида умид учқунланаётганини кўргандай бўлдим. Ҳаммаси шундайлигича қолишини жуда-жуда хоҳлардим. Аммо бунга изн беришмади. “Ўйинбузиқилик қилма, охиргисини ҳам кўрайлик, Марка”, деб қизлар жўр бўлиб, пишанг беришарди. Учинчи бор капкирни ботирдим. Афсус... ёнғоқ капкирга илашиб чиқди. Ялмоғиз қизлар уни тошлар орасидан топиб олишди. Қайноқ ёнғоқни менинг этагимга ташлаб, бутун сайилгоҳни бошларига кўтариб қийқиришди. Хусния эса дод солиб чинқириб юборди. Унинг қутилмаган аламли чинқириғи қизларнинг овозларини босиб кетди. Боядан бери нарироқда бизнинг ўйинимизни завқ билан томоша қилиб ўтирган келинлар югуриб келишди. Улар нима юз берганини билолмай Хуснияни юпатишга уринишарди. Қичқириқни эшитиб, Маъмура хола ҳам лапанглаб чопиб келди:

– Ҳай, нима бўлди, биров қозонга тушиб кетдими?

Хусния изиллаб йиғлаганча одамлар орасини ёриб чиқиб, уйлари томонга югуриб кетди. Ҳамма лолу ҳайрон бўлиб, ортидан қараб қолаверди. Мен Хусниянинг изидан чопдим.

– Тўхта, Хусния, бу шунчаки ўйин эди-ку. Шу билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди, – деб ортидан етолмай чопарканман, уни тўхтатмоқчи бўлардим. – Тўхта, дугонажон.

– Йўқ, сен менинг дугонам эмассан, бошқалар ҳам, ҳамманг душмансанлар.

– Нега унақа дейсан, дугонажон, ахир, ҳеч ким сенга душманлик қилмади-ку. Бу арзимас ўйин эди. Ма, менинг ёнғоғимни ола қол, мен уни сен учун қидириб топдим, – дедим кафтимни куйдираётган ёнғоқни унга узатиб.

– Керак эмас, сен тақдирни ўзгартиролмайсан. Бу оддий ўйин эмас, тақдиримизни синаб кўриш эди. Менинг тақдирим шўр экан, тушунапсанми, шўр экан.

– Ундай дема, Хусния.

– Нега ҳаммага чиққан ёнғоқ битта менга чиқмади? Ҳатто сенга ҳам чиқди, сенга-я! Мен сендан ҳам бахтсизманми? Менинг тўрт мучам соғ, нуқсоним йўқ-ку, – дея у кўксига муштлаб йиғларди.

Ногаҳонда ўқ теккандек таққа тўхтадим. Юзимга шапалоқ ургандек дилим вайрон бўлди, хўрлигим келди. Энди мен ҳам сал бўлмаса сочларимни юлиб, фарёд кўтаришга тайёр эдим. Юзимни яширмоқчи бўлсам, аксига олиб рўмолим ҳам йўлда тушиб қолган экан. Ҳатто калишим ҳам қаердадир тушиб қолган, оёқяланг югурган эканман. Ичимда йиғлай-йиғлай изимга қайрилдим. Йўл-йўлакай рўмолимни топиб, чангларини қоқдим, яхшилаб ўраб олдим. Калишларимни ҳам топдим. Бизнинг ўйламай бошлаган ўйинимиз ана шундай шармандали якунланди. Оҳ, бу қуйилмаган қизларнинг ўйинига ўт тушсин. Шунчалик ҳам шафқатсиз ўйин бўладими.

Қайтиб келганимда Маъмура хола бизнинг қозондаги сумалакни сузаётган экан. У тасодафан ҳалиги топилмай қолиб кетган битта ёнғоқни кўриб қолди.

– Ҳа, қизи тушмагурлар, шу ёнғоқни ўйнаб, шунча тўпалон қилдингларми? – деди у ёнғоқни кўлидаги дастмолга артаркан.

– Йўқ, ҳеч қанақа ўйин ўйнамадик, – деди Турсуной уялиб.

– Биламан, ҳар йили битта-иккита ёнғоқларингни ўзим топиб оламан. Мен бу ёнғоқларни келинларнинг қозонига солиш учун берган эдим-ку. Улар кўчқордай ўғиллар туғай, деб ният қилиб қозонга ташлашсин, деганман.

– Вой, хола, ёнғоқ сизга чиқди, энди яна чолга тегасиз, шекилли, – деб Гулнора ҳазил қилди. Ҳамма қийқириб кулди.

– Ҳаҳ, сен шайтон қизними, қараб тур ҳали, – дея Маъмура хола ҳам билқиллаб кулди ва ёнидаги тошни олиб ёнғоқни чақди. – Ҳай, савил қолгур, пуч экан-ку. Бизга битта маймоқ чол ҳам насиб қилмаган экан, қизим.

Сайилгоҳимиз кулгига тўлди. Лекин бундай ичак-узди кулгиларга ёлғиз мен қўшила олмадим.

\*\*\*

Ана-мана дегунча мактабни ҳам тамомладик. Баҳор китобини ёпган майнинг сўнгги кунида шаҳодатномаларимизни қўлимизга олиб, сўнгги кўнғироқни чаладиган бўлдик. Бир кун аввал Назира муаллима синфхонаимизга кириб, эртага қай кўринишда келишимиз ҳақида огоҳлантириб кетди:

– Ҳаммангиз мактаб формасида келинглр. Йигитлар оқ кўйлак, қора шимда, қизлар ҳам формада. Кийимларингиз тоза-озода, дазмолланган бўлсин. Бу ҳам бир байрам, мактабдаги охирги байрамларингиз. Таълим идорасидан ҳам вакиллар қатнашишади. Тагин башанг кийиниб келиб, ҳаммамизни уялтирманглр. Кейин хайрлашамиз. Лўнда қилиб айтганда, биз сизлардан қутуламиз, сизлар биздан.

Муаллиманинг шунча жаврагани бир томон-у, Санобар билан унга яқин қизларнинг кўнгил майллари бир томон бўлди. Хайрлашув кунига улар атайлаб муаллиманинг ғашига тегишни ўйлагандек, энг сўнгги модадаги кўйлаklarини кийиб, сочларини ҳам шунга монанд турмаклаб келишди. Юз бўёқларини-ку, айтмасам ҳам бўлаверади. Улар бунга чамамда анча вақт тайёрланишган кўринади. Ҳамманнинг оғзи очилиб қолди. Муаллимлар лабини тишлашди, синфдошларнинг нафаси ичига тушди, ҳатто таълим идорасидан келганлар ҳам бир зум бу модалар оламига маҳлиё бўлиб қолишди. Йиғин бўладиган залга битирувчи

қизлар эмас, гўё санъат юлдузлари кириб келгандек таассурот пайдо бўлган эди ҳаммада. Ҳозир кимдир бошлаб берса, чапак чалиб юборишга ҳам тайёр эдик. Фақат Назира муаллима ғижиниб, уят, дегандек кўрсаткич бармоғини юзига босиб қўйди. Аммо бугун биз битирувчилармиз, энди бу қизлар шу бугунданок мактабнинг ҳеч қайси қоидасига бўйсунмайди. Булар ҳализамон учуриқ қилинадиган қалдирғочлар эмас, балки аллақачон қанотларини баралла силкитиб, юлдузларни чўқиб юрган оққушлар эди.

– Рўмолингизни ечиб қўйинг, синглим, – деди таълим идорасидан келган ходим тантанани бошлаш авалида, – шундоқ ҳам ҳаво иссиқ.

У қорамтир кўзойнақдалиги боисидан бу гапни менга қарата айтаётганини англамабман. Ҳамма мен томонга қаради. Ўзимни йўқотиб қўйай дедим. Директоримиз ўша ходим томонга бўйин чўзиб нимадир деб шивирлагач, у менга бошқа эътибор бермай, маърузасини бошлади. Шундан сўнг ҳар биримизни исм-шарифимизни айтиб чақириб, шаҳодатнома топширишди. Маросим якунига етганидан кейин муаллимлар чиқиб кетишди. Залда фақатгина куйиб-пишиб тартибга чақираётган Назира муаллима-ю биз, битирувчилар қолдик. Йигит-қизларнинг кулгига тўла шовқинлари бошланди. Ҳамма бир-бирини табрикламоқда. Мана шу соатлардан бошлаб биз собиқ синфдошлармиз. Энди бу ёғига ҳар куни шу даргоҳда кўришмаймиз, бир синфга йиғилмаймиз. Ҳозир мактабда сўнгги бора тўпланишиб туришимиз. Ҳали кечқурун Турсуноларнинг уйида бўладиган хайрлашув кечасига борамиз. Ана ундан кейин бизнинг ўқувчилик давримиз бутунлай ўтмишга айланади.

– Ҳой, бунча шовқин соласизлар, бирпас қулоқ тутсанглар-чи. Мана, винеткаларинг ҳам тайёр бўл-

ган экан, олиб келдим, – деди Назира муаллима ва бир кучоқ ўрамани стол устига қўйди. Боғламини ечиб, суратларни тарқатаверди.

Болалар шовқин солиб, бир-бирларининг суратларини томоша қилишар, ким чиройли тушгани ҳақида тортишишарди. Буларнинг менга қизиғи йўқ, шу сабабдан шаҳодатномамни кўксимга маҳкам босиб, аста кетишга чоғланаётганимда Назира муаллима тўхтатди.

– Ҳа, сен нега ўзингни четга олиб шумшайиб турибсан? Бу ёққа кел. Мана бу виннеткани сураткашга илтимос қилиб, сен учун тайёрлатдим. Бу ерда сенинг суратинг йўқ, лекин булар сенинг синфдошларинг. Эсдалик учун олиб қўй. Ҳеч бўлмаса, юқорида расмлари турган муаллимларингни эслаб юрарсан.

Бу мен учун кутилмаган совға бўлди. Ростдан ҳам буни сира-сира кутмагандим, хаёлимга ҳам келмаган эди. Шу кунгача ҳаммага қаҳри қаттиқ бўлиб кўринган муаллиманинг қалби булоқ сувидек тиниқ эканлигини нега пайқамаган эканман, дея ўзимни койимоқда эдим. Афсус, буни эндигина тушундим. Қанча раҳмат айтганим билан ўзимдан кўнглим тўлмасди. Шу бебаҳо эсдалик ҳаяжони билан қушдай енгил бўлиб кетаётганимда Барно муаллима узоқдан имлаб чақирди.

– Марям, энди нима қилмоқчисан? – деди муаллима. Мен елка қисдим. – Биронта институтни танладингми? Каловланма, Марям, сен ўқишинг керак. Шу битираётганларнинг ичида уқувлиси сенсан. Қайси ўқишга борсанг ҳам, албатта, кира олишингга ишончим комил. Чет тилларини-ку, мендан ҳам яхши биласан. Қанийди, менинг ёнимга муаллима бўлиб келсанг, бирга-бирга ишлардик.

– Ҳозирча иложим йўқ, – дедим.

– Ҳамма нарсанинг иложи бор. Хоҳласанг, Тошкентга бориб ўқишингга кўмаклашаман. У ерда ама-

ким бор. Мен ҳам талабалигимда уларнинг уйида турардим. Ҳайҳотдай ҳовлида чолу кампир набиралари билан яшашади. Феъли кенг, зиёли одамлар. Сени жон-жон деб қабул қилишади. Мени айтди дерсан, сен ҳам уларни яхши кўриб қоласан.

– Насиб қилган куни ўқирман. Аммо ҳозир бунинг иложи йўқ. Аямнинг соғлиқларидан ташвишдаман, ёлғиз қолдириб кетолмайман.

– Нега аянг ёлғиз бўларкан, отанг бор-ку.

– Отам ўзининг ишлари билан яқинда узоққа кетмоқчи бўлиб юрибди.

– Барибир яхшилаб ўйлаб кўр, Марям. Сенга қўлимдан келганича ёрдам бераман.

Муаллиманинг умидбахш гаплари кун бўйи хаёлимни банд қилди. Юрагимнинг тубига чўкиб кетган орзуларимга чўғ ташлаб қўйди. Энди бу орзулар қафасдаги безовта кабутарлардек потирлаб, менга тинчлик бермасди. Бироқ нима қилай, ҳозирги аҳволимда бу қафасни очишга ҳам, кабутарларнинг парвозига изн беришга ҳам асло имконим йўқ. Мен учун айти дамда онамнинг ёнида бўлишдан, унга далдаю кўмак беришдан ўзга ҳеч нарса муҳим эмас. Ҳатто кечқурун битириш кечамизга боришга ҳам оёғим тортмай, онам билан бирга қолгим келди. Онам уйда ёлғиз зерикиб ўтирса-ю, мен бўлсам ҳеч бири мени ўзига яқин олмайдиган, синфдош бўлишса-да, фақат бегоналик сифатларини намоён этиб келган болалар билан бир даврада ўтирсам, бунинг нима гашти бор? Ҳар бири ўз суҳбатдошию ўз сирдоши билан хоҳлаганларича гаплашишлари, кўнгиллари тўлгунча ўйнаб-кулишлари мумкин. Мен-чи, уларнинг яйраб дам олишларини томоша қилиб ўтираманми? Бироқ онам ҳоли-жонимга қўймади: “Яқин дўст бўлишмаган бўлса ҳам, барибир ҳурматлаб таклиф қилишгандан кейин, албатта бори-

шинг керак. Кўпнинг қаторидан қолма, қизим. Ўзингни ҳадеб четга тортсанг, четлашиб кетаверасан”. Ноилож, кўнглим истамаса-да, боришга ҳозирландим. Онам кўйлагимнинг янги эмаслиги, пойабзалимнинг ҳам анча уриниб қолганини кўриб оғрингандай бўлди. Лекин менга буларнинг аҳамияти йўқ. Бир-икки соатлик кичкинагина базм учун янги кийим-бош безак бўлмаса керак. Балки, янги кўйлагим бўлганда ҳам киймаган бўлардим. Ўзимни бозорга солаётгандек ноқулай туюлаверарди-да. Мана шу одмигина кийимларимда ўзимни анчайин хотиржам ҳис этаман. Рўмолим ҳам эскирмаган, ювиб, дазмоллаб, чиройлигина қилиб ўраб олдим.

Турсунойларнинг ҳовлиси этагидаги боғда кечамиз учун шинамгина жой тайёрлаб қўйишибди. Базм дастурхони ноз-неъматлар билан тўлдирилган, дарахтларга ранг-баранг шарлар, мусиқага монанд ёниб ўчадиган чироқлар илинган, ҳамма ёққа сув сепилиб, ораста қилинган, бир четда ўзимизнинг қишлоқ ҳофизлари бошланишига вазмин ашулани хиргойи қилиб туришибди. Мендан бошқа ҳамма келиб бўлган экан. Ҳали болалар стулларга ўтиришмаган, ўртада товусдай товланиб турган Санобарнинг атрофида гирдикапалак бўлишаётган эди. Санобар ростакамига бугунги кечанинг маликасига айланган, тўлин ойдек чарақлаб турар, ҳамманинг суқ тўла нигоҳи унга қадалган эди. Гўё бу ердагилар фақат уни кўриш учун келганга ўхшарди. Буни ҳис қилганим сари унинг яқинига боришга юрагим бетламасди. Кечада биринчи сўз ҳам Санобарга берилди. У давра ўртасига чиқиб, сўзларни дона-дона қилиб, қувончу бахтга тўлиб, чиройли гапирди. Кейин у бошқаларни рақсга таклиф қилди. Даврабоши: “Санъаткорлар, шўхроғидан айтинглар, латофатли Санобархон ҳаммани ўйинга чор-



лайди” дея эълон қилди. Қўшиқлар янгради. Болалар Санобарни ўраб олиб, рақсга тушишарди. Бошқа қизлар ҳам Санобар каби ўзларига обдон оро беришган, боққан одамнинг ҳаваси келмасдан иложи йўқ эди.

Дастурхонга таомлар тортилди. Қадаҳларга аввал оз-оздан, аста-секин тўлдириб ичкиликлар куйилди. Йигитлар тап тортмай қадаҳларни бўшатишар, ҳатто Санобар билан яна бир-иккита қизлар ҳам ҳар гал уза-тилган қадаҳларни яримлатиб қўя бошлашди. Шўх қўшиқлар авжига чиқди, давра қизигандан-қизиди. Мен уларни бир четда қунишибгина кузатиб ўтирардим. Ҳар ҳолда, қошимга ўсма, кўзимга сурма тортмаганман, сочларим ҳам рўмолим остида. Бундай ўйин-кулгиларга ўзи хушим йўқ. Мабодо қўшилишиб рақсга тушганимда ҳам ял-ял товланиб турган бу даврада эски ямоқдек кўриниб қолишим тайин эди. Шунинг учун аста ўрнимдан туриб, боғнинг четроғига бордим. Қийғос очилган атиргулларнинг ҳидидан ҳузур қилдим. Пастликдаги сойнинг салқинини олиб келаётган шабада танни яйратади. Шу ерда енгил нафас олдим. Гулларни ҳидлаб тўймасдим. Айниқса, ариқ ёқасидаги райҳонларнинг ифорида кайфиятим чоғ бўлди. Даврада эса яна табрик сўзлари айтилди, яна жаранг-журунг қилиб, қадаҳлар кўтарилди. Бир четда туриб бундай манзарани кузатиш ғалати бўлар экан. Кичкиналигимиздан бирга ўсган бу йигит-қизларнинг энди бола эмас, кап-катта одам бўлиб қолишганини ҳозир пайқаётган эдим. Улар ҳам энди ўзларини чинакам катта одамлардай ҳис этишаётган бўлса керак, сархуш ичимликларни бамайлихотир кўтаришмоқда. Бир-иккита йигитларнинг четроққа чиқиб, сигарета чекишаётганларини кўриб, ҳайратим чандон ортди. Улар ўзларининг катта одамлар сафига ўтганларини шу тариқа нишонлашмоқда эди.

– Эртагаёқ Тошкентга жўнайман, – деди Сайфулла икки бармоғи орасига қистириб олган сигаретани алоҳида тавозе билан тортаркан. – Ўқишга киришга уриниб кўраман, дипломатияга. Бўлса бўлди, бўлмасам ҳам ўша ерда қоламан. У ёқларда қимирлаганга иш топилади. Бирорта буюмни чап ёнингдан ўнг ёнингга ўтказиб қўйиб ҳам пул ишласанг бўлади. Ўзим кўрганман, бир қариндошимиз бозорда ишлайди, кўкат сотади. Тирикчилиги ёмон эмас.

У зўр бериб шаҳарда ишлари юришиб кетиши ҳақида гапирарди. Гап орасида сигаретани тортишни ҳам эсдан чиқармайди. Менимча, у чекишни машқ қилаётганга ўхшарди: ҳар тортганида ўқтин-ўқтин йўталиб қўяётган эди. Мактабда-ку, яшириб ҳам чекишолмасди. Назира муаллима тутун ҳидини ўн қадам наридан ҳам пайқар, қўлга тушганни аяб ўтирмас эди.

– Марка, нега ўйнамаяпсан? – деди Фаттоҳ кутилмаганда ёнимда пайдо бўлиб. Хаёлларим бўлиниб кетди.

– Ўзим, шундай, ўйинга тушишга уқувим йўқ, – дедим.

– Мен ҳам шундай, бунақа шайтон базмларини ёқтирмайман. Хайрлашув кечаси бўлгани учун келишга мажбур бўлдим. Уларни қара, эчкидай сакрашяпти. Шайтоннинг сувига бўкиб олишди-да. Қизларнинг ҳам ширакайф бўлиб олишганини айтмайсанми. Ҳаммалари Худонинг қаҳрини келтираётганини билишмайди. Қизларнинг кийимлари очиқ-сочиқ, ўзларини кўз-кўз қилишга келишган. Буларда ҳаё йўқ, мусулмончилик нималигини билишмайди. Анави олифта Сайфулла бўлса ўқишга кираман, деб керилгани-керилган.

– Сен-чи, ўқишни хоҳламайсанми?

– Сафсата буларнинг бари. Ақлинг бўлса, сен ҳам ўқишга борма. Мана шу худобехабар таннозлару олифталарга эргашсанг, имонингга путур етади. Менинг ўр-

ганадиган бошқа илмларим бор. Мен, ҳар ҳолда, буларга ўхшаб куфр нарсаларни ўқиб вақтимни беҳуда совурмайман. Ҳали кўрасан, яқинда катта ўзгаришлар бўлади. Кейин бу танноз ойимчаларнинг аҳволини кўрасан.

– Буларни нега менга айтаяпсан?

– Шунчаки, бошқа кимга ҳам айтишим мумкин. Анави кофирларга гапириш бефойда. Уларга маст бўлиб, ўйинга тушиш бўлса бас.

– Ҳартугул, бугун бу ерга ҳамма ўйнаб-кулиш учун йиғилган.

– Мен бундай ўйин-кулгиларни ҳазм қилолмайман. Сен муслима қизсан, мен сенинг одобингни хурмат қилганимдан гапирдим.

– Болаларни бунчалик ёмон кўрма, Фаттоҳ.

– Яхши кўрайми? Буларнинг ўқиган нарсалари ҳам, қилган ишлари ҳам куфр. Динимизнинг нима эканлигини ҳам билишмайди. Яна ўқиб нима бўларди, баттар кофир бўлишади.

– Ҳар кимнинг ўз истаги, ўз қисмати бор. Қанақасига улар кофир бўлишсин, ҳеч бири ўғри ёки одамхўр эмас, тўғри йўлдан тинчгина юришибди.

– Тўғри эмиш. Ўғри бўлмаса, бўлишади, одамхўр бўлмаса, бўлишади. Одамхўр бўлиш учун бировни бўғизлаш шарт эмас. Олифта курсида сипогина ўтириб ҳам юзлаб, минглаб одамларнинг тақдирига қора чизиқ тортиб юбориш мумкин. Жаллодликнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган усуллари кўп.

У яна алланималарни жон куйдириб гапирди. Унинг кейинги вақтларда анчагина ўзгариб, ғалати-роқ бўлиб қолганини мактабда сезгандек бўлган эдим. Дарсларга ҳам кам қатнашадиган одат чиқарди. Муаллимлар койишса, уйдагиларга ёрдам беряпман, деб баҳона қиларди. Ўзи нима ишлар билан машғул бўлган, кимдан, нималарни ўрганиб юрган – буни тушунолмадим. Ҳозир бу ҳақда ўйлашга ҳам, уни эшитишга

хам тоқатим йўқ. Мен ёлғиз қолиб, сойдаги қурбақаларнинг басма-басига қуриллашларига қулоқ тутгим келарди. Улар ботқоқ қурбақалари эмас, булоқ сувидан куй чиқараётган энг тоза сув қурбақалари. Негадир қизларнинг боғни бошларига кўтараётган шўх қий-қириқларидан кўра мана шу митти жониворларнинг куйлашларини эшитиш шу тобда дилимга хуш ёқаётган эди. Қараб турсам, Фаттоҳ таърифлаган “шайтон базми” тонг отгунча давом этадиганга ўхшайди. Қизларнинг яйраб-қувнаб, бир-биридан чиройли рақсга тушишларини бироз томоша қилиб турдим-да, сўнгра астагина боғни тарк этдим. Ҳеч ким кузатиб чиқмади, бунга зарурат ҳам йўқ эди.

Бу кўчаларда кечаси юришдан унчалик кўрқмайман. Ҳамма чироқлар ўчган бўлса ҳам, салгина юрганимдан кейин кўзларим қоронғиликка кўникиб, атроф ёришгандай бўлди. Кўкда сон-саноқсиз юлдузлар чарақлар, қўл чўзса етгудай жойда осилиб турганга ўхшайди. Уларга қарай-қарай тез-тез қадам ташлардим. Бир пайт ортимдан қандайдир шарпа келаётганини сезиб қолдим. Биронта дайди ит эмасмикан, деган ўйда юрагимга ғулғула тушди. У аввал узоқроқда эди, кейин яқинлашиб кела бошлади. Қадамимни тезлатдим, у ҳам тезлашди. Ниҳоят, юрак ютиб таққа тўхтадим-у, ортимга қарадим. У ҳам шундай тўхтади. Беш-олти қадамча нарида бир паканагина одам шарпаси турарди. Синфдош йигитлардан биронтаси кузатиб келаётганмикан, деган хавотир билан жойимда туравердим. Йўқ, ундай бўлса, соядай эргашмасдан мени чақирарди. Шундан сўнг у гугурт чақди. Назаримда, у ҳам менинг кимлигимни билмоқчи бўлди. Оловнинг шуъласида унинг юзи ёришди. Дарров танидим – у Дўсан девона эди. Яна тез-тез юриб кетавердим. У ҳам изма-из эргашиб келаверди. Дўсан девона узоқлашиб ҳам кетмас, яқинлашиб ҳам келмас, тўх-

тасам тўхтар, ҳар замонда ё йўталар, ё нималарнидир хиргойи қилиб, овоз чиқариб қўярди. Уйга етганимда ҳовлимизга шамолдай кирдим-у, эшикни ёпдим. Юрагим дукиллаб, эшик тирқишидан аста кўчага мўраладим. Девонанинг шарпаси ортига қайтиб кетди. Унинг тунда зим-зиё кўчада нега тентираб юргани-ю, нима сабабдан бир сўз демай изимдан эргашиб келганини тушунолмадим. Балки, у бояқиш ҳам менинг кечаси ёлғиз тентираб юрганим сабабини тушунолмай, бежавотир уйга етиб олишим учун кузатиб келгандир? Бундай одамлар бировга яхшилик қилганини гоҳо ўзлари ҳам билишмайди.

Уйга кирсам, отам келган, онам билан бирга иссиқ кийим-кечаклари ва бошқа лаш-лушларини жомадонга солишаётган экан. Онамнинг мени кўзлари тўрт бўлиб кутганини уйга киришим билан енгил нафас олганидан англадим. Отам эса тушуниксиз бир нигоҳ ташлаб қўйди-да, юмушини давом эттирди.

– Нима тараддуд? – шивирлаб сўрадим онамдан.

– Отанг сафарга кетаяпти, Новосибирга, – деди онам хўрсиниб. Кейин отамга ўгирилди. – Ҳалиям, иложи бўлса, ўйлаб кўринг. Нима бўлганда ҳам, бегона юрт. Қоп-қоп пулни сизга бериб юборамиз деб кутиб ўтиришмагандир. Жонингизни хатарга қўйманг, дейман-да. Қўрғончалик Зиёдулла устанинг йигирма ёшар ўғли яқинда ўша томонлардан тобутда келди. Дарахтдан йиқилиб тушибди, дейишди. Худо билади, нима бўлганини. Кап-катта йигит дарахтдан йиқилар эмишми?

– Э, нафасингни иссиқ қилсанг-чи, – жеркиб берди отам.

– Ишлайман деганга шу ерда ҳам иш топилади. Мана, ёз ҳам келди, нима кўп, иморат қураман, деган кўп. Усталарга қўшилиб пахса урсангиз ҳам, тирикчилигимиз ўтади, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз.

– Ақлинг етмаган ишга тумшуғингни суқмасанг-да. Бир ками энди лойга ботиб, одамларнинг эшигида муте бўлиб юриш қолганмиди?

– Ҳалол меҳнат мутелик дегани эмас.

– Ўргилдим ҳалол меҳнатингдан. Қара, пулдан кўрпа тикиб ухлаётган қанча одам бор атрофимизда. Шулар ҳалол меҳнат билан топаяптими пулни? Бу ҳаёт – ғирром ҳаёт. Шунинг учун фақат ғирромлик қилганларнинг ошиғи олчи. Ҳалолнинг ҳақи тўрвада. Э, бу тўрванинг тагига етгунча адо бўласан. Лекин шунда ҳам мен ғирром йўлни тутганим йўқ, меники ҳалол. Бу ердан пиёзми, мева-чевами йиғиб, узоқларга олиб бориб сотиб келаман. Бу ерларда эшшақдай ишласам ҳам бирим икки бўлмаслигини тушундим. Ҳа, қарз олдим, қарзга ботдим. У ёққа бориб келай, қарзларни ортиғи билан қутулишга ҳам қурбим етадиган бўлади. Керак бўлса, одамларнинг ўзлари мenden қарздор бўлиб қолишади. Ҳали ҳамма менга ҳасад қилади. Мени изза қилганларга кўрсатиб қўяман. Соямга салом беришларини томоша қиласан.

Чамамда, отам билан онам мен келгунимча ҳам тортишишган, бу гаплар ўша баҳсинг давоми эди. Отам шаштидан қайтадиганга ўхшамасди. Онам қанчалик жаврамасин, барибир айтганига кўндиролмади. Отамни каттагина даромад васвасаси ўз измига солиб олган эди. Назаримда, биз унга ҳеч ким эмас эдик. Онам шошилганча хамир қориб қўйган экан. Қоронғида куймаланиб, тандирга ўт қаладим. Нон ёпиб, яна тиш теккулик нима бор бўлса баридан тугунга жойлаб, отамга йўл учун ҳозирлаб бердик. Ҳамма ишни саранжомлаб бўлай деганимизда олис-яқинда хўрозлар қичқира бошлаган эди. Тонг қоронғисида уйимиз олдига машина келди. Биз отамнинг жомадонларини кўтаришиб чиқдик. Юklarини машинага жойлагач, отам биз билан совуққина хайрлашиб, жўнаб кетди.

Менга отам худди бир-икки кунда қайтиб келадиган-дек туюларди. Онам эса уни бошқа кўролмайдигандек изтироб билан кузатиб қолди. Машина чироғининг ғира-шира ёруғида онамнинг кўзларида ёш милтил-лаётганини кўрдим.

*Парвардигор, адашган бандаларингга тўғри йўлни ўзинг кўрсат!*

\* \* \*

Тегирмонга буғдой олиб борган эдим, у ерда ҳеч ким йўқлигини кўриб таажжубландим. Одатда, бу пайтда айвонча тагидаги ўриндиқда одамлар тизили-шиб ўтириб навбат кутишар, шу баҳона ҳамма эшит-ган-билган янгиликларидан бир-бирларини хабардор қилаётган бўлишарди. Тегирмон эшиги очиқ, ичкари-да кимдир “тарақ-туруқ” товуш чиқариб ишляпти. Қопни елкамдан тушириб, эшик олдида бироз кутиб турдим. Ичкарига мўралашга ийманиб, бирон ким кўриниб қолар, деган умидда айвонча остига бориб ўтириб, кута бошладим. Офтоб эрталабдан роса тоб-лади. Терлайверганимдан рўмолим ҳўл бўлиб кетди. Кафтларим билан юзимга шамол елпиб турганимда ич-каридан уст-бошини қоқиб тегирмончи амаки чиқди.

– Эй, қиз, бу ерда нима қилиб турибсан? – деди у менга қарамай.

– Буғдой олиб келган эдим, ун қилдиргани.

– Тегирмон ишламаяпти.

– Ишламаяпти? Нега ишламайди?

– Таъмирляяпмиз.

Шунинг учун бу ерга одамлар келмаётган экан-да. Мен бўлсам, ҳеч ким йўқлиги яхши бўлди, тезроқ ишимни битириб кетаман, деб хурсанд бўлибман.

– Қачон келсам бўлади? – дедим тарвузим қўл-тиғимдан тушиб.

– Ҳозир янги ҳосил ўрими бошланди. Мавсум охир-лагунча тегирмонни ҳам сошлаб қўйишимиз керак. Ҳали анча-мунча иши бор. Бу ҳам одамдай гап, ишлай-верганидан кейин у ёқ-у ёғи емирилади. Йилда ҳеч бўлмаганда бир марта дам олиб куч тўпламаса, чарчаб қолади. Ўзинг ҳам тинмай чопаверсанг, оғриган оёқларингга дам бермасанг қандай аҳволга тушасан?

Энди нима қилдим? Уйда бир кафтча ҳам ун қолмаган. Дўкондан ун сотиб олишга пулимиз йўқ. Аввалги дўкончи чол гоҳида қарзга ҳам бериб турарди. У ўлганидан кейин келган дўкончи беҳад кўпол одам. Қарзга бирон нарса сўрасанг, афт-ангорингга қарайди. Бизга ўхшаганларни, ўх-ў, жеркиб беради. Отам ҳеч бўлмаса ош-нонимиз учун озгина пул ташлаб кетганида бундай музтар бўлиб ўтирмас эдик. Қандай бўлмасин, тезроқ иш топиб, бирон жойда ишламасам ҳолимизга маймунлар йиғлайди.

– Ўзи қанча буғдой олиб келган эдинг? – сўради тегирмончи амаки ғамга ботиб қолганимни кўриб.

– Ўн кило, – дедим ундан бирон умидли гап эшитадигандек юрагим ҳаприқиб.

– Бу ёққа бер-чи, – деди у ва қопимни кўтариб, ичкарига олиб кириб кетди. Бироз фурсатдан кейин у қопимни яримлатиб олиб чиқди. Иккинчи қўлида ўшанча ун ҳам бор эди. – Сенга ун жудаям зарурга ўхшайди, қизим. Шунинг учун қопнинг тагида қолган бор унни олиб чиқдим. Буғдойингнинг ярмига алмаштиришга етди. Тегирмон ишлаб турганда-ку, жоним билан янчиб берардим. Ҳозирча бори шу.

Мен шунисига ҳам рози эдим. Қувончим ичимга сиғмай, бир қўлимда буғдой, бир қўлимда ун билан уйга шошилдим.

Онам буғдой ўрими бошланганини эшитиб, далага боришга шайланиб қолди. “Сиз уйда ўтираверинг,



хирмонга ўзим бориб келаман, шу аҳволда далада ишласангиз баттар тобингиз қочади”, дедим. Лекин онам мени ёлғиз юбориб, ўзи уйда ўтиришга тоқат қилмади. Наридан-бери тушлик қилиб, сўнг буғдойзорга йўл олдик. Ўрим Ақром фермернинг даласида бўлаётган экан. Олтиндай товланиб, денгиздай шовуллаётган буғдойзорнинг бир қисми ўрилган, ҳозир туш маҳали бўлгани учун улкан комбайн дала четида тўхтаб турар, ишчилар шу комбайннинг соясида ўтириб, тушлик қилишаётган эди. Бизга ўхшаб буғдой ёки сомон олиш илинжида келган уч-тўртта болалар трактор тиркамасининг соясида бошларини солинтириб ўтиришибди. Биз ҳам уларнинг ёнига бордик. Жазирамада томоқларимиз қақраб кетди. Шошилганда уйдан сув олиб чиқиш эсимизга келмабди. Мен-ку, амаллаб чидайман, аммо онам қуриган томоғини қириб қийналаётган эди. Қоп-қорайиб кетган бир бола елим идишини кўтариб сув ичаётганини кўриб, ҳавасим келди. “Сувингдан бир қултум ичсак майлими?” деб ундан илтимос қилдим. Бола сувни узатди, мен ундан олиб, онамга узатдим. Онам озгина ичиб, менга қайтариб берди. Мен ҳам бир қултум ичдим. Сув исиб қолган экан, томоғимни куйдиргандай бўлди.

Тушликдан кейин комбайнчилар дам олиш учун оёқларини узатишди. Куёшнинг тафти қайтишини кутишармиш. Бундай жазирамада шу тоғдай темир ҳам ҳансираб қолар экан. Салқинроқда ишласа бузилмасдан, тулпордай гижинглармиш. Ё тавба, темирни ҳам шунчалик авайлашадими. Ўлмаган бизнинг жонимиз. Ақром раис қорнини қашлаб биз томонга келаверди.

– Ҳа, яна буғдойми? Шу одатларингизни ҳеч ташламас экансизлар-а. Дўкон тўла ун бўлса, айтарлик қиммат ҳам эмас, тайёрини сотиб олавермайсизларми?! Мен-ку, қизганмайман, лекин шу иссиқда юрган-

ларингизга ачинаман. Ҳай, майли, ўзингиз биласиз. Агар буғдой шунчалик зарур бўлса, унда ҳов анави зовурнинг нариёғида лавлагипоя бор, ўшани чоқиқ қиласизлар. Жўягига қараб меҳнат ҳақингизга буғдой бераман. У ер яхши, ариқда сув бор, чарчаганда тутларнинг соясида дам олсангиз ҳам бўлади. Қизингиз икковингиз ўша ёққа бора қолинг, – деди у онамга қараб. Биз бу таклифга жон деб рози бўлдик. – Сенларга ҳам буғдой керакми? – сўради у болалардан.

– Йўқ, бизга сомон керак.

– Ундай бўлса, паншахаларни олинглар-да, сомонни ғарамланглар. Мана бу янги комбайн буғдойни тоза ўраркан-у, лекин сомонни далага сочиб кетаркан. Ўзимизнинг аввалги комбайнлар дурустмиди дейман, сомонни ҳам бирийўла ғарамлаб кетарди. Уйган ғарамларингга қараб ҳақларингни оласизлар. Лекин ўрилмаган жойга яқин борманглар, келишдикми?

Болалар рози бўлиб, паншаха ва хаскашларни талаша кетишди.

Бир ҳафтача далага қатнаб, лавлагипояни чоқиқ қилдик. Онам толиқиб қолди. Ичини бир дард кемираяпти-ю, менга билдиргиси келмасди. Аммо кундан-кунга сўлиб бораётган юзидан буни сезиб турардим. Шунинг учун ҳам мен кейинги кунларда фақат иш ҳақида ўйлаётган эдим. Нима қилиб бўлса ҳам, бирон иш топишим керак. Отамнинг сафардан қачон қайтиши номаълум. Қайтганда ҳам барибир бизга нафи тегмайди. Рўзгоримиз учун ҳам, онамнинг даволаниши учун ҳам, албатта ишлашим керак. Онамга маслаҳат солган эдим, мийиғида кулди. “Боғишоддан иш топиб бўлма-са керак. Мен ҳам ишлайман деб нечталаб эшикка бош суқиб чиққанман, сен билмайсан, лекин тополмадим, – деди хўрсиниб. – Афсус, сени ўқишга олиб бораман, деб кўнглимга тугиб юрган эдим, лекин шу пайтда мазам бўлмаяпти. Сенга ёрдам берармикан, деб отангдан

умид қилган эдим, бу ҳам саробга айланди. Энди ихти-  
ёр ўзингда, жон қизим, йўлингни тўсмайман. Шундоқ  
ҳам сенинг олдингда айбдорман”. Онамдан ишлашга  
розилик олишга олдим-у, бироқ энди ишни қаердан  
топаман, деб бошим қотди. Шу ҳақда ўйлайвериб, ҳат-  
то кечаси билан мижжа қоқмадим.

Эрталаб кўчага чиқиб, бир муддат қайси томонга  
юришни билмай иккиланиб турдим. Кейин таваккал  
қилиб йўлга тушдим. Дўкон ёнидан ўтаётганимда,  
шу ердан иш сўраб кўрсаммикан, деган ўй хаёлимдан  
ўтди. Дўкончи бадфеъл одам, лекин наилож, иш бўлса  
чидаб ишлайвераман. Минг бир истиҳола билан ўша  
дўкончига рўпара бўлдим.

– Иш йўқ, – деди дўкончи бирданига кўрслик би-  
лан. – Супир-сидир десанг, ўзимизнинг ҳам қўлимиз-  
дан келади. Бу ер сенга супермаркет эмас. Ўзи бир  
кичкина дўконча бўлса, сенга ўхшаганларга нимаям  
иш бўлиши мумкин?

Шу гапни мулойимроқ гапириб тушунтирса ҳам  
бўларди, тиланчига зарда қилгандай бақирмасдан.  
Оёқ-қўлим қалтираб кетди. Йўл-йўлакай тегирмон-  
га кирдим. Тегирмон ҳали ҳам ишга тушмабди, атро-  
фида ҳеч ким кўринмайди. Ичкарида нималарнидир  
бўяшяпти шекилли, эшикдан мўралашим билан ди-  
моғимга бўёқ ҳиди урилди.

– Яна буғдой олиб келдингми? – деди тегирмон-  
чи мени кўриб. – Айтгандим-ку сенга, тегирмон ҳали-  
бери ишламайди, деб.

– Йўқ, буғдой олиб келмадим, амаки, – дедим ерга  
қараб. – Иш қидириб юрибман. Агар сизда бирон иш  
бўлса...

Тегирмончи хохолаб кулиб юборди.

– Бу ерда нима ҳам иш бўларди дейсан. Бу ун за-  
води эмас, оддий бир тегирмон. Ўзим қуриб олганман.  
Иш дегани ўғлим икковимиздан ортмайди.

Тегирмондан чиқиб, тўғри мактабимизга бордим. Муаллимлар эски кийимларини кийиб олиб, эшик ва ромларни бўяб, деворларни оқлаб усталарга ёрдамлашиб юришган экан. Назира муаллима мени кўрибоқ чақирди.

– Ҳа, бирон ҳужжатинг қолиб кетибдими? – деди у кўлидаги челакни ерга қўйиб.

– Ҳужжатларим жойида, иш қидириб юрибман, – дедим ўнғайсизланиб.

– Иш? – муаллима бир лаҳза менга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. – Ўқиш-чи? Нима, уйингдагилар ўқишга боришингга рухсат беришмадими?

Мен ҳозирча ўқишга боролмаслигимни тушунтирдим.

– Ҳа, ҳозир ҳар ким ўз ҳолини ўзи билади, – деб Назира муаллима хўрсинди.

– Мен нима иш бўлса ҳам қилавераман, бўёқ суртиш, деворларни оқлаш, синфхоналарни супуриш – ҳаммаси кўлимдан келади.

Муаллима яна чуқур уҳ тортди.

– Сен-ку, бор-йўғи мактабни битиргансан, институтни тамомлаб келганларга иш топилмаяпти-ю. Ишлаб турганларнинг ҳам анча-мунчасини бўшатишмоқчи, қисқартиришга буйруқ келган эмиш. Тағин ким билади дейсан, директорга учрашиб кўр-чи.

Бўёқлар ҳиди анқиб ётган йўлакдан бориб, директорнинг хонаси ёнида тўхтадим. Хона эшиги очиқ, деразадан ичкарига шабада эсиб турибди. Секин мўраладим, хона ичида директор билан бир бегона киши гаплашиб ўтиришган экан. Директор баланд овозда куйиб-пишиб гапирар, унга нималарнидир тушунтирарди. Йўлакдаги деразага суяниб кутиб турдим.

– Ишлашга ҳеч ҳафсалам қолмади, Абдусалом, – деди директор уф тортиб. – Ўзи арзимаган маош ола-

миз, шу ҳам уч ойдан бери қўлимизга теккани йўқ. Ҳар ой муаллимлар менга мўлтираб қарашади. Мен қаердан олиб бераман? Мактабни енгилгина таъмирлаб қўйиш учун ҳам бўёқ билан оҳакни қарзга олиб келдик. Усталарга пул топиб беролмаганимиздан муаллимлар билан фаррошларнинг ўзлари қўмаклашиб юришибди. Маош келавермаганидан кейин буларнинг кўзларига қарашга юзим чидамай, уйга чопаман. Уйда ҳам лўли бозор. Икки ўғлим институтда контрактда ўқияпти. Мана шу баҳорда биттасининг контрактини тўладим-у, иккинчисиникини тўлашга қўлим калталик қилди. Қачон пул топсанг, ўшанда ўқийсан, деб ўқишдан ҳайдашибди, уйда ўтирибди. Икки қизим бўй етиб турибди, ҳар куни совчи келади. Тўй қилишнинг ўзи бўладими. Э, Абдусалом, бу дунёнинг ишлари шунанакан экан. Раҳбар деган номим бор-у, лекин бошимда шунча ғалвани кўтариб юрганимни биров билса қанийди. Бу бошни қайси деворга уриб ёришни эса ўзим билмайман.

Директоримизнинг ҳасратидан кейин унга учрашимдан фойда йўқлигини дарҳол тушундим. Шундан сўнг бошқа бирон эшикка бош суқиб боришга ҳам иккиланиб қоларкансан киши. Лекин мен ишлашим зарур.

Турфа хаёллар билан касалхона томонга юрдим. Лекин у ерга яқинлашганим сайин оёғим тортмай қолаверди. Балки, бу даргоҳда ҳам бирон иш йўқдир, деган ўй юришдан тўхтатди. Йўл четидаги қайрағоч соясида ўтириб, қаердан иш қидиришни чамалардим. Бир пайт кимдир исмимни айтиб чақиргандай бўлди. Бошимни кўтариб, атрофга алангладим. Кўчанинг нариги бетида бир-иккита одамлар юришган эди. Бир эски машина кўчани чанг ва тутунга тўлдириб ўтиб кетди. Кейин Дилобар хола кўринди. Иссиқда ҳаллослаб ёнимга келди.

– Марям, нима қилиб ўтирибсан бу ерда? – деди дарахт соясига келиб, юзига елпиғич билан шамол

елпиб. – Нега бунча хаёлинг паришон? Онангнинг соғлиғи яхшими?

Ҳамшира хола онамнинг саломатлигини обдон суриштириб, қандай овқатларни кўпроқ еб туриши зарурлигини тушунтирди. Мен, хўп бўлади, дегандек бош қимирлатиб, кейин иш ахтариб юрганимни, ҳозир шу дардда касалхонага борсамми, йўқми, деб ўйланиб турганимни айтдим.

– Бориб ўтирмасанг ҳам бўлади, у ердан нажот йўқ барибир. Анчадан бери маошларимизниям ёлчитиб беришмаяпти. Яқинда касалхона ёпилади, ихчамроқ янги пункт қуриб беришармиш. Пунктда кўп одам ишламайди. Қайсимизни у ерга ишга олишади-ю, қайсимизни олишмайди, ҳеч ким билмайди. Шу гапни эшитганимдан бери мениям еганим ичимга тушмай қолган. Касалхонани ўзимиз деворларини суваб, чириган полларини ямаб, амал-тақал қилиб юрган эдик. Энди шу ишлар ҳам тўхтади.

Дилобар хола дардларини айтиб ёрилди. Сўнг онамга салом айтишимни тайинлаб, уйига кетди. Мен ҳам ўйлай-ўйлай, охири уйга қайтадиган бўлдим. Қайтаётиб, кутубхона эшиги очиқ турганига кўзим тушди-ю, юрагим жиз этди. Эҳтимол, шу ердан бирон иш топилиб қолар, деган ўйдан кўнглим ёришди. Яқинлашганимда ичкарида одамлар борлигини сезиб, севиниб кетдим. Болаларнинг кулгилари эшитилиб турарди. Қия очиқ эшикдан секингина кутубхона ичкарисига қадам қўйдим. Бироқ шу биринчи қадамнинг ўзидаёқ таққа тўхтадим. Кутубхона ичи китоблардан бутунлай тозаланган, бир узун тўсиқ ўрнатилган бўлиб, тўсиқнинг нариги томонидаги девор яқинига қоғоздан ясалган оппоқ каптарлар териб қўйилган, тўсиқ олдида турган болалар бир милтиқни галма-галдан алмашиб, ўша қушларни отиб ўйнашаётган эди. Милтиқхона хўжайини, соқол-мўйлаби ўсиб кет-

ган киши хона бурчагидаги стол ёнида уйқусираб, сигарета чекиб ўтирибди. У мени пайқамади ҳам. Хонани буткул тутун қоплаб олганидан нафас олишга одам қийналади. Эшикдан қандай кирган бўлсам, шундай қайтиб чиқдим. Оҳ, менинг бағри ёпиқ, кўзи очиқ кетган китобларим, бечора кутубхонам. Сенинг бу аҳволингни кўргандан кўзларим ўйилгани яхши эди. Кўнглим бузилиб, уйга қайтдим.

*О, Худойим, одамларни тубанлик ботқоғига фарқ бўлишдан ўзинг асра!*

\* \* \*

Икки кун уйдан чиқмадим. Ўрикларимиз роса етилиб пишибди. Эгилган шохларидаги меваларни ерга тушиб эзилмасин деб авайлаб тердим. Олтиндай товланган ўриклар кўзни қамаштиради. Гилосларни айтмайсизми, қулоғимга тақиб олсам, олмос кўзли зираклар ҳам ҳасаддан ёрилади. Ҳар йили боғимизда мевалар фарқ пишганда ўрик соясида ўтириб, Анорни эслайман. Болалигимнинг ёрқин дамлари – фақат у билан бирга ўтказган лаҳзалар, сўнгги бор яйраб кулганим ҳам ўша кунлари бўлса керак. Шундан кейин завқли ўтган бирон кун хотирамда қолмаган. Уни эслайман-у: “Мана бу дуоларни юз марта ўқисанг, ҳамма тилакларинг ўнгингда юз беради” деган гаплари, буни астойдил ишонч билан айтганидан кўзлари чиройли порлаб кетгани тасаввуримда аниқ-тиниқ намён бўлади ва беихтиёр юзимга мусича патларидек майин табассум югурганини сезиб қоламан. Ҳозир бир мўъжиза рўй бериб, бу ерда Анор пайдо бўлиб қолганидами, дарахтнинг ҳув баланддаги шохларига чиқиб, қуёшнинг жазирама тафтида товланиб пишган меваларни териб берардим. Мен узиб ташлайвераман, у эса чаққонлик билан илиб олаверади. У, албатта, мен те-

риб берган ўрикларни мақтаб-мақтаб ейди. Унинг нималар деб мақташини ҳам ич-ичимдан сезмоқдаман, сўзлари қулоғим остида жаранглаб турибди: “Марям, сизларникидай ширин ўрикни ҳеч қаерда емаганман, худди асалга ботириб олинганга ўхшайди”. Кейин мен унинг сойдан итбалиқ тутиб юрган пайтларини ёдига соламан. Ўзиям роса кулги бўлади-да. Ўрикларни ҳовучимда авайлаб ушлаб, ширин хаёллар сураман, гўё улар Анорга аталгандек. Сендан бир умр унутиб бўлмайдиган беғубор хотиралар эсдалик бўлиб қолгани учун тоабат миннатдорман, болалик дўстим.

Ўригу гилосларни челақларга солиб, якшанба кунлари бозорга олиб бориб сотиб келардим. Озгина пулга сотсам-да, лекин шу ҳам тирикчилигимизга яраб турар эди. Қолган кунлари ерга тўкилган меваларни томга ёйиб қуришиб қўярдик, бир донасини ерда қолдириш ҳам увол, ахир. Лекин барибир ўзимга иш топмасам бўлмайди. Боғнинг беминнат инъоми доимий эмас. Саховатли ёзда ҳеч нарсани ўйламай ўйнаб-кулиб, ёмғир томчилай бошлаганда изиллаб чора ахтариб, чумолининг олдига борган ниначининг ҳолига тушмаслигим керак.

Бозорнинг нарироғида эскигина бир бино бўларди. Одамлар уни қисқагина қилиб “артел” дейишарди. Унинг бир хужрасида этикдўз амаки ўтирар, яна бир хужрасида эркақлар сартарошхонаси бўлар эди. Этикдўзга кўп марта ишим тушган. Охирги борганимда иккала хужра ҳам ёпилиб, иккови ҳам кўчанинг бошидан ўзларига алоҳида дўкончалар қуриб олишган экан. Артелнинг каттароқ яна бир хонасида аёллар ҳар хил кийим-кечаклар тикиб ўтиришарди. Тўғри ўша ерни кўзлаб бордим. Ҳарҳолда оз-моз бўлса ҳам тикиш-бичишлардан хабарим бор. Онамдан ўрганганларим асқатиб қолар. Билмаганларимни чевар аёллардан ўрганиб оламан.



Авваллари этикдўз амакининг олдига келганимда тикувчилик хонаси шовқинга тўла бўларди. Ҳозир эса сув қуйгандай жимжит. Эшик-деразалар ланг очиқ, этикдўз билан сартарошнинг хужраларининг илма-тешик бўлиб кетган эшикларига қулф осилган. Очиқ деразадан ичкарига кўз ташладим. Икки аёл битта машинка ёнига ўтириб олиб, биргалашиб ниманидир тикишяпти. Қолган машинкалар ёнида одам кўринмайди. Хона бурчагида эса тўладан келган кекса аёл, артелнинг мудираси бўлса керак, кўзойнак тақиб, қандайдир қоғозларга кўз югуртираяпти. Кираётганимда оёқ остидаги чириган тахталар ғичир-ғичир товуш чиқарди. Мудира аёл қоғозлардан бошини кўтариб, бурнига қўндирилган кўзойнаги устидан менга қаради. У саломимга алик ҳам олмай, қараб тураверди. Унинг бундай кўзқарашидан бирор маъно англаш қийин эди. Мен ҳам нима деб гап бошлашни билмай индамай туравердим.

– Биронта буюртма бериб кетганмидинг? – ниҳоят тилга кирди мудира.

– Йўқ...

– Унда нима қилиб турибсан?

– Мен... иш сўраб келиб эдим.

– Ҳа, шунақа демайсанми, – деди мудира юзини тириштириб. Кейин яна қоғозларини титкилашда давом этди. – Сен қиз адашиб келибсан. Артелдаги ишлар адоғига етди. Кундан-кунга қисқаравериб, мана, ҳадемай бутунлай ёпиладиган бўлиб турибди.

– Нега ёпилади?

– Нега бўларди, шундай буйруқ қилишди, тамом. Артел эскилик сарқити эмиш. Энди цехми, фабриками, нима қурса одамларнинг ўзлари қуриб ишлатишармиш. Билганларини қилишсин. – Мудира менга яна бир қур разм солди-да, ўрнидан туриб, айиққа ўхшаб маймоқланиб хонанинг бошқа томонидаги жа-

вон олдига борди. Ундан бир талай қоғозларни олиб, яна жойига келиб ўтирди. – Э, мен ҳам бу ерга ишга келганимда сендай ёшгина қиз эдим. Сочим шу хужрада оқарди. Ҳар куни давлатнинг қанча буюртмаларини тайёрлаб берардик. Баъзида ярим кечагача қолиб ишлашимизга ҳам тўғри келган. Ишчиларга кийим-кечаклар, боғчаларга чойшаблар, пахта терадиганлар учун этаклар, эҳ-ҳе, озмунча нарса тикар эдикми. Ҳозир ундай буюртмалар қаерда дейсан. Ҳаммаёқни четдан келадиған арзонгаров нарсалар босиб кетди. Бизнинг тикканларимиз замонавий бичимда эмасмиш. Замонавий бўлсин деса замонавий машинка, замонавий матолар келтириб беришсин. Йўқ, улар буни ўйлаб ҳам кўришмайди. Даққионусдан қолган мана бу машинкалар билан нима ҳам қилиб бўларди. Буюртма тушмагани учун мато ҳам бермай қўйишди. Бечора тикувчиларни ҳам, иш жойларинг қисқартирилди, деб бўшатиб юбордик. Шу учала хотин артелнинг чироғини ёқиб туриш учун қолгандай келиб кетамиз. Ҳатто маош ҳам беришаётгани йўқ. Бир-иккита боғчага ўзим бориб, буюртма олмоқчи бўлдим. Ўзларининг шаҳардаги таъминлайдиған идорасидан чойшаб, кўрпа-ёстиқларнинг жилдларини келтириб беришибди. Ушлаб кўрдим, чиройли чойшаблар. Болаларбоп қилиб бирам безак беришганки, кўзинг қувнайди. Лекин ҳаммаси бир ювишда ўнгиб кетадиған, терлаганда бўёғи баданга ўрнашиб қоладиған, илвираған сунъий матодан тикилған. Кўнглим айнаиди. Бундай чойшабда ётған болаларнинг касал бўлмагани қолмаса керак. Бизнинг тоза пахтали чойшабларимизни эса олгилари келмайди. Уларга фақат чет элники бўлса бас. Ҳатто болаларга берған яроқсиз ўйинчоқларининг ҳам ҳаммаси четники. Додингни кимга айтасан, қизим? Хато қилибмиз, энди тўғрилаб қўямиз, дейдиған одам бор

эканми. Дийдиё қилиб кўр-чи, номинг ёмонга чиқади. Қариган чоғимда менга қолдими шу ташвиш. Кимга керак бўлса, ўзи обдовини тўғрилаб олсин.

Шу пайт кутилмаганда машинка ёнидаги аёллардан бири чинқириб юборди. Мудира иккимиз чўчиб тушдик.

– Сичқон, сичқон, – деди чинқирган аёл ёқасига туфлаб.

Иккита сичқон уларнинг ёнидан бир-бирини қувлаб ўтиб кетди ва хона эшигидан чиқиб, этикдўзнинг хужрасига эшик тирқишидан кириб кетди.

– Бу иморат ҳам менга ўхшаб қариб адо бўлди, – деди мудира бошидаги рўмолини бошқатдан ўраб. – Деворлариям нураб кетаяпти, яқинда тутдай тўкилади. Буларнинг сичқондан кўрққанини қара, менинг эса каламушдан ҳам эгим сесканмай кўйган. Э, ҳеч нарсага қизиқишим қолмади. Муҳайё, – деб у ҳалиги аёллардан бирини чақирди.

– Лаббай, – деди боя қичқирган аёл.

– Сен кимдир қизларга иш топиб берармиш, дегандай бўлиб эдингми?

– Ҳа, жарлик томондаги Салима сатанг бир-иккита қизларга иш топиб берган экан, одамлар шундай дейишяпти.

– Балки ўшандан бориб сўраб кўрганинг маъқулдир, – деди мудира.

Салима деган аёлни бир-икки марта бозорда учратганман. Бениҳоя танноз, ўзини маликалардек тутадиган ўша аёл мендек бир фақирнинг илтимосини эшитишга ҳафсала қилармикан? Қизларга ёрдам бераяпти, дейишди-ку. Ноумид шайтон, бошқалар қаторида бир ғарибга ҳам мурувват қилар. Ростдан ҳам кўлидан иш келса, карнайчидан бир пуф-да.

Тупроқ кўчалардан юриб, излаган манзилимни топиб бордим. Ҳадеганда остона ҳатлаб чиқавермага-

ним учун Боғишоднинг бу кўчаларига ҳеч кирмаган эканман. Шу боисдан Салима опанинг уйини ҳам илк бор кўриб туришим эди. Бўёғи ярқираб турган дарвозасини гўё кўлимни куйдирадигандек анчайин истиҳола билан тақиллатдим. Ичкаридан сергак итнинг вовуллаган йўғон овози эшитилди. Кўрқиб кетганимдан бир-икки қадам чекиндим. Қулф шарақлаб, дарвоза қия очилди. Бошини чиқариб аланглаган ёшгина жувон мени кўриб:

- Сенга ким керак? – деди.
- Салима опада гапим бор эди.
- Қанақа гап? Кел, буёққа кир, ичкарида гаплашамиз.

Тортина-тортина дарвозадан кирдим. Баҳайбат бир ит думини ликиллатиб турган экан, кўрқиб ортимга тисарилдим. Баланд айвоннинг тўридаги нақшинкор чорпояда иккита нотаниш қиз ойнага қараб пардоз қилиб ўтирибди. Бири очиқ-сочиқ кийинган, иккинчисининг кийими на қизларникига, на ўғил болаларникига ўхшайди. Улар гоҳ-гоҳ мен томонга кўз ташлаб, бир-бирини турткилаб шивирлашар, беандиша кулишарди.

– Салима опам иш билан бир жойга кетган, бир-икки ҳафта бўлмайди. Нима гапинг бўлса, менга айтавер, – деди аёл энсаси қотгандек афтини буриштириб. Унинг ял-ял товланган кўйлаги, бармоқларидаги қўша-қўша узуклари, қулоқларига осилган зиракларию оғзини тўлдириб турган тилла тишларини кўриб, бир уюм тиллани учратгандек бўласан киши.

– Иш топишда ёрдам беради, дейишган эди, – дедим ийманиб.

– Ким айтган бўлса ҳам, нотўғри айтибди. Опам шаҳардаги танишларига айтиб, фақат чет элдан иш топиб беради, чақалоқларга, қарияларга қараш, тамаддихоналарда югурдаклик дегандай. У ёқдагилар

эса фақат “фотогеничний” қизларни қабул қилишади. Очиғини айтиб қўя қолай, сен тўғри келмайсан. – У менинг ранжиганимни сизди. Мен иш топиб бермаганидан эмас, унинг сен тўғри келмайсан, деганда нимага ишора қилаётганини тушуниб, хафа бўлган эдим. Аслида чет элдаги ишларга кўзим учиб тургани йўқ, ҳатто ёлворишса ҳам бормасдим. “Узоқнинг донидан яқиннинг сомони яхши”. – Хафа бўлмайсан энди, улар шундай талаб қилиб туришганидан кейин нима ҳам қила олардинг. Опам ўзи хоҳлаганидаям барибир сенга ёрдам бера олмайди.

Кайфиятим тушиб, ташқарига чиқдим. Ортимда дарвоза шарақлаб ёпилди. Бояги қизларнинг беҳаёларча қийқириб кулганлари эшитилди.

\* \* \*

Кечаси билан қаердан иш топиш ҳақида ўйлаб ётдим. Эрталаб автобусга чиқиб, туман марказига – Узумзорга жўнадим. Ўриндиқларнинг ярми бўш эди, бироқ кейинги бекатларда кўп йўловчи чиқди. Бу автобус ўзи шунақа, йўл четида одам қораси кўринса бас, албатта бир тўхтаб ўтади. Узумзоргача машинада йигирма дақиқача йўл, лекин автобус имиллаб ҳар қадамда тўхтаб-тўхтаб юрганидан деярли бир соатча судралади. Шу автобусда онам билан марказдаги касалхонага кўп марталаб борганмиз. Аёз кунлари эшигининг тирқишидан изиллаб совуқ киради, иссиқда ойналари очилмайди. Шифтдаги қопқоғи очилади-ю, лекин ҳар силкинганида қарсиллаб ёпилиб қолаверади. Ичига буруқсиб кирадиган чанг аралаш тутунидан кўнгил беҳузур бўлади. Бунга ҳамма деярли кўникиб кетган. Кейинги бекатдан чиққан одамлар орасида тегиримончи амаки ҳам бор экан. У яқинимга келиб тик туриб қолди. Ўрнимдан туриб жой бердим.

– Ўтиравер, қизим, безовта бўлма, – деди амаки ўнғайсизланиб.

Катта ёшли одамнинг тепамда тик туриши менга ҳам ноқулай эди. Тегирмончи амакини ўтирмаганига қўймадим.

– Ҳа, ишга жойлашдингми? – сўради амаки халтада шиқирлаётган темир-терсақларини тиззасига қўйиб, ўриндиққа ўрнашиброқ ўтираркан.

– Шу важ билан кетаяпман Узумзорга, – дедим.

– Ҳозир иш топиш ҳеч қаерда ҳам осон эмас. Сен марказга борсанг, меҳнат идорасига кир, қаерда иш борлигини улар билишади. Ҳеч бўлмаганда бирор йўл-йўриқ кўрсатиб юборишар.

– Раҳмат, яхши маслаҳатингиз учун. Ўзингиз қаёққа кетаяпсиз?

– Мен ҳам Узумзорга. Э, тегирмонниям ғалваси кўп, ҳали у ери эскиради, ҳали бу ери бузилади. Узумзорда бир уста бор, қўли гул йигит. Бузилган қисмларни унга олиб келаман, дарров тузатиб беради, барака топкур.

Тегирмончи амаки айтган меҳнат идорасини суриштириб топдим, автобус тўхтаган охириги бекатдан унчалик узоқда эмас экан. Ичкарига киришим билан тўғридаги очиқ эшикли хонада эти устихонига ёпишган қилтириқдай бир киши ўтирганини кўриб, ўша хонага қараб бордим. Бу ерда пашшалар чунонам кўп эдики, қилтириқ киши қўлидаги пашша ўлдиргич билан яқинига келганини уриб, ўлганларини санаб ўтирарди. Ижозат сўраб, хонага кирдим.

– Келсинлар, марҳамат, ўтирсинлар, – деди қилтириқ киши гавдасига мос бўлмаган салобат билан. – Нима юмушлари бор экан?

– Иш сўраб келдим, амаки, ишламоқчиман, – дедим ва у кўрсатган стулга ўтирмоқчи эдим, ғичирлаб кетди. Чўчиб ўрнимдан турдим.

– Қўрқмасинлар, бу ўриндиқ казо-казо одамларни кўтарган, ҳали ҳеч кимни уялтириб қўйган эмас, сизни ҳам кўтаради.

Стул синган жойларига мих қоқилаверганидан қирқямоқ бўлиб кетган экан. Разм солсам, бу хонада бутун нарсанинг ўзи йўққа ўхшайди. Бурчакдаги шкафнинг оёқлари ўрнига ғишт қўйилган, деразанинг битта ойнаси ўрнига картон қоқилган, чойнакнинг қопқоғи синиқ, пиёланинг лаби учган, ҳатто қилтириқ кишининг чап қўли ҳам дока билан боғланиб, бўйнига осилган.

– Иш сўраб келдик, денг? Бу даргоҳга қадам ранжида қилгувчи одам борки, ҳаммаси иш сўраб келади, бошқа нима ҳам сўраб келарди. Одамларга иш топиб бериш бизнинг вазифамиз. Ишлайман деган одамни қўллаб-қувватлашимиз зарур. Энг ёмони – ишлашни хоҳламайдиган одам, иш топиб берсанг ҳам ишламайдиган ялқовлар. Ундайлардан кўрқиш керак. Ҳа, ҳамма бало ўшандайлардан чиқади. Ўғрилиқ, қотиллик, фитначилик, эҳ-ҳе, улардан ҳар қандай ёмонликни кутиш мумкин.

Бу одам гапларини тинглайдиган суҳбатдош тополмай ўтирган экан, шекилли, жаврашдан тўхтайдимасди. Менинг эса бекорчи вақтим йўқ. Бу ерда ишим битмаса, бошқа идораларга боришим керак. У бамайлихотир дардини дастурхон қилиб, гап орасида “тарс” эткизиб пашша ўлдириб турарди. Эътибор берсам, пашша ўлдиргич ҳам синаверганидан турли жойларидан елим тасма билан боғлаб ташланган экан.

– Хўш, ўзларининг маълумотлари қандай? – сўради у менинг бирорта гапига диққат қилмаётганимни кўриб ҳафсаласи пир бўлгандай. – Диплом борми, диплом?

– Мактабни яқинда тамомладим.

– Ие, буёғи қандоқ бўлди? Ҳали бор-йўғи ўрта маълумот билан иш қидириб юрибдиларми? Саломат бўл-

синлар-е. Умуман олганда, бу маълумотингиз билан фақат кўча тозаловчилик ишига даъвогар бўлсангиз бўлади. Лекин ҳозир ўрта-махсус маълумотлилар ҳам бу ишга жон деб талабгорлик қилишяпти. Аксига олиб, бу соҳада ҳам иш ўрни йўқ. Талабнома келмаяпти. Балки, бўш ўрин бўлса ҳам, бизга юборишмаётгандир. Ҳамма ёқда таниш-билишчилик. Буларнинг ҳаммасини ким ўйлайди? Мен ўйлашим керак, мен. Бир ўзим қайси бир ишга бўлай?

– Сиз бошлиқмисиз?

– Афсуски, бошлиқ эмасман. Бошлиқ бўлганимда эди, ишни бошқача ташкил қилган бўлар эдим. Тегирмонни тескари айлантириб юборишим ҳам мумкин эди. Ҳай, майли, бир гап бўлар. Сиз менга исми шарифингиз билан яшаш манзилингизни мана бу қоғозга ариза билан бирга ёзиб қолдиринг. Биз, албатта, бу масала билан жиддий шуғулланамиз ва бўш иш ўринлари бўлиши билан сизни хабардор этамиз. Мана, қаранг, қанча аризалар. Уларнинг муаллифлари бизнинг хушxabарларимизни кўзлари тўрт бўлиб кутишмоқда, – деб у боядан бери устида пашша ўлдираётган бир тўп қоғозни кўрсатди.

Мен ариза ёзиб узатдим. Қилтириқ киши аризамга кўз ҳам югуртирмасдан, ҳалиги қоғозларнинг устига кўшиб қўйди. Секингина хонадан чиқдим. “Тарс” деган товуш эшитилди. Чамамда, менинг аризамнинг устида биринчи пашша қурбон бўлди.

Йўл ёқасидаги бир-бирига уланиб кетган дўконлар ёнидан ўтиб бораётганимда таниш кўча кўринди. Бу касалхонанинг кўчаси эди. Онам билан шу кўчадан неча марталаб юрганмиз. Касалхонадан иш сўраб кўрсам-чи, деган фикр хаёлимга келди. Мабодо у ердан иш топсам, онамни даволатгани олиб келганимда ҳам ёнида бўламан, ўзим қарайман, деган ўйда шу кўчага йўл солдим. Кўча ўртасидаги бир ҳовлининг ёғочлари



чириб тўкилай деб турган эшиги туйнугидан бир қопагон ит ўткир тишларини кўрсатиб, доим хурар эди. Ҳар сафар онам билан шу эшик ёнидан ўтаётганимизда юрагимни ҳовучлардим. Ит шундай важоҳат билан ириллардики, гўё ҳозир омонатгина турган эшик қулаб тушади-ю, ит бизни еб қўядигандек ваҳимага тушардим. Хайрият, ҳозир ит кўринмади. Балки жазирамадан қочиб соя жойда ухлаб ётгандир ёки бўлмасам, ҳура-ҳура охири ўзини адойи тамом қилгандир. Ҳар-тугул кўча сув қуйгандай жимжит эди.

Касалхона эшиги олдида гаплашиб турган ҳамшираларга бу ерга келганим сабабини айтган эдим, улардан бири узун йўлак охиридаги “Бош шифокор ўринбосари” деган ёзувли эшик олдида бошлаб борди. Хона эшиги очик, лекин ўринбосар хонада йўқ экан. “Шу ерда кутиб турунг, ҳозир келиб қолади” деб ҳамшира мени эшик ёнида қолдириб кетди. Шифокорлар билан ҳамширалар йўлакда у ёқдан-бу ёққа тез-тез ўтиб туришар, ҳамма ёқни дориларнинг ўткир ҳиди тутиб кетган эди. Бир узун бўйли доктор йўлакдан ҳар ўтганида мен томонга қараб қўяверди. Унинг ортидан иккита ҳамшира дори қутиларини кўтариб чопиб юришибди. Кейин улар йўлак охиридаги палатага кириб кетишди. Ниҳоят ўша доктор палатадан чиққач, мен қараб турган хонага кирди ва мени чақирди.

- Келинг, қаерингиз безовта қилаяпти? – деди у.
- Ҳеч қаерим.
- Унда менга нима гапингиз бор?
- Бу ерда кўпчилик қизлар ишлашар экан, агар бирор иш бўлса, мен ҳам ишласам, деб келдим.
- Қаерда ўқигансиз?
- Мактабда.
- Кечирасиз, бизда ишлаш учун диплом керак бўлади.
- Мактабни битирганларга мос қандай иш бўлса ҳам қилавераман. Фаррошликми, боғбонликми, ка-

салларни аравачада олиб юришми, ҳаммаси қўлимдан келади.

Доктор бир лаҳза менга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. Синчиклаб разм солди.

– Мени маъзур тутинг, мабодо ногиронлик гуруҳига чиқмаганмисиз? – деди у.

– Йўқ, соппа-соғман.

– Нега унда... Ҳа, майли, нега бунча ишлашга шонилмасангиз? Аввал ўқиб, бирор касбни эгалласангиз яхши бўларди.

– Менинг ҳозирги шароитим ўқишга имкон бермайди.

– Лекин бизда ҳозирча сизбоп иш йўқ. Фаррошларимизнинг кўпчилиги кампирлар, аммо улар ҳам жойни бўшатгилари келмайди. Барибир сиз хафа бўлманг, синглим, вақт-соати келиб, балки, бўш жой топилиб қолар. Сиз ҳар ой хабар олиб туринг. Биронта ишчи ходим ўз хоҳиши билан бўшаса ёки бўшатилса ёхуд ўлиб-нетиб қолса, ўрнига оламыз. Эҳтимол, компьютерда ишлай оларсиз?

Мен “йўқ” дегандек бош қимирлатдим. Мактабимизда бир эмас, тўртта компьютер бор эди. Муаллимимиз уларни фақат қўл текизмаслик шарти билан синфхонага олиб кириб кўрсатган. Унинг қандай кароматларга эгаллиги ҳақида кўп гапирган. Лекин кўз билан кўролмаганингдан кейин бу ўзга сайёранинг учар жисмлари ҳақидаги афсонадан фарқ қилмасди.

– Мабодо сизларга таржимон керак эмасми? – дедим шошиб.

– Қайси тилларни биласиз?

– Инглиз, немис...

– Рус тилини-чи?

– Биладан.

– Э, рус тилини ўзимиз ҳам эплаймиз, армиядан ўрганиб келганмиз. Бизнинг касалхонамизда таржимон-

лик иш ўрни йўқ-да. Шароитингиз қанақалигини билмайман-у, лекин шунча тилларни билар экансиз, сиз, албатта ўқишнинг ҳаракатини қилганингиз маъқул.

Бу даргоҳ ҳам ўз остонасини менга муносиб кўрмади. Кейин кўчага чиқиб, яна атрофни кузатдим. Кенг кўчанинг нариги тарафида одамлар кириб-чиқиб юрган бир бинога кўзим тушди. Яқинроқ бориб, идора ҳовлисидаги баланд қайрағочнинг қуюқ соясида бирпас ўтириб, нафас ростладим. Иссиқда юравериб, томоғим қақраб кетди. Бинога кираверишда, шундоқ эшик ёнидаги челақдан бир аёл пиёлага сув олиб ичди. Сувни кўриб кўнглим ёришди. Мен ҳам бориб ўша сувдан ичдим, чанқоғим босилди.

– Бу қандай идора? – деб сўрадим ҳалиги сув ичган аёлдан.

– Солиқхона-ку, – деди аёл бино пештоқидаги бўёғи хиралашиб кетган ёзувга ишора қилиб.

Ичкари ғалағовур эди. Одамларнинг қўлларида қандайдир қоғозлар, у эшикдан чиқиб, бу эшикка киришади. Бир бақувват чол нимадандир норози бўлиб бақиряпти. Хоналарга бирма-бир разм солиб, “Бошлиқ П.П. Поёнқулов” деб ёзилган эшик ёнида тўхтадим. Бўлганича бўлар, деб эшикни тақиллатган эдим, ичкаридан: “Кириг” деган йўғон овоз эшитилди. Хона тўридаги баланд суянчиқли курсида сариқ соч, қисик кўз, икки юзи анордек қип-қизил, тўладан келган киши ялпайганча сигарет чекиб ўтирган экан. Эшикни қия очиб, кўриниш беришим билан: “Кириг, опа”, – деди. Ўзи отам қатори киши-ю, опа, дегани қизиқ. Эҳтимол, қисик кўзларига шундай кўрингандирман. Бармоқлари орасига қистирилган сигарет билан қайси стулга ўтиришим кераклигини ишора қилиб кўрсатди. Деразанинг бир табақаси очиқ турар, шунда ҳам тутун буруқсиб кетган эди. Бошлиқ шу кўринишида уйқуга шўнғиган айиқни эслатарди. У, қани, гапиринг, дегандек бошини қимирлатиб ишора қилди. Мен муддаони

тушунтира бошладим. Лекин қўшни хонадан келаётган ҳалиги чолнинг бақирғидан бошлиқ менинг гапларимни яхши эшитолмади.

– Қаттиқроқ гапиринг, опаммисиз, синглиммисиз, қулоғим сал оғирроқ, – деди у ўнг қулоғини мен томонга тутиб.

Мен гапларимни бошқатдан такорладим.

– Уф, бу одамлар бунча шовқин кўтаришади, а? Ҳм, тушунишим бўйича сиз иш сўраб келгансиз, шундайми? Ҳа, ишлаш керак. Ишламасак, бизни ким боқади? – У бармоқлари орасидаги тутаб бўлган сигаретни кулдонга эзғилаб ташлаб, бошқасини олиб ёндирди. – Ишлаган яхши, ишламаган тишламайди, тишламаган хушламайди, дейишади-ку. Мана бу гапнинг маъзини чақингда сиз, опаммисиз, синглиммисиз. Ахир, ҳаммамиз ҳам тирикчилик, бола-чақа деб юрибмиз, шундай экан, ишламай иложимиз қанча. Вой-во-ей, бунча бақирмаса бу одамлар. Даврон, – дея бақириб кимнидир чақирди. Даврон деганлари ҳам доим сергак турар экан чоғи, дарров эшикда пайдо бўлди. – Ким у дод солаётган?

– Шоҳбекатнинг ёнидаги чойхонанинг хўжайини Асқар бува. Солиқларни нотўғри ҳисоблагансанлар, деб дийдиё қилаяпти.

– Сенга бақиряптими?

– Менга бақиряпти.

– Ҳм, қаттиқ бақиряптими?

– Ҳа, қаттиқ бақиряпти.

– Айт, аста бақирсин.

– Хўп бўлади, айтаман, хўжайин.

– Бошлиқ шу ердалар, дегин.

– Майли.

– Бунинг устига олдиларида вазирликдан келган бир опа ўтирибдилар, дегин.

- Шундай дейман.  
- Табаррук меҳмон келганда қутурган туядай бўкириш одобдан эмас экан, дегин.  
- Айтганингиздай дейман, хўжайин.  
- Ҳа, яна айт, бошлиқ афғончи, дегин.  
- Хўп бўлади, шундай дейман.  
- Контузия бўлганимниям айт.  
- Албатта айтаман.  
- Жаҳли чиқса, болта билан чопиб ташлайди, кейин бозорда калла-поча арзон бўлиб кетаркан, деб айт.  
- Айтаман.  
- Менга қара, гапларимни тушундингми?  
- Тушундим, хўжайин.  
- Боравер. – У қўлидаги тугаб бораётган сигаретни кулдонга босиб, эзгилаб, навбатдагисини олиб ёқди. Кейин бошини чангаллади. – Эҳ, бу афғон. Умрининг ярмини еди ўша уруш. Қобулда бўлдим, Қандаҳорда қон кечдим, контузия бўлдим. Ўлмаса, юраверар экан одам. Сиз контузия нималигини биласизми? – сўради у мендан.

- Йўқ.

- Э, билмаганингиз яхши, опаммисиз, синглиммисиз. У жуда ёмон нарса, одамни хароб қилади. Эсламай дейман-у, лекин одамлар мажбур қилишади-да.

Афғончи бошлиқ бирини тоғдан, бирини боғдан олиб гапира-гапира бошини стол устига қўйиб, ухлаб қолди. Қўлидаги яримлаган сигарет ҳамон тутарди. Менинг илтимосим ҳам хонани тумандай тўлдирган тутунларга қоришиб учди-кетди.

\* \* \*

Узумзордаги идоралар ҳам ўзимизнинг Боғишодагидан қолишмас экан. Бир неча кун у ерга зир қатнаб, кирмаган эшигим қолмади. Биронтаси ишга ола-

ман, демайди. Ҳаммалари “хабар олиб тулинг, бирон иш бўлиб қолар”дан нарига ўтишмайди. Хабар олиб туришнинг ўзи бўларканми. Ҳар сафар Узумзорга бориб келганимда онам йўлимга илҳақ бўлиб ўтирган бўлади. Чорасиз қайтиб келганимни кўриб, ич-ичидан ғамга ботади. Шундай бўлса-да, сездирмасликка тиришиб, менинг кўнглимни кўтаришга уринади. Оҳ, меҳрибон онажоним-а. Мен қайси идорага бош суқсам бор-йўғи оддийгина фаррошлик ёки хат ташувчиликка ўхшаган фақирона иш сўрадим. Наҳотки шугина ҳам топилмаса? Узумзордаги мактаб, боғчалар, дўкону устахоналар бўсағаси ҳам менинг қадамимдан чангиди. Почта идораси бошлиғининг бир оғиз “бу ерга бекор келибсиз, бизда иш йўқ” деган гапини эшитиш учун икки соат кутибман. Газ идорасининг бошлиғидан бир дунё насиҳат эшитдим. У шинамгина хонада ўтирар, хонанинг эшик ва деразалари очиб қўйилган, деразалар чинорнинг қуюқ сояси тушиб турган боғ ховлига қараган, у ердан сайроқи қушларнинг ёқимли товушлари эшитилиб турарди. Бошлиқ хонасининг эшиги ёнида бир чол семиз папкадаги сарғайиб кетган қоғозларни тўғрилаб турган эди. “Сен ҳам бошлиқнинг олдига кирмоқчимисан, қизим? – деди у ўсиқ қошлари остидаги бургут кўзларини менга қадаб. – Унда киравер. Бу ивирсиган бобонг қоғозларини тартибга келтиргунча узоқ кутиб қоласан. Мен сендан кейин кираман”. Бошлиқ менинг гапларимни мўйлабини тарай-тарай эшитди.

–Сиз қайси маҳалладансиз ўзи? – деди у оёқларини чалкаштириб ўтирганча.

– Боғишоддан келдим, бошлиқ амаки.

– Боғишодга газ қузури етиб бормаган. Бормоқчи ҳам эмас. Шундоқ ҳам аҳолига газ етказиб бўлмаяпти. Биз биринчи галда марказни таъминлашимиз керак.

Газ етмаганидан одамлар ҳар куни устимиздан шикоят ёзгани-ёзган. Боғишодга газни вақти-вақти билан баллонларда олиб бориб беряпмиз.

– Мен иш...

– Тушундим, бу ҳақда айтдингиз. Биз бир айтгандаёқ тушунадиган одаммиз. Лекин сизга иш ўрнига икки оғиз қимматли маслаҳат беришим мумкин, холос. Ана шу қамматли маслаҳат, билиб қўйингки, бизда мутлақо бепул. Ҳозир ишлайман деган одамнинг ўрни қаерда? Далада. Авваллари экин майдонлари колхозлар ихтиёрида, яъниким давлатники эди. Ҳозир, мана, колхозчиликка, тўрачиликка барҳам берилиб, ер фермерларга, яъниким ҳақиқий деҳқонларнинг қўлига ўтаяпти. Бу нима дегани? Бу ишла, меҳнатингга яраша ҳақингни ол, дегани. Колхоз ва совхозларда-чи, ишлаган ҳам, сояда ётиб ошу нонни тишлаган ҳам баб-баробар маош олаверарди. Сиз ҳам бу атрофлардан енгилгина иш қидириб юрмасдан, фермер далаларига боринг, азамат йигитлар, қадоқ қўлли қизлар жавлон уриб ишлаётган меҳнат майдонларида ўзингизни кўрсатинг. – У ўрнидан туриб у ёқдан бу ёққа салмоқлаб қадам ташлаганча, қўшиқ айтаётгандек қулочини кенг ёзиб гапирар, четдан қараган одам гўё спектакл томоша қилаётгандек бўларди. – Ёки бўлма-са мактабда яхшироқ ўқиш керак эди. Агар яхши ўқиганингизда эди, ҳозир мана бундай қилиб тозаловчи ёки югурдак бўламан деб иш ахтариб юрмас эдингиз. Обрўли университетларга борардингиз, етук кадр бўлиб келардингиз. Иш жойларининг ўзи сизга мунтазир бўлиб турар эди.

О, бошим айланиб қаерларга келиб қолдим? “Мен нима дейман-у, кўбизим нима дейди”. Бу одамга нима-ни гапирай, қандай тушунтирай? Мен ҳолимдан хабар бериш учун эмас, иш сўраб келганман-ку. Шуларни

ўйлаб, эндигини кетмоқчи бўлиб турганимда боя-ги қоғоз титкилаб турган чол бошлиқнинг хонасига шахт билан кирди.

– Эй, маймуннинг боласи, тур ўрнингдан-е, хунаса, – деди у бошлиқни урадигандай бир важоҳат билан. Бошлиқ кутилмаганда довулга дуч келгандай довдираб қолди. – Нега артистлик қиласан? Муштдай қизга берган насиҳатинг шуми, баччағар? Сен айтган фермерлар иш берганда бу қиз сендай хотинмижознинг пойгагида эгнини қисиб, мистар бўлиб ўтирармиди? Сен айтган йил ўн икки ой “жавлон урадиган” йигит-қизлар арпа-буғдой экиладиган бизнинг далаларда эмас, нариги туманлардаги пахтазорларда. У ёқларга боришга имкони бўлганда, балки, бориб ҳам кўрарди. Ана шу “жавлон ураётганлар” меҳнатига лойиқ ҳақини олаётган бўлса, ҳамма ўша ерга бориб ишламасмиди? Колхоз, совхозларинг қандай бўлганини мана мен биламан. Энди фермерларингниям кўрдим. Ҳаммасиям инсофли бўлса гўрга эди-я. Бу дала хўжайинларингнинг орасида шундай пихини ёрганлари бор эканки, қилган ишидан илон пўст ташлаб юборади. Қўлида ишлаётган бечораларнинг ҳақини икки қоп буғдой, бир қоп арпа билан баҳолайдиганлари ҳам бор. Бояқиш деҳқонлар болаларининг кўзларига қараёлмаганидан иш излаб бошқа юртларга кетиб қолганларини билмайсанми? Буни билиш учун кўриш керак. Кўриш учун мана бу катагингдан бир-икки қадам нарироқларга чиқиш керак. Сен бўлсанг бу ерда новвот солиб, кўк чойни си-мириб ўтирибсан. Бу қизгинанинг ҳам сенга айтаман деса айтадиган ичида ана шундай гаплари бор, лекин айтмайди. Чунки андиша қилади. Унинг ўрнига мен айтдим. Азбаройи юрагим куйиб кетганидан айтдим. Мен андиша қилиб ўтирадиган, сендайларни юзхотир қиладиган ёшдан ўтиб кетганман.



Қоқ пешинда ҳавонинг тафтидан лоҳас бўласан киши. Одамлар ўзларини соя-салқинга урган, мен эса ҳамон кўча кезиб юрибман. Очликдан силлам қуриди. Ўйлаб қарасам, икки кундан бери иштаҳам йўқлигидан туз тотмаган эканман. Қатор ўсган тераклар соясига ўтириб, йўлнинг нариги томонидаги сомсахонани кузатмоқда эдим. Сомсанинг тандирдан кўтарилаётган ҳузурбахш ислари димоғимга келиб урилди-ю, иштаҳам Кўқон дарвозасидай очилиб кетди. Лекин ҳамёнимда бор-йўғи йўлкирага етадиган пулим қолган эди. Одамлар айвон тагидаги ўриндиқларни тўлдиришган, манглайига рўмолини танғиб боғлаган бақалоққина аёл бир кўлида патнис кўтариб, хўрандаларга сомса билан чойни етказиб турибди. Мен эса ўзимни эмас, иштаҳамни тўйдирсам бас. Бунинг учун шунчаки, сомсаларнинг иси ҳам кифоя қиларди.

Шу куни эшикма-эшик юравериб, кеч қолиб кетдим. Бекатга келганимда Боғишодга борадиган автобус аллақачон кетиб бўлган экан. Қуёш ботаётган, шамол туриб ҳаммаёқни тўзғитаётган эди. Бекатда менга ўхшаб улов кутиб турган бир чол билан кампир олдимизга келиб тўхтаган юк машинасига чиқишди. Мен ҳам чиқмоқчи бўлган эдим, ҳайдовчи Боғишодга бормаслигини айтди. Бегона бекатда бир ўзим қолдим. Шамол баттар кучайиб борар, қумларни учириб юзимга урар, кўзни очирмасди. Яқин атрофдаги уйларнинг томларидаги тунукалар шамолда ваҳимали тарақлар, қоронғи чўккани сари қўрқувдан дағ-дағ титрардим. Кўчада машиналар ҳам кўринмай қолди. Энди тасодифан бирорта йўловчи машина келиб қолмаса нима қиламан, бу ёт жойларда қаердан паноҳ топаман, деган ўйдан яна минг карра ваҳима босар эди. Аксига олиб шамол тобора ҳаддидан ошаяпти. Бундай тўзонда кўз очиш тугул, ҳатто нафас олишга ҳам қий-

нала бошладим. Бунинг ўрнига ёмғир ёғиб берса яхши бўларди. Тўзонда тўзғигандан ёмғирда шалаббо бўлган афзалроқ эди.

Узоқдан бир отличнинг қораси кўринди. У мен томонга яқинлашиб келмоқда эди. Юрагимдаги кўрқув кучайди. Ким бўлди экан у одам? Шундай бўронда нима қилиб юрибди? Яхши одаммикан ёки биронта нияти совуқмикан? Нега тўппа-тўғри мен томонга келяпти? Эй Худо, ёмон бўлса, юзини тескари қил, яхши одам бўлса, фақат ўзингнинг раҳминг келганига йўйгайман!

– Ҳой, кимсиз, шом маҳали бекатда нима қилиб турибсиз? – деди отлич ёнимга келиб тўхтаб. Аёл киши экан, шундан ичимдаги ҳадик бироз аригандай бўлди.

– Автобус кетиб қолибди, биронта йўловчи машина ўтиб қолар деб кутиб турибман, – дедим у эшитсин дея қичқириб.

– Қаерга кетмоқчисиз ўзи?

– Боғишодга.

Аёл отдан тушиб менга яқинроқ келди. Елкамга астагина кафтини қўйди ва шамолга тескари ўгириб, юзимга диққат билан тикилди.

– Сен Боғишоддаги Офтоб холанинг қўшнисими-сан? Мени эслай оласанми? Сен билан уларнинг уйда кўришган эдик. Офтоб холанинг жияни Нурияман, – деди у қўлларимни ушлаб.

Кўнглимда тонг ёришиб кетгандай бўлди. Юрагимни исканжага олиб турган кўрқувдан асар ҳам қолмади энди. Тангримга қилган илтижоларим ижобат бўлиб, кўқдан нажот фариштаси тушгандек эди гўё. Чангга тўлаёзган кўзларимдан ёш чиқиб кетай деди.

– Ҳа, мен ўша қизман, Марямман, – дедим қувончим ичимга сиғмай.

– Кутиб турганинг билан энди машина келмайди. Қара, кўчада ҳеч зоғ йўқ. Шом маҳали бундай шамолда машиналар ҳам кўчага чиқмайди. Бизнинг уйимиз яқин жойда, юр, бугун бизникида қоласан.

– Узр, бу ерда қололмайман. Аям мени кутиб хавотир олади.

– Барибир машина йўқ.

– Аям қаттиқ хавотир олади. Яёв бўлса ҳам кетишим керак, опажон.

– Яёв? Боғишодга-я? Ундай бўлса майли, аввал бизниқига борайлик. Ўша ердан биронта улов топиб, сени уйларингга жўнатиб юбораман. Қани, тезроқ отга мингаш.

Мен шу пайтгача от миниб кўрмаган эдим. Отнинг пишқиришидан ҳам, ҳайбатидан ҳам чўчиб турардим. Нурия опа отига бир сакраб миниб олди. Кейин мен узангига оёғимни қўйиб, қийнала-қийнала миндим. Енгилгина тушган бир қамчидан сўнг от йўрғалаб кетди. От устида кетяпман-у, худди Регистон миорасининг устига чиққандек оёқ-кўлларим қалтирай бошлади. Бу баландликдан йиқилиб тушмаслик учун Нурия опани маҳкам қучоқлаб олдим. Истараси иссиқ бу аёлнинг қалбида қуёш порлаётганга ўхшарди. У йўл-йўлакай менинг нега адашиб юрганимни сўради. Мен ташвишларимни айтиб бердим. Уларнинг ҳовлисига кирганимизда ҳеч ким кўринмас, айвон остидаги чорпояда сочиққа ўралган чойнак-пиёлалар турган эди. Бизнинг келганимизни билиб, ичкаридан полвонкелбат киши чиқди. У Нурия опанинг эри экан.

– Нима бўлди, кеч кирганда ҳавонинг авзойи бузилдими? – деди у менинг саломимга илиққина алик олиб.

Нурия опа мени у кишига таништириб, аҳволимни тушунтирди. Улар биргалашиб мени ичкарига таклиф қилишди, мен унамадим.

– Сизлар ўтириб туринглар, мен ҳозир бирон чора топаман, – деди Нурия опанинг эри ва кўчага чиқиб кетди. Биз чорпояда ўтириб, бир пиёла чой ичганимизча дарвоза олдида машина товуши эшитилди.

– Мана шу машина уйингизгача элтиб қўяди синглим, – деди Нурия опанинг эри.

– Эртага мен айтган манзилга албатта келгин, ишни биргалашиб қидирамиз, – дея тайинлади Нурия опа машинага чиқаётганимда. – Келаётганимда онангга айт, кеч қолгудек бўлсам, Нурия опамнинг уйида қоламан, хавотир олманг, дегин.

*Парвардигор, сахий ва меҳрибон одамларнинг умрини зиёда қил!*

\* \* \*

Нурия опамнинг олдига қанчалик боргим келса ҳам, лекин шанба ва якшанбани уйимизда ўтказдим. Онам билан бирга ерга дув-дув тўкилган ўрик ва олмаларни тердик. Уларни бозорга олиб бориб сотиб ҳам келдим. Қолганларини қурисин деб томга ёйиб қўйдик. Бир қарич ерни бўш қолдирмайдиган онам баҳорда унча катта бўлмаган томорқамизга ҳар хил сабзавотлар ва кўкатларни эккан, мен гоҳида ёнида ёрдамчи бўлиб турганман. Лекин мен мактабга кетган пайтларимда ҳам онам бир лаҳза тин олмаган. Мана, энди карам, сабзи, пиёзлар тайёргина ҳосил бериб турибди. Дилобар опадан олган помидор кўчатларини ҳам ерга қадаб чиққан эдик, ҳозир меваларини кўтаролмай қолибди. Биз шуларнинг тагини юмшатиб, бегона ўтларини юлдик. Сезиб турибман, онамнинг бели оғриб, кўзлари тинди. Лекин менга сир бой бергиси келмай, помидор шохларини кўтариб туриши учун чўплардан тиргак қўяётган эди. “Ая, сиз уйга кириб дам олинг, бу ишларнинг ҳаммасини ўзим қиламан”, дедим. Онам унамади, букилганча ишини давом эттираверди. “Ая, мен чарчадим, уйга кириб озгина дам олайлик, кейин яна ишлаймиз”, дедим. Шундан сўнг, онам зўрға қаддини ростлаб, пайкалдан чиқди. Уйга кириб, нонушта қилиб олгач, қўярда-қўймай онамнинг белини, оёқла-

рини уқаладим. Онам ҳорғин ётиб, ухлаб қолди. Кейин аста чиқиб, экинлар билан ўзим сирлашдим.

Эрталаб чароғон кайфиятда автобусга миниб, яна Узумзорга бордим. Одамлардан сўраб, Нурия опа айтган манзилни топдим. “Шодлик” дўконининг рўпарасидаги оқ бино, деган эди. Шу оқ бинони Нурия опа ижарага олиб, қизларга чеварлик ва пазандаликни ўргатадиган ўқувхона очган экан. Хоналарнинг бирида қизлар чеварликни ўрганишаркан. У ерга иккита тикув машинкаси қўйилган, жавонда ранг-баранг матолар тахланган, тайёр бўлган бир нечта чиройли кўйлақлар кўз-кўз қилиб илиб қўйилибди. Каттагина газ печи қўйилган иккинчи хонада эса қизлар турли-туман пишириқлар тайёрлаб, пазандаликни ўрганишар экан. Ҳали ҳамма келмаган, фақат икки қиз хоналарни шамоллатиб, эшик олдига сув сепишаётган эди. Улар ичкарига кириб, кутиб туришимни айтишди. Кейин яна ўн чоғли қиз бирин-кетин келишди. Улар шундай хушчақчақ эдиларки, қараб туриб ҳавасим келди.

– Марям, келдингми, хайрият, – деди Нурия опа кела солиб, эшикдан ҳам кирмасдан. – Юр, сени бир жойга олиб бораман. – Гулсара, ишларни ўзинг бошлаб тур, мен ҳозир келаман.

Икковимиз бир-бирига уланиб кетган кенг ва тор кўчалардан яёв юриб кетавердик. Икки томонига ранг-баранг гуллар экилган катта йўлга чиқдик. Бу кўчанинг ҳар икки тарафида кетма-кет жойлашган кўркам иморатлар кўп эди. Биз ойналари қорайтирилган, атрофига арчалару чиройли гуллар экилган бир бино томонга юрдик. Яқинроқ борганимиздан сўнг бу банк биноси эканлигини билдим. Бино ичкарисига кириб, гилам тўшалган зинапоялардан иккинчи қаватга кўтарилдик. “Ходимлар бўлими” деб ёзилган эшикни очганимизда сочлари қордай оппоқ кекса бир аёл қоғозларга кўмилиб ўтирган экан. У кўзойнагини

тушириб бизга қаради ва Нурия опани кўриб, юзида табассум пайдо бўлди.

– Нурия, қизим, кел, киравер, – деди у. – Олиб келдингми синглингни?

– Жаннат опа, сизга айтган синглим мана шу, – деди Нурия опа.

Улар мен ҳақимда аввалроқ гаплашиб олишган чоғи, Жаннат опа, ҳаммаси тушунарли, дегандек бош қимирлатиб кўйди.

– Кўп сарсон бўлибсан, қизим. Бахтингга ҳозир бизда сенга мос келадиган иккита бўш жой бор. Менга ёрдам берадиган қиз турмушга чиқиб кетди. Икки ойдан бери мана бу ишларнинг ҳаммаси ўзимга қолиб кетган. Фаррош хотин ҳам сурункасига касал бўлавериб, охири ишдан бўшади. Маоши оз-у, лекин барибир иш-да.

– Майли, нима иш бўлса ҳам қилавераман, – дедим иш топилганидан ўзимда йўқ севиниб.

– Шу икки ишдан қайси бирига олишни фақат бошлиқ ҳал қилади. Гаплашиб кўрайлик-чи. Лекин ўзига яраша анчайин ўжар одам-да, – деб у аста ўрнидан кўзғалди. – Сен, Нурия, ишингга боравер. Синглингни бошлиқнинг олдига ўзим олиб кираман.

Бошлиқнинг ҳам хонаси иккинчи қаватда экан. Жаннат опа йўлақдан оқсоқлангандай зўрға юриб борар, мен ҳам ортидан товуш чиқармай, авайлаб қадам ташлардим. Жаннат опа мени қабулхонада қолдириб, бошлиқнинг хонасига кирди. Қабулхонада ўтирган қиз менга эътибор бермай, бир қўлида кўзгу, бир қўлида лаб бўёғи билан ўзига оро бериб ўтирарди. Унинг сочлари жингалак қилинган, қошлари қалдирғоч қанотидай чиройли терилган, юзидаги жамики пардозиде ярашиб тушган, қараган одамнинг ҳаваси келмасдан қолмасди. Лекин енгсиз, ёқаси кенг очиқ кўйлак кийгани менга маъқул бўлмади. Қабулхона ҳафсала билан

жиҳозланган, деразага ҳарир парда илинган, бурчакларга нафис гуллар қўйилган, ўриндиқлар суянчиғига оппоқ жилд қопланган, хушбўй атир ҳиди анқиб турган эди.

– Иш масаласида келдингизми, опа? – деди у ниҳоят пардозини тугатаркан, қайрилма киприкларини пирпиратиб. – Мен бош қимирлатиб тасдиқладим. – Аввал қаерда ишлагансиз?

– Ҳеч қаерда, яқинда мактабни битирдим.

Гўзал қизнинг шаҳло кўзлари чақнаб кетгандай бўлди.

– Вой, ёшгина қиз экансан-ку. Кўринишингга қараб катта ёшли аёл бўлсанг керак, деб ўйлабман. Ишинг нима?

– Марям.

– Меники Ноила, бу ерда ҳамма Неля деб чақиришади. Аббос Алиевичнинг иш юритувчисиман. – Аббос Алиевич дегани бошлиқнинг исми шарифи бўлса керак. – Фаррошликка келган бўлсанг керак?

– Билмадим, қайси ишга олишса ҳам ишлайверман. Муҳими, олишса бўлди.

– Ҳа, фаррошликка олиши мумкин. Аббос Алиевичнинг қандай қарорга келишларини олдиндан айтиб бера оламан. Чунки у кишининг феълларини мендан яхши биладиган одам йўқ. Ўн кунча бўлди, фаррошга ёлчимай қолдик. Ҳамма ёқ ивирсиб кетди. Аббос Алиевич билан шу ҳақда ўйлаб юрган эдик ўзи. Тик тураверасанми, ўтир. – Мен бошлиқнинг эшиги ёнидаги стулга ўтирдим. – Ҳадеб касал бўлавермайдиган, оёқ-қўли чаққон фаррош бўлса ёмон бўлмасди.

Бошлиқ хонасининг эшиги очилиб, Жаннат опа мени чақирди:

– Марямжон, кел, кир бу ёққа, бошлиққа кўришиш бер.

Бошлиқнинг хонаси Неляхоннинг хонасидан ҳам ораста ва шинам экан. Бу хонадан ҳам хушбўй атир-

нинг иси уфуриб турарди. Хона салқинлантирилган, айна офтоб тиғида куйган одам учун бу ер жаннатнинг ўзгинаси деса бўлади. Оппоқ кўйлагининг ёқасига бежирим бўйинбоғ таққан бошлиқнинг бармоғида тилла ҳалқа ялтираб турибди. Чамамда қирқ ёшлардаги бу одам бир қарашда кишида ёмон таассурот уйғотмайди. Аммо... У у ёқдан-бу ёққа юриб, симсиз телефонда ким биландир хушчақчақ кайфиятда гаплашаётган эди. (Биламан, ҳозир кўпчилик раҳбарлар шундай телефон олиб юришади). У телефонни ўчиргач, менга нигоҳ ташлади-ю, юзи бирдан тундлашди.

– Рўмолингизни ечиб қўйинг, мачитда эмассиз, – деди у дабдурустан.

Мен қўрқиб кетиб, Жаннат опага қарадим, лекин бошимга қилич солсалар ҳам рўмолимни ечгим йўқ эди. Жаннат опа нимадир дейишга оғиз жуфтлаган эди, бошлиқ:

– Бўлди, чиқаверинг, тушунарли ҳаммаси, – деди кўрслик билан. – Опа, сиз қолинг, – деди Жаннат опага.

Мен хонадан чиқиб, бояги ўриндиққа бемажол ўтирдим. Кўлларим қалтираб, ҳолсизланганимдан эшикни маҳкамроқ ёполмадим. Ичкаридан бошлиқнинг Жаннат опага бақириб гапираётгани баралла эшитилиб турар эди.

– Опа, сизга юз марталаб айтганман, бу даргоҳга бунақа рўдаполарни тўплайверманг, деб. Сизга ёрдамчиликка бошқа одам қуриб қолганми? Сизга ёрдамчи дегани шахсий адъютантингиз дегани эмас, банк ходими дегани. Шу аҳволида кириб-чиқиб юрса, кўрган кўз нима дейди? Бу ишхонами, лўлихонами, демайди-ми? Ҳижоб ўраган қизни менинг олдимга тап тортмай олиб кирганингизни қаранг. Ҳозир бундайлардан хушёр бўлиш керак. Огоҳлик, огоҳлик ва яна огоҳлик. Ҳозир бутун дунёда паранжию ҳижоб ичига бекинган



бузғунчилар изғиган пайт. Одамхўрлар мана шунақа мумсиклардан фойдаланиб, ҳамма ёқни остин-устин қилишяпти. Ҳижобни ўраб-чирмаб олибдими, ундан эҳтиёт бўлишимиз керак.

- У ҳижоб эмас, Аббос Алиевич, оддий рўмол-ку.
- Нега у ҳолда, рўмолингни еч, десам унамади?
- У доим рўмол ўраган, ҳаёли, тарбия кўрган қиз.
- Нима, унда бошланг юриб, замонавий кийинган қизлар тарбия кўришмаганми?
- Ундай демоқчи эмасман.

Мен уларнинг тортишувларини эшитиб туриб, бўлди, бу ерда ҳам омад менга ўз эшикларини очмади, деган хулосага келдим. Қалбимда изтироб аланга олди. Мени деб бир бечора кекса аёл ҳам балога қолди. Руҳим чўкиб, кўзларимга ёш қалқиб чиқди. Ё тавба, оддий рўмол билан ҳижобнинг фарқига бормайдиган қандай раҳбар экан бу? Аслида мен ҳижобнинг кўчасидан ҳам ўтмаганман, ҳеч қандай бузғунчилардан ҳам хабарим йўқ. Мен намозхон бўлган эмасман, намоз ўқиш амалларини ҳам ҳозирча билмайман. Аммо ҳар куни дераза олдига ўтириб оламан-да, қиблага юзимни тутиб, Яратганга илтижо қилишни ёдимдан чиқармайман. Бу одамнинг кўзи ўзларини замонавий деб биладиган қизларнинг очиқ-сочиқ кийиниб юришларига кўникиб қолган, шекилли, рўмол ўраганни кўрса юраги безиллайдиган бўлиб қолибди. Шу кетишда бу одам эчкини кўриб қолса: соқоли бор экан, эҳтиёт бўлиш керак, бу қайсидир бузғунчилардан бўлиши мумкин, дейишига ҳам асло шубҳа қилмайман. Кўнглим оғриди, лекин наилож, ишлашим керак. Неляхон эса ҳеч нарсага парво қилмасдан, тирноқларига зеб бериб ўтирарди. Унга яна ҳам ҳавасим келиб кетди.

- Майли, фаррош қилиб оламыз, - деди бошлиқ ниҳоят. - Шунда ҳам сизнинг ҳурматингиз учун хўп деяпман. Фақат ташқарини супурсин. Бино ичкарисини

супуриб юрганини мен кўрмай. Огоҳлантириб қўяй, агар ҳижоб масаласида биронта гап тегадиган бўлса, сиз жавоб берасиз.

Жаннат опа бошлиқнинг хонасидан ҳам чарчаб, ҳам табассум билан чиқди.

– Ишинг ҳал бўлди, жоним қизим, – деди у мени ўзининг хонаси томон етаклаб. Мен кулишимни ҳам, йиғлашимни ҳам билмасдим. Шунча дағдағадан кейин мени ишга олишганига ишонгим келмасди. – Хафа бўлма, бошлиғимиз жиззакироғ-у, лекин ўзи ёмон одам эмас, ҳурмат қилишни ҳам билади. Эртадан бошлаб ишга чиқавер. Вақтлироқ келиб, аввал идоранинг ич-карисини бошлиқ келгунча тозалаб чиқсанг, ундан сўнг ташқарини бемалол саранжомлайверасан. Эшик-бонларга сенинг ишга олинганигни айтиб қўяман. Ҳайдар бува деган боғбон ҳар доим шу ерда бўлади. Нимани қаердан олишинг кераклигини сенга кўрсатади. Аттанг, мен яна ёрдамчисиз қоладиган бўлдим-да.

Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Энди иш ахтариб сарсон бўлмайман. Ҳар хил идоралар остонасида бошимни эгиб, бурнидан нарисини кўролмайдиган одамлардан мурувват кутиб ўтирмайман. Муҳтожлик кўчасидан ўтиб кўрмаган одамлар эрмаклаб кулиб, дилимга наштар санчишмайди. Энди ҳар куни тўғри мана шу даргоҳга келаман. Ўз ишимни деб келаман. Бу йўлакларни, хоналарни, анвойи гуллари кўзни қувнатиб турган ҳовлини чиннидай қилиб қўяман. Ўз уйимдай озода сақлайман. Бунни айтсам, онам ҳам бениҳоя қувонади. Қувонганида юзу кўзларида хасталик аломатлари ҳам кўринмай кетади. Энди онамнинг малҳам дориларини вақтида олиб келаман. Энди биз ҳам ҳадеб тегирмонга дон орқалаб боравермасдан, унни бошқалар қатори дўкондан сотиб олсак бўлади.

Ҳаяжоним ичимга сиғмасди. Кўчада кетаяпман-у, ерда юраётган эмас, қанот боғлаб, осмонда учаётган-дек эдим гўё.

Биринчи иш куним роса қизиқарли бўлди. Саҳарлаб ишга шшилдим. Автобусни ҳам кутиб ўтирмасдан, йўловчи машинага чиқиб, Узумзорга етиб олдим. Ҳали кўчалар сув қуйгандай жимжит, қайсидир ҳовлилардан хўрозларнинг кимўзарга беллашиб қичқираётгани қулоққа ёқимли эшитилади. Мен иш бошлайдиган идорага ҳали ходимлар келмаган, эшик қўриқчиси кираверишдаги ўзининг ойнаванд хонасида уйқусираб ўтирган экан. Бино олдидаги гулларга ҳозиргина сепилган сув томчилари шудрингдай милтираб, тонг қуёшининг илк нурларини кутиб олмоқда. Демак, Ҳайдар бува шу ерда. Ҳайдар бува деганимиз бу идорани гулзорга айлантириб юборган киши экан. Фақат эшик олдидаги эмас, ичкаридаги йўлагу хоналарга қўйилган тувакдаги гулларни ҳам ўзи экиб ўстирганлигини кейин билиб олдим. Идоранинг орқа томонида ҳам кенггина боғ ҳовлиси бўлиб, у ерда ҳам йўлакларнинг четларига гулу райҳонлар экилган, турли мевали дарахтлар бўй чўзиб, соя ташлаб турибди. Бу жойни ходимлар ҳазиллашиб “Ҳайдар буванинг боғи” дейишар экан. Ана шу боғчанинг бир чеккасида ошхона ҳам бўлиб, унинг узун айвонига столлар қўйилган, ходимлар шу ерда тушлик қилишар экан. Бу ошхонанинг маликасини ҳам билиб олдим. Саломат исмли тўладан келган, кулча юзли кўзлари қувнаб турадиган бу аёлнинг гаплари одамни эритиб юборади.

Жаннат опа тайинлаганидай, аввал идора ичкарисини тез-тез тозалаб чиқдим. Бу ерда ишловчилар юриш-туриши саришта одамлар бўлгани боисидан ишим осонгина кўчди. Фақат мижозлар кўп кириб-чиқадиган кираверишдаги қабул майдончасини ювишга бироз ортиқроқ вақтим кетди. Анчадан буён фаррош келмаганидан бу ерда чанг йиғилиб қолган экан. Туваклардаги гулларга сув қуйдим.

– Қизим, гулларга сувни ўзинг қуй. Уларни эрталаб ҳали қуёш тобламасдан суғорган яхши. Ходимларнинг ўзларига қолса, улар кун қизиганда ҳам қуяверишади. Қарабсанки, гуллар толиқиб қолиши мумкин, – деди Ҳайдар бува.

Биринчи бор кирганимда бу идора кўзимга анчайин ҳайбатли кўринган эди. Энди ҳар бир хонага кириб-чиқавериб, йигирма чоғли ходим ишлайдиган идора эканлигига кўзим кўника борди. Ходимлар ишга келгунича ичкаридаги ишларни тамомлаб, ҳовлини супуришга тушиб кетдим. Йўлакларга ариқдан сув олиб сепдим. Ҳовли ҳам унчалик ивирсимаган эди. Фаррош йўқлигида бу ерни ҳар замонда Саломат опа супуриб турган-у, энди шу супурги менинг қўлимда рақс тушмоқда эди.

Идорадаги ишларимни бир ёқли қилдим. Энди эшик олдида ивирсиб юрсам ҳаммага халақит берман. Тағин бошлиқнинг менга кўзи тушиб, таъби хира тортмасин. Кун бўйи бу ерда бошқа қиладиган ишим қолмади, уйга қайтаверсам ҳам бўларди. Лекин боғ томонга ўтиб, дарахтлар соясида, ариқ бўйидаги райхонларни силаб озгина дам олдим. Ошхонада қўли-қўлига тегмай куймаланаётган Саломат опанинг ёнига боргим келди-ю, бироқ тортиниб турган эдим. Худди шуни сезгандай Саломат опа очик деразадан қараб, қўли билан ишора қилиб, мени чақирди.

– Нега бир чеккада шумшайиб ўтирибсан? Кел, ўтир мана бу ерга. Боядан бери қараб-қараб қўяман, қўл-оёғи чаққонгина қиз экансан. Сендан аввал ишлаган фаррош хотин ҳам эплигина эди. Шўрлик касал бўлиб, охирги пайтларда ишлашга ярамай қолди. Қани, энди менга гапириб бер-чи, кимсан, қаердан келдинг? Шундай қилиб, бир-биримизни билиб оламиз-да. Мен одамни кўзига қараб ичидагини ўқий оламан. Сенинг

юрагингга йиғилиб қолган анча-мунча дардинг борлиги шундоққина кўриниб турибди. Э, қийинчилик ўз йўлига, ҳамма ҳам қийналади. Қаддингни кўтариб, олдинга қараб кетавер, шунда ҳаммаси ортда қолади. Мана, мен бева бошим билан қанча азобларга дучор бўлдим. Раҳматли эрим конда ишлар эди, тупроқ босиб қолди. Иккита болам билан фарёд қилиб қолавердим. Дод-вой қилиб ўтираверсам, полапондай болаларимнинг қорнини ким тўйдиради? Олдинига сомса ёпиб, тоғорада мана шунга ўхшаган идораларнинг атрофида сотиб юрдим. Бир куни шу идорадагилар: “Опа, кўлингиз ширин, пазанда аёлга ўхшайсиз. Ошхонамиз бор, лекин ҳеч тузукроқ ошпазга ёлчимаяпмиз. Шу ошхонани ўзингиз бир яшнатиб бермайсизми?” дейишди. Аёл киши ошхонани яшнатмаса, унинг аёллиги қаёқда қолади? Мана, ўшандан бери бу ердаман. Пиширган овқатларимни ҳаммалари мақтаб тановул қилишади. Фақат бошлиқ ҳар доим ҳам бу ёққа тушавермайди. Инжиқ одам, учиб-қўнаман дейди. Аввалги бошлиқ феъли кенг одам эди. Ҳамма ходимлар билан бирга ўтириб, тушлик қиларди. Менга раҳмат айтиб, таомни мақтаб қўйишни ҳам унутмасди. Вой ўлай, сени гапиртираман деб ўзимнинг жағим очилиб кетганини қара. Ўзи шунақа, кўп гапириб юборганимни кейин билиб қоламан. Сен ҳам фақат эшитиб ўтиравермагин-да.

Мен ҳам таржимаи ҳолимнинг анчагина қисмини айтиб бердим. Сездим, иш қидириб сарсон бўлганларимни айтганимда хўрсиниб қўйди. Бу аёлнинг ҳам онамга ўхшаб юзи кулиб тургани билан, ичи тўла дард эди, назаримда. Дарди борлар кўзлари билан топишишади.

Ходимлар тушликка чиқишди. Саломат опа енг шимариб ишга тушиб кетди. Ҳали чой дамлаган, ҳали нон узатган, чинни идишларни олиб бировга суюқ, бировга қуюқ овқатларни сузиб бераётган эди.

Мен ҳам ёнига ўтиб, кўмаклашиб турдим. Ходимлар овқатланиб кетишганидан сўнг биргалашиб бўшаган идиш-товоқларни йиғиштириб олдик. Кейин уларни илиқ сувда ювиб, артдик. Ҳайдар бува келиб, бўш столлардан бирининг ёнига ўтирди.

– Саломат, бир чойнак чойингдан бер, – деди у рўмолча билан манглайдаги терни артиб, сўнг юзига шамол елпиди.

– Овқат ҳам сузиб берайми, Ҳайдар бува? Бугун юмшоққина хоним пиширганман, – деди Саломат опа.

– Бир луқма хоним – роҳати жоним, – дея Ҳайдар бува кулиб кўйди. – Раҳмат, энажоним, ҳозиргина уйдан овқатланиб келдим. Уйдан овқат емасам, кампир уришади. Лекин сенинг чойингдан ҳар куни ичмасам, чанқоғим босилмайди. Чойниям мусалласдай қилиб юборасан-да.

– Сиз уринманг, чойни мен дамлаб бераман, – дедим ва чойнак билан пиёлани ҳозирладим.

– Ундай бўлса, қора чой дамла, Марям, Ҳайдар бува ҳинд чойини яхши кўради, – деди Саломат опа. – Қора кутида қора чой бор, аччиқроқ қилиб дамла.

Ҳайдар бува чойни кўзларини сузиб, шундай ҳузур қилаётганини кўрсатиб ичардики, одатда чақалоқлар оналарини шундай иштиёқ билан эмадилар. У чойни мақтай-мақтай боғдаги дарахтларнинг қай бири нечта мева туккани-ю, яна неча кунда пишишигача айтиб берди.

Боғишодга охирги автобус жўнашига ҳали вақт бор эди. Шу қолган вақтни Нурия опанинг ўқувхонасида ўтказишга кўнглим ҳам, кайфиятим ҳам даъват этаётган эди. Борганимда қизлар иккита машинка атрофига бўлиниб олишиб, мусобақа қилаётгандек нималарнидир тикишаётган, чуғурлашиб бир-бирларига ўргатишаётган экан. Пазанда қизлар эса Гулсара опани ўраб олишган.

– Киравер, Марям, Нурия опа ҳозиргина кетди, – деди Гулсара опа менинг аланглаб, қизлар орасидан Нурия опани ахтараётганимни сезиб. – Бўлди, буёғини энди ўзларинг давом эттиринглар, деб у ишни қизларга қолдириб, хамирли қўлларини ювди. – Ўтир, Марям, мана буларни татиб кўриб, мазасига баҳо бер-чи, – дея у қизлар тайёрлаган ширинликларни стол устига қўйди. Улар шундай лаззатли эдики, бундай ширинликни ҳеч қачон татиб кўрмаган эдим.

– Биз ҳам мазасини кўрсак майлими? – деб чевар қизлар ҳам асаларидек ёпирилиб, ўзларининг насибаларини олишди. Кейин қалдирғочлардек чуғурлашиб мақташди.

– Нурия опа келармикан? – сўрадим яна ташқарига кўз ташлаб.

– Албатта, лекин қачон келишини билмайман, – деди Гулсара опа. – Нурия опанинг бошида мингта ташвиш бор. Гоҳ буюртмачиларга боради, гоҳ банкка югуради, ҳаммасига улгуриши керак. Бундай югур-югурлар менинг қўлимдан келмайди. Нурия опа эса бир ишга бел боғладими, қиёмига етказмай қўймайди. Тутган жойини шартта узиб олади. Икковимиз мана шу ўқувхонани бирга очдик, биргаликда қизларга ўргатаёпмиз. Э, мен деярли ҳеч нарса қилганим йўқ. Таклиф берганман, холос. Ҳаммаси Нурия опанинг иши. Мен ҳам асли узумзорликман, ота-онамнинг иши туфайли Тошкентда яшар эдик. Ўша ерда машҳур “Юлдуз” ўқув маркази очилганда аввал опаларим ўқишди, кейин уларга қизиқиб мен ҳам ўқидим. Пазандаликни ҳам, чеварликни ҳам, компьютерда ишлашни ҳам ўрганиб олдим. Тақдир тақозоси билан Узумзорга келин бўлиб келдим. Нурия опа билан танишганимиздан сўнг бир-иккита кўйлак тикиб бердим. Кўйлаklarим ёқиб қолиб, менга ҳам тикишни ўргат, деб ҳоли-жонимга қўймади. Майли, дедим. Ҳеч қанча вақт ўтмай

ўрганди-қўйди. Ҳозир мендан ҳам ўзиб кетган. Ўзиям киришимли, ғайратли аёл-да. Пазандалигини-ку айтмасам ҳам бўлади. “Билганларингизни бошқаларга ҳам ўргатсангиз бўларкан”, – деди Нурия опа. Шундай қилиб мана шу ўқувхонани очиш фикри туғилди. Икковимиз Тошкентга, “Юлдуз”га бориб келдик. Улар бизга шу ўқувхонани очишда ёрдам беришди. Банкдан қарз олдик. Ҳозир ҳам “Юлдуз”дагилардан маслаҳат олиб турамиз. Нурия опа яқинда бир янги ширинлик тайёрлади, ҳаммамиз лол қолдик. Мен унга озгина қўшимча қилдим – юзига нур сочиб турган куёш расмини солиб, ширинликка “Нурия ширинлиги” деб ном қўйдим. От минишига бирам ҳавасим келадики. Қашқа Нурия опанинг жону дили – отининг лақаби шунақа.

– Ҳа, от миниб юришларини кўрганман. Мен от минишга кўрқаман. Лекин бир марта минишимга тўғри келди.

– Қалай, кўрқинчли эмас эканми?

– Юрагим ёрилаёзди.

– Мен эса кўрқмайман. Нурия опадан сўраб бир-икки марта миниб кўрдим. Худди боғдаги чархпалакда учгандай бўласан, мазза. Қашқа деганлариям унча-мунча от эмас, донғи кетган отлардан. Унга суқла-ниб юрадиганлар қанча. Шунинг учун ҳам Нурия опа уни кўз-кўз қилиб минади. Бек ака, Нурия опанинг эри, уни фақат кўпқариларда минади. Қолган пайт от Нурия опанинг хизматида.

Димоқларимизга аччиқ куюнди ҳиди урилди.

– Оббо, қиз қурғурлар бир балони куйдирди, – дея Гулсара опа пазанда қизларнинг олдида югурди.

\* \* \*

Санобарнинг тўйи бўлишини эшитиб, қулоқларимга ишонгим келмасди. Синфдош қизлар орасидан турмушга чиқаётган биринчи қалдирғоч. Одам ғалати



ҳолатга тушиб қолар экан. Кечагина қўғирчоқ ўйнаб юрган кичкина қизалоқлар эдик. Энди келин бўляпти, дейишса ростдан ҳам эртақ тинглаётгандек эгим жимирлаб кетади. Тўй бўлаётган бўлса, таклифнома бергандир, деб ўйлаган эдим. Йўқ, мен ишдалигимда онам икковимизни кўчадан айтиб кетишибди.

– Ҳали яқиндагина мактабни тамомлаган муштдай қиз бўлса. Эрга тегишга бунча ошиқмаса? – деди онам хайрон бўлиб. – Яна билмадим-ку, майли, борган жойида бахтини топсин. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин.

– Ая, кимга келин бўлаётганини эшитмадингизми?

– Нима, хабаринг йўқмиди?

– Турмушга чиқаяпман, дегандай бўлган эди-ю, лекин кимгалигини сир тутган эди.

– Боймурод қассобнинг ўғлига тегаётган экан.

– Қассобнинг учта ўғли бор, қайси бирига экан?

– Каттасига эмиш. У шаҳарда ишлар экан, уйи ҳам бор эмиш. Кейинги иккитаси чет элда ишляпти, дейишди. Уйига пул юбориб туришаркан.

– Катта ўғли ҳалигача уйланмаган эканми? Янглишмасам, биздан деярли ўн ёшлар катта эди.

– Билмасам, лекин дугонанг ҳали гўдаккина эдида. Қассобнинг ўғлига ошиқ бўлганми, топиш-тутишигами, тушунмайсан киши.

– Менимча, Санобар уни яхши кўради.

– Унда бахтли бўлсин.

Мен Санобарнинг тўйига бориш учун ўзимча тайёргарлик кўрган бўлдим. Онам эса шошилтирарди.

– Тезроқ ҳаракат қил, дугоналарингдан қолиб кетма.

– Сиз-чи?

– Мен ҳам бораман, бирга борамиз.

Мен деярли тайёр эдим. Қошу кўзларимни бўямайман, юзимга упа-элик суртиш ҳам менга бегона. Сочларим рўмолим остида. Тирноқларим-ку, бўёқларни орзу ҳам қилмайди. Хуллас, бундай жимжималар-

га менинг вақтим беҳуда сарф бўлмайди. Қайси кўйлагимни кийсам экан, деб ўйлаб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ. Бундай жойларга кийиш учун ўзи биргина кўйлагим бор. Мактаб охирида хайрлашув кечасига ҳам шу кўйлак асқатган эди. Рўмолим бўлса ҳали бутунлай оҳорини йўқотмаган.

Санобарларнинг ҳовлисига етиб борганимизда тўй авжида, ҳамма елиб-югурган, эшик олдида доираю сурнай садолари янграб турарди. Онам ўчоқбошида ҳар хил удумларни қилишаётган хотинларнинг орасига бориб қўшилди. Мен эса келиндугоналар чувиллашаётган уйга кирдим. Келин бўлмиш ўртада, қизлар уни қуршаб олиб, ясантиришаётган эди. Санобар келинлик либосида тенгсиз гўзалга айланган, худди маликаларга ўхшарди. Ох, бу пардоз деганлари атайлаб Санобар учун чиқарилгандай унинг ҳусну латофатини беармон намоён этиб турибди. Ҳаммаси маромида, ҳаммаси гўзал, заррадек ҳам ортиқчалик йўқ. Эгнидаги оппоқ кўйлак анчагина очиқ-сочиқ экан-у, лекин фақат унга тикилгандек ярашиб тушибди. Кўйлакнинг орқа этаги узун, гуллари бежирим, қимматбаҳо эканлигини ҳар қандай қиз бир қарашдаёқ пайқай олади. Бу кўйлакни олгунча тўй соҳиблари ҳам анча тер тўкишган бўлса керак. Санобарларнинг оиласи бадавлат эмас, оддийгина ўртаҳол хонадонлардан. Аммо шўрлик ота-оналар орзулари чегара билмас бу қизнинг бахти учун нималарга рози бўлишмайди. Санобарнинг ойдаёқ чехрасига қараган кўз қамашади. Шу тобда оқ кўйлак ичида оддий бир қиз эмас, бус-бутун бахт тўлғаниб тургандек гўё. Бундай бахтиёрлик ҳар бир қизнинг орзуси. Шу кунга етмоқликни ўйлаб, хаёл суришнинг ўзи бир олам ҳузур. Момолар, бир қиз эрга тегса, қирқ қиз туш кўрармиш, дегувчи эдилар. Ҳозир Санобарнинг шодлигига ҳамма дугоналар ҳавасда

эдик. Келинчакнинг биримиз сочини, биримиз зирагини, яна биримиз кўйлагини тўғрилаш баҳонасида яқин турганимизнинг сабаби аслида, шу бахтдан бир томчи бизга ҳам юқсин, деган илинждан эди. Кейин куёв билан келинни мулла ўтирган уйга шоҳидликка ўтувчилар билан бирга олиб киришди. Биз бўлсак келинчакнинг сепини тахт қилиб қўйиш учун келинойиларига кўмаклашиб турдик. Санобарнинг бир-биридан чиройли келин кўйлаklarини таллашиб томоша қилдик. Лекин бу кўйлаklarнинг ҳаммаси шаҳарлик қизлар киядиган фасонда экан. Пардоз ашёларини кўриб, муаттар исларидан маст бўлдик. Бу ашёлар билан пардоз қилиб, фақат шаҳарнинг салқин кўчаларию оромбахш боғларида сайр қилиб юрса ярашади. Пошнаси баланд ва миҳдек ингичка ўн жуфт пойабзални бизнинг қишлоқ кўчалари бир зумда масхара қилиб қўйиши мумкин. Бу каби пойабзалларни бизнинг нозиктаъб Неляхонимизга ўхшаб фақат ишхонага киргандан кейин кийиб юрса адолатдан бўлади. Бу қимматбаҳо оёқ кийимларини Санобарга олиб бериш учун бечора уйидагилари ҳар битта тишини суғуриб беришгандир, эҳтимол. Бироқ, начора, қиз ҳаётида бундай бахтли кун бир марта бўлади. Агарда иккинчи марта ҳам ёр-ёр айтишга тўғри келса, буниси энди бахт эмас, шунчаки тақдир тақозоси бўлади, холос.

Мулла никоҳ ўқиб бўлгач, куёв билан келинни яна биз турган хонага олиб киришди. Келинойилар уларни чимилдиққа солишди. Кўлларига ойна бериб, унга қаратишди. Куёв келиннинг сочларини силади. Сўнгра икковини кўрпага думалатиб, ҳаммамиз кўрпанинг тўрт ёнидан кўтардик. Жағи тинмаган хотинларнинг удумлари кўп эди. Келинойилар ҳар бир удумдан кейин куёвтўрага товоқ тутиб, қани, иримига пулдан ташланг, дейишар, куёв бўлмиш чўнтаги-

дан майда чақаларни зўрға-зўрға чиқариб, товоққа ташлаганда уларнинг афтлари буришиб кетарди. Бу курумсоқ куёвдан наф йўқ экан, деб қолган удумларни қисқартиришиб, куёвни ташқарига чиқариб юборишди. Шундан сўнг, келинчакни бошқатдан ясантиришга тушдик. Хотинлар ҳам уйни тарк этишиб, келиннинг олдида биз, дугоналар қолган эдик. Келин тайёр бўлгач, икки йигит кириб келди. Уларнинг бири суратга, иккинчиси видеотасвирга ола бошлашди. Дугоналар келинчакнинг ёнида саф тортишган, хотинлар эшик ва деразалардан қараб туришарди. Ҳовли томондан: “Келинни олиб чиқинглар” деган хитоб эшитилди. Ниҳоят, дугоналар етовида келинчак олдинга қадам ташлади. Келинлик либосининг узун орқа этаги ерга судралаётган эди. Биламан, одатда шу узун этакни келиннинг дугоналаридан бири кўтариб юриши керак. Шу ишни мен қила қолай, деб этакни ушладим. Шу пайт Санобар ялт этиб менга ўгирилди-да, этакни юлқиб тортди. “Сен кўтарма, тасвирга олишяпти-ку. Тузукроқ қиз қуриб қолганми?” – деди у аччиқ билан. Ҳамманинг нигоҳи менга қадалди. Мен кутилмаган бу зардадан ўзимни йўқотиб қўяёздим. Атрофга жавдираб қарадим. Очиқ деразадан онам ҳам кузатиб турган экан, киприкларида ёш йилтиллади. Онамга кўзим тушди-ю, қалқиб кетдим. Хайрият, Гулнора жонимга оро кирди. У этакни шартта қўлига олиб: “Этакчиликка мана, мени тайинлашган-ку, билмайсизларми?” деб ҳаммани кулдирди. Шу билан муздай совуқ лаҳза ўтиб кетди. Аммо юрагим музлаганича қолди. Бекор ушладим ўша этакни. Синфдош қизлар билан ўртамизда кўринмас жарлик борлигини ҳар доим ҳис қилиб келганман. Лекин ҳозир азбаройи шарқираб турган шодлик дарёсига улар билан бирга шўнғиб кетганимни сезмай қолибман. Бошим айланиб, ўртадаги жар-

ликни хаёлимдан қочириб қўйибман. Мен ҳар сония ҳушёр туришим зарур эди, афсус. Бошимга тош билан ургандай, юрагимга ханжар суқиб олгандай кўзим чарақлаб очилди. Дугонамнинг бахтини ўз бахтиёрлигимдай ҳис этиб, еттинчи осмонда юрган мен бахтиқаро қиз шафқат қилмай айтилган биргина сўз билан ернинг энг чуқур жойига юзтубан тушдим. “Бахтинг тўкис бўлсин, дугонажон. Сен орзуларинг пиллапоясига, мана, биринчи қадамингни қўйдинг, биз фақат ҳавасдамиз. Сен, балки, бир кун келиб ростдан ҳам юлдузга айланарсан. Ўшанда сени эслаб қўйишнинг ўзи биз, қишлоқ даласида кетмону ўроқ кўтариб юрган қизларга бир олам қувонч ҳадя этади. Бугун сенинг энг бахтли кунинг. Шу сеҳрли кунда қувончингга нуқтадай қора доғ тушишини асло истамайман. Шунинг учун ҳам Гулнора ҳушёрлик қилиб, ҳаммани кулдирганида мен ҳам қўшилиб кулдим”. Куёв билан келин кетганидан кейин ҳамма бу уйни тарк этиб, куёвнинг хонадонига бориши керак эди. Тўйнинг энг қизиғи, висол кечаси ўша уйда бўлади. Онам юзида табассум бўлса ҳам, ичида ғашлик билан уйимизга кетди. “Сен дугоналаринг билан бирга бориб кел”, – деди менга. Юрагимдаги муз ҳамон эримаган, никоҳ оқшомига оёғим тортмаётган бўлса ҳам, лекин ҳозир боришим кераклигини тушуниб турардим. Йўқса, беихтиёр бошқаларнинг ҳам қувончларга тўлиб-тошган дилига ғашлик солиб қўйишим мумкин эди.

Тўй ҳавас қилса қилгудек бўлди. Файзли оқшомга йиғилганларнинг бари ўйнаб-кулди. Тўй бўладиган ҳовли чиройли безатилган, дастурхонлар ноз-неъматлар билан тўлдирилган эди. Куй-қўшиқ авжида, меҳмонлар шавқ билан рақсга тушишди. Ҳатто кутилмаганда пайдо бўлиб қолган Дўсан девона ҳам ғалати-ғалати қилпанглаб, одамларни кулдирди. Қизларнинг

роса “битлари тўкилди”. Мен ўйинга тушмасам ҳам, ўйнаётганларнинг ёнида чапак чалиб турдим. Шоҳсупада куёв билан келин бахтдан яшнаб ўтиришарди. Санобар ҳозиргина кўкдан тушган фариштага ўхшайди. Унинг кўзларида порлаётган севинчга ҳар қандай қиз суқланмасдан қарай олмас эди. Лекин унинг ёнидаги куёв маликани бахтли қилиш учун мард бўлиб майдонга чиққан шаҳзодага эмас, ёши анчайин катталиги билиниб қолган мўйсафидга ўхшаётганлиги одамларнинг ғашини келтираётганини ён-атрофимдаги шивир-шивирлардан сезмоқда эдим.

\*\*\*

Идорадаги супур-сидирларимни қилиб бўлганимдан сўнг боғ ҳовлига ўтиб, аввал ошхона айвонига сув сепиб супурдим, кейин дарахтлар тагига тўкилган япроқларни териб олдим. Шу пайт эшик олдида Ҳайдар бува кўринди. У кўзларини қисиб, боғ ичидан мени қидираётган эди, чамамда. Мени кўриб, чехраси ёришди. Нима гапи бор экан, деб у томонга юрдим.

– Хайрият, шу ерда экансан, Марям қизим, бу ёққа юр, сенга бир нарса кўрсатаман, – деди Ҳайдар бува. У мени бинонинг олд томонига бошлади. Кираверишда, ўнточа тувакда бодрокдек очилган гуллар турган экан. – Мана, гулларнинг янгиларини олиб келдим. Буниси сенга, – деб ўрик гулларидек оппоқ очилган гулни менга узатди.

– Раҳмат, бува, лекин мен уни нима қиламан? – дедим хурсанд бўлганимдан нима дейишни билмай.

– Уйларингга олиб бор, у сеники.

– Уйимга? Йўқ, бу ердан олиб чиққанимни кўрганлар қандай хаёлга боришади? Яхшиси, уни Саломат опанинг ошхонасига олиб бориб қўяман. Уни ҳар куни ўзим парвариш қиламан.

– Майли, ихтиёринг.  
– Бу гулнинг номи нима?  
– Кел, уни Марямгул деб атаймиз. – Ҳайдар бува кўнглимни кўтариб юборди. Мен рози бўлдим. – Энди қолган гулларни юқорига олиб чиқамиз, жуфт-жуфти билан хоналарга қўямиз.

Гулларни иккинчи қаватдаги хоналарга олиб чиқиб, деразалар олдига қўйдик. Барқ уриб очилган бир жуфтини бошлиқнинг хонасига олиб кирдим. Гулларни жойлаштириб, эндигина чиқаётганимда Неляхон келиб қолди. У янги келтирилган гулларни кўриб, ҳайратдан кўзлари чақнаб кетди.

– Бунча чиройли, қаердан олдинг бу гулларни?

– Ҳайдар бува олиб келди.

– Дедуля молодец. Гул ўстиришда ундан ўтадиган одам йўқ. Ҳа, айтганча, стол устидаги чангларни бир артиб чиқ, менинг озгина ишларим бор эди.

“Озгина иш”ини биламан, ойна олдига туриб олиб, лаб бўяшни бошлайди ҳозир. Одатда мен бошлиқнинг хонасини супуриб, гулларга сув қуяман. Мебелларига эса тегмайман, уларни Неляхоннинг ўзи артиб қўяди, шундай қилиш тайинланган. Шундай бўлса ҳам, ҳозир Неляхоннинг раъйини қайтаролмадим. Бошлиқнинг хонасига кириб, мебелларни артдим. Шу чоқ осмондан тушгандай шошилганча бошлиқ келиб қолди. У хонасида менинг юрганимни кўрди-ю, остонада бир зум ҳайкалдай қотиб қолди. Менга шундай ўқрайиб қарадики, суратларда Гитлернинг нигоҳи худди шу каби эканлигини кўрганим эсимга тушди. У бир оғиз сўз демаса-да, аммо жамики қаҳрли сўзлар кўз қарашида зоҳир эди. Юрагим така-пука бўлиб кетди. Югуриб хонадан чиқдим. Бошлиқ Неляни чақирди. У ҳовлиқиб кириб кетди. Нафасим бўғзимга тикилиб қолган эди. Неляхоннинг столи устидаги графиндан бир пиёла сув қуйиб ичдим. Бошлиқ Неляга ўшқирмоқда эди:

– Нега ҳар қандай рўдаполарни менинг хонамга киргизаверасиз?

– Мен киргизганим йўқ, ўзи кирган экан, чангларни артаётган эди.

– Нега менинг хонамнинг чангларини қаёқдаги қаланғи-қасанғилар артиши керак? Сиз артсангиз, тирноқларингизнинг бўёғи кўчиб қоладими, хоним?

– Ўзим артаман, деб туриб олса, нима қилай?

Ё тавба, одам дегани ҳам шунчалик юзсиз бўлади-ми? Мен чангларни артаман демаган эдим-ку.

– Артмасин ҳам, кирмасин ҳам. Боринг, кўзимга кўринманг.

Неяхон бошлиқнинг хонасидан ўқдай отилиб чиқди. У менинг ҳамон дағ-дағ қалтираб турганимни кўриб, бор аламини мендан олгиси келди.

– Нима қилиб сўппайиб турибсан бу ерда? Имилламасдан хўжайин келгунича бу ердан қорангни ўчирсанг бўлмасмиди? Сени деб мен балого қолдим. Бор, даф бўл бу ердан.

Боғ ҳовлига чопиб чиқдим. Хўрлигим келиб, дарахтлар панасида юм-юм йиғлаб олдим. Ё тавба, бу одамлар бунча ёввойи бўлишмаса. Ахир, ҳеч нарса қилганим йўқ-ку. Буларга яхшилик қилиб ҳам ёқмайсан. Қўлларидан келгани одамларга озор бериш. Кишига алам қиларкан. Лекин начора, бошлиқларнинг ургани ур оши, сўккани сўк оши. Аламимни ичимга ютишдан бошқа иложим йўқ. Ҳай, майли, Яратганнинг ўзи инсоф берсин. Ҳартугул, юзимга қараб ўшқирмади-ку, дея ўзимни юпатишга уринардим. Ҳайдар бува бу машмашалардан беҳабар, боғнинг этагида юмушларини қилиб юрган эди. Саломат опа ҳозиргина келиб, тушликнинг тараддудини бошлаб юборган экан. Менга кўзи тушиб, деразадан имлаб чақирди. Кўзёшларимни ариқ сувига ювиб, кейин ҳеч нарса кўрмагандай ошхонага бордим.



– Марям, кел, ўтир, ҳозир бўғирсоқ пишираман. Бугун пайшанба, ўтган азиз авлиёлару яқинларнинг арвоқларини эслаб, ис чиқарадиган кун, – деди Саломат опа олов устига ёғ солинган қозонни қўйиб. – Ҳозир бирпасда пишади, хамири тайёр.

Бошлиқнинг хонасидаги дилхиралик сабаб бўлиб, Ҳайдар бува ҳадя қилган Марямгул сал бўлмаса ёдимдан кўтарилай дебди. Бечора, якка ўзи йўлакда мунғайиб қолиб кетган экан, чопиб бориб олиб келдим. Аёл зоти борки, гул қаршисида ўзи ҳам гулдай яшнаб, нафосатини намоён этади. Эҳтимол, аслида ҳам Парвардигор одамни тупроқдан яратганда, аёлни асалари каби гулларнинг чангидан йиғиб бунёд этгандир. Гулни кўриб Саломат опанинг кўзлари чақнаб кетди. Мен гулни дераза олдига қўйдим.

– Бунча чиройли гул экан, қаердан олдинг?

– Ҳайдар бува совға қилди. Эрталаб бир талай янги гуллар олиб келган экан. Шунисини менга берди, мен эса уни сизнинг кошонангизга илиндим. Қаранг, деразангиз олдига қандай ярашди.

– Ҳа, ростдан ҳам одамнинг кўзини қувнатади. Ошхонамиз салкам гулхонага ўхшаб кетяпти.

– Ҳайдар бува бу гулга ном ҳам қўйди – Марямгул.

– Қандай яхши. Айнан топиб қўйибди, гулнинг номи ҳам ўзидай чиройли.

Бир зумда бўғирсоқлар пишди. Саломат опа Ҳайдар бувани чақирди.

– Ўтганларнинг ҳақиға қуръон тиловат қилиб юборинг, – деди у.

Ҳайдар бува тиловат қилди. У шундай қироат билан дуо ўқидики, юрагимдан ғашлик ариди, руҳим енгил тортди. Ўзимни қушдай енгил ҳис эта бошладим.

\* \* \*

– Қани, бугун Шодияхон нима пишираётган эканлар? Ёқимли ҳидига қараганда антиқа пишириқ тай-

ёрлаётганга ўхшайди.

– Унчалик эмас, ўзингизга таниш бўлган паҳлава. Фақат бу гал шакли бошқачароқ бўлади.

– Қанақа бўлар экан шакли?

– Гул шаклида.

– Шунақаси ҳам бўлар эканми? Унда бу мазали пишириқнинг номи гулпахлава бўлар экан-да?

– Вой, Нурия опа, ана, номи ҳам тайёр бўлди. Мен уни номлашни ўйламабман.

– Ўйлаш керак. Бирон янгилик яратдингми, уни, албатта ўзингга ёққан энг яхши ном билан аташ ёдингда бўлсин. Сен энди яхшигина пазандасан, биздан ҳам ўзиб кетяпсан. Сени келин қилиб олган хонадон келиндан ёлчийди.

Нурия опа пазанда қизларнинг ишларини бирма-бир кўриб, яна нималар қилиш кераклигини эринмасдан битта-битталаб тушунтирар, Шодиянинг янгилигини мақтаб, ўзида йўқ хурсанд бўлар эди. Шодия бу ердаги бошқа қизлардан аввалроқ келган, энди кўли гул пазандага айланганини ўзи пишираётган антиқа егуликлари билан кўрсатаётган эди. Чевар қизлар эса Гулсара опани асаларидек ўраб олишган, болалар учун кўйлақларни қандай бичиш ва тикишни ўрганишмоқда эди. Мен бундай завқли дарсларни ҳавас билан кузатиб ўтирардим.

– Сен нега бегоналардай турибсан? Қизларга кўшилиб дарсларда қатнашавер, – дея Нурия опа инҳоят машғулотини тугатиб, қизларга вазифа берди-да, ёнимдаги ўриндиққа келиб ўтирди. – Билмаганларингни бемалол ўрган, билганларинг бўлса, бизга ўргат.

Мен нима дейишни билмай ўнғайсизландим.

– Тортинмай ўрганавер, сендан ҳеч нарса керак эмас. Сен бизнинг эркин иштирокчимиз бўласан.

Қувончимнинг чеки йўқ эди, лекин дарсга ҳозироқ қўшилмаслигимни, вақт ажратиб, тайёрланиб ке-

лишимни айтдим. Кейин ёпқич билан ўраб қўйилган чойнақдан чой қуйиб узатдим. Нурия опа ташқарига боғлаб қўйилган отига деразадан қараб-қараб қўярди.

– От миниб юришингизга бирам ҳавасим келади, – дедим отига ҳар қараганида кўзлари қувнаб кетаётганини сезиб.

– Ҳа, у менинг беминнат ёрдамчим.

– Кичкиналигингиздан от миниб ўсган бўлсангиз керак?

– Йўқ, қизалоқлигимда от чоптириб юрганларни кўрсам, фақат ҳавасим келарди. От минишни келин бўлганимдан кейин ўргандим. Эҳе, бунинг тарихи узун. – Нурия опа чойни ичиб, қўйлак бичаётган қизларга разм солди, сўнгра чуғурлашиб пишир-куйдир қилаётган қизларнинг ишларига кўз ташлади. – Мана бу отни тўйимиз куни Бек акангизга, Юнусбек ака менинг эрим, Ёрмат бува совға қилган. Бу кўпқарига кирадиган учқур от. Ёрмат бува уни қиличдай чархлаган. Раҳматли қайнотам Абдусалом ота Ёрмат бува билан болаликдан қадрдон ўртоқ бўлишган. Навқирон йигитлик пайтларида бирга от миниб кўпқариларда чопишган. Ёрмат бува ҳаммадан зўр чавандоз бўлган. Кейинчалик қайнотам давлат идорасига ишга киргач, от минмайдиган бўлган. Ёрмат бува эса оддий дала ишчиси бўлгани учун от доимий ҳамроҳи бўлиб қолган. Токи белидан қуввати кетгунча кўпқариларда қатнашиб юрган.

Нурия опа кекса чавандозларнинг таърифини тилидан бол томиб сўйлар эди. Улар асли уч қадрдон ўртоқ бўлишган экан – Ёрмат, Абдусалом, Ҳамдам. Ёрмат бува билан Абдусалом буванинг ўзларининг отлари бўлган. Ҳамдам буванинг эса оти бўлмаган. Унинг отаси урушдан қайтмаганидан кейин қийналиб яшашган. Лекин ўртоқлари билан кўпқариларда қатнашиб, у ҳам яхши чавандозлигини кўрсатиб юрган. Уч ўртоқнинг биргаликда кўпқарига киришлари анчагина ово-

за бўлган экан. Тасаввур қилинг-а, уч паҳлавон йигит доим бирга от чоптириб, ҳамманинг олқишини олса, худди уч мушкетёрлардек. Ёлғиз онаси ҳам вафот этганидан сўнг Ҳамдам бува ўқишга кириш учун Тошкентга кетган экан. Ҳозир у кишини ҳамма профессор Ҳамдам Ҳамидович дейишар экан. Бир куни Ёрмат бува билан Абдусалом ота ўртоғининг ҳолидан хабар олиб келиш учун Тошкентга боришибди. Ҳамдам домлани излай-излай, охири институтдан топишибди. У ўқишни тамомлаганидан кейин институтда ишлаётган, илмга шўнғиб кетган экан. Сўнг Ҳамдам домланинг уйига боришибди. У оиласи билан торгина бир уйда ижарада яшаётган экан. Икки ўртоқ шу куни Тошкентда меҳмон бўлиб, Ҳамдам домлани баҳорда қишлоққа боришга кўндиришибди.

– Илм – билиминг тўхтаб қолмас. Сен баҳорда ҳеч бўлмаса уч-тўрт кунга қишлоққа бор. Бу диққинафас жойда қийналиб кетганинг шундайгина кўриниб турибди. Кенг даштларда от чоптириб юрган йигит эдинг. Хотининг, болаларингни ҳам олиб бор, қирларда бир оёқ ёзишсин. Ўзинг ҳам тоза ҳаводан тўйиб нафас олиб келсанг, ана ундан кейин илм қилишга ҳам ҳеч қийналмайсан, – деган Ёрмат бува.

Баҳорда Ҳамдам домла қишлоққа келган. Абдусалом отанинг отини миниб, қирларда роса чопган. Болалари ҳам кенг даладаги ўтлоқларга ағанаб, мориқиб ўйнашибди. Айрону қатиқларга тўйиб, оппоқ юзларига ранг кириб қолибди. Шаҳарга қайтишадиган куни саҳарлаб Абдусалом ота шошилиб қаергадир кетибди. Автобус жўнашига озгина қолганда бекатга яёв чопиб етиб келибди. Бир тугун пулни Ҳамдам домлага берибди.

– Ма, жўра, шу пулни ол. Шаҳарда ижарама-ижара кўчиб қийналиб юрма, – дебди.

Ҳамдам домла ўртоғининг ҳаллослаб яёв югуриб келганини кўриб, отини сотганини фаҳмлаган экан.

– Йўқ, олмайман, – дебди Ҳамдам домла хижолат бўлиб. – Нега бундай қилдинг? Мендан бир оғиз сўрашинг керак эди.

– Мен энди аввалги чавандоз эмасман. Давлат идорасига ишга кирдим, партия топшириқларини бажараяпман. Отим ҳам бир жойда туриб қолганидан тақаси занглаб кетяпти. От юриб турмаса кўпкарида хомлик қилиб қолади. Уни яхши бир чавандозга сотдим. Кўнглим жойига тушди. Ол, жўра, мана бу қорақўзларинг менинг ҳам фарзандларим. Улар ҳам қийналишмасин.

– Барибир мендан сўрашинг керак эди.

– Биз буни бамаслаҳат қилдик, Ҳамдам, – дебди Ёрмат бува. – Сен у ёқда қийналиб юрсанг, биз бу ерда хотиржам ўтира оламизми? Сен илм қилаётган бўлсанг, фақат ўзинг учун эмас, ҳамма учун қилаяпсан. Нима, биз тўйга келибмизми, томоша қилиб ўтирадиган? Абдусаломга қачон от керак бўлса, мана, менинг отим тайёр. Бу ёғини ўйлаб кўнглинг хижил бўлмасин.

Шундай қилиб уч паҳлавон чавандознинг фақат биттасида от қолган ва у кейинроқ чавандоз чол деган номни ҳам олган экан.

– Ҳамдам Ҳамидовичнинг қандай қилиб диссертация ҳимоя қилганини ҳам айтиб берайми? – деди Нурия опа.

– Қандай ҳимоя қилган экан?

– Ростдан ҳам қизиқ бўлган. Ҳамдам Ҳамидович номзодлик ишини яқунлаб, ҳимоя қилинадиган кун тайин бўлгач, қишлоққа хабар юборган. Буни эшитган Ёрмат бува билан Абдусалом ота қувончлари ичларига сиғмай чойхонага бориб, бу хушxabарни ҳаммага овоза қилишган. Чойхонада тўй бўлиб кетибди ҳисоб. Айтилган куни эса икковлон тонг саҳарда бир кўчқорни сўйиб, автобуснинг юкxонасига жойлаш-

ган-да, Тошкентга йўл олишган. Узоқ йўл юриб, бир амаллаб институт мажлисхонасини топиб боришганда анжуман аллақачон бошланиб кетган, Ҳамдам домла диссертация иши бўйича ҳамма гапларини гапириб бўлган, энди катта-кичик олимлар шу диссертацияни бири олиб-бири қўйиб танқид қилишаётган экан. Ҳамдам домла давра столининг бир четида етим кўзидек бошини қуйи солиб, галма-галдан минбарга чиқиб уни аёвсиз савалаётган таниқлию таниқсиз олимларнинг кимўзарга айтаётган танқидларини чидам билан эшитиб ўтирган экан. Эҳтимол, у шу тобда ўзини буткул ёлғиз сезаётган, ҳатто тирноқ орасидан кир қидиришга уринаётганларнинг жамики ҳаммаларини якка ўзи кўтаришга ожизлик қиладигандек асабий бир қиёфада кўзларини чирт юмиб, кафтларини маҳкам сиқиб олган экан. Шу боис у Узумзордан етиб борган икки ўртоғининг мажлисхонага кирганини ҳам пайқамабди. Икковлон эса мажлис аҳлига халақит бермаслик учун эшикдан оёқ учида кириб, пойгакда бўш турган биргина стулга сиғишиб ўтиришибди. Уларга кўзи тушган баъзи олимлар ажабланиб қараб-қараб қўйишармиш. Мажлисхонадагиларнинг ҳаммалари оппоқ қўйлакларига чиройли бўйинбоғ тақиб олишган, шимларининг чизиқлари синмаслиги учун ниҳоятда сиполик билан ўтиришар, минбарга чиққанлар ҳам худди ўргатиб қўйилгандек бир хилда бошларини хиёл орқага ташлаб, гапларига расмий тус бериб сўзлашар, ҳар икки гапларининг бирида виқор билан “ўртоқлар” деб таъкидлаб қўйишар, фақатгина мажлиснинг охирида кирган икки тўпори одамнинг содда қиёфалари бу ердаги нозик манзарага қовушмай турган экан. Мажлис роса қизиган. Тортишибдилар, терлабдилар, қизаришибди, оқаришибди, уҳ, тортишибди. Мажлисхонанинг тўрида ўтирган оппоқ сочли, кўзойнак таққан кексароқ олим ҳаммани жимликка чақириб:

– Ўртоқлар, – дебди. Мажлисхона сув куйгандай жим бўлибди. – Яна сўзга чиқадиганлар борми?

Олимлар айтадиган гапларини айтиб бўлишган экан, ҳеч бирдан садо чиқмабди.

– Мен бир оғиз гапирсам майлими? – дебди Ёрмат бува кутилмаганда қўл кўтариб.

Ўтирганлар ўгирилиб унга қарашган ва бир-бирларига ҳайрон боқиб, елка қисиб қўйишган. Шундагина Ҳамдам домла пойгакда ўтирган иккала дўстини кўрган ва кўзларига ишонмай лол бўлиб қолган. Оқсоч профессор ёнидагиларга қараб олиб, кейин бошини ирғаб рухсат берган. Ёрмат бува у пайтларда кучга тўла, полвонкелбат одам бўлган, гурс-гурс қадам ташлаб минбарга чиққан. Рўмолча билан манглайдаги терларни обдон артган. У бироз ҳаяжонланиб турган. Ахир, унинг умрида биринчи марта (эҳтимол, охирги марта ҳам) минбарга чиқиши экан-да. Ҳамдам Ҳамидовичнинг ҳайрат билан боқиб турган кўзларига кўзи тушиши билан ҳаяжонни бутунлай унутган.

– Мен сизлардай олим эмасман, – дея гап бошлаган у мажлисхонадагиларга бир қур назар ташлаб. – Мен ҳов анов тоғдан келган оддий одамман. Ҳамдамнинг бирга от чоптириб ўсган жўрасиман. Яна битта жўрамиз, ана, Абдусалом ҳам шу ерда. Биз аввалроқ бу мажлис Московда бўлади, деб эшитиб эдик. Кейин Тошкентга кўчирилди, шу ерда бўлар экан, дейишди. Мана, оёқни қўлга олиб етиб келдик-да. Московда бўлса ҳам, борар эдик. Олим бўлмасам ҳам, сизларнинг одамлар соғлиғи ҳақида жон куйдириб гапираётганингизни яхши тушундим. Катта раҳмат сизларга. Ҳамдам, сенга алоҳида раҳмат, бениҳоя савоб ишга қўл урибсан. Бу дунёда одамларнинг соғлиғидан ҳам қимматроқ нарса борми ўзи? Ҳамдам тоғу тошларда, адирларда гиёҳ тегиб, чашманинг сувига қониб ўсган йигит. Илиги тўқ

бу боланинг. У мана шундай катта шаҳарга нон деб, шон-шухрат деб келган дейсизларми? Йўқ, у одамлар деб нонидан ҳам, шонидан ҳам, керак бўлса жонидан ҳам кеча оладиган ориятли бола. Ори бор одамнинг юрагида ўти бўлади. Юрагида ўти бор одамгина шундай катта, хайрли ишларга жазм қила олади. Ҳамдам етимликда катта бўлган. Отаси урушда жанг қилиб ҳалок бўлди. Онаси ҳам дунёдан ўтиб кетди. Нега? Чунки у касал бўлганида даволай оладиган, билими етадиган дўхтир топилмади. Мана, вақти келиб ўзи дўхтир бўлди. Кўриб турибсизлар, у ёш, билими бор. Ҳали ўзига ўхшаган ғайратли болаларни ўқитиб, қанча дўхтирларни тайёрлайди, кўпдан-кўп касалликларга даво ҳам топади, мен буни биламан. Чунки у давони қаердан топишни яхши билади. Дардларнинг давоси қаерда? Тоғларда, дашту биёбонларда, чашмаю жилғаларда. Айримларингиз Ҳамдамнинг ишидан хато топишга чунонам шўнғидингизки, зўрға чидаб ўтирдим. Кўпчилик киришса, олтинни ҳам мисга айлантириш ҳеч гап эмас. Лекин ҳов анов кўзойнак таққан домулла мард гапни гапирди, – деб у Ҳамдам домлага раҳбарлик қилган профессорни қўли билан кўрсатган. – Ростини ҳам шу-да, илмни илм қилиш учун одамга билим, куч-ғайрат, сабр-қаноат керак. Ҳамдамда ана шуларнинг ҳаммаси бор. Медицинамининг отаси Ибн Сино анча-мунча касалликни оддий сув билан даволаб юборган экан. Сувда ҳикмат кўп. Айниқса, чашманинг суви турган-битгани шифо. Ишонмасангиз, мана, бизнинг Узумзоримизнинг чашмасининг сувидан бир култум ичиб кўринглар. – Ёрмат бува минбардан тушиб, ўзи олиб келган, боядан бери пойгақда турган латта қопламали идишнинг қопқоғини очиб, даврани айланиб стаканларга сув қуйиб узатаверган. Олимлар бўйинбоғларини бироз бўшатиб, бу тўпори одамнинг чин юракдан айтган гапларидан ажабланганча чашма



сувини ҳузур қилиб ичишган. Мажлисга боши билан шўнғиб кетиб, жиддийликдан нафаси қисиб ўтирган олимлар шундан сўнг анча эркин бўлишган. Хўмрайган қиёфалар ўрнини табассум эгаллаган.

– Ўзи биринчи сўзни сизга берсак бўларкан, – деди йиғилишни бошқараётган оқсоч профессор яйраб куларкан. – Медицинанинг нима эканлигини энг содда қилиб тушунтириб берадиган олим асли сиз экансиз.

– Сиздай академикларнинг мақтовидан кейин бир қоп семириб кетамиз-да, домулла, – деган Ёрмат бува профессорга яна бир стакан сув узатиб.

Баҳслашиб ўтирганлар шундан сўнг чақчақлашиб қолишибди. Ҳамдам домла ҳам енгил нафас олиб, кадрдонларини бағрига босган. Ҳалигина кўнгли чўкаётган одам энди икки бақувват қаноти бор бургутдай қаддини кўтарган экан.

– Диссертациянинг ярмини сизлар ҳимоя қилдинглар, дўстларим, – деган экан ўшанда Ҳамдам Ҳамидович хурсанд бўлиб.

Кейинроқ Бек акангиз Тошкентда институтда ўқиганда Ҳамдам домла доим ёрдам берган экан. Ҳозир ҳам отакадрдонлигимиз сабаб борди-келди қилиб турамиз.

Очиқ эшикдан кимдир мўралади. Тиланчи экан, Нурия опа пазанда қизлар тайёрлаган пишириқлардан тугунчага солиб берди.

– Отни Ёрмат бува тўйимиз куни ҳадя қилган, – деди Нурия опа яна жойига келиб ўтираркан. – Буванинг фарзанди йўқ. Аёлининг гўдаклари туғилиб, нобуд бўлаверган. Бек акангизни эса ўз ўғилларидай кўришади. Кекса чавандоз кўпқариларга тушмай қўйганидан кейин отига суқланиб юрганлар харидор бўлиб келаверишган. Нормурод полвон деганлари бор, шу отга канадай ёпишиб олган.

– Менга қаранг, Ёрмат бува, – деган Нормурод отга астойдил харидор бўлиб, – биласиз, мен номи чиққан

чавандозман. Бу атрофда унча-мунча чавандозингиз менинг олдимга туша олмайди. Сиз ҳам зўр чавандоз бўлгансиз, бироқ энди қаридингиз. Оёғингизни узангидан олиб, кўпқарини биздай полвонларга қўйиб берадиган даврингиз келди.

– Менинг қариганим кимга малол келяпти? – деган Ёрмат чавандоз оғриниб.

– Малол келаётгани йўқ. Ҳаммамиз ҳам қариймиз, Худо умр берса. Мен отга ачиняпман. Сизнинг кучдан қолганингиз отга жабр бўлмасин. Туёғидан ўт чақнаб турган от кўпқарига кирмаса увол-да. Ўзингиз яхши биласиз, чавандоз зоти борки, от жинниси бўлади. Бир отга ишқи тушдим, шундан бошқа отни мингиси келмай қолади. Менинг отим ҳам ёмон эмас, у билан доим кўпқарига кираман. Аммо барибир сизнинг Қашқангизга меҳрим бошқача. Унга асл чавандоз керак. Қашқага мenden бошқаси ярашмайди. Уни менга сотинг. Бир куни қазойингиз етиб қолса, отнинг жилловини ушлаб қоладиган зурриётингиз ҳам йўқ. Кейин от хомталаш бўлиб кетади.

Ёрмат чавандознинг дили оғриган. У полвон деган ном чиқариб, от чоптириб юрган кезлари ҳеч ким унга ножўя гап айтишга ботинолмаган. Бироқ Нормурод отга жон-жаҳди билан суқланганидан андишасизлик қилди. Юзинг-кўзинг демай кекса чавандознинг кемтигини юзига солди. Ёрмат бува ҳам унга охириги жавобини айтиб қўяқолган.

– Тўғри айтасан, мен энди қариган бир чолман, отим эса ҳали қиличдай. У кўп кўпқариларда чопиши керак. Уни энг яхши чавандоз кўпқарига олиб киради, сен эмас.

– Унда ким экан ўша чавандоз? Юнусми? Қанақасига у чавандоз бўлсин, ҳали бурнини эплаб артолмайдиган бир тирмизак-ку. У от эмас, беш йилдан бери шаҳарда автобус билан трамвай миниб юрган.

– Сен эпчил чавндозсан, Нормурод, аммо Қашқани минишга муносиб эмассан. У фақат мард йигитларни кўтаради. Афсуски, сен мардлик нималагини билмайсан, – деган Ёрмат бува.

Лекин шунда ҳам Нормурод Қашқадан умидини узмай юрди. Нормуроднинг Малла деган шериги кунда-кунора отни сўраб, Ёрмат буванинг уйига келаверибди. Охири Ёрмат бува Маллани қамчи билан савалаб қувган. Шундан кейин ҳам Нормуроднинг икки кўзи Қашқада эканлигини сезиб юрган. Ёрмат бува Қашқани гоҳ-гоҳ кўпқарига солиб юрди. Шунда ҳам уни фақат Бек акангизга ишонарди. Ниҳоят тўйимиз куни Ёрмат бува Қашқани ясангириб, тўй бўлаётган ҳовлининг ўртасига кириб келди. Базмда ўтирган ҳамма, ҳатто биз – куёв билан келин ҳам ҳайрон бўлиб қараб қолдик. Ёрмат бува одамларнинг кўз ўнгида отини Бек акангизга ҳадя қилди.

– Сени шу отга муносиб кўрдим, ўғлим. Энди у сеники. Бу ишимдан раҳматли Абдусалом жўрамнинг ҳам арвоҳи шод бўлар, иншоолло, – деди Ёрмат бува.

Базмга келганлар хурсанд бўлиб, чапак чалишди. Шу пайт ердан чиқдим, осмондан тушдим, Нормурод пайдо бўлди.

– Мен бу отни сотиб олиш учун ҳеч ким айтолмайдиган нархни айтган эдим. Сен, қари эшак уни текинга бериб юборяпсан. Мен сенга шунчалик оёқости бўлдимми? – деб ўшқирди у.

Одамлар бир зумда Нормуродни тўй бўлаётган ҳовлидан кўчага улоқтиришди. Ўшандан бери Нормурод бизга душман бўлиб қолган. Доим тишини қайраб юради, аламини яширолмайди.

Тўйимиздан кейин бир ойча ўтиб, Бек акангиз билан Қашқани миниб, адирга бордик. Ўшанда қизғалдоқлар барқ уриб очилган, адир қип-қизил рангга бўялган эди. От минишни ўргандим. Биринчи кунда-

ноқ ўзимнинг чавандозликда унчалик нўноқ эмаслигимни билдим. Эрим ҳам ҳайрон қолган. Отдан сира тушгим келмасди. Адирнинг гўзаллигини, шу гўзаллик оралаб от устида шамолдай елишнинг қанчалик завқли эканлигини билсанг эди. Кейин бепоён қизғалдоқзорга ағанаб ётсанг, хушбўй ўтларнинг ифорини олиб эсаётган шабада юзларингни силаб ўтса, ох, бунга нима етсин. Ана ўшандан бери гоҳида Қашқани адирга айлантириб келаман. Кенгликка чиққанида шундай яйраб чопадики, шу тобда унинг юраги қандай ураётганини фақат отни яхши тушунадиган одамгина сезиши мумкин.

\* \* \*

Нурия опанинг таклифи билан мен ҳам пазандлик, ҳам чеварликни ўрганувчи қизлар сафига қўшилдим. Ҳар куни ишдан қўлим бўшаши билан ўқувхонага югураман. Машғулотга қизларнинг айримлари пешингача, бошқалари пешиндан сўнг келишади. Лекин мен эркин иштирокчиман. Пиширишу тикиш-бичишлардан олдиндан хабарим бўлгани учун қизлар ўрганаётган нарсаларнинг анча-мунчаси менга таниш эди. Шу боис машғулотларга ўзим истаган вақтда келиб туришимни, билганларимни эса бемалол ўргатиб туришимни айтишди. Улар “Юлдуз” ўқувхонасидан олиб келган журналлардан кўп андозалар олишарди. Аммо журналлардаги таомлару кийим-кечакларнинг деярли ҳаммаси европача эди. Уларнинг орасидан менга янгилик бўлганларини тезда ўрганиб олардим. Лекин менга кўпроқ шарқона бичимдаги кийимлар ва ўзимизнинг оддий масаллиқлардан тайёрланадиган миллий таомлар ёқар эди. Мен мевали пишириқларнинг бир неча хилини пишириб кўрсатдим. Кўриниши ҳам соддагина, мазасидан ҳам ўзимизнинг тандир нонимизнинг

таъми сезилиб туради. Кўйлақлардан эса оддийгина қишлоқ қизларига ярашиб тушадиган уч-тўртта бичимдагисини тикиб кўрсатдим. Кейин уларни журналлардаги бичимлар билан уйғунлаштириб тикиб кўрдик. Янги бичимлар кўзни қувнатарди. Буларнинг ҳеч бири журналларда йўқлигидан Нурия опа ҳам, Гулсара опа ҳам ичларига сиғмасди. Биз бу кўйлақларни кўрмисизгина матолардан тайёрлаган эдик. Нурия опа синов учун тоза матолардан олиб келиб беришини айтди.

Қизларнинг бир гуруҳи бу ердаги ўқишларини тамомлаб, энди бошқалари келишган эди. Лекин Шодия ўқишни тугатса ҳам Нурия опа шу ерда қолиб, машғулотларга қарашиб туришини илтимос қилди. Унинг ўзи бунга жон деб рози бўлди. У Гулсара опа билан бирга қизларга ўргатади. Мен ҳам уларнинг ёнида бўламан. Шодиянинг бир гапириб ўн кулиши, қизиқ ҳангомаларни гапириб, ҳаммамизни кулдириши чарчоғу ғуборларимизни ёзиб юборади. Кўзлари чаросдек, овози кўнғироқдек бу қизни ҳаммамиз яхши кўриб қолганмиз. Бир зум кўринмаса, ёқимли шамол тингандек жимлик чўкади ва зерикиб қолаётгандек бўлаверамиз. Шодия имтиҳон топшириш учун шаҳарга кетаётганини айтганида Нурия опа нима дейишини ҳам билмай қолди. “Эртага имтиҳон топширадиган кун, бугун пешиндан кейин шаҳарга кетаман. Имтиҳон топшириб чиққанимдан кейин дарров уйга қайтаман”, – деди у. Пешингача биз Шодиянинг имтиҳонни яхши топшириб келишини тилаб ишладик.

Пешиндан кейин мен Жаннат опа билан бир хонадонга боришим керак эди. “Марямжон, менинг бир кўшним бор, яхши аёл, – деган эди эрталаб Жаннат опа. – Эри Қоплонбек деган одам, терговчи бўлиб ишлайди. Авваллари шу ерда, ўзимизда ишлар эди. Иши шаҳарга ўтганидан сўнг бутун оила кўчиб кетди. Ҳо-

зир ўша ёқда яшашади. Уйларига мен қараб тураман. Лекин шанба, якшанба кунлари бу ердаги уйига келиб туришади. Уларнинг келишига уйини супуриб, тозалаб қўядиган одам керак. Сендан олдинги фаррошни ҳам бир-икки марта олиб борганман. Энди у йўқ. Агар шу ишни қилишга истагинг бўлса, сени олиб бораман. Меҳнатингга яхшигина ҳақ тўлашади”. Мен рози бўлдим. Ахир, уй тозалаш қўлимдан келадиган иш-ку. Ҳақ тўлашса, қандай яхши.

Жаннат опа ўқувхонамиз олдига келиб, деразадан мени чақирди. Икковимиз Қоплонбек амакининг уйига бордик. Бу уй кўчадан қараганда ҳамма уйлар қатори оддийгина кўринади-ю, лекин ичкараси худди саройнинг ўзгинаси эди. Ҳар ҳолда, менга шундай туюлди, не ажабки, аввал ҳеч қачон бундай муҳташам хонадонни кўрмаган эдим. Хоналарнинг деворлари бир-бирига ўхшамаган чиройли гулқоғозлар билан безатилган. Деразалардаги шоҳона пардалар ҳам ҳар бир хонаники ҳар хил рангда. Ҳашаматли қандиллари худди кинолардагидек. Гиламлар устига оёқ босишга ийманасан киши. Ҳовлининг бир бурчагида ток ўчиб қолса чироқларни ёндирадиган ускуна турибди. Демак, бу уй ҳеч қачон чироқсиз қолмайди. Шундай бўлса ҳам, ҳар бир хонага тилларанг шамдонлар қўйилган. Бир эмас, учта хонада телевизор ва ҳаво совуткичлар бор. Хонадон соҳиблари бу уйга фақат ҳафтанинг охирида келиб, қолган кунлари ҳеч ким яшамаса ҳам, музлаткич егуликлар билан тўла эди. Уй ичига айтарли чанг кирмаган, шундай бўлса ҳам, хоналарни бир сидра тозалаб, тартибга келтирдим, эшик-деразаларни ярқиратиб артдим. Ошхонадаги идишларни бошқатдан ювдим. Ҳовлини супуриб, ҳар қайси бурчагигача сув сепдим.

– Уй деганнинг файзи одам билан-да, Марямжон, – деди ишларимни кузатиб ўтирган Жаннат опа. – Қаддам қўйишинг билан чиннидай бўлди-қолди.

Шундай қилиб, мен ҳар жума куни бу хонадонга келиб турадиган бўлдим. Уйни саранжомлаб бўлгач, бекатга югурдим. Бекатда автобус ҳам, одамлар ҳам кўринмайди. Яна кечикканга ўхшайман. Қуёш ҳам бо-тишга улгурибди. Бундай пайтда йўловчи машиналар ҳам камайиб қолади. Нима қилдим? Агар улов келмаса, Нурия опанинг уйида қолсаммикан? Олдимдан ўтиб кетган иккита машинага қўл силкитдим, тўхтамади. Қоронғи тушгунча сабр қилиб кутишни ўйлаб турганимда тўрт-беш қадам нарига қоп-қора “Волга” келиб тўхтади. Ойналари ҳам қора экан, ичида ким борлиги кўринмайди. Илгари бундай машиналарда амалдорлар юришарди, шу боисдан унга аҳамият бермадим. Машина ойнаси очилиб, кимдир исмимни айтиб чақиргандай бўлди. Ҳайрон бўлиб ўгирилиб қарадим. Машина ичида Фаттоҳ ўтирган экан. Уни бир қарашда таниёлмадим, соқолини ўстириб олибди. Унинг ёнида дўппи кийган, соқолдор, кўринишидан мулласифат бир киши ҳам бор эди.

– Боғишодга кетяпмиз, Марям, ўтир машинага, сени ҳам олиб кетамиз, – деди Фаттоҳ машинанинг орқа эшигини ичкаридан очиб.

Улов топилганидан хурсанд бўлиб машинага чиқдим. Ҳеч кутмаган эдим, Фаттоҳ бирпасда машинали бўлиб олибди.

– Дарров таниёлмадим, бой бўларкансан, Фаттоҳ, – дедим ҳамон унинг ўзгариб кетганига ишонгим келмай.

– Бой бўлиш ҳам гапми, яқинда катта ўзгаришлар бўлади. Ана ундан кейин кўрасан менинг кимлигимни, – деди у ва ҳамроҳи иккови хохолаб кулишди.

– Тулпор олибсан, муборак бўлсин, – дедим машинага ишора қилиб.

– Йўқ, машина меники эмас, мана бу Бойтўра биродаримизники, – дея у ёнидаги одамга бир қараб қўйди.

– Шундай, тақсир, – деб шериги тавозе билан тасдиқлади.

– Жума намозларини Узумзордаги масжидда бирга ўқиб турамыз. Ундан кейин озгина гап-гурунг дегандай. Суҳбатнинг қолгани бизникида давом этади. Биродаримиз мўмин одам. Ҳаммани мусулмонликка, яхши ишларга даъват қилиб, савоб олиб юрганлардан.

– Алҳамдулилло, тақсир, – деб соқолдор киши яна тасдиқлади. Кейин у секин ортига ўгирилиб менга бошдан-оёқ қараб кўйди. Унинг хурпайган соқолиданми, кўз қарашиданми кўрқиб кетиб, юрагим дукиллаб урди. Қоронғида бу одамнинг афт-ангори янаям ваҳимали кўринар экан.

– Сен, Марям, бошқа қизларга ўхшамагансан. Сен муслимасан, иболисан, одобу ахлоқинг жойида. Шу хислатларингни ҳурмат қиламан. Бошқа қизларни ҳам шунга даъват қилсанг, соз бўларди. Ибодан бегона, имону одобни эсдан чиқарганларни мусулмонликка чорлаш ҳар бир мўминнинг вазифаси.

Фаттоҳ йўл бўйи шундай гапларни айтиб келардики, уларнинг ярмига тушунсам, ярмига тушунолмасдим. Мен бу икки дарбадарнинг не мақсадларда юрганини англаёлмай, тезроқ уйга етиб олишни ўйлаб борардим.

– Менинг гапларимни яхшилаб ўйлаб кўр, – деди Фаттоҳ машинадан тушаётганимда. Мен индамадим.

\*\*\*

Ўқувхонамизга янги бежирим матолар олиб келишди. Уларни Нурия опа буюртма қилган. Қизлар билан матоларни очиб кўриб, кўзларимиз қувнади. Бундай чиройли матоларни кўрганда илҳоми жўш уради кишининг, янги-янги либосларнинг бичимлари хаёлингга келаверади. Мен ўрганувчи қизлардан бирининг ўлчамини олиб, янги кўйлак бичдим. Бир пайтлар онам менга арзонгина матодан худди шундай бичимда кўйлак тикиб берган эди. Бу бичим Гулсара



опага ҳам ёқди. У кўйлакнинг ёқа ва энгларига бирозгина қўшимчалар қўшди. Биргалашиб кўйлакни тикдик. Тайёр бўлгач, қизлар чапак чалиб юборишди. Ўлчами олинган қиз уни кийиб, бир давра айланиб чиқди. Кўйлак бу хушбичим қизнинг эғнида ял-ял товланиб, янаям чиройли кўринар эди.

– Вой, Дилбар, бирам очилиб кетдинг, – дея қизлар кувонишди.

– Асалларим, аслида одамни либос чиройли қилмайди, либосни гўзал қилиб юборадиган одам бўлади, – деди Гулсара опа.

Биз ҳаммаслак бўлиб тиккан кўйлак оддийгина эди-ю, лекин ҳаммага маъқул бўлди. Нурия опа нима деркин, дея ҳаяжонланиб кутаётган эдим. Аммо Нурия опа ишлар билан банд бўлиб, кечгача ҳам ўқувхонага келмади. Кейинги куни эса турли чизмаларни чизиб ўрганаётган қизлар Нурия опа келиши билан ўша кўйлакни кўрсатишган экан. Идорадаги ишларимни тамомлаб, ўқувхонага борганимда Нурия опа мақтовларга буркаб қарши олди.

– Бебаҳо кўйлак тикибсан, Марям, кўриниши ҳам чиройли, қийқимлари ҳам кам. Қизлар сенинг андозаларингга қизиқиб қолишибди. Бошдаёқ билган эдим уқувли қиз эканлигингни, – деди Нурия опа мендан ҳам ортиқроқ севиниб. Кейин менга товусдай товланиб турган атласни тутқазди. – Мана бу ҳаммамизнинг номимиздан сенга совға. Ўзингга худди ўша бичимда кўйлак тикиб ол.

Мен ўнғайсизландим. Гулсара опа эса чаққонлик билан менинг ўлчамимни ола бошлади.

– Вой, Марям, шундай қадди-қоматингни сездирмай юрган экансан-да. Бундай қомат билан модалар уйда ишласанг бўлар экан, – деб Гулсара опа кутилмаганда мени кучоқлаб олди. Мен чинқириб юбордим. Нурия опа ҳам, қизлар ҳам яйраб кулишди.

– Эх, опажон, кошкийди, фақат қомат билан бирор иш битса, – дедим хўрсиниб.

– Ҳечқиси йўқ, хафа бўлма, – деди Нурия опа ҳасратимнинг маъносини дарров илғаб. – Бенуқсон одамнинг ўзи йўқ, ҳар кимда ҳам бир кемтиклик бор. Қалби нуқсонли бўлишдан асрасин.

Шу чоқ хушёр хаёлимга бир хуш фикр келди-ю, шодликдан ёрилай дедим.

– Тўхтанг, опажон, – дедим Гулсара опага, – бир дам шошмай тулинг, мен идорага учиб бориб келаман.

Кейин идорага югурдим. Тўғри боғ ҳовлига кириб, ошхонага бордим. Саломат опа қозонларга масалликларни солиш тараддудида экан. Мен Нурия опа берган матодан ўзимга эмас, онамга кўйлак тикишни ўйлаган эдим. Саломат опанинг ўлчами худди онамнинг ўлчамига мос тушади.

– Ҳа, Марям, тинчликми, оғзинг қулоғингда? Бугун куёш бошқа томондан чиққанми дейман? – деди Саломат опа менинг ҳаллослаб чопиб келганимни кўриб.

Мен ҳаяжоним боисини айтиб, Саломат опанинг ўлчамларини олдим-у, яна шундай югурганча изимга қайтдим.

– Мана, мана шу ўлчамда тикақолайлик кўйлакни, – дедим Гулсара опага ўлчамлар ёзилган қоғозни кўрсатиб. – Бу кўйлакни онамга мослаб тикамиз.

Гулсара опа бир зум ҳайрон қараб турди ва сўнг илтимосимни қувватлади. Насиб этса кўйлакни кечгача тикиб қўямиз, деб енг шимариб ишга киришиб кетдик. “Кўйлакни мен тикаман, сен эса менга устозлик қилиб ўргатиб турасан. Баҳонада мен билан бирга қизлар ҳам ўрганиб олишади”, – деб Гулсара опа машинка ёнига ўтирди. Мен бундан ғоятда хурсанд бўлдим. Нариги хонада пазанда қизларга машғулот ўтаётган Нурия опа бу гаплардан беҳабар қолаётган эди.

Бугун менга ўхшаб Нурия опанинг ҳам кайфияти ёмғирдан сўнг чарақлаган офтоб каби эди.

– Қизлар, тушликда бир мириқиб ошхўрлик қилмаймизми? – деди Нурия опа ёнимизга келиб. – Сой бўйидаги чойхонада Илаш бува деган ошпаз бирам мазали палов қиладики, бир ойгача мазаси оғзингдан кетмайди. Ўша ошдан олиб келамиз. Сизларни бугун ўзим бир меҳмон қилай. Марям, мен билан бирга борасанми?

Мен янги тикилаётган кўйлакнинг ёнидан жилгим келмасди, аммо Нурия опанинг ҳам раъйини қайтаргим йўқ эди. Мен тугунга ўралган қозончани олдим. Чойхонага от билан бориб келадиган бўлдик. Шу билан номдор бу отга иккинчи бор минишим эди. Бу сафар негадир унчалик кўрқмадим. Тушлик вақти бўлгани учун чойхонада хўрандалар кўп эди. Ошпаз бува ҳил-ҳил пишган ошпаловни қўли-қўлига тегмай сузаяпти. Икки ўспирин йигит елиб-югуриб уларни хўрандалар ўтирган чорпояларга олиб бориб қўйиб келяпти. Биз қозончамизни кўтариб, тўғри дошқозон олдига бордик. Ўчоқ яқинидаги чорпояда ўтирган бир тўда эркаклар хандон отиб кулишарди.

– Илаш тоға, от минганларга ёғлироқ қилиб сузинг-да, – деди кулаётганлар орасидан кимдир.

Нурия опа ўша томонга ўгирилиб қаради-ю, чехрасини булут буркади. Ҳалиги одамлар яна масхараомуз қийқиришди.

– Менга текизиб гапиряпти, – деди Нурия опа. Ўша гап отаётган ярамас Нормурод бўлади. Қаерда дуч келиб қолса, бир ғаразни бошлайди аблаҳ. Ёнидагилар унинг ялоқхўрлари, ҳаммалари ўзига ўхшайди. Чорпояда ўтирганлар маст-аласт қийқиришар, атрофдаги бошқа одамлар уларга хушламай қараб қўйишарди-ю, лекин ҳеч кимса одобга чақириб қўйишга журъат қи-

лолмасди. Нормурод полвон деганлари шоп мўйлабли, давангирдай одам, болишга ёнбошлаб олиб, юзига рўмолча билан шамол елпимоқда эди.

– Илаш тоға, – деди яна Нормурод бақириб, – биз Қашқани кўпқари чопадиган от деб юрсак, бу фақат хотинларни миндириб юришга ярайдиган байтал экан-ку. Ёрмат чол шунинг учун уни ўзи минишга уялиб, бировларга ҳадя қилиб юборган экан-да.

Нормуроднинг шериклари яна хандон отиб кулишди. Нормурод гапни қойил қилгандек, ёғ тегиб ялтираб қолган мўйлабини силаб, мамнун тиржаяр эди.

– Эътибор берманг, қизим, улар яхши одамлар эмас, – деди Илаш бува бизнинг қозончамизга ош сузаркан.

Нурия опа эса авзойидан бундай пичингларга индамай кетаверадиғанга ўхшамасди. У чорпоя олдиға шахдам борди-да, Нормуродга юзланди.

– Сен шу ҳолинг билан ўзингни полвон ҳисоблаб юрибсанми? – деди бошқалар ҳам эшитиши учун баланд овозда. – Ўзингга ўхшаган мана бу хотинчалиш улфатларинг билан аёл кишини масхаралаб куляпсан. Озгина бўлса ҳам эркаклик ғуруринг бўлганида бундай қилмас эдинг. Кўпқарида фақат ғирромлик билан зот оласан, буни ҳамма билади. Сенинг кучинг бор-йўғи оғзингда. Қўлингдан эса ҳеч нарсa келмайди.

Чойхона сув қуйгандай жимиб қолди. Ҳатто боядан бери ўрик шохида чуғурлашаётган чумчуқларнинг ҳам негадир уни ўчди. Нормурод тилини ютгандек эди. Унга пишанг бериб турган улфатлари ҳам нима дейишни билмай лол эдилар. Ҳар ҳолда, улар Нормуроднинг оғзига қарашар, Нормурод эса рўпарасидаги аёлнинг важоҳатини кўриб турган эди. Нурия опа от боғлоғлиқ турган томонга тез-тез юриб кетди. Мен қозончани кўтариб, ортидан эргашдим. Отга мин-

гашдик. Нурия опа отни Нормурод ўтирган чорпоя ол-  
дига ҳайдади.

– Эй, Нормурод, сен Қашқанинг тақасига ҳам ар-  
зимайсан. Сендай пасткашга остингдаги қирчанғи от  
ҳам ҳайф, – деди у кўзларидан ўт чақнаб.

Бошқа чорпоядагилар бирваракайига шарақлаб  
кулишди. Нормурод тарсаки егандек ҳамон ўзига ке-  
лолмасди. Нурия опа, охирги гапим шу, дегандек отни  
йўрғалатиб кетди. Мен отдан йиқилиб тушмаслик  
учун бир қўлимда қозон, бир қўлим билан Нурия опа-  
ни қаттиқ кучоқлаб олган эдим.

Олиб келган паловимиз чиндан ҳам ўзгача мазали  
экан. У уйда онам икковимиз онда-сонда пиширади-  
ган паловга унчалик ўхшамайди. Нурия опа айтгани-  
ча бор экан – таъми оғизда қоларкан. Қизлар билан  
тилимиздан бол томиб мақтаб едик. Илаш буванинг  
номига-ку, мақтов ва дуолар мўл-кўл ёғилди. Нурия  
опанинг ҳам кўнгли ёришиб, юзига офтоб балқиди.  
Шу офтобнинг нурларидан қувват олиб, Гулсара опа  
билан бирга бошлаган кўйлагимизни ниҳоят тикиб  
тугатдик ва мен кечки автобусга улгурдим.

Онам кун бўйи ўзини турли юмушлар билан овут-  
са-да, лекин йўлимга илҳақ бўлиб ўтиришини била-  
ман. Бунни ҳар кун Узумзордан қайтганимда эшикдан  
киришим билан, келдингми, хайрият, дейишларидан  
дарров тушуниб оламан. Йўлда кетатуриб, автобус  
янаям илдамроқ юрсайди, деб шошиламан. Аксига  
олиб, автобус мен билан ўчакишгандек ҳар кунгидан  
ҳам имиллаб юраётганга ўхшайди. Қўлимдаги кўйлак  
кафтларимни чўғ каби куйдираётгандай туюлади. Ҳо-  
зир автобусдан ҳам олдинроқ учиб борсам-у, онамжо-  
нимни хурсанд қилсам, деб юрагим ҳаприқади. Шун-  
дай ҳам бўлди, Боғишодга етганимизда автобусдан  
деярли сакраб тушдим. Уйимизга шамолдай елиб  
бордим. Онам одатдагидай эшикка кўз тикиб ўтирган

экан. Менинг бирор фусункор хабар билан келганимни хали оғиз жуфтламасимдан кўзларимданоқ уқиб олди.

– Бугун бир бошқача кириб келдинг, жоним қизим, илоё, ҳар доим кўзларинг шундай қувнаб турсин, – деди онам севиниб.

– Бу сизга, ая, Нурия опамнинг ўқувхонасида қизлар билан бирга тикдим, – деб қўйлакни кенг ёзиб узатдим.

Онам бир муддат нима дейишини билмай туриб қолди. Сўнг жилмайиб, мени бағрига босди. Мижжала-рида мунчоқдай ёш йилтиллади.

– Она-бола ҳовлининг ўртасида бир-биримизни шундай қучиб тураверамизми? Юринг, юринг ичкарига, – дедим ҳамон ҳаяжоним босилмай. Кейин қўярда-қўймай ичкарига бошлаб, янги қўйлакни кийгиздим.

Онам ростакамига ёшариб кетгандай бўлди. Ўлча-ми ҳам қуйиб қўйгандай мос тушганидан ўзимда йўқ шод эдим. Онам раҳмат айта-айта мени бағридан қўйгиси келмасди. Яшнаб кетган чехрасидаги қувончни кўриб ўзим ҳам мамнун бўлдим. Аммо бу қувонч пардасининг ортида онамга азоб бераётган дарднинг ҳам дараги сезилиб турарди.

– Энди буни эгнингиздан ечманг, ая, – дедим ярашганини айтиб.

– Сен совға қилган қўйлак дарров эскириб қолсинми? – деб онам уни авайлаб девордаги қозиққа илиб қўйди. – Уни сенинг қувончли кунларингда кияман, қизалоғим.

\*\*\*

Эрталаб куёш чиққунча идора ичкарасидаги ҳам-ма хоналарни, йўлакларни ёғ тушса ялагудай қилиб, ҳовлидаги йўлакларга ҳам сув сепдим. Ҳайдар бува гулларга сув тараб, атиргулларнинг шоҳларини қайчилаб тартибга солаётган эди. Ошхона айвонини ҳам тозалайман-у, кейин ўқувхонамизга жўнайман, деб

турганимда Саломат опа келиб қолди. Одатда бунчалик эрта келмас эди. Кўнглимдан кечаётган саволни пайқади чоғи, маъноли жилмайди.

– Ҳайрон бўлма, бугун байрам. Шунинг учун сўфи азон айтмасдан туриб, бу ёққа шошилдим. Илёс келмадими? – деб бошлиқнинг ҳайдовчисини сўради. Кейин қўлидаги катта-катта сумкалардан янги чинни идишларни чиқара бошлади.

– Йўқ, келмади, – дедим стол-стулларнинг чангини тез-тез артиб.

– Ҳализамон келиб қолади тўлиб-тошиб.

– Қандай байрам ўзи?

– Неяхоннинг туғилган куни. Қолганларники унчалик эмас-у, лекин Неянинг туғилган куни байрамдай ўтказилади. Ҳали унинг маликалардай ясаниб келишини кўрасан. Нақ оғзинг очилиб қолади. Сен кетиб қолма, илтимос, менга қарашиб юборасан. Тушлик маҳали каттагина зиёфат бўлади. Уч хил овқат пиширамиз, яхналардан ташқари. Столларни тузашимиз керак. Ҳайдар буваниям чақирамиз, ёрдамлашиб юборади.

Ҳайдовчининг қораси кўринди. Эрталабдан бозорга тушганга ўхшайди, қўлида бир нечта қоғоз халта, яна бир қисмини Ҳайдар бува кўтаришиб келяпти. Халталарни ошхонага олиб кириб қўйишди. Кейин қовун, тарвузларни олиб келишди. Охирида каттагина бир даста гул келтирди. “Мана бу гулни сувга солиб туринг, Саломат опа, сўлиб қолмасин”, – деди ҳайдовчи. Халталарда дастурхонга қўйиладиган ҳамма ноз-неъматлар бор. Ҳатто ичимликларнинг ҳам ҳар хили жаранг-журинг қилиб турибди. Саломат опа иккаламиз иштиёқ билан ишга киришиб кетдик. Мен қозонларни ювдим, халталардаги нарсаларни стол устига олиб қўйдим. Саломат опа олиб келинган масаллиқларни навбати билан қозонларга солди. Яхшигина байрамга

тайёргарлик кўрилаётганини қозону капкирнинг жарангию жаз-жуз товушлардан ҳам билса бўлади. Навбат столларга етганда Ҳайдар бува ёрдамлашишга келди. Столларни узун қаторга тиздик. Тўрда туғилган кун соҳибаси учун алоҳида жой ҳозирланди. Қўлимиз қўлимизга тегмайди, оёғи куйган товукдай типирчилаймиз. Бошлиқнинг ҳайдовчиси зир қатнаб, яна нималарнидир ташлаб кетди. Йўлакларга бошқатдан сув сепиб чиқдим. Тушлик вақтигача шуларнинг ҳаммасига зўрға улгурдик. Ходимлар бирин-кетин боғ ҳовлига чиқишди. Ошхонага қараб-қараб қўйишарди-ю, лекин бу томонга юришга шошилишмасди. Ниҳоят бошлиқ билан Неляхон бирга тушиб келишди. Улар тўғри айвон томонга қараб юришди. Уларнинг ортидан ходимлар ҳам қадам ташладилар. Биз қозонхонада пишир-куйдир билан овора эдик. Тўрдаги жойга бошлиқ билан Неляхон ёнма-ён ўтиришди. Кейин зиёфат дастурхони атрофидан ходимлар жой олишди. Турган гапки, бизни бундай назокатли давраларга таклиф этишмайди, кимдир адашиб чорлаб қолса ҳам у ерда ўтиришга ҳаддимиз сиғармиди. Ҳайдар бува дарахтларга қараш баҳонасида боғ оралаб кетди. Мен чойнакларга чой дамлаб, столларга қўйдим. Саломат опанинг айтгани рост экан, бошқалар каби менинг ҳам бутун эътиборим Неляхонда бўлиб, оғзим очилиб қолди. Неляхон юзига, сочларига ҳафсала билан оро берган, қулоқларига таққан тилла зираги, бўйнидаги тилла занжири ўзига ярашган, енгсиз, ёқаси анчагина очик, қип-қизил ҳарир кўйлаги билан ҳар доимгидан ҳам кўра мафтункор аёлга айланган эди. У сепган хушбўй атирларнинг ифоридан боғдаги лўппи-лўппи очилган атиргуллар уялиб, ер чизиб қолишди чамамда. Қип-қизил бўялган тирноқлари, қизғиш тус бериб пардозланган ёноқлари ҳам эгнидаги кўй-



лагига ҳамоҳанг эди. Унинг ёнида бошлиқ ҳам бугун бошқача кўркам бўлиб, оппоқ кўйлаги ёқасига чўғдай қизил бўйинбоғ тақиб олибди. У тинмай жилмаяр, нималарнидир гапириб, бошқаларни ҳам кулдирарди. Бу одамнинг хушчақчақ қиёфада бўла олишини шу пайтгача тасаввур ҳам қилолмаган эдим. Аммо сезиб турибман, бошлиқнинг кўзи ҳар гал менга тушганида беихтиёр юзидаги қувноқ табассум бир зум хира тортиб қолаётган эди. Шунинг учун бошлиқ ўтирган жойга яқин бормасдан, дастурхонга тортиладиган нарсаларни пастроқдан узатиб келавардим. Ўтирганлар уларни юқорироққа ўзлари олишарди.

Бошлиқ гулдастани сўради. Саломат опа уни югуриб олиб бориб ходимлардан бирига берди. Бошлиқ чеҳраси куёшдай чарақлаб, тилидан бол томиб, Неляхонни табриклади. Аввал гулдастани, сўнг ялтироқ тасма билан боғланган каттагина қутидаги совғани топширди. Ўтирганлар чапак чалиб олқишлашди. Бояги ҳайдовчи магнитофоннинг қулоғини буради, шўх қўшиқ янгради. Неляхоннинг қувончининг чеки йўқ, қолганлар ҳам шоду хандон. Қадаҳларга ичимликлар қуйилди, ходимларнинг ширин-ширин тилаклари айтилди. Туғилган кун Неляхонники-ю, аммо улар негадир бошлиқнинг шаънига ҳам ҳароратли истаклар айтишар эди. Бирин-кетин мазали таомлар сузилди. Яна қадаҳлар жаранглади. Мусиқа товуши яна бир парда кўтарилди.

– Бўлди, ҳамма нарсани дастурхонга қўйдик. Биздан фақат булар кетишганидан кейин стол устидагиларни йиғиштириш қолди. Кел, Марям, ўтир, – деди Саломат опа ва дарахтлар орасида ҳамон куймаланиб юрган Ҳайдар бувани деразадан чақирди. – Энди ўзимизни ҳам тўйғизиб олмасак, биров бизнинг ғамимизни емайди.

Биз қозонхона тор бўлса ҳам кўнглимизни кенг қилиб, стол устига кичкина дастурхон ёзиб, учовимиз овқатландик. Даврадагилар орасида Жаннат опа кўринмаганидан ҳайрон бўлаётган эдим. “Жаннат опанинг бундай шовқинларга сираям тоқати йўқ, шунинг учун зиёфатларга ҳадеганда келавермайди”, – деди Саломат опа. Чиндан ҳам бир ёқда баланд муסיқа, бир ёқда ўтирганларнинг қийқириқлари авжигачиққан эди. Улар яна биттадан қадаҳ кўтаришганидан кейин бошлиқ ҳаммани рақсга таклиф қилди. Давранинг маликаси Неляхон ўртада, бошқалар уни қуршаб олиб рақсга туша бошладилар. Неляхон мақтовлар ва олқишлардан маст бўлса-да, ўзини йўқотиб қўймаган, қаддини тик тутганча зеболаниб ўйнар, бу даврада унга суқланиб боқмаган ҳеч ким қолмаган эди. Ҳайдар бува ҳам бу каби шовқинли давраларни хушламайди, шекилли, яна боғдаги ишларига уннаб кетди. Биз эса қозонхонада ўтириб, Неляхоннинг рақсга тушишини томоша қилдик.

\* \* \*

Ўқувхонамизга борганимда Гулсара опани таниёлмай қолдим. Ҳар доим хушчақчақ бўлиб машғулот ўтадиган аёлнинг юзи бугун бошқача ташвишли кўринарди. У саломимни ҳам эшитмади. Ўзи билан ўзи овора, чуқур уҳ тортарди. Шунга яраша, ўрганувчи қизлар ҳам ўз юмушлари билан ивирсиб юришар, ҳеч бирида ҳафсала кўринмасди.

- Нима бўлди, тинчликми? – дедим секингина.
- Эшитмадингми? – деди Гулсара опа баттар хўрсиниб.
- Нимани?
- Шодия... – деди-ю, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Кейин кафтлари билан юзини ёпиб, шу кўйи узоқ жим ўтирди.

Нега бунча қайғураяпти, нима бўлди экан, дея ха-  
ёлнинг турфа кўчаларига бош суқдим. Шодия яқинда  
институтга имтиҳон топшириб келган, ўтган кун  
имтиҳон натижасини билиб келиш учун шаҳарга кет-  
ган эди. Агар ўқишга кирган бўлса, ҳаммамизга зиёфат  
қилиб бермоқчи эди. Кеча мен бу ерга келолмадим, ле-  
кин бирор хушxabар бўлса албатта эшитардим. Демак,  
у ўқишга киролмаган-у, Гулсара опа шундан ғамга  
ботаётганмикан? Ахир, бу шунчалик қайғу чекишга  
арзийдиган воқеа эмас-ку. Бу йил киролмаган бўлса,  
кейинги йил кирар. Ё бошқа бирон жиддийроқ ҳол рўй  
бердимикан? Ишқилиб, эсон-омон юрган бўлсин.

Нурия опа ҳам келганида юзида изтироб акс этиб  
турган эди. Юрагини ғам ўртаётгани, қаттиқ чарча-  
гани кўриниб турибди. Ўриндиққа ўтирди-ю, узоқ  
бош чайқади. Сўнг қизларга қараб: “Бугун машғулот  
ўтмаймиз, қизлар, уйлариингга бора қолинглар”, –  
деди. Қизлар буюмларини йиғиштириб, бирин-кетин  
ташқарига йўл олишди. Мен нима қилишни билмай,  
хоналарни йиғиштирардим. Нурия опага чой қуйиб  
узатдим, у чойни олмади. Менга бир лаҳза тикилиб  
турди-да: “Марям, юрагим сиқилиб кетяпти, юр, адир-  
га бориб келамиз”, – деди. Икковимиз отга мингашиб,  
адир томонга кетдик. Қашқа ҳар доим ўзи бориб ту-  
радиган йўлни яхши билганиданми, илдам йўрғала-  
моқда эди. Йўлнинг икки томонини ям-яшил барг-  
лари билан қоплаган тоқзорлардан ўтиб, буғдойлар-  
дан бўшаган кенг далага чиқдик ва қир этагига етиб  
қолдик. Хур-хур шабада эсиб турган бу кенгликларда  
одамнинг баҳридили очилади. Тўйиб нафас олгинг,  
шамолга қўшилиб чопгинг келади. Қир этагида қўй  
боқиб юрган чўпон таёғини бошига қўйиб, дўпписини  
юзига ёпиб мизғияпти. Қўй-қўзилар ёвшанлару қов-  
жираган майсаларни еб, секин-аста қирга ўрламоқда.

Кўйларнинг изидан эргашган кўзиларнинг маъраши кулоққа ёқимли эшитилади. Куёшнинг тафти ҳали ерни қиздириб юбормаган, ёвсанлар тагидаги эрта-лабки шудрингдан қолган намлик бутунлай парланиб улгурмаган эди. Мен отдан тушиб, шу кенгликда яёв юргим келди. Нурия опа шабада эсаётган тарафга қараб, чуқур-чуқур нафас олди. Отга секингина қамчи уриб, адирни айланиб чоптирди. Назаримда, Қашқа ҳам бу ерларга келганда яйраб кетадиганга ўхшайди. Кейин қир этагида қуёшга тескари ўгирилиб, рўмолларимизни бошимизга соябон қилиб ёпиб ўтирганча бироз дам олдик.

– Шодияга нима бўлди? – дедим ниҳоят боядан бери хаёлимни банд қилиб, тинчлик бермаётган савол билан Нурия опага қараб. Лекин ёмон хабар бўлмасин-да, деган хавотир ичимни тирнарди.

– Кеча саҳар чоғи сигирни соғиш учун оғилхонага кирдим, – деди Нурия опа кўзларини бир нуқтага қадаб. – Челак эндигина яримлаганида оғил бурчагидаги сомон ғарами устида нимадир шитирлагандай бўлди. Аввалига бунга унчалик эътибор бермадим. Бироқ кейин яна шитирлаб, кимдир нафас олаётгандай туюлди. Ичимга ғулғула тушди. Хайрон бўлиб ўша томонга қарадим. Оғилхона қоронғи эди, ҳеч нарса кўринмади. Кўрқа-писа ғарамга яқинроқ бордим. Шунда ғира-ширада ғарам устида бир қизнинг жавдираб қараб турганига кўзим тушиб, юрагим ёрилаёзди.

– Ҳой, кимсиз? – дедим шивирлаб. Ҳалиги қиз баттар ғужанак бўлиб олди. Бирон ажина кириб қолмадимикан, деб кўрққанамдан оғилдан қочиб чиқмоқчи ҳам бўлдим. Лекин ўша қиз тилга кирди.

– Мени ҳайдаманг, опажон, – деди у дағ-дағ титраб. – Хайрият, одам экан-ку, деб кўнглим сал жойига тушди.

– Кимсиз ўзи, нега сомон орасига беркиниб ўтирибсиз? – дедим.

– Менга шу ер яхши, шу ерда қолай, – деди у яна изиллаб йиғлаб.

– Қоронғида сизни яхши кўролмаёпман, бу ёққа чиқинг, илтимос.

– Йўқ, ташқарига чиқмайман, кўрқаман.

Унинг овози танишдай туюлди. Янаям яқинроқ бориб, қўлидан ушладим-да, ёруққа олиб чиқдим. Не кўз билан кўрайки, у ўзимизнинг Шодия экан. У мени кучоқлаб йиғлади. Хаёлимда у телбасифат бўлиб қолганга ўхшарди. Сочлари тўзғиган, эгни-боши абгор, ранг-рўйи бир аҳволда эди. Гоҳ ўзига келиб, менга нималарнидир айтиб бермоқчи бўлар, гоҳ асаби қақшаб, сочларини юлгудек бўлар, юм-юм йиғларди. Уйга олиб кириб, сув ичкиздим, юзларини ювдим. Тинчланганидан сўнг нима юз берганини айтиб берди. Шодия имтиҳон жавобини билиш учун институтга борган. Қараса, ўқишга кириши учун атиги икки балл етмай қолган экан. Институт масъуллари, хафа бўлманг, ҳали қўшимча ўринлар бўлади, ўшанга илинасиз, деб комиссия котибига учрашиш кераклигини айтишибди. Котибнинг қабулига киргунча кеч бўлиб кетибди. Аксига олиб, бекатда ҳам Узумзорга кетадиган биронта машина қолмаган экан. У нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турганида олдига бир қора машина келиб тўхтаб, қаёққа боришини сўрабди. Қараса, ўзимизнинг узумзорлик одам экан. У одам асли банги эди. Бир мўйсафидни пичоқлаб қўйиб, қамалиб ҳам чиққан. Кейинги вақтларда ўзини художўй қилиб кўрсатиб юрган эди. Гоҳ-гоҳ мачитга кириб, кўпчилик билан бирга намозхонлик ҳам қиларкан. Диёнат йўлига кирганига одамларни ишонтирмоқчи бўлгандир-да. Сипо юришини кўрсанг, бунга ишониб ҳам қо-

ларкансан киши. Мачитдаги намозхонлар ҳам аввалига унга ишонқирамай, бу чаламулла ифлос оёғи билан мачитнинг табаррук остонасини булғамасайди, дейишган экан. Лекин тоат-ибодат қиламан деб келган одамнинг йўлини тўсиб гуноҳга ботмайлик, дейишган бўлса керак. Бўлмаса, бу одамхўрнинг феъли ҳаммага маълум эди. Бечора Шодия ҳам бу соқолингга ўт тушкурнинг тақводорлигига ишониб, машинасига чиққан экан-да. Ярим йўлга етганда чаламулланинг одамхўрлик иштаҳаси кўзғаган. Олдинига мусулмончилик таомилларидан роса гапирибди. “Ўқишга кириб нима қиласан, у кофирларнинг ўқиши. Мен сени шундай мударрисларнинг олдиға олиб борай, улар сени отин қилиб юборишади. Ҳижобга кириб, чин муслима бўласан. Ёнингга бошқа қизларни ҳам тўпласанг, ошиғинг олчи бўлади”, – дебди. Шодия унинг нияти бузуқлигини пайқаб, машинадан тушиб қолмоқчи бўлибди. Зим-зиё кечада кимсасиз бир далаға етганларида чаламулла машинани тўхтатибди. Бечора қизға тажовуз қилиб, уни таҳқирлабди. Шодия ақлдан озиб қолай деган. Шу аҳволида уйига боришға қўрқиб, кечаси мени қидириб келган. Балки, мени чақирган бўлса, эшитмагандирман. Кейин жон ҳовучлаб очиқ турган оғилхонаға кирган-у, шу ерда саҳаргача ўтирган. Оҳ, Шодия, сингилжоним, қандай ловуллаб юрган қиз эдинг-а. Мен уни уйига олиб бормоқчи бўлсам, йўқ, шу ерда қоламан, деб яна чопиб бориб сомон ғарами устиға ётиб олди. Гўё жонини қўрқувға солиб қўйган ёвуз одам уни бу ердан тополмас эмиш. Бир амаллаб кўндириб, уни тушға яқин уйига олиб бордим. Унинг ота-онаси қазо қилган. Уйда келинойилари бор экан. Иккала акаси қурилишда ишлаш учун Бухороға кетишган экан. Келинойилари Шодиянинг аҳволини кўриб, эслари оғиб қолай деди, қиёмат бўлди. Бугун эрталаб яна бо-

риб хабар олдим. Акалари тонготарда келишибди. Шодиянинг аҳволи яхши эмас, соғлиғидан хавотирдаман. Лаънати одамхўр, гулдай қизнинг ҳаётини заҳарлади, осуда хонадоннинг бошига ташвиш солди.

– Сиз уни қора машинада келган, дедингизми? – сўрадим ҳов бир кунги воқеа эсимга тушиб.

– Ҳа.

– “Волга”ми?

– Ҳа, “Волга”.

– Ўша чаламулланинг исми Бойтўра эмасми мабодо?

– Ҳа, айнан ўша. Сен уни танийсанми?

– Йўқ, танимайман, лекин собиқ синфдошим билан бирга кетаётганида кўрганман.

– Отингиз ўтхўр экан, – деди дўриллаган овозда кимдир гапимизни бўлиб.

Чўчиб кетиб, оптимизга қарадик. Шундай яқинимизда Нормурод чавандоз отини етаклаб турган экан. Сал нарироқда унинг бир шотири ҳам отнинг ёнида турибди.

– Менда бирор гапингиз борми? – деди Нурия опа шахт билан ўрнидан туриб.

– Жаҳлингиз чиқмасин, илтимос, Нурияхон, мен шунчаки сиздан узр сўрамоқчиман, холос. Чойхонада мастликда билмасдан хафа қилиб қўйдим.

– Мард бўлсангиз, панада эмас, ўша ерда, одамларнинг кўз олдида узр сўрардингиз.

– Айтаяпман-ку, у пайтда маст эдим. Ҳечдан кўра кеч, дегандай...

У менга маъноли қараб қўйди. Мен ўн-ўн беш қадамча нарига кетдим. Улар яна нималарнидир гаплашишди. Нормуроднинг ҳалимдай мулойим гапларига Нурия опа кескин-кескин жавоб берди. Буни қўлларининг ҳаракатидан пайқадим. Қашқа безовта бўлиб кишнади. Нурия опа гапни узиб, мен томонга юрди. Нормурод унинг ортидан кинояли ишшайди-да, шеригига қараб, кетдик, дея ишора қилди.

– Полвонга инсоф кириб қолибдим, ўша кунги хурмача қилиғидан пушаймон бўлганга ўхшайди, – дедим.

– Яхши гапирганига ишонма, бундай одамларнинг яхши гапи тагида ҳам ғараз яширинган бўлади. Пинҳона узр сўраши билан балки қайсидир айбларини хаспўшламоқчидир. Ёвузлик қилишга қилиб, энди ундан шубҳаланмаслигимиз учун шу ҳийлани ўйлаб топгандир. Нима бўлганда ҳам пушаймонлиги самимий эканига ишонмайман. Унинг бу ерга мулойим супургидай бўлиб келиши йўлбарснинг ҳамла олдидан ортга тисарилишига ўхшайди. Нормурод шафқатсиз одам, Марям, сен билмайсан. Мана шу от уники бўлмаганига у дунёю бу дунё аламидан чиқа олмайди. Ҳамма иши бекитиқча. Бек аканг ижарага ер олиб, буғдой эккан эди. Бир амаллаб буғдойни ўриб, донини ташиб олди-ю, сомонини ташишга улов топиш қийин бўлди. Далада қолган сомон ғарамларини кечаси кимдир ёқиб юборди. Шунча меҳнатимиз кулга айланди. Ҳамма қатори деҳқончилик қилиш учун ер олиб, уни узумзорга айлантирган эдик. Бу йил тоқларимиз айни ҳосилга кирганида кимдир бир оқшомда тоқларнинг ярмининг томирига нимадир қуйиб, қовжиратиб кетди. Буларнинг барини Нормуроддан бошқа ким ҳам қилиши мумкин? Лекин кўзимиз билан кўриб, қўлимиз билан ушламаганмиз, фақат гумон қилдик, холос. Бадгумонлик қилган бўлсам, Худойим ўзи кечирсин. Мелисаларга айтдик, айбдорни топишолмади, ҳатто тузукроқ қидиришганиям йўқ. Бек аканг қаттиқ изтироб чекканидан жинни бўлиб қолай деди. “Бу ерлардан кетамиз, чўлга бориб, ҳалол одамлар орасида пахта экиб, тирикчилик қиламиз”, – деб йўлга отланди. Зўрға шаштидан қайтардим ҳозирча. Ахир, кечаю кундуз ер чопиб, сув тараб қанча машаққат чеккан эдик.



Бу далада, бу боғда пешона терини тўккан одамларнинг меҳнати кўкка совурилди, насибаси увол бўлди. Бунга чидаш осонми, Марям?

Нурия опанинг ғуссага ботганини кўриб, менинг ҳам кайфиятим бузилди. Кўз олдимдан қоп-қорайиб куйган далалар, узумлари ҳали пишиб улгурмай қовжираб қолган токзор, Шодиянинг абгор бўлган қиёфаси кетмай қолди. Ҳатто тушимда ҳам шу аламли манзараларни кўриб чиқдим. Уйғонганимда онам уйқумда алаҳсираганим сабабини сўради. Мен эса лом-мим дея олмадим.

*Парвардигор, нега одамларнинг ёвузлик қилишига изн берасан? Ёки бу ҳам бандаларинг ғафлатда қолмаслиги учун юборган синовингми?!*

\* \* \*

Бугун яна Қоплонбек амакининг уйига бориладиган кун. Жаннат опа келгунча Ҳайдар бувага боғдаги олхўриларни теришга кўмаклашиб юбормоқчи эдим. Кейин Жаннат опадан калитни оламан-да, бориб уйни супуриб келаман. Пешиндан сўнг ўқувхонага боришим керак. Гулсара опа дераза пардаларини тикишни қизларга ўргатяпти. Лекин кўёш тиккага келгунча боғда қолиб кетдим. Дарахт шохига чиқиб мева териш жону дилим. Ҳайдар бува барибир дарахтга чиқолмайди. Унга мендай кўмакчи керак. Шунинг учун маймундай шохдан-шоҳга ўтиб, бўлди, дегунча олхўри тердим.

Қоплонбек амакининг уйига борганимда эшик очиқ экан. Ҳовлида болалар ўйнаб юришибди. Ҳайрон бўлиб ичкарига қадам қўйдим. Хонадон бекаси айвонда ойна олдига ўтириб сочини тараётган экан. Истараси иссиққина аёлга ўхшайди, мени кўриб жилмайди. Мен бу аёлни аввал кўрмаган эдим. Чунки ҳар доим улар келмасидан уйни супуриб кетардим-да. Хизмат ҳақимни ҳам Жаннат опадан бериб юборишар эди.

– Келавер, синглим. Сен экансан-да бизнинг уйимизни саришта қилиб юрган қиз? – деди бека сочларини йиғиштириб.

– Бугун келишларингизни айтишмаган эди. Билганимда эртароқ келиб, супуриб кетардим, – дедим хижолат чекиб.

– Ҳечқиси йўқ, келганимизни ҳали Жаннат опа ҳам билмаган эди. Ҳар доимгидай шанба куни келмоқчи эдик, лекин хўжайинимнинг бу ерда шошилиш иши чиқиб қолди. Биз ҳам бирга келавердик. Балки эшитгандирсан, мачитда бир одамнинг мурдаси топилибди. Хўжайиним ҳозир шу ишни суриштираяпти.

– Ё тавба, мачитда ҳам одам ўлар эканми?

– У одам бир қизни хўрлаган экан, уни ўша қизнинг қариндошлари ўлдирган бўлишлари мумкин, дейишяпти. Кечаси мачитнинг ҳовлисига олиб чиқишибди-ю, чавақлаб ташлашибди.

Ичимга ғулғула тушди. Наҳотки, бу ўша Шодияни жувонмарг қилган Бойтўра бўлса? Аҳмоқ бўлмай ўл, Фаттоҳ, сен менга уни художўй, мўмин одам, деб мақтаган эдинг. Уйни йиғиштираяпман-у, оёқ-қўлим қалтираяпти. Кўз олдимга сочлари тўзғиган Шодия, ҳовлида бўғизланиб ётган Бойтўра келаверди. Бека ҳануз нималарнидир гапиряпти, менинг эса қулоғим эшитмайди. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмаяпти. Бу ердаги юмушларни тез-тез адоғига етказиб, ўқувхонага шошилдим. Шу маҳалгача бу воқеани Нурия опа албатта эшитган бўлиши керак. Бечора Шодиянинг ҳоли нима кечаяптикин? Унинг акаларига нима бўлади энди?

Ўқувхонада Нурия опа билан Гулсара опа ҳам айна шу ҳақда гаплашиб ўтиришган экан. Машғулотларини тугатган қизлар хайрлашиб чиқиб кетишаётган эди. Нурия опа эшитганларини титраб-қақшаб айтиб берди. Шодиянинг акалари кун бўйи қиз бечо-

рани сўроқ қилишган. Шодия эса бу ишни ким қилганини айтмай, оғзини маҳкам ёпиб тураверган. Бир фалокат юз беришини кўнгли сезган бўлса керак-да. Лекин ҳоли-жонига қўйишмаганидан кейин, ниҳоят кечкурун ёрилган. Акалари: “Бойтўра бизнинг ғуруримизни, ор-номусимизни топтади. Буни шундай қолдирмаймиз”, – дейишибди-да, Бойтўранинг уйига боришибди. Эшигини қанча тепиб тўполон қилишса ҳам, Бойтўра чиқмабди. У уйда йўқ экан. Уйига ўт қўйиб юборамиз, дейишибди. Кўни-қўшнилар чиқиб, ака-укаларни шаштидан қайтаришга роса уринишибди. Кейин улар Бойтўрани ҳамма жойдан ахтара бошлашибди. Ярим тунда Бойтўра банги ошналарининг ўтиришидан қайтаётган экан. Уни қидиришаётганини эшитиб, ўзини ҳар ҳовлига урибди. Одамлар балога гирифтор бўлишдан қўрқиб, уни киритишмабди. Охири мачитга бориб яширинибди. Тунда маст уйқуда ётган одамларнинг қулоғига қандайдир бақирган овозлар эшитилгандай бўлган экан. Муаззиннинг овози бўлса керак, деб эътибор беришмабди. Саҳарлаб мачитга келган бир-иккита намозхонлар мачит ҳовлисида қонга беланиб ётган Бойтўранинг жасадини кўришибди. Шодиянинг акаларини нозир олиб кетибди. “Ҳа, уни биз ўлдирдик, – дейишибди ака-укалар. – Қутурган итнинг жазоси шу”. Энди ҳамманинг оғзида шу гап экан.

– Бойтўра одамларнинг кўзига ўзини художўй қилиб кўрсатиб юргани билан қинғир ишларини ташламаган экан-да, – деди Нурия опа куюниб. – Ҳали ҳам бангилик қилиб юришини-ку, одамлар зимдан билишаркан. Камига ёш йигитларни зўр пул берадиган иш топиб бераман, деб алдаб, чет элга жўнатиб юборар экан. Улар шу кўйи дом-дараксиз кетган эмиш. Уларнинг қариндошларини Бойтўра, ҳадемай яхши кунлар

бошланади, ўғилларингиз куч йиғиб, чўнтаклари пулга тўлиб кириб келишади, деб алдаб юрган экан. Бойтўранинг одамларни йўлдан урадиган шериклари ҳам бор экан, дейишяпти. Ҳаммадан ҳам Шодияга жабр бўлди. Келинойилари, сени деб эрларимиз қамалиб кетади энди, деб унга кун беришмаётган экан. Ахир, унда нима айб? Шўрликка шунча азоблар каммиди?

Ўқувхонадан бир аҳволда чиқдим. Боягина ҳаёт қайнаб турган кўчада энди файз қолмагандек. Дарахтлар мунғайиб қолган, япроқлар бемажол шитирлайди. Шамол чангни тўзғитиб ўйнамоқда. Унга қўшилиб хаёлларим ҳам нурсизланиб, тўзғиб бораяпти. “Нега бундай бўлди? – дейман одамлар ҳорғин ўтирган бекатда туриб. – Нега кулгуларига булбуллар жўр бўлиб юрган бир ожизанинг бошига шунча қайғу ёғилиши керак? Нега офтобга талпиниб, гулдай очилаётган бир маъсумани шайтон измидаги махлуқ ҳеч нарсадан тап тортмай, янчиб кетавериши керак?..”

*Раббим, ожиз бандаларингни ўзинг паноҳингда асрагин!*

\*\*\*

Кузнинг келганини билмоқ учун кун санаш ёки тақвимга қарашга зарурат йўқ экан. Шамолнинг қандай эсишию дов-дарахтларнинг тусидан, ҳашаротларнинг ғимирлашию ўт-ўланларнинг қовжирашидан пайқаса бўларкан. Бекат ёнида чумолилар уяси бор эди. Ҳар куни ўша уяга тикилиб ўтириб, чумолиларнинг ғуж-ғуж бўлиб емиш ташишларини томоша қилардим. Энди, мана, ўша чумолилар ҳам сийраклашиб қолган, уя атрофида саноклигина, бечораҳолгина чумолилар ғимирсиб юришибди. Демак, кузнинг келганини сезишган. Одатдагидай, автобус келгунча шу уяга қараб, ҳар битта чумолининг нима қилаётганини

кузатиб ўтирдим. Худди чумолилардай кўчада одамлар ҳам сийраклашиб қолган. Бу одамларнинг қўшни туманларга пахта териш учун ҳашарга кетишганидан бўлса керак, чунки ҳозир айна йиғим-терим палласи. Уйга келганимда ҳовлимиздаги дарахтларда ҳам кузнинг жамолини кўриб, кўнглим алланечук бўлди.

Сахар чоғи ишга отланаётганимда онамнинг рангрўйи бир аҳволда эди. Ҳар куни мен билан бирга ноушта қиларди, бугун эса бир пиёла чой ҳам хўпламади.

– Нега хаёлингиз паришон, ая, аҳволингиз яхшими? – дедим кўнглим безовта бўлиб. – Ёки бугун ишга бормасаммикан? Ёнингизда бўламан. Керак бўлса, Дилобар холамини чақириб келаман.

– Ишингдан қолиб кетма, қизим. Бормасанг, бошлиқларингдан балога қоласан.

– Бир кунга осмон узилиб ерга тушмас. Балки, Узумзорга бирга кетармиз? Сизни касалхонага олиб бораман. Шу орада ишимга ҳам бориб келаман.

– Йўқ, жоним қизим, овора бўлма, у ёқларга боришга ҳолим етмайди. Шу ерда яхши юрибман. Мендан хавотир олма.

Ҳарчанд уринмай, онамни Узумзорга бирга кетишга кўндиролмадим. Лекин кўнглим нотинч эди.

– Ундай бўлса, мен дарров қайтаман, – деб хайрлашдим.

Идорада ҳам кўнглим ҳаловат топмади. Бутун хаёлим онамда бўлди. Назаримда, соғлиғи оғирлашиб қоладигандай туюлаверди. Ҳайдар буванинг ёнимдан ўтганини ҳам, нимадир деб гапирганини ҳам сезмай қолибман. Супур-сидирларимни тугатиб, уйга кетишга шошилаётган эдим. Ўқувхонага эса боролмадим.

Кўнглим безовта бўлганича бор экан. Уйга келганимда онам ғужанак бўлиб ётган экан. Қисқа-қисқа, тез-тез нафас олаётган эди. Пардаларни, деразани очдим, уй ёришиб кетди. Шундагина онам менинг кел-

ганимни пайқади. Кўрпадан бошини чиқариб қаради. Кўзлари жиққа ёш, оғриқ қийнаётгани шундайгина кўриниб турарди.

– Сизга нима бўлди, ая? – дедим ёнига чўккалаб.

Онам нимадир дейишга оғиз жуфтлади-ю, лекин гапиришга қийналиб, бош чайқади.

– Тобим қочди, Биби, – деди кейин инграб.

Мен онамни ҳеч қачон бунчалик оғир аҳволда кўрмаган эдим. Кўрқиб кетдим. Нима қилишни билмасдим. Пиёлага сув қуйиб узатдим, онам озгина хўплади. Бошқа яна қандай чора зарурлигини билолмай ҳар томонга жавдирардим. Бундай тураверганим билан онам соғайиб қолмайди. Дилобар холанинг уйига югурдим. Ягона умидим шу аёлдан эди. Аксига олиб, уйда йўқ экан, ҳали ишдан келмабди. Касалхонага чопдим. Ҳамшира хола лой қўлларини юваётган экан, мени кўриши билан хавотирланиб, мен томонга юрди.

– Марям, тинчликми, нега бунча ташвишли кўринасан?

– Аямнинг тоби қочиб қолди, шунга сизни қидириб келдим. Илтимос, бир бориб кўринг, бир ўзим нима қилишни ҳам билмай қолдим.

Дилобар хола шошилганча ичкарига кириб кетди. Бироздан сўнг полвонкелбат доктор билан бирга чиқишди.

– Сизлар бораверинглар, мен кейинроқ хабар оларман, – деди доктор. Унинг бундай бепарвогина гапиришидан жаҳлим чиқди.

Ҳамшира хола йўл-йўлакай уйига кириб ўтди. Уст-бошини алмаштириб, дорилар солинган қутисини олиб чиқибди. Уйга келгач, онамнинг аҳволини кўриб, лабини тишлади. Онамнинг қўлларини ушлаб, ҳолини суриштира бошлади. Мен ўчоқхонага кетдим. Чой дамлаб кирганимда Дилобар хола онамнинг оғриқларини текшириб бўлган эди.

– Чойингдан бир пиёла қуй, томоғим қақраб кетди,  
– деди ҳамшира хола ҳамон онамнинг ёнида ўтириб.  
– Онангни бу ерда даволаб бўлмайди, Марям. Узум-зордаги катта касалхонага олиб бориш керак. Касали зўрайганга ўхшайди. Аксига олиб, тез ёрдам машина-миз ҳам юрмаяпти, бузуқ. Қишлоқнинг йўлига ярамади, шалоқ аравадай бўлиб қолган. Эсиргап шопир уни тузатолмай овора.

– Қишлоқни оралаб, биронта улов топиб келайми?  
– Сен онангга қараб тура қол, уловни ўзим топиб келаман.

Дилобар хола олиб келган машинага онамни зўрға суяб олиб чиқдик. Онам йўлда роса қийналди. Букчайиб олиб, овоз чиқармасликка уринарди-ю, лекин машина ҳар силкинганида чидаёлмай инграб юборарди. Ҳамшира хола елкаларидан ушлаб, юпатиб бормоқда эди. Онамнинг азоб чекаётганини кўриб юрагим эзилар, кўзларимдан тирқираб ёш оқарди. Нафасим бўғзимга тиқилиб, юпатишга куч тополмасдим. Касалхона одатдагидан хувиллаб қолган, докторларнинг кўпчилиги кўшни туманга ҳашарга кетишган экан. Ҳамшира ўзи қидирган шифокорларни тополмади. Бир нотаниш доктор келиб онамнинг аҳволини текширди. Кейин у бошқа докторларни ҳам чақириб келди. Улар онамни кўтарма каравотга ётқизиб, бошқа хонага ўтказишди. Дилобар хола билан иккимиз йўлакда кутиб ўтирадиган бўлдик. Мен Тангримга ёлвориб, ичимда тинмай дуоларни ўқийвердим. Фақат онажонимга шифо беришини, доим ёнимда бўлишини илтижо қилдим.

– Марям, боядан бери нималарни пичирлаяпсан? – деди ҳамшира хола хаёлимни бўлиб.

– Шунчаки, ўзим.

Бояги биринчи келган доктор Дилобар холани чақирди. Иккови онам ётган палата эшиги олдида нималарнидир шивирлашиб гаплашишди.

– Онангнинг аҳволи ҳозирча яхши экан, – деди ҳамшира хола қайтиб келиб. – Оғриқни тўхтатишибди. Энди икковимиз уйга кетаверсак ҳам бўлаверади.

Ҳамшира хола мени бу ердан олиб кетишга қанча ҳаракат қилиб тушунтирса ҳам, мен қайсарлик қилиб, онамнинг ёнида қолишимни айтдим. Дилобар хола ортига қарай-қарай хайрлашиб кетди. Кунлар қисқариб бораётганидан тезда қоронғи тушиб қолган эди. Мен йўлакда ёлғиз қолганим учун онам ётган палатага кирмоқчи бўлиб, аста эшикни тортдим. Ичкарида ҳамшира қиз уйқусираб ўтирган экан. Онамнинг биласига томчилатадиган укол қилишган экан, шу томчиларнинг тугашини кутиб ўтирган бўлса керак. У мени ичкарига йўлатмади. Мен яна йўлакда кутиб туравердим. Палатага доктор кириб кетди. Бироздан кейин ҳамшира қоғоз кўтариб чиқди.

– Мана шунда ёзилган дориларни тез олиб келинг, – дея менга қоғозни узатди.

Қоғозда бир талай дорилар, шприц, бинт, пахта, яна алламбало нарсалар ёзилган эди. Мен оёғимни кўлимга олиб, дорихонага чопдим. Хайриятки, Узумзорнинг ҳар бир кўчасини яхши биламан. Тор кўчалар оралаб ўзимга таниш бўлган дорихонани мўлжаллаб боравердим. Ҳар доим онамга дориларни шу ердан оламан. Қоронғида тош кўчалардан юриш қийин эди. Дорихона очиқ экан, бир-иккита одам кириб-чиқиб турибди. Сотувчи хушфеъл аёл. Ҳовлиқиб кирганимни кўриб, ташвишли эканлигимни дарров пайқади, назаримда. Қоғозни унга тутқаздим. Рўйхатдагиларнинг ҳаммасини елимхалтага жойлаб, ҳисобни берди. Вой, худойим, ёнимдаги пул ярмига ҳам етмади. Қарзга бериб туришини сўраб ёлвордим. “Ялинишнинг кераги йўқ, синглим, аҳволингизни тушуниб турибман. Сизни танийман, олиб кетаверинг. Пул топганингизда тўлаб кетарсиз. Беморингизга ўзи шифо берсин”,



– деди сотувчи аёл. Меҳрибонлиги учун шу тобда уни кучоқлаб олгим келди. Касалхонага келиб, дориларни ҳамшира қизга бердим. У елим халтани очиб, ичига бир назар ташлади-да, менга йўлакни банд қилмасдан ҳовлига чиқиб туришимни тайинлаб, докторнинг хонасига кириб кетди. Зинапоя олдига чиқиб, кута бошладим. Вақт алламаҳал бўлганда ҳамшира яна олдимга келиб, қоғоз тутқазди. “Мана буларни ҳам олиб келинг”, – деди чуқур эснаб. Қоғозда бош ювадиган шампун ва атир совуннинг номлари ёзилган экан. “Булар беморга нима учун керак? Ёки улар онамнинг сочларини ювиб қўйишармикан? Лекин бемаҳалда бу нарсаларни қаердан топаман?” деб ўйланиб қолдим. Ишхонамизнинг рўпарасида дўкон бор, ўшани кўзлаб йўлга тушдим. Яна қоронғи кўчаларда қоқиниб-суриниб зўрға юрдим. Дўкон эшиги ёпиқ экан. Лекин, хайрият, деразасидан милтилаган шамчиноқ ёруғи кўринди. Деразани тақиллатдим. Дўкон хўжайини уйқураб мўралади ва дераза тоқчасидан узатган қоғозимни олди. “Фақат... ёнимда пулим йўқ эди. Мен мана шу рўпарадаги идорада фаррошман. Маош олишим билан, албатта қарзимни тўлайман”, дедим минг бир истиҳола билан. “Биламан”, – деди дўкондор амаки. У бироз иккиланиб турди-да, кейин таваккал дегандек ҳалиги иккала матоҳни тоқчадан узатди. Касалхонага келсам, йўлакнинг эшиги ёпиб қўйилган экан. Мен эшикни устма-уст тақиллатдим. Ҳамшира кўзларини уқалаб чиқиб, ичкаридан эшикни очди. Олиб келган нарсаларимни унга бердим.

– Эрталаб берсангиз ҳам бўларди-ку, – деди у уйқуси бузилганидан норози бўлиб.

– Аямнинг аҳволи қандай? – дедим, у эшикни ёпмасидан сўрашга улгуриб қолиш учун шошилиб.

– Ухлаяпти, – деди ҳамшира ва эшикни яна ичкаридан қулфлади.

Мен зинапоя ёнидаги ёғоч ўриндиққа ўтирдим. Ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжит. Одамлар ширин уй-қуда, аммо менинг кўзимга уйқу келмаяпти. Ҳувиллаган бу салқин бинода ёлғиз ўзим хаёл суриб ўтирибман. Онамнинг аҳволидан хавотирдаман. Докторлар, ҳеч бўлмаса, кўнглим тинч бўлиши учун ҳам, менга бирон тузукроқ гап айтмади. Аксига олиб, отамдан ҳам дарак йўқ. Неча ой ўтиб кетганини ҳам билмайман. На икки энлик хат ёзади, на бировдан хабар айтиб юборади. Омонми, йўқми – билолмаймиз. Онам аслида шуларни ўйлаб кўп сиқилди. “Отанга нима бўлди экан, қизим? Бояқиш бегона юртларда қай аҳволда юрган экан. Тез-тез тушимга кириб чиқяпти. Кўриниши абгор, хасталанган. Эсон-омон қайтиб келсин, ишқилиб” деб ич-ичидан қайғуларди. Лекин отам шуларни билармикан? Бизни ҳеч ўйлаганми ўзи? Агар уйда бўлганда нима қиларди? Хаста онам учун жон куйдирармиди? Йўқ, бизнинг аҳволимиз отамни ҳеч қачон қизиқтирмаган. Шундай бўлса ҳам онам негадир уни ўйлайвериш куяди.

Гира-шира тонг ёриша бошлади. Ҳали ҳам атрофда ҳеч зоғ кўринмайди. Ҳамма уйқуда, фақат мен узун ёғоч ўриндиқ устида бошимни билагимга қўйиб, мудраб ётибман. Сукунат ютиб юборай деяпти. Докторлар уйғониб, эшик очилгунча идорага бориб ишларимни қилиб келганим яхши, деб ўйладим. Шу фикр хаёлимга келганидан хурсанд бўлдим. Идорага борганимда Ҳайдар бува аллақачон келиб, боғда кечаси шамолда тўкилган олмаларни териб юрган экан. Мени кўриб ҳайрон бўлди.

- Бугун жуда вақтли келибсанми?
- ...
- Беговта кўринасан?
- Аямнинг товлари йўқ.
- Нима бўлди? Докторларга кўрсатдинглари?

- Ҳа, кўрсатдик.
- Нима дейишди?
- Даволашаяпти, яхши бўлиб қолса керак.
- Даволашаётган бўлса, яхши. Шифо берсин, илойим.

Идорадаги ишларни тугатиб, яна зувиллаб касалхонага қайтдим. Йўлак эшиги очилган, биров кириб, биров чиқиб турибди. Кечаги ҳамшира оқ халатини ечиб, уй кийимида чиқиб кетаётган экан.

- Аямни кўрсам бўладими? – дедим олдига чопиб бориб.

- Менинг навбатчилигим тугади. Палатага қараётган ҳамширадан сўраб кўринг.

Унинг ўрнига келган ҳамшира хушфеъл қиз экан. Эшик олдида кутиб туришимни айтди-да, ичкарига кириб кетди. Бироздан сўнг чақирди. Севинганимдан палатага учиб кирдим. Онам шифтга термилиб ётган экан, мени кўриб, хастагина жилмайди. Шукр, кўриниши жуда яхши бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, кечагидан тузукроқ эди. Ёнига ўтириб, қўлини ушладим.

- Аяжон, аҳволингиз қандай? – дедим овозим қалтираб, кўзларимдан ёш оқиб кетди.

- Яхшиман, болажоним, оғриқ пасайди, – деди онам шивирлаб.

Онамнинг ёнига киритишганидан хурсанд бўлиб, кун бўйи палатада ўтирдим. Фақат докторлар кирганда йўлакка чиқиб турардим. Чошгоҳда кутилмаганда Нурия опа келиб қолди. Дорихонадаги сотувчи аёлдан эшитибди. “Кечаси келиб, дори олиб кетди, ранг-рўйи бир ҳолда, кимидир касал бўлганга ўхшайди”, – дебди.

- Марям, нима бўлди? Қачон келдинглар бу ерга? – деди ҳовлиқиб. – Нега менга хабар қилмадинг?

У онамнинг ёнида бирпас ўтирди-да, кейин докторнинг олдида кетди. Мен Нурия опанинг йўқлаб келганидан беҳад севиндим. Гўё нажот фариштаси кириб келгандай бир ҳисни туйдим. Нурия опа онам

учун куйиб-пишар, елиб-югурмоқда эди. Келибоқ хабардор қилмаганим, ҳеч бўлмаса, кечаси уларникига бориб ётиб қолмаганим учун мени койиди. Бу каби роҳатбахш койишлардан тоғдай куч олдим. Шу пайт Дилобар хола ҳам келди. Эшикдан мўралаб, мени имлаб чақирди.

– Туни билан хотиржам бўлолмадим. Эрталаб келай десам, ишимиз кўпайиб кетди. Тушдан кейин бирров бўлса ҳам кўриб кетай, деб келавердим. Онанг яхши бўлиб қолдими? Мен бир кўриб чиқай, – деб ҳамшира хола палатага кириб кетди. Мен эса йўлакда қолдим. Ичкарида одам кўпаймаслиги керак экан. – Худога шукр, яхши томонга ўзгариш бор, – деди қайтиб чиққач. – Энди кетамизми?

– Мен аямнинг ёнида қоламан, – дедим.

– Бечорагина-ей, кечадан бери туз ҳам тотмагандирсан? Ма, мана буларни сенга олиб келдим. Докторлардан сўраб, аянгга ҳам егизгин, – деб иссиққина овқат ва яна бир талай егуликлар солинган идишларни менга тутқазди.

Нурия опа докторнинг олдидан айтарлик хурсанд бўлиб келмади. Бунни кўзларидан дарров илғадим. Дилобар хола Нурия опани кўрди-ю, таниди. Икковлари бир четга ўтиб, нималарнидир гаплашишди. Кейин ҳамшира хола биз билан хайрлашиб, уйига кетди.

– Марям, аянгнинг ёнида бўлиб тур, кечқурун келиб сени олиб кетаман. Аянг тузалгунча бизникида тураверасан, – деб Нурия опа ҳам кетди.

Мен қоронғи тушгунча онамнинг ёнида ўтирдим. Палатада яна иккита бемор бор эди. Иккови ҳам кекса кампирлар бўлиб, назаримда, улар анча соғайишган эди. Мен онамнинг ҳам уларга ўхшаб тезроқ тузалиб кетишини истаб, ичимда Худога илтижо қилардим. Фақат Нурия опанинг доктор хузуридан яхши кайфиятда чиқмаганини ўйлаб, кўнглим хира тортмоқда эди.

Онам касалхонада тўрт кун даволанди. Лекин ҳар куни уйга кетишни ўйлар, рухсат беришларини сўраб, докторларга ёлворарди. Мен бўлсам онамнинг бу ердан соппа-соғ бўлиб чиқишига умид қилардим. Шу кунлар ичида Нурия опанинг уйида меҳмон бўлдим. Мен уларнинг уйидан ҳар куни саҳарлаб ишга, у ердан касалхонага борардим. Кечқурун Нурия опа мени олиб кетарди. Онамга эса ҳар куни иссиқ овқат олиб келишни канда қилмади. Саломат опа ҳам, Ҳайдар бува ҳам, ҳатто ўқувхонадаги қизлар ҳам келиб ҳол сўраб кетишди. Бешинчи кун деганда докторлар онамнинг уйга кетишига ижозат беришди. Нурия опани чақириб, нималарнидир гаплашишди. Кейин Нурия опа палатага келиб, онамнинг нарсаларини йиғиштиришимизни айтди. Ўша куни онам бутунлай соғайгандек тетик кўринди. Кетишга рухсат беришганини эшитиб, қувонди. Нурия опанинг чехрасида эса негадир ҳануз хурсандлик сезилмасди. Онам иккаламининг йўловчи машинага ўтқазиб кузатаётганида: “Марям, онамга эҳтиёт бўл, ёлғиз қолдирма. Онам буткул тузалгунча ишга келмай турсанг ҳам бўлади. Ўрнингга ўзимизнинг қизлар қарашиб туришади”, – деди.

Уйга келганимиздан кейин онам сочларини ювди, сўнгра ойна олдига ўтириб, ҳафсала билан таради. Мен ҳам кўмаклашдим. Рўмол тагида бекитиб юрган экан, сочлари орасида оқ толалар кўпайиб кетибди. Мен тикиб берган янги кўйлагини кийиб, яна ойна олдига келди. Илгари ўзига ҳеч қачон бунчалик оро бермаган эди. Мен шунга ҳайрон бўлсам-да, лекин бугун онамнинг кайфияти саҳар чоғи баҳор шудрингига қадаҳ тутган қизғалдоқ сингари очилиб кетганидан ғоятда шод эдим. Онам ҳатто бир-икки марта кўча эшикни очиб, йўлга узоқ-узоқ кўз тикди. Балки, дом-дараксиз кетган отамнинг ҳализамон келиб қолишидан умидвор бўлаётгандир. Ёки Эъзоз тоғамнинг келишини

муштоқ бўлиб кутаётганмикан? Яккаю ёлғиз жигарини соғинган, албатта. Ё бўлмаса бу етти ёт биёбонларга қайси йўллардан адашиб келиб қолган эканман, деб термилаётганмикан?

Ҳаммаси қуёш уфқ ортига йўл олиб, бутун қишлоққа туннинг қуюқ пардаси ёйилганда аён бўлди. Кун бўйи хурсанд кўринган онамнинг юзи оғриқдан буришди. Кутилмаганда дарди зўрайиб, ғужанак бўлиб ётиб қолди. Мен кўрқиб кетдим.

– Биби Марям, қизалоғим, менга бир нарса бўлса, ўзингни йўқотиб қўйма, – деди онам инграб.

– Нега бундай гапларни гапиряпсиз, мени кўрқува солиб? Ахир, тузалдим, деган эдингиз-ку, ая.

– Мен фақат бугун эмас, умрим бўйи дардларимни яшириб келдим, ичим дардга тўлиб кетган. Бу дардларни даволаш учун дўхтирларга минг йил керак, болам.

– Мен ҳозир Дилобар холамни чақириб келаман.

– Йўқ, керак эмас, қизалоғим, сен ёнимдан кетма.

Биби Марям, жон қизим, мен ҳам сени ташлаб кетгим келмаяпти. Лекин нима қилай, болажоним, кўзимнинг гавҳари, кетар вақтим бўлганга ўхшайди. Оҳ, бутун танамда оғриқ. Нафас ололмаяпман. Тангримнинг юборган охирги тортиғи шумикан? Онамнинг арвоғи ҳар куни бошимга келиб, мени чақиряпти. Бунини сенга айтмагандим. Сенинг бахтингни кўриб, кейин ўлсам, армоним йўқ эди. Во дариғ, энди бунинг имкони йўқ. Сўнгги нафасларимда бир-биримизнинг тафтимизни сезиб турибмиз. Шу охирги дийдор учун ҳам Яратганга шукр дейман. Сенинг кўнглинг тўлмаган, рўшнолик бермаган бу уйда танҳо ўзингни қолдириб кетаётганимдан афсус ва қиёмат қадар хавотирдаман. Бироқ жон қизим, бошим улоқиб бу ёқларга келиб қолганим учун муштипар онамни айблама. Жоҳил отанг менинг ҳамма ишонч ва умидларимни поймол қилиб, маст бўлган чоғлари аёвсиз уриб, азоблаб ҳузур қиларди. Сен дунёга келганимда уни хурсанд бўлар, ўша лаъ-

нати гиёҳвандлигини ташлар, деб ўйлаган ва буни жон-жонимдан истаган эдим. Аммо у хурсанд бўлмади, қайтага баттар ваҳшийлашиб кетди. Бир куни сени бағримга босиб ухлатаётганимда яна ўша зормандасини чекиб, кўзлари қонга тўлиб кириб келди. Мени хўрлади, уриб-тепди. Унинг уришларига ҳар қанча бўлса ҳам чидар эдим. Аммо у, одам шамойилидаги махлуқ сени кўйнимдан юлиб олди-ю, қайноқ сув тўла тоғорага қарата улоқтирди. Жон ҳайбатида қандай сакраб тоғора олдига етганим-у, сени қандай илиб олганимни аниқ-тиниқ эслай олмайман. Мен ўшанда илк бор ўлим билан юзма-юз келган эдим. Фаришталарни кўрдим, улар теграмда гир-гир айланишарди. Сени маҳкам қучоқлаб олганман. Фаришталар иккимизни даст кўтариб, йиртқичнинг чангалидан қутқаришди. Ҳушимга келганимда сени опичлаганча қорли кўчада ялангоёқ чопиб кетаётган эканман. Ана ўшанда юрагим қинидан чиқиб кетган, соғлиғим ҳам йўқолган эди. То ҳозирги лаҳзагача ҳам кўрқув билан яшаб келдим. Худдики ўша жоҳил бизни учратиб қолса, чавақлаб ташлайдигандек, доим юрагим таҳликада бўлди, кўзларим уйқуни билмади. Шунинг учун ҳам мана шу чекка қишлоққа келиб, хилват гўшада овоз чиқармай умргузаронлик қилдим. Оҳ, жоним, бунча азоб бермаса, бутун танам қақшаб оғрияпти. Марям, кўзмунчоғим, сен асло кўрқма, ҳайҳотдай уйда ёлғиз қолаяпман, деб ўйлама. Мен ўлсам-да, аммо руҳим доим сенинг ёнингда бўлади. Бир-биримизни кўрмасак ҳам, гаплашмасак ҳам, барибир сенинг ёнингда эканлигимни билиб туришинг керак. Бошинга бирор мушкуллик тушгудек бўлса ҳам, албатта, менга айт. Тонг маҳали бўлса, қуёш чиқаётган тарафга қара, мен ўша томонда бўламан. Шомда бўлса, қуёш ботар манзилдаги алвон шафақларга қара, мен ўша томонда сенинг ёруғ жамолингни кутиб тураман. Тунда ойга, ой чиқмаса, чарақлаган юлдузларга

қара. Агар юлдузлар ҳам пинхон бўлса, бепоён осмонга боқ, милт этган шуъла борки, ўша мен бўламан. Эвоҳ, азобинг бунча қаттиқ бўлмаса. Марям, лолақизғалдоғим, сен бу маконда бутунлай ёлғиз эмассан. Эъзоз тоғанг бор, сени жонидан ортиқ яхши кўради. У сени йўқлаб келади, албатта келади. Аввал ҳам бир неча марта келган, сен уйда йўқ эдинг. Унинг иши шундай, вақти бениҳоя тиғиз, келарди-ю кетарди. Бизнинг эсон-омонлигимизни кўриб, хурсанд бўларди. Унинг шодланганини кўрсам, менинг ҳам кўнглимга ёруғлик югурарди. Эй, дунёи дун, бу не кўргилик бўлди, ёлғиз қизимни, кўзимнинг оқу қорасини бахтли қилиш қўлимдан келмади, аттанг. Чумчуқ ҳам полапонини қанот чиқаргунча ҳар балодан ҳимоя қилади. Мен одам қавмидан бўлиб, ягона жигарбандимни балолардан асрай олмадим. Мен қандай она бўлдим? Келдим, кетяпман, бу дунёда нима кўрдим – билмайман. Энди мен учун ҳам сен яша, овунчоғим. Сенга ғам-ғуссадан бошқа ҳеч нарса қолдиrolмадим...

\* \* \*

Онамнинг вафотидан сўнг гўё кимсасиз саҳрода адашган ёлғиз йўловчига ўхшаб қолдим. Бирор ишга қўлим бормайди. Уйга кирсам ҳам, чиқсам ҳам онам кўзимга кўрингандай бўлаверади. Сочиқни, чойнакни, ҳатто эшик тутқичини ушласам ҳам, онамнинг тафтини туяман. Кўзимдан тинмай ёш қуйилаверади. Дилобар хола уч кун бизникида қолиб, менга юпанч бўлди. Соли амаки ҳам ҳар куни шу ерда эди. Таъзияга келиб-кетувчиларнинг кети узилмасди. Эркакларнинг таъзияларини ҳовлида Соли амаки қабул қилар, хотинларни ҳамшира хола уйга олиб кирарди. Яхшиям, улар бор экан, йўқса, ёлғиз ўзим нима қилардим? Марҳумнинг хотираси учун ўтказиладиган урф-одату маросимлар ҳам кўп экан. Мен уларни деярли билмас



эканман. Майитни ювганга, жаноза ўқиганга, гўрковга, яна ким-кимларга бериш керак, деб Соли амаки уйдаги кўрпами, гиламчами, белбоғми, қўлга илинадиган нарса борки, олиб кетди. Ҳар куни новвойхонага бир қоп иссиқ нон, қассобга гўшт буюртиради. Мен кун бўйи ўчоқхонада ивирсийман. Ҳар қайси келиб-кетувчининг олдига чой-нон қўямиз. Бафуржа ўтириб, суҳбатлашиб қоладиганларга иссиқ овқат ҳам сузамиз. Уч кун деганда худойи қилинди. Соли амаки бутун қишлоқни худойига чақиртирди. Дошқозонга ош дамланди. Мулла тиловат қилди. Маърака тугагач, Соли амаки муллага тугун тайёрлади. Одамлар кета-туриб, ҳаммалари ошни мақташди. Мақтовларни Соли амаки тавозе билан қабул қиларди.

- Ош жуда тобида бўлибди, Соли ака.
- Савоб иш қилибсиз, тақсир.
- Қариндош дегани бундай бўлибди-да.
- Шопўлатнинг йўқлигини билдирмай турганингизга тасанно.

- Саховатпеша одамсиз-да, Соли ака...

Бундай мақтовлардан Соли амакининг кўнгли тоғдай кўтарилади.

- Савоб учун юрибмиз-да бу дунёда. Қариндош шундай кунда ярамаса, қачон ярайди, – дейди иягини силаб.

Одамлар кетганидан кейин Соли амакининг қарз дафтарига нималарнидир ёзиб қўяётганига кўзим тушди.

- Соли амаки, – дедим ичимга ғулғула тушиб, – маъракаларни ўтказиб, кўп харажат қилиб юбордингиз, сизга жабр бўлиб кетмадимми?

- Эй, чироғим, бу дунё – ҳисобли дунё, кетган харажатларни ёзиб қўйган яхши-да.

- Лекин бунча чиқимни тўлашга менинг қурбим етмайди-да.

- Сен ташвишланма, чироғим, отанг билан ҳар

доим ҳисоб-китобимиз тўғри бўлиб келган, бу ёғини ҳам тўғрилаб оламиз. Отангининг борган жойида ишлари бироз чалкашиб қолибди. Алданган кўринадиди. У томонларда ити адашганмиди. Майли-да, бутунлай қолиб кетмайди-ку, бир кун қайтиб келади. Йигит киши йиқилади, суринади, вақти келиб йўлига тушиб олади. От айланиб қозигини топади. Мана бу маъракага келсак, бу ҳали бошланиши. Ҳали мархуманинг етгиси, йигирмаси, қирқи, йили дегандай кўп маъракалари бор. Уларда ҳам халойиқни чақириб, ош тарқатишимиз керак. Элнинг удуми-да, элдан чиқиб қаёққа борардик, чироғим. Одамлар қанча кўп ош еса, мархуманинг руҳи шунча шод бўлади. Сен ҳали ёшсан, бу нарсаларга ақлинг етмайди.

Отамнинг катта савдони бошлайман, деб чув тушиб, катта ғавғони бошлаганини энди эшитиб туришим эди. Демак, шунинг учун бедарак бўлиб кетган экан-да. Ҳаммага кўрсатиб қўяман, деб кетган одам энди бошига тушган кўргилиқдан гангиб юрган бўлса керак. Онамнинг кўнгли шуларни сезган, шу сабабдан безовта бўлган. Отам гарчи бизни одам қаторида санамаган бўлса-да, онамнинг унга юраги ачиган.

Нурия опа келганида кўнглим анча кўтарилди. Мени юпатди, таскин берди. Кетаётганида мени ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлди, унамадим. Кейин Дилобар хола кетишга тараддудланиб, мени ҳам уйига олиб кетишини айтди, бормадим. “Ундай бўлса, кечкурун яна келаман, сизларникида ётиб қоламан”, – деди. Кўнмадим, ёлғиз қолгим келаётганини айтдим. Шундоқ ҳам уч кун менга ҳамдард бўлиб, ёнимда қолган эди. Энди бу ёғига бошқаларни овора қилмасдан, ёлғиз яшашни ҳам ўрганишим керак.

Тунни чироқ ёнида ўтказдим. Худди ҳозир онам мени йўқлаб келиб қоладигандек, тиқ этган товушга қулоқ тутаман. Хаёлан онам билан гаплашаман. Мени

ташлаб бошқа оламга кетганига сира-сира ишонгим келмайди. Азонлаб қабристонга йўл олдим. Ҳали уфқ ёришмаган бўлса ҳам ҳеч қандай қўрқув рахна солмади. Одатимизга кўра майитни қабрга қўядиган куни қабристонга фақат эркаклар боради. Аёллар эса кейинги кунлари саҳар чоғи, тонг ёришгунча бориб келишади. Гира-ширада дўмпайиб турган каттаю кичик қабрлар четида янги қабр кўринди. Лекин унинг ёнида яна бир янги қабр бор эди. Буларнинг қайси бири онамнинг қабри экан, деб ўйланиб қолдим. Атрофда бирон кимса кўринмайди. Одатда қабристон қоровули доим шу ерда айланиб юради, дейишарди. Мен ҳам аслида шунга ишониб келган эдим. Энди кўнглим сезгисига суянишдан бошқа илож йўқ. Қабрлардан бирининг ёнига ўтириб, ўзим билган дуоларни пичирлаб ўқий бошладим. Кўзларимдан дув-дув ёш оқиб, тупроққа сингиб кетмоқда эди. Шу пайт узоқдан бир шарпа кўринди. У тўғри мен турган жойга қараб келаверди. Қадам ташлашидан мункиллаган чол эканлигини билдим. Қоровул бўлса керак, деб ўйладим. Яқин келганидан сўнг танидим, у Одил бува экан. “Бу Офтоб момонинг қабри, қизим, – деди Одил бува мени дарров таниб. – Мана бу ёнидагисида онанг ётибди”. Офтоб момо биз Узумзордаги касалхонада эканимизда қазо қилибди. Шунинг учун мен эшитмаган эканман. Нурия опа ҳам айтмаган. Ўлим билан олишиб ётганларга ўлим дарганини айтмай, дегандир-да. Офтоб момонинг кўзимга хас кирганида бир зумда чиқариб олгани эсимга тушиб, яна кўнглим бўшашди. Ўзи Офтоб момонинг ўша яхшилиги учун ҳам бир кўзёши қарзим бор эди, деган гап дилимдан кечди. Одил бува намхуш ерга чопонини тўшаб ўтирди-да, иккала марҳуманинг ҳаққига тиловат қилди. Кейин мен ортимга қайтдим. Тонг ёришаётган, кенг адирдаги қовжираган ўт-ўланлар устига қўн-

ган шудринглар зар сочган каби жимирлаётган эди. Ҳар бир майсада, ҳар бир шабнам томчисида онамнинг акси кўринаётгандек нигоҳимни тортиб кетаверди.

Уйга келганимда сукунат мени оч аждар сингари ютиб юбораётгандек туюлди. Энди бу ҳувиллаган уйда менинг шу сукунатдан ўзга ҳамхонам ҳам, ҳасратдошим ҳам йўқлигини ўйласам, юрагим сиқилаверди. О, онажоним-а, хаста бўлсангиз ҳам ёнимда борлигингиз бахтим ва давлатим экан. Сизсиз нима қолди? Тolleи кулмаган жигарбандингизнинг бу шошқин дарёи азимда энди кимга ҳам кераги бор? Бу шовуллаган дарёда ҳар ким ўз истагию имконича сузар экан. Ўйлашимча, Парвардигор ҳам фақат омади кулганларга боқади, мискинлар эса мудом уқубат соясида қолаверади. Агар барчага баробар назар солганда эди, шунча қилган дуо ва илтижоларимга мисқолча бўлса ҳам марҳамат қилмасмиди?

Тўрт девор ичида қаттиқ сиқилдим. Ҳовлига чиқиб ҳам сукунатдан айро кетолмадим. Қилт этган шабада йўқ. Ўрикларнинг қирмизи япроқлари ерга гиламдек тўшалган, ҳали тусини йўқотмаган анжир япроғи устига қўнган шабнам томчиси хотиржам ҳордиқ чиқармоқда эди. Беихтиёрунга томон талпиндим. Назаримда, бу томчи юксак қоя узра мағрур турган улкан харсангтошга ўхшарди. У менга ғайритабий куч берди. Қанот чиқариб учдим-да, анжирнинг энг баланд шохига қўндим. Ўзимнинг ерда турган нусхамга юқоридан нигоҳ ташладим. Шунда мен бу бепоён дахридунда кўз илғамас кичик бир зарра эканлигимни кўрдим. Ерда юрсам ҳатто чумоли ҳам мени эзғилаб ўтиши мумкинлигини англамоқда эдим. Сўнг яна ердаги вужудимга қайтдим ва тирмашиб қояга чиқдим. Менга нажот қалъаси бўлиб кўринган шабнамнинг шаффоф соясига бекиндим. Шу ерда ҳаловат топгандай бўлдим. Қирлар ортида

аста бош кўтарган қуёшнинг заррин нурларидан менинг қоятошим олмосдай жилваланди. Унинг соясида туриб онамнинг тафтини сездим. Зиё таралаётган тарафга юзимни бурдим. Онам мендан хавотир олиб, қир ортидан мўралаб қараётганга ўхшарди.

*Тангрим, ўзинг мушфиқу меҳрибонсан, ҳузурингга борган муштипар оналарни жаннатингга муяссар айла!*

\* \* \*

Ўқувхонадаги машғулотларга бутунлай шўнғиб кетдим. Ҳар ҳолда, бу ерда ёлғизликни сезмайман, жимжитлик тубсиз ғордай ютиб кетмайди. Энди ҳадеганда уйга кетишга ҳам шошилмайман. Идорада эса баъзида Саломат опага ёрдам бераман. Одатий таомларига қўшимча қилиб озгина бирор янғича егулик тайёрлаймиз. Ходимларга бу егуликларимиз хуш ёқади. Кузнинг ёмғирли ва салқин кунларида Қоплонбек амакининг оиласи уйига аҳён-аҳёнда келадиган бўлиб қолди. Лекин шундай бўлса ҳам мен ҳар ҳафта бориб тозалаб турардим. Кейин кечгача чевару пазанда қизлар орасида бўламан. Ҳавонинг авзойи бузилган кунлари ёхуд анча кеч қолиб кетган пайтларимизда Нурия опа мени кўярда-кўймай уйига олиб кетади. Эндигина мактабга борган қизалоғи билан жажжи ўғилчаси ҳам менга ўрганиб қолишди. Кечқурунлари қизалоқнинг дарс тайёрлашига кўмаклашиб юбораман. Зехни ўткир қиз экан, ўргатганларимни тезда илғаб олади. Шундан сўнг унга яна ҳам кўпроқ ўргатгим келаверади. “Тайёргина муаллима экансан-ку, қизим ўқишни мактабда бунчалик тез ўрганмаётган эди”, – деб Нурия опа хурсандлигини яширмайди. Гоҳида уйимиздан болаларни қизиқтирадиган китобларни олиб келиб, уларга ўқиб бераман. Болалар диққат билан тинглашади. Гоҳида бирор эртақнинг ярмига етганда тўхтаб

қарасам, болакайлар ширин уйқуга кетган бўлишади. Лекин қай куни бормай, Бек акани тушкун кайфиятда кўрардим. У саломимга илиққина алик олиб, ҳол сўрар эди-да, кейин индамай уйга кириб кетарди. Кўзлари ғуссали эди. Болаларни эркалатганини ҳам, Нурия опага бирон оғиз гапирганини ҳам кўрмадим. “Эр-хотиннинг уриши – дока рўмолнинг қуриши” бўлса керак-да, деб ўйлаган эдим. Аммо бора-бора бу шунчаки “дока рўмолнинг қуришига” ўхшамаётгандек туюлди. Нурия опа менга сездирмасликка ҳарчанд уринмасин, барибир ичини қандайдир алам ўти куйдираётганини юрагим сезиб турарди. Яна бир куни кечки пайт осмонни қора булут қоплаб, ёмғир томчилаётганида қизлар билан хайрлашиб, уйга қайтмоқчи бўлиб тараддудланаётган эдим.

– Кетма, Марям, бизникида қола қол, – деди Нурия опа.

– Уйга борай, опа, узоқда бўлса ҳам, ўз уйим – ўлан тўшагим. Ўзи менсиз ҳам анчадан бери ташвишли кўринасиз, – дедим.

– Ҳа, яшириб нима қилдим, ташвишим бор. Лекин сен парво қилма. Сен бизникига борган кунинг шу ташвишлар бир зум унутилгандай бўлади. Кўнглим ёзилиб, ором оламан. Болаларим ҳам сени яхши кўриб қолишган. Уларга мураббийдай бўлиб қолдинг. Сен уйимизга келган кунинг уларнинг ҳам митти юракларига ёруғлик киради. Йўқса... у бечораларга ҳам қийин. Ҳаммасига Нормурод сабабчи. Эсингдами, адирда юрганимизда қўққисдан келиб қолиб, узр сўрагандек ялтоқланган эди. Кўнглимга келган эди-я, бунинг ҳар бир қадамида фитна изғийди, деб. Қанча уринсам ҳам, барибир хушёрликни бой берган эканман. Ўшанда шериклари унинг мен билан гаплашиб турганини яширинча суратга олган экан. Шу суратни энди бек аканга юборишиб-

ди. Ким юборгани ҳам маълум эмас. Ҳовлимизга девор оша ташлаб кетишибди. Сурат тагига “юлдузни бенарвон урадиган хоним донгдор полвондан дарс олаяпти” деб хат ҳам ёзиб қўйишибди. Шундан бери Бек акамиз тўнини тескари кийиб олган. Ўзимни қанча оқламай, суратни дастак қилиб олган. Ҳеч қайси гапимга ишонтира олмадим. Орамизга совуқлик тушди. Тун чўкканига қарамай, отга миндим-у, тўппа-тўғри Нормуроднинг уйига бордим. Отдан тушмай эшигини тақиллатдим. У мамнун тиржайиб чиқди. Ойнинг ёруғида унинг айёр башараси янаям жирканч кўриниб кетди. Суратларни йиртиб, бетига отдим. Номард, қилмишини тан олмади. “Бекорчи болаларнинг ўйини бўлса керак” деб пинагиниям бузмади. Менга қанчалар алам қилганини билсанг эди. Юзига қамчи тортиб юбордим-у, изимга қайтдим. Бек аканг хонанишин бўлиб қолган. Ҳеч ким билан гаплашишни ҳам, бир одим кўчага чиқишни ҳам хоҳламайди. Тўй, кўпкариларга айтишди, бормай қўйди. Лаънати Нормурод оиламга оғу солди. Аламимдан қандай чиқишни билмаяпман, Марям.

Нурия опанинг кўзларидан ёш оқди. Мен яна уларникида қолдим. Уйга кирганимизда болалари югуриб келиб, Нурия опа билан мени кучоқлаб олишади, қийқиришиб ўйнашади. Бутун уйни эгаллаб олган жонсиз сукунат бекинишга мажбур бўлади. Кейин кўзларимизни то уйку элитгунча болаларни ўйнатаман. Қизалоқнинг дарсларини тайёрлатиб, китоблар ўқиб бераман. Гоҳо Бек ака болаларнинг қувноқ шовқинини эшитиб, эшикдан қараб туради. Биламан, болаларини опичлаб ўйнатгиси келади. Аммо ичини кемираётган қайғу бунга изн бермайди. У яна индамай ўзининг ётоқхонасига кириб кетади.

Кейинги жума кунларининг бирида Боғишодга қайтмоқчи бўлиб турганимда Гулсара опа: “Эртага Узумзордаги сайилгоҳда ҳосил байрами бўларкан.

Кўпкари ҳам бўлади, дейишяпти. Сен ҳам кел, бирга борамиз”, – деди. Эрталаб Нурия опанинг уйида кўришишга келишиб олдик. Бундай байрамларни кўрмаганимга ҳам анча бўлган эди. Гулсара опа ҳосил байрамга авваллари ҳам борган, таърифини сўйлайвериб, қизиқишимни ўн чандон оширди.

Нурия опанинг уйига келганимда Бек ака ҳовли ўртасидаги ғўла устида бошини чангаллаб ўтирган, Нурия опа эса аламини тўкиб-солаётган эди. Хижолат тортиб, бир муддат кўча эшик олдида туриб қолдим.

– Сиз чимилдиққа кирган келинчақдай уйда ўтираверинг. Номард Нормуроднинг ошиғи олчи бўлаверсин. Ҳамма полвон деб уни олқишласин. Ахир, унинг нияти шу эмасмиди? Мана шу фитнани шунинг учун ўйлаб топмаганмиди? Энди на кўпкарига борасиз, на бирор тўйга. Шунчалик ҳам осон енгиласизми? Бундай қилаверсангиз, одамлар сиздан юз ўгириб, устингиздан кулиб юришади-ку. Бугун катта сайилга бориб, Нормуродни яксон қилмасангиз, кейин ҳеч қайси даврага бош суқиб боролмайсиз, – дея Нурия опа жон куйдирарди. Бек акадан эса садо чиқай демасди. Шу пайт ёнимга Гулсара опа келиб қолди-да, ичкарига мўралади. Нурия опанинг кўзи бизга тушиб, кининглар, дегандай имо қилди. Ўзи эса айвон томонга кетди. Бек ака ҳамон бошини кўтармай ўтирарди. Болакайлар бизни кўриши билан югуриб келишди. Уларни қучиб, юзларидан ўпдим. Биргалашиб уйга кирдик. Эр-хотиннинг даҳанаки тортишувини кузатиб ҳовлида туравериш ноқулай эди-да. Биз Нурия опанинг кийиниб чиқишини кутаётган эдик. “Шу кайфиятда сайилга борармикан?” – деди Гулсара опа. Лекин Нурия опа Қашқани миниб чиқди. Авзойидан у кўпкарига киришга бел боғлаган росткам чавандозга ўхшарди. У ниҳоятда асабий кўринарди. Биз нима бўлаётганини тушунолмай қарахт бўлиб қолган эдик. Отнинг дупурини эшитиб, Бек ака боши-



ни кўтариб қаради. От устидаги кўзларидан ўт чақнаб турган чавандозни кўриб, сесканиб кетди.

– Эркакка ор керак, ор, – деди Нурия опа қичқириб ва отга қамчини сермади.

– Тўхта, – деди Бек ака сапчиб туриб.

Лекин Нурия опанинг шахтидан қайтмаслиги шундоққина кўриниб турган эди. У отнинг ортидан чопиб кетди.

Биз болакайларни етаклаб, сайил майдонига келганимизда ҳосил байрами бошланган, адирга тумонат одам тўпланган эди. Деҳқонлар нимаики етиштирган бўлса, намойишга олиб чиқишган. Кўшиқлар авжида, полвонлар, масхарабозлар, ҳайвон ўйнатувчилар томоша кўрсатишяпти. Бир пайт кўпчилик одамлар тепаликка қараб чопа бошладилар. Кўпкарини ўша ердан туриб томоша қилишаркан. Биз ҳам у ерга шошилдик. Баҳодирлар беллашувини кўришга ошиққан оломон қир устига жам бўлди. Қир этагида кўпкарига шайланиб турган отлиқ чавандозлар кўринди. Ғайрати ичига сиғмай басма-басига кишнаётган арғумоқларга қараб кишининг завқи ошади. Майдоннинг бир четидан трактор тиркамаси устига айвон қурилган, бу айвонга оқсоқоллар жойлашишган эди. Оқсоқоллар чавандозларни ҳалол курашишга даъват этишди. Ҳаммадан олдинда Нормурод турибди. Гўё унинг олдига тушишга ҳеч ким журъат қилолмайдигандек. Ниҳоят, зот айтилиб, ўртага улоқ ташланди. Полвонлар улоққа қараб ўзларини урдилар. Қийқирик, олқишлар қулоқни қоматга келтирай дейди. Отлар югурди. Чавандозлар улоқни таллашишарди. Улоқ Нормуроднинг кўлига ўтди. У улоқни тақимига босганча майдонни бир айланиб келди ва улоқни кўрага ташлади. Полвонга олқишлар ёғилди.

Кейин ўйинбоши иккинчи зотни тайин қилди. Полвонлар яна ўзларини улоққа уришди. Худди шу лаҳ-

зада тепаликдан бир отлиқ шамолдай учиб келди-да, тўда орасига қиличдай ёриб кирди. Кутилмаган бундай шиддатдан чавандозлар гангиб қолишди. Томошага келган ишқибозлар учқур отни танидилар-у, бироқ от устидаги чавандозни таниёлмадилар. Қалпоғини қулоғигача бостириб олган, юзини ниқоб билан бекитган чавандознинг кимлигини билолмай, кўпқарига кириб урҳо-ур қилаётган полвонлар ҳам бир зумга чалғидилар. Нотаниш чавандоз эса улоқни юлқиб олиб, тақмига қистирди-да, майдонни айланиб, от чоптириб кетди. Чавандозлар ўзларига келиб, унинг ортидан қувишга тушдилар. Нотаниш чавандоз ортига ўгирилиб қарамади. Соҳибининг раъйини англаган каби от ҳам елдек учмоқда эди. Унинг ортидан қувлаётганларнинг энг аввалида Нормурод полвон борар, отини тинмай қамчилаб, унга тобора яқинлашмоқда эди.

– Эй, кимсан? – дея қичқирди Нормурод.

Нотаниш чавандоз парво қилмади. Шунда ғазаби қайнаган Нормурод унинг бошига қамчи урди. Нотаниш чавандознинг бошидан қалпоғи учиб кетди. Нормурод ҳамон қутурган кўйи пишқирарди.

– Кимсан ўзи, юзингни оч, – қичқирди у.

Нотаниш чавандоз яна жавоб бермади. Жавоб ўрнига қамчисини қаттиқ сермаган эди, Нормуроднинг оти хуркиб кетиб, сакради. Нормурод ерга гурсиллаб йиқилди. Чанг тўзғиб кетди. Нормурод нотаниш чавандознинг ортидан: “Кимсан?” дея қичқирди. Бу гал овози хириллаб чиқди. У лой аралаш қон туфлади. Нотаниш чавандоз майдон бошига шамолдай учиб борди ва улоқни сомондан қурилган доира ичига ташлади. Кейин олқишларга қиё ҳам боқмасдан, тупроқ устида тиззалаб ўтирган Нормуроднинг олдига қайтиб борди. У юзидаги ниқобни ечди. От устидаги Бек акани ишқибозлар дарров танишди. Улар шунча кўпқариларни кўриб, лекин ҳеч қачон бундай ғаройиб томо-

шага дуч келишмаган бўлса керак. Бек ака Нормуродга нимадир деди-да, келган йўлига шиддат билан қайтиб кетди.

Ортимга ўгирилиб қараганимда пастликда бир кизнинг телбаларча тенти раб юрганига кўзим тушди. Унинг рўмоли елкасига сирғалиб тушган, сочлари тўзғиган, кўйлагининг этаги йиртилиб, ерга судралган, оёқяланг, ғариб бир аҳволда эди. “Ахир, у Шодия-ку!” дея қичқириб юбордим. Одамлар орасидан туртиниб-суртиниб ўша томонга юрдим.

– Ҳой, қаёққа? – деди Гулсара опа.

– Ҳозир келаман, – деб оломон орасидан чиқдим.

Шодияга яқинлашиб қолганимда у мени кўрди-ю, ёвни кўргандай кўрқиб кетди. У сочларини чангаллаганча қоча бошлади. Унинг ортидан югурдим. “Тўхта, Шодия, кўрқма, бу менман, Марямман” дея чопиб бо равердим. У эса телбалардек чинқирганча орқасига қарамай қочарди. Унга етолмаслигимни билиб, чопишдан тўхтадим. Шодия қирдан ошиб, кўздан ғойиб бўлди. Мен бугунги ҳамма ғаройиб ишлардан бошим гангиб, изимга қайтдим. Оломоннинг ҳамон чавандозларни олқишлаб қийқиришаётгани элас-элас қулоғимга етмоқда эди.

\*\*\*

Яна шаррос ёмғир қуйди. Кечкурун Боғишодга қайтгунча уст-бошим бутунлай шалаббо бўлди. Қоронғи кўчаларда кўлмакларга тушавериб, калишим лойга тўлиб қолибди. Уйга киришдан олдин тарнов тагида туриб калишимни тозалаб ювдим. Кейин электрчи-роқни ёқдим, хайрият, ток бор экан. Ўчиб қолмасидан кийимларимни дазмоллаб қуриштириб олсам бўлади. Бўлмаса, бу салқин ҳавода эрталабгача ҳам қуримайди. Йўқ, афсус, улгуролмадим, тежоғлиқ электрчилар яна

токни узиб кўйишди. Баданимдан совуқ ўтди, оёқ-кўларим музлаб, мени қалтироқ тута бошлади. Қорним оч эди, лекин овқатга уннай олмадим. Энди иштаҳам ҳам йўқолди. Шамоллаб қолдим чоғи. Ёмғир остида келәтганимда шундан хавотирга тушган эдим. Муздай ёмғир кийимларимдан ўтиб, бутун танамга сингиб кетди-да. Рўмолимни сиқсам, бир коса сув тушди. Сочларим ҳалигача қуригани йўқ. Ёмғир ҳануз тинай демайди. Ҳар замонда момақалдироқ гумбурлаганда юрагим така-пука бўлиб кетади. Илгари онам борлигида ҳамма нарсани ҳам парвойимга олавермаган эканман. Энди эса бундай ваҳимали кечада “тиқ” этган товушдан сесканяпман. Совқотиб дир-дир титрашдан тўхтамайман. Печкага ўт қалашга ҳолим йўқ. Қишга ўтин ҳам ғамлаганим йўқ эди. Ўтган йилдан қолган озгина тоқпоя ёмғирда ивиб кетган бўлса керак. Мойчироқни ёқиб, унинг шишасига қўлимни яқин тутиб исинмоқчи бўлдим. Қўлим олов тафтини сезди-ю, лекин бу иссиқ танамга татимади. Кейин устимга кўрпаларни қалин қилиб ёпиб, бошимгача бурканиб ётдим. Шу кўйи қулоғимга ёмғирнинг шитирлаши ҳам, гумбурлаган товушлар ҳам эшитилмай қолди. Кечаси алахсирадим, шекилли, бир неча марта чўчиб уйғондим. Энди совуқни сезмаётган, аксинча, иссиқлаб, терлаб кетаётган эдим. Уйқу аралаш шуларни ҳис этдим-да: “Менинг ҳам паймонам тугадимикан? – деб ўйладим. – Тугаса тугай қолсин. Ўзи бу аҳволда яшаб юришдан нима фойда? Бир ўзинг бир кўрғонда ўз ҳолингча нафас олиб юрганинг нимаси? Шу ҳам яшаш бўлдимми? На сенинг бировга керагинг бор, на бошқаларнинг сенга. Бир умр шундай сўппайиб юриш шунчаки одамларга қулги бўлишдан бошқа нарса эмас. Отам қайтиб келса-чи, унда нима ўзгаради? Шу билан ёлғизлик чекинадими? У билан ота-боладай яшаймизми? Ҳеч қачон. Отам билан бир том остида яшаш мутлақо бегона эркак билан

умргузаронлик қилиш дегани. Унда оталик меҳри деган нарсанинг ўзи бормикан? Бор бўлганида менда ҳам фарзандлик меҳри куртак отган бўлар эди. Аммо қани у? Бу манзилда на бир сирдошим, на суҳбатига шерик қиладиган тенгдошим бор. Бошимни олиб Узумзорга кетиб қолсаммикан? У ёқда ҳам қайси гўшадан паноҳ топаман? Ҳар кимнинг ўз оиласи, ўз яқинлари, ўз ҳаёти бор. Қайси хонадонга бош суқсам ҳам, уч кунлик меҳмон бўламан. Шу тариқа яна бир умр ёлғизлик гирдобиди яшайман, шўрлик Дўсан девона каби. Шу кўйи бир кун келиб мени ҳам ё телба, ёки девона деб аташлари турган гап...”

Қачон тонг отганини билолмадим. Ёмғир тиниб, паға-паға булутлар сузаётган эди. Чошгоҳ маҳали Дилобар хола келди-ю, аҳволимни кўриб нафаси ичига тушиб кетди. Мен шамоллашга даво бўлармикан деб исириқ тутатаётган эдим.

– Марям, сенга нима бўлди, тобинг йўқми? – деди Дилобар хола хавотир билан тикилиб. – Қовоқларинг қизарган, лабингга учуқ ҳам тошганга ўхшайди, вой, бечорагинам-ей. Шу оқшом тушимда сени кўрибман. Оққушларга миниб, учиб юрибсан. Бирам хурсанд эдингки. Бир ёруғлик бўлдимикан, деб сендан хабар олгани келган эдим. Тушимнинг тескари келганини қара. Нима қайнатаяпсан?

– Исириқ.

– Исириқ билан тузалиб бўлар эканми? Шошмай тур, мен ғиз этиб бориб уйдан дори олиб келаман.

Ҳамшира хола, керак эмас, деганимга қарамасдан уйига кетди. Анча вақтдан кейин бир талай дори билан бир коса иссиқ овқат ҳам олиб келди. Икки кунча шамоллашни қувиш билан овора бўлиб ётдим. Кўча эшик тақиллаганда яна жонсарак Дилобар хола келгандир, деб ўйладим. Эшик такрор тақиллади. Одатда, ҳамшира хола кўпинча тақиллатмасдан ҳам овоз бе-

риб кириб келаверарди. Ким экан, деб ҳовлига югуриб чиқдим. Эшикдан бир нотаниш киши кирди-ю, мени кўриб таққа тўхтади. Бўй-басти келишган, салобатли кийинган, сочларию мўйлабига оқ оралаган, кўзойнак таққан, қўлларида жомадонлари ҳам бор бу хушсурат одамни таниёлмай мен ҳам ҳайрон боқиб турдим. Чамамда, бу одам бизнинг уйга адашиб кириб қолганга ўхшарди. У ҳам шундай деб ўйлади, менимча ва ортига бурилиб кетмоқчи ҳам бўлди. Кейин бир дам тўхтаб:

– Кечирасиз, адашмасам, Гулшан опа шу уйда яшар эди. Ёки мен ҳовлини адаштириб юбордимми? – деди.

– Ҳа, шу уйда яшар эди. Сиз ким бўласиз? – дедим баттар ҳайрон бўлиб.

– Мен... ўша аёлнинг укасиман.

Гўё зулмат ичра чақмоқ чақнагандай бўлди. Қулоқларимга ишонмадим. Ҳаяжондан юрагим тарс ёрилай деди.

– Тоға! – дея чинқириб юбордим. Тоғамнинг кўзларидан ўт чақнаб кетди.

– Сиз... кимсиз? – деди лаблари титраб.

– Мен Марямман, тоға...

– Марям?!

Яна бир лаҳза шу ҳолда турсам, хушим бошимдан учиб йиқилар эдим. Чопиб бориб тоғамнинг бағрига отилдим. Бошимдан рўмолим учди. Лойгарчинда оёқланг турганимни ҳам сезмабман. Тоғамни кучоқлаб олдим. Бутун вужудим кўзёшга айланди. Ёлғизлик мени оч аждардай ютаётганида кимдир мени қутқариб қолаётгандек, зулмат тубига ғарқ бўлаётганимда нажот шуъласи милтирагандек жонимга оро кирди. Назаримда, бахт ҳамиша кутилмаганда келади. Сен уни илҳақ бўлиб ахтарсанг-да, лекин қачон ва қайси томондан келганини билмай қоласан. Тоғамни яна ҳам маҳкам кучоқлаб, иссиқ бағридан узоқлашгим

келмасди. Гўё ҳозир қўйиб юборсам, кўзёшларимнинг шафқатсиз сели мени оқизиб кетиб, кимсасиз жарликларга улоқтириб ташлайдигандек туюларди. Тоғам менинг юзларимга разм солди. Унинг ҳам кўзларидан икки дарё мисоли ёш оқмоқда эди.

– Юзингга нима қилган, Марям? Ким сени бу кўйга солди? – деди у овози қалтираб. Мен индамадим. Гапиролмасдим. Ҳамма умидларим саробга айланди, деб тушкунлик исканжасида ўтирганимда Эъзоз тоғамнинг, мана, мен борман, деб кучоқ очиб кириб келгани боис борлиғимни ўртаган ҳаяжон ҳали-бери босиладиганга ўхшамасди. Тилим калимага келмай, фақат юм-юм йиғлар эдим.

– Меҳмонни уйга таклиф қилмайсанми, жиян? – деди тоғам мени йиғидан чалғитиш баҳонасида жилмайиб.

Мен шошиб қолдим. Оёғимга илашган лойларни бўсағадаги йиртилавериб, илвираб кетган шолчага арта-арта чошиб уйга кирдим-у, кўрпача ташлаб, дастурхон ёздим. Нон пишириш ҳали эсимга келмаган экан, суви қочган нонни минг истиҳола билан дастурхонга қўйдим. Жондан азиз тоғамни меҳмон қилиш учун дастурхонга қўядиган бундан ортиқ ҳеч нарса йўқлигидан ерга кириб кетай дедим. Кейин ўчоқхонага кириб, чой қайнатишга уннаб кетдим. Ҳаяжоним ҳамон босилмас, бугун қайси кун, қандай кун ўзи, билолмай бошим гангиган, пойқадами билан кўнглимга кутилмаган қувончни ҳадя этган тоғамни, тоғажонимни еру кўкка ишонмаётган эдим. Чой дамлаб олиб киргунимча ғариб дастурхонимиз “очил дастурхон”га айланганини кўриб, довдираб қолдим. Тоғам дастурхонни мен тушимда ҳам кўрмаган неъматлар билан тўлдириб ташлаган эди. Тоғамдан бир зум ҳам узоқлашгим келмасди. У онамнинг сўнгги кунларини сўради. Мен

бу ерда қандай яшаганимиз, нималар рўй берганини оқизмай-томизмай айтиб бердим.

– Аям охирги нафасида сизни албатта келади, деб айтди. Мен бунга унчалик ишонмаган бўлсам ҳам, ўша кунни кутиб яшадим. Аямнинг айтгани рост чиқди, тоғажон.

Тоғам бошини чангаллаб ох урди.

– Ҳаммасига мен айбдорман. Опамнинг, яхши яшайпмиз, ҳаловатимиз жойида, биздан хавотир олма, деган гапларига ишониб кетаверган эканман. Демак, ёлғон айтган экан. Икки марта келиб кетдим. Икковида ҳам сени кўрсатмади. “Отаси шаҳарга олиб кетган, отаси узоқ қишлоққа тўйга олиб кетган. Отасининг эрка қизи. Ҳаммадан чиройли, ҳаммадан тўкис қиз бўлган жиянинг. Биз яхши яшайпмиз” деб мени ишонтириб, жўнатиб юборар эди. Мен гумроҳ шу гапларга ишонибман. Ҳамма сир бу ёқда экан-да. Сени менга бу аҳволда кўрсатишга жазм этмаган. Ҳаётини ҳам ўзгартиришни хоҳламаган. Мени ўйлаб шундай қилган. Опам доим менинг ишимни, олимлик қилишимни ўйларди. Ёлғиз жигарим мени деб ўзини қурбон қилса-ю, мен унинг асли ҳолини билмай юраверсам, бундай қариндошликнинг, бундай олимликнинг кимга кераги бор? Опамнинг руҳи олдида умрбод қарздорман. Бу қарзимни узмасам бўлмайди. Бўлмаса, тоабад дўзах азобида ёнаман. Сени олиб кетаман, Марям. Мен билан кетасанми?

– Кетаман, тоғажон, албатта, кетаман.

Эъзоз тоғам бир неча кун Боғишодда қолиб, мени олиб кетиш тараддудини кўрди. Ҳар куни ишни онаминг қабрини зиёрат қилишдан бошларди. Узумзорга, ҳатто шаҳарга ҳам бориб, қандайдир ҳужжатларни олиб келди. Тоғам келган куннинг эртасига уйимизга Соли амаки келди. Ўзи тоғамга онаминг вафот этганини Соли амаки тоғамнинг Тошкентда ишлаган институтига хат юбориб, маълум қилган экан.



– Чироғим, жигарларингизни эслаб келганингизни эшитиб, баайни бошимиз осмонга етди, – деди Соли амаки Эъзоз тоғам билан саломлашаркан. – Сизнинг жигарларингиз бизнинг ҳам жигарларимиз-да, иншооллоҳ. Мана, опангизнинг умри андак қисқароқми-кан, омонатини топшириб қўйди. Энди, бандалик-да, иним. Бу дунёда ҳамма ғанимат. Опангизнинг маърака-мавридларини рисоладагидек ўтказдик, элдан кам қилмадик. Шундай кунда бир корига ярамасак, қачон яраймиз? Булар бизга етти ёт бегона, бўлмаса. Биз савоб учун юрган одаммиз. Маъракалар кўнгилдагидай бўлмади, деб марҳуманинг руҳи чирқирамасин, дедик. – Соли амаки илмоқ-силмоғи билан шундай гапирардики, Эъзоз тоғам бу гапларнинг мағзини чақолмаётганиданми, индамай эшитиб ўтирарди. – Нафсиламрини айтганда, бундай урфу одатларнинг ҳаммасига белни боғлаб, чидаб бериш осон эмас. Буларнинг бари сарф-харажат дегани. Лекин элчилик-да. Аксига олиб денг, Шопўлатбой мусофирчиликда юрибди. Адашиб кетмаган бўлса, қайтиб келади. Ҳисобимиз тўғриланиб қолар. Келмаса, мана, сиздай жигарлари бор. Э, одамзод ўлмасин экан. Ўлганидан кейин ташвиши кўпаяркан. Тирик одамнинг юки ўзига, ўлганидан кейин орқасида қоладиганларнинг жонига тўзим берсин. Марҳуманинг учи, еттиси, йигирмасию қирқи, мулласию гўркови, тобуткашию ювгувчиси, ўчоқбоши, қозонқурди, эҳ-ҳе, айтаверсам, эсим оғиб қолади. Биз, бечораларга шунча удумни ўтказиш осонми? Буларнинг кўпини ўтказиб бўлдик. Энди ҳар ҳафта пайшанбалик келди-кетдилардан ташқари, олдинда фақат йил оши қолди. Уни ҳам, худо хоҳласа, ҳар бир амалини ўрнига қўйиб, одамларни норози қилмасдан ўтказиб оламиз. Сиз билан биздан от билан туя кетармиди? Муллага бир чопон, бир тугун, ёнидагиларга биттадан тугун, яна бир-иккита ошпазу ўтинчиларга дегандай, ўтади-кетади. Эл-

чилик-да, элдан чиқиб бирон ёққа кетармидик. Мана бу ерда ҳамма ҳисоб-китоблар ёзилган, бирровгина кўз ташлаб қўйсангиз, ўзингиз дарров тушунасиз, иним.

Соли амаки тоғамга ҳисоб-китоб дафтарини узатди. Ёзувларга диққат билан қараб, тоғамнинг капалаги учди, шекилли, бошини чайқади.

– Шунча сарф-харажатни мархуманинг тирикчилигида ўзига берилса, ақлли иш бўлмасмиди, мулла ака? – деди тоғам.

– Э, иним, айтаяпман-ку, ўлган ўлиб кетаверади, ортида қоладиган биз, бечораларга қийин. Қишлоқда тирикчилик ўтказишнинг ўзи бўладими? Бунинг устига эл-улуснинг ўзига яраша урф-одатлари бор. Буларга амал қилмасак, элда бош кўтариб юриб бўладими? Мана, сиз зиёли одам кўринасиз, биз шўрлик қишлоқ аҳлининг ҳолимизни тушунсангиз керак, дейман, чироғим. Тағин ўзингиз биласиз, биз, бечораларга осон эмас.

Тоғам йиғлагудек бўлиб гапираётган Соли амакига ачиниб қараб қўйди. Ёнидан бир даста пул чиқариб узатди.

– Мана буни олиб қўйинг, қилган харажатларингиз учун, – деди. Кейин жомадонидан яна бир даста пул чиқариб берди. – Буниси энди бўладиган маъракалар учун.

– Ие, овора бўлиб нима қилардингиз, ўзимиз ҳам ўтказаварардик-ку маъракаларни. Жуда бўлмаса, Шопўлатнинг ўзи келганидан кейин бир четини кўтарарди. – Соли амаки пулларни олиб, қўйнига солди-ю, мамнун жилмайди. – Ҳа, майли, нима ҳам дер эдик, сиздай зиёли одамнинг хайру садақаси табаррук, иним. Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин, йил ошида ўзим юз кило гуруч дамлайман. Одамлар кўриб қўйсин-да, мархуманинг кимлари бор эканлигини.

Тоғам бошқа гапирмади. Гаплашиб бўлдик, дегандек фотиҳага қўл очди. Шундай қилмаса, Соли амаки ҳали-бери кетадиганга ўхшамасди. Фотиҳа тортилгач, Соли амаки хурсанд қиёфада уйдан чиқди.

Эъзоз тоғам керакли ҳужжатларни тайёрлаб бўлгач, биз иккимиз саҳар чоғи Тошкентга жўнадик. У ерда ҳам яна бир талай ҳужжатларни тўғрилаш учун бир қадрдонининг уйида бир-икки кун қолиб кетдик. Шу кунларда мен остона ҳатлаб кўчага чиқмадим. Тошкентни айлангим келса-да, бу ерни яхши билмаганимдан ташқарига чиқмай ўтиришни маъқул кўрдим. Шу ерда ўтиришнинг ўзи ҳам мен учун завқли эди.

Ниҳоят биз ярим тунда аэропортга йўл олдик. Машинада кетяпмиз-у, ортда қолаётган ранг-баранг чироқлар, баланд бинолар, сийракроқ бўлса-да, зувзув ўтиб турган машиналар кўзларимни қувнатарди. Шу пайтгача қишлоқдан чиқмаган мендай хонаки қиз учун буларнинг бари худди эртакка ўхшарди. Биз Франкфуртга учадиган самолётга чиқдик. Илюминатордан пастга қарайман. Ҳали учмасимизданоқ жуда баландда турганга ўхшайман. Ярим кеча бўлишига қарамасдан атроф ёп-ёруғ. Қатор тизилган чироқларга кўз ташлайман. Шуъла сочаётган ҳар бир чироқда онамни кўргандай бўлавераман. Бечора онам. Мен жуда-жуда олисларга кетяпман-у, онам маъюсгина мени кузатиб қолаётганга ўхшайди. Самолёт кўзғалди. Бир зум ерда юрди-ю, кейин шиддат билан осмонга кўтарилди. У мен соғинган турналар каби қанотларини кенг ёзиб, учиб кетмоқда. Яна пастга қарадим. Милтираган чироқларга тўла бепоён шаҳар ортда қолиб, аста-секин кўринмай кетди. Ўгирилиб тоғамга қарайман. Тоғам кўзларини юмиб олган, ухляпти чамамда. Гарчи биринчи парвозим бўлса ҳам ҳеч нарсадан кўрқмадим. Энди мен Эъзоз тоғамнинг ёнидаман. У билан ерда ҳам, осмонда ҳам хотиржамман.

\* \* \*

О, Европа! Бетакрор гўзаллик ўлкаси. Мен уни шу чоққача фақат харитада кўрганман. Энди шундоққина

униг бағрига келиб тушганимга асло ишонгим келмасди. Мен буюк Гёте пойқадами теккан саховатли заминдаман. Эъзоз тоғам анча йиллардан бери Франкфуртда шу ерлик ҳамкасблари билан илмий тажриба устида ишлар экан. Тоғам шу ерда бир озар аёлига уйланган, уларнинг Ширин исмли шириндан-шакар қизалоғи ҳам бор экан. Келинойимни ҳамма Ҳаёт хоним деб чақираркан. У ҳам тоғам билан битта илмий иш бўйича ишлаётганлигини йўлдаёқ билиб олган эдим. Тоғамга ўхшаб илмга шўнғиган келинойим қандай аёл экан-у, менинг бу ерга келишимни қандай қабул қиларкан, деган хавотир кўнглимга тинчлик бермаётган эди. Аммо келинойимнинг онамга ўхшаб кетадиган рухсорига илк нигоҳим тушгани ҳамон хавотирим тумандай тарқаб кетди. Унинг иссиқ истараси бир қарашдаёқ одамни мафтун қилиб қўяди. Тоғам оиласи билан шаҳар чеккасидаги бир уйда ижарада яшар экан. Биз ўша ҳовлига кириб борганимизда келинойим мени гўё аввалдан танийдигандек қучоқ очиб қарши олди. У кулганда худди офтоб чарақлагандек юзидан нур ёғиларди. “Оҳ, сендан меҳрибон Осиё қуёшининг тафти сезиляпти”, дея у мени бот-бот қучоқларди. Мен келинойимни ҳали йўлдалигимизда ўзимча мутлақо бошқача тасаввур қилган эдим. Сочлари калта қилиб қирқилган, юз-кўзларига ҳар хил бўёқлардан пардоз берган, ҳатто кўпинча шим кийиб юрадиган, ниҳоятда жиддий қиёфадаги аёлни кўз олдимга келтирибман. У эса этаги узун қўйлак кийган, узун қора сочларини рўмоли остига яширган, қувноқ чехрали оддий аёл бўлиб чиқди. Кўринишидан ўзимизнинг боғишодлик аёлларнинг ўзгинаси дейсиз. У уйга қўлимдан етаклаб олиб кирди. Кенг ва шинам уйнинг ҳар бир деворидан файз ёғилиб тургандек. Деразалар олдига қўйилган бир-биридан чиройли гуллардан хушбўй ислар таралиб турибди. Бу хонадонга қўйган биринчи қадамиданок

бегоналик туйғусини заррача ҳам сезмадим. Келинойим мени кўярга жой тополмасди. Беш-олти ёшлар чамасидаги жажжи қизалоқ Ширин билан ҳам бир-биримизга дарров ўргандик. “Бу қиз аммажонинг Марям бўлади” дея Ҳаёт хоним бизни шундай таништириб қўйдик, қизалоқ менинг атрофимда гирдикапалак бўлиб қолди. Ташқарида қиш ҳавоси-ю, уй ичкараси эса баҳор нафасига тўйинган эди.

Кечқурун овқат тайёрлашга тараддуд кўраётганимизда келинойим: “Келинг, Эъзоз, бугун Марямнинг оиламиз сафини тўлдиргани шарафига ўзбекча қўлбола палов пиширамиз”, – деди. – Сиз тайёрлай қолинг, Эъзоз, мен қанча уринмай, барибир сиздай пишира олмайман”.

– Хўп, десангиз ошни мен пишираман, – дедим.

– Ҳа, тўғри айтасан, Марям, сен пишира қол, – деб тоғам таклифимга қўшилди. – Ош деганларини росткам эгасининг қўлидан еган маъқул. Кейин дўлмаю котлетларни келинойингга қўйиб берасан.

Шундай қилиб ошни мен тайёрладим. Ўчоқда тоқпоянинг оловига пишган ош янаям оромижон бўларди-ю, лекин бу ҳовлида ўчоқ ҳам, тоқпоя ҳам йўқ эди. Шундай бўлса ҳам ошимиз кўнгилдагидай чиқди.

– Мана, буни ҳақиқий ўзбекча палов деса бўлади, – деди Ҳаёт хоним хурсанд бўлиб.

– Худди мана шу ошни неча йиллардан бери соғинган эдим, – дея ҳузур қилганидан тоғамнинг кўзлари сузилиб кетди.

Жажжи Ширин хонимнинг эса ўртадаги лаганга қўли етмасди. Шунинг учун унга алоҳида тарелкага сузиб бердим. Неча кунлардан бери ўзим ҳам бундай роҳатланиб овқат емаган эдим. Гоҳо иштаҳам йўқ, иштаҳам бўлса ҳафсалам йўқ эди. Ҳозир эса ҳаммаси жойида. Энди мен ўзимнинг жондан азиз яқинларим ёнидаман.

Келинойимни онам билан иккимизнинг Боғишодаги ҳаётимиз қандай ўтгани қизиқтириб қолди. Дас-

турхон устидаги суҳбатимиз мавзуси шу бўлди. У гапларимни бениҳоя таъсирланиб тинглади. Улар бизни ростдан ҳам ҳеч нарсага зориқмай, тўкис яшайди деб ўйлаб юришар экан. Бор ҳақиқатни билганларидан кейин эса келинойимнинг ҳам, тоғамнинг ҳам кўзларига ёш келди. Сўнг Ширин иккаламиз алламаҳалгача телевизор кўриб ўтирдик. Тоғам билан келинойим бўлса қоғозларга шўнғиб кетишди. Ширин елкамга бошини қўйиб, ухлаб қолди. Уни ўрнига ётқизиб, телевизорни ўчирдим. Қўшни хонада Эъзоз тоғам билан келинойим ғўнғир-ғўнғир гаплашишарди. Қулоғимга чалинган гаплардан англадимки, улар мен ҳақимда гаплашишаётган экан.

– Уларнинг хўрланиб яшашларига мен айбдорман, – деди тоғам. Унинг овозида йиғи борга ўхшади. – Менинг яккаю ёлғиз опамдан бошқа туғишганим ҳам, қариндошим ҳам бўлмаган. У суянса, фақат менга суяниши мумкин эди. Мен эса опамдан хабар ололмадим. Унинг, биз яхши яшаяпмиз, бизни ўйлама, деган гапига ишониб юраверибман. У бу гапни менинг тинчгина илм билан шуғулланиб юришим учун айтган. Марям болалигида олов ичида қолган. Бунинг мен шу пайтгача билмаганман. Унинг олдида ҳам гуноҳкорман. Ўз жигарларини хору зорликка ташлаб қўйган укани ким деб аташ мумкин? Энди мен қандай одам бўлдим, Ҳаёт?

– Ўтган ишга саловат, Эъзоз, кўп қайғуриб ўзингизни азоблайверманг. Энди қандай бўлмасин, биргалашиб Марямни даволатиш йўлини излашимиз керак. Бунинг чорасини топамиз деб ўйлайман.

– Ҳа, Ҳаёт, бунинг чорасини, албатта топишимиз шарт. Бўлмаса, умрбод виждон азобида қийналаман.

Эрталаб келинойим роппа-роса ярим соат вақтини менга бағишлади. Сочларимни ювишга кўмаклашди, ўзи қуритиб, турмаклади. Қошларимни бўяди, юзимни пардозлади. Ярадор юзимга тикилиб қолганида

кўнглим беихтиёр маъюс тортди. У буни дарров пайкади-ю, жилмайди.

– Сен гўзал қизсан, Марям, – деди келинойим. – Ҳали бу жароҳатни кўрмагандай бўлиб кетасан. Сенинг шундай маликага айланганингни кўрайликки. Фақат кўнглингдаги жароҳатларни ўзинг енга олсанг бўлди.

– Йўқ, келинойи, ташвиш қилманглар. Мен ҳаммасига аллақачон кўникиб кетганман. Бу ярам билан ҳеч кимдан уялмай ҳам қўйганман. Бу ерга сизларни ортиқча овора қилиш учун келганим йўқ. Илтимос, мен учун чалғиманглар. Мен фақат ёлғизликдан зада бўлган эдим. Энди сиз, яқинларимнинг ёнида бўлишнинг ўзи мен учун етарли, бошқа ҳеч нарса керак эмас.

– Сен бундан буён яқинларингнинг ёнидасан, Марям. Энди бизга ҳақиқатан ҳам яқинлигимизни исботлашимизга имкон берсанг бас.

\* \* \*

Эъзоз тоғам билан келинойим ҳар куни эрталаб ишга кетишар, кейин кун бўйи ишда бўлишар эди. Ширинни яқин атрофдаги бир энага тарбиячига беришган, у бутун кун давомида энага қарамоғида бўлар экан. Мен ҳали бу жойларга бутунлай мослашиб ололмаганим учун ёлғиз қолиш зерикарли эди. Шу сабабдан Ширинга энагадан бир неча кунга таътил олдик. У билан овуниш мароқли эди. Ширин, амма, аммажон, деб чақириб, мени ўйинчоқлари билан кўмиб ташлайди. Бундай шириндан-шакар чақиришлар жонимга ҳузур бағишлайди. У менинг рўмолимни тортқилаб, ечиб қўйишимни сўрайди. Мен эса, рўмолимни ечсам совқотиб қоламан, деб уни ишонтираман. Яхшиям, ўзим билан бир талай китобларни олиб келган эканман. Шириннинг бийрон-бийрон саволларига жавоб топишга қийналган кезларимда ўша китобларни ўқиб бераман. Шунда такрор ўқиётганим бу китоблардан

ўзим ҳам завқланаман, Ширин ҳам жон қулоғи билан тинглайди. Унга ҳаммасидан ҳам “Ёрилтош” эртаги ёқиб қолди.

– Амма, мен ҳам тош олдига бориб, ёрил, десам тош ёриладими? – дейди у чаросдек кўзлари порлаб.

– Тош фақат эзилган, дардларга кўмилган одамлар учун ёрилиб, бағридан жой беради. Жажжи асалимнинг қандай дардлари бор экан? Сен, ёрил, десанг менинг ўзим ёрилиб қўя қоламан, жоним, – дейман унинг оппоққина, лўппи юзларидан ўпиб.

Шириннинг ранг-баранг суратли китоблари кўп эди. Бу китобларни ҳам варақлаб, кўп нарсаларни ўрганамиз. Уларнинг баъзилари немис тилида бўлса, баъзилари инглиз тилида ёзилган. Энага Маргарет хоним, таътил сўраган бўлсак-да, кунора вақт топиб келиб, Шириннинг нималар билан машғул бўлаётганидан хабар олиб кетишни канда қилмайди. У гоҳ немисча сўзлар, гоҳ инглиз тилида гапирарди. Менинг ҳар икки тилда ҳам у билан гаплаша олишимни билганидан кейин суҳбатимиз қовушиб кетди. Ўта босиқ ва мулойим бу аёл билан суҳбатлашиб ўтириш ёқимли эди. Унинг баҳонасида мен иккала тилда яна ҳам равон гаплашишни ўргана бордим.

– Нега доим юзингизни ўраб-чирмаб юрасиз ёки бу сизларда урф-одатми? – деди у бир куни гап орасида.

– Рўмол ўраш бизда одат ҳам ҳисобланади. Лекин... аниқроғи, бу менинг мажруҳлигимни бекитиб туради, хоним, – дея қисматимдан бир лавҳани айтиб бердим.

– Уни яшириш эмас, операция қилиш керак, Марям. Хайриятки, бу ҳозирги пайтда унчалик мураккаб иш эмас. Ҳатто билишимча, соппа-соғ одамлар ҳам ўз ҳаваслари учун баъзан қиёфаларини ўзгартириб юришади, – деди Маргарет хоним маслаҳат бериб.

Ҳар куни тоғам билан келинойимнинг ишдан келишига Ширин икковимиз тотлигина таом билан



турли пишириқлар ҳозирлаб қўямиз. Булар, албатта, ўзбекча таомлар ва Нурия опанинг ўқувхонасида ўрганган ширинликлар бўлади. Икковлари ҳам овқатни еб чарчоқлари чиқиб кетганини айтиб мақташади.

– Қўлинг бирам ширин эканки, Марям, мен ҳам шуларнинг ҳаммасини сендан ўрганиб олиш учун вақт ажратмасам бўлмайди. Ишга берилиб кетиб, бекалик вазифаларимни унутиб қўйганимни энди англаяман. Аслида аёл киши рўзгорни кўпроқ ўйлаши керак, – деди келинойим.

Кечки овқатдан кейин келинойим билан ярим соатча суҳбатлашиб ўтириш бизнинг кундалик одатимизга айланди. Тоғам эса дарров қоғозу китобларига мук тушарди.

– Сен Эъзоз тоғангдан хафа бўлма, Марям. У фақат дастурхон ёнида суҳбатлашишга вақт топади, холос, – деди келинойим. – Биз бу ерлик ҳамкасблар билан бир илмий лойиҳа устида биргаликда ишляпмиз. Шу ишни тезроқ якунлаб олсак, кейин Тошкентга қайтамиз. Шунинг учун кечаю кундуз ишлашимизга тўғри келади.

Келинойим ҳам компьютер рўпарасига ўтириб олиб, кўп нарсаларни ёзиб-чизади. Шу ишлар орасида мен учун ҳам жон куйдиради. Бир неча шифохоналар билан интернет ёрдамида гаплашди. “Ҳаммаси қандай бўлса, шундайлигича қолаверсин. Сизларни овора қилишни истамайман” дейишимга қарамасдан менинг бир нечта суратларимни докторларга юборди. Улардан қандайдир маслаҳатлар ҳам олиб турди. Лекин нима гаплар бўлаётганини менга тўлиқ айтиб бермасди. “Ҳадемай ҳаммаси яхши бўлади” деб нафис табассум билан кўнглимни кўтарувчи сўзларни айтарди, холос.

Бир куни келинойим айнаи чошгоҳ маҳали ишдан келди. Одатда у бундай вақтда ишда бўлиши керак эди. Мен Маргарет хоним билан бирга уйимиз яқинидаги хиёбонда Ширинни сайр қилдириб юрган эдим.

Кечагина қор ёғиб ўтган бўлса-да, ҳаво илиқ эди. Келинойим тезда қалинроқ кийиниб чиқишим зарурлигини, қайсидир докторнинг қабулига ёздириб қўйганини айтди. Кейин биз таксида шаҳар ичкарасига кириб бордик. Айтилган манзилга етганимиздан сўнг, унчалик катта бўлмаган бир шифохонага кирдик. Келинойим докторни топиб гаплашди. Ўша доктор яна бир ҳамкасби билан менинг эски жароҳатларимни синчиклаб кўздан кечирди. Бир нечта ускуналар билан текширишди. Компьютердан нималарнидир кўришди. Сўнгра маслаҳатлашиш учун ўзларининг хонасига кетишди. Маслаҳатга келинойимни ҳам чақиришди. Анчагина вақтдан кейин келинойим мамнун жилмайиб қайтиб келди. “Ҳамма ишлар биз хоҳлаганимиздай силжияпти. Насиб этса, даволанишга киришамиз, фақат байрамдан кейин”, – деди у. Олдинда янги йил байрами яқинлашиб келаётган эди.

Янги йилни кутиб оладиган кунимиз Эъзоз тоғам ҳаммамизни шаҳар марказидаги байрамлар майдонига олиб борди. Боягина учқунлаб турган қор майдонга етганимизда капалак қорга айланди. Ранг-баранг ўйинчоқлару чироқлар билан безатилган улкан арча атрофи одамлар билан гавжум эди. Улар ҳар хил тилларда гаплашишар, лекин юзларига балқиб чиққан шодликлари бир хил эди. Бутун майдон узра чироқлар порлар, ҳамон ёғаётган қор парчалари чироқлар шуъласида учиб ўйнаётган капалакларга ўхшарди. Чанаси қўш отга бойланган қорбобо билан қорқиз (бу ерликлар уларни бошқача аташар экан) майдон бўйлаб айланиб, ҳаммага совғалар улашишар, одамлар жўр бўлишиб, қувноқ қўшиқ куйлашар, рақсга тушишар, тинмай мушаклар отиларди. Ҳеч ким бегонасирамас, ҳамма аввал-азалдан қадрдондек бир-бирларини қутлашар, арча атрофида бир-бирларининг қўлларидан ушлаб, давра қуришарди. Мен чинакамига эртактлар

мамлакатига тушиб қолган каби байрам шукухидан сармаст бўлиб, уларни ҳайрат билан кузатардим. Назаримда, бу ерда фақат бахтли одамлар яшайдигандек, ҳеч бирининг ҳаётида ғам-ғуссаю ғубор йўқдек эди. Биз паға-паға ёғаётган қор остида майдонда сайр қилдик. Янги йил бонги чалинишига бир соатча қолганда уйга келдик. Байрамнинг қолганини иссиққина ижара уйимизда давом эттирдик. Ширин икковимиз завқимиз ичимизга сиғмай ҳовлида қорбўрон ўйнадик. Тоғам билан келинойим бизнинг қийқиришларимизни кузатиб, шавқ билан кулишарди. Кўчадан байрам қилаётган одамларнинг тантанали овозлари эшитилиб турибди. Кейин бутун оила байрамга атаб безатилган дастурхон атрофига жам бўлдик. Янги йил кирганини эслатувчи бонг чалинганда ҳаммамиз ўрнимиздан туриб, чапак чалдик. Бир-биримизни табрикладик. Ташқарида одамларнинг қувонч тўла ҳайқириқлари яна ҳам авж олди. Кетма-кет отилаётган турфа ранг мушакларнинг фараҳбахш ёғдуси дераза оша аввал уйимизга, сўнг юракларимизга кирди. Мен янги йилни умримда биринчи бор шундай кутиб олмоқда эдим. Бизнинг Боғишодда ҳеч қачон улкан арча безатилмаган. Уйимизга ҳам байрам шодлиги даярли кирмаган. Ҳар доим онам икковимиз ғарибгина дастурхон тузаб, жимгина янги йилни кутиб олганмиз ва шуни ўзимизча байрам ҳисоблаганмиз. Ўша кунлар эсимга тушди-ю, кўнглим тўлиб, кўзларимдан дарёдай тошиб чиққан ёшни бекитолмадим.

– Нега йиғлаяпсан, Марям? – дея келинойим мени кучоқлаб олди.

– Бу – шодликдан. Илгари ҳеч қачон бунчалар завққа тўла мўъжизавий оқшомни кўрмаган эдим. Ҳали уни бир неча кунлар ҳазм қилолмай юрсам керак.

Ҳаммалари кулиб юборишди. Эъзоз тоғам кулаётган бўлса ҳам, кўзларида икки томчи ёш милтираб

турарди. Келинойим қўлларимиздан тортиб, ўйнама-  
ганимизга қўймади.

– Бугун байрам, – деди у кўзларида қувонч чақнаб,  
– ҳамма андуҳларимизни бекитиб, янги йилга яшнаб  
турган юзларимизни тутайлик. Кейин йил бўйи шод-  
ликка тўла кунлар бизни қарши олади.

Биз тонг отгунча базм қилдик.

*Раббим, мендай ожиз бандангга шундай саодатли  
кунларни ҳам раво кўргангга абадул-абад шукрона-  
ларим бўлсин!*

\* \* \*

Янги йилнинг илк ҳафтасида келинойим таътилга  
чиқди. “Озгина ҳордиқ чиқармасам, ўзим ҳам лаборато-  
риянинг бир буюмига айланиб қоладиганга ўхшайман”,  
– дея кулди у. Лекин биламан, у таътилни мени деб ол-  
ган. Бечора келинойимнинг ишларига халақит бердим,  
деб хижолат бўлганим-бўлган. Бироқ у бир ишга ки-  
ришдими, охирига етказмасдан тинчимайдиганлар хи-  
лидан эди. Келинойим мен учун елиб-югурди. Кунора  
докторнинг ҳузурига маслаҳатга бориб турдик. Ҳар гал  
у ердан қайтишда бирозгина шаҳар айланардик. Қаҳва-  
хоналарга кириб, иссиққина қаҳва ичиб дам олардик.

Доктор охирги хулосаларини тайёрлаб, бизга бир  
талай қоғозларни берди. Унинг тавсияси билан кели-  
нойим иккимиз Мюнхенга жўнадик. Минг бир хаёл-  
ларни ўйлаб, юрагим ҳадикдан титрарди. Шу даҳма-  
заларнинг ўзи менга кераги бормиди, деб ўзимни ко-  
йийман. Кўнглимдан кечаётган гапларни келинойим  
дарров уқиб оларди. “Сен мутлақо хавотирга тушма,  
мен ҳар дақиқа ёнингда бўламан”, – дерди у. Мюнхен-  
даги шифохонада бизни соч-соқоли қордай оппоқ ну-  
роний доктор қабул қилди. Унинг юзи жиддий, нигоҳи  
эса совуқ туюлди. Келинойим у билан гаплашиб, ме-  
нинг туриш-турмушимни, ҳозирги аҳволимни обдон

тушунтирди. Франкфуртдаги доктор ҳам у билан анчагина маслаҳатлашган, кўпгина гаплардан хабардор қилган экан, суҳбат чоғида билиб олдим. Доктор мени ўзининг гапларига тушунмаяпти, деб ўйлади чамамда, аммо мен барини тушуниб турардим.

– Унга айтинг, курсига ётсин, – деди доктор келинойимга қараб.

– Қандай гапингиз бўлса, ўзимга буюраверинг, доктор, – дедим унинг тилида. Доктор ажаблангандек бир менга, бир келинойимга қаради ва жилмайиб қўйди.

– Операциядан қўрқмайсанми, қизалоқ? – деди у мулойимлик билан.

– Мен бу ерларга жуда ҳам олисдан келдим, муҳтарам доктор. Шу ергача келибманми, энди довдирашнинг ҳожати қолмаган бўлса керак, деб ўйлайман. Аввало, жонимнинг эгаси – яратган Эгамга, кейин сизга ишониб, таваккал қилишга жазм этишим керак. Ҳаётимда ниманидир ўзгартирмоқчи эканман, ҳар қандай оқибатга тайёр туришдан ўзга иложим ҳам йўқ, – дедим шу лаҳзада ўзимда ғайриоддий дадилликни сезиб.

– Баракалла, операция столига ётган беморнинг қўрқувни енгиши – бизнинг ишимизнинг деярли ярми битди, деган гап.

Юрагимдаги кечмишларнинг ҳаммаси операция куни аён бўлди. Мен сиртдан ўзимни қанчалик жасоратли қилиб кўрсатмайин, жарроҳлик курсисига ётганимда ичимда кўрқув ҳукмронлик қилаётганини ҳис этдим. Бечора келинойим, ўзини унутиб, мени кўпроқ ўйлаяпти. Тинмай елиб-югуради, ҳозир жон, деса жонини беришга ҳам тайёр. Бу шаҳарга келган кунимиз шифохонага яқин жойдаги меҳмонхонага жойлашган эдик. Ҳозир ўша ердан шифохонага қатнаб турибди. Кунни гоҳ палатада – менинг ёнимда, гоҳ шифохона йўлагига ўтказди. Операция бошланаётганда ҳам

ойна ортидан кўз узмай қараб турди. Ҳар доим кулиб турадиган чехрасида хавотир зоҳир бўлган, кафтларини маҳкам сиқиб, Худога илтижо қилаётганини пайқадим. Мен унинг қиёфасида онамни кўриб турардим. Жарроҳлар ўз ишларини бошлаганларида ҳам хаёлимда фақат онам бўлди. Эҳтимол, ҳозир шу ердан тўппа-тўғри онамнинг ёнига борарман, дея ўйладим. Жароҳатим буткул тузалишига, бирор яхши ўзгариш бўлишига ишонмаётганимдан ўзим хафа бўлиб кетдим. Шу ишга рози бўлиб тўғри қилдимми? Тоғам мени олиб кетаётганида операция ҳақида лом-мим демаган эди-ку. Ҳаммаси ўз ҳолича қолаверса, нима бўларди? Қишлоқда қолаверсам бўлмасмиди? Қариндошларим яқин вақтларда Тошкентга кетамиз, дейишяпти, кейин тез-тез кўришиб тураверардик. Ахир, Боғишоддагилар менинг бор афт-ангоримга ўрганиб кетишган, мен ҳам кўникиб қолган эдим. Шундай давом этаверганида ҳам бунинг нимаси ёмон? Оҳ, Боғишодни, у ердаги ўзим кўрган ва билган одамларни соғиндим. Ҳозир айна қиш. Кимсасиз қолган уйимиз печка ёқилмаганидан музлаб кетгандир. Ҳовлимиздаги қорлар куралмай қолган. Ҳар куни супадаги ушоқларни териб ейдиган мусичалар муз қотган ўрик шохларига қўниб, эшиги очилмаётган уйимизга ҳайрон қарашаётган бўлса керак. Сойимиз яхши, суви шарқираб оқишдан тўхтамайди. Аммо ҳозир унда итбалиқлар йўқ. Ҳозирок, шу лаҳзада дунё бир айланиб, болалик кунларимга қайтиб қолсам. Ёзнинг иссиқ кунларини сойда ўтказаётган бўлсам. Бу пайтда итбалиқлар кўп бўлади. Албатта, Анорни кўраман. Унга итбалиқларни ушлаб бераман. У хурсанд бўлади. Унинг хурсандлигини кўрсам, менинг ҳам дилим чоғ бўлади. Мана, докторлар ишга киришишди. Уларнинг темир асбоблари қулоғим остида шарақ-шуруқ товуш чиқараяпти. Майли, бўлар

иш бўлди, бир уриниб кўришсин. Операция яхши чиқ-  
маса ҳам, бирон бир ўзгариш қила олишмаса ҳам хафа  
бўлмайман. Тоғамдан ҳам, келинойимдан ҳам, мана  
бу жон койитаётган докторлардан ҳам мингдан-минг  
розиман – кўнглимга таскин берганлари, мени инсон  
деб эъзозлаганлари учун ҳам.

Операция қандай ўтгани, қанча давом этганини  
билолмадим. Чамамда, мен ғордаги айиқ сингари узоқ  
уйқуга кетган эдим. Балки, бир неча кун, ҳатто бир  
неча ой ухлагандирман. Юз-кўзларим боғлаб ташлан-  
ган. Аввалига, боқий оламга келдиммикан, деб ўйла-  
дим. Қўлларим билан атрофимни пайпаслаб кўриб,  
ҳали бу дунёда эканлигимни билдим. Қўлимни ушла-  
ган қўлларнинг тафтини сездим, бу келинойимнинг  
меҳрибон қўллари. Уни сира адаштиришим мумкин  
эмас. У унсиз йиғлаётган эди. Буни кўрмаётган бўл-  
сам-да, билинар-билинемас титраётган қўлларидан  
сезиб турибман. Кейин у менга овқат берди. Мен оғ-  
зимни қимирлатишга қўрқардим. Юзимда, танамнинг  
бошқа жойларидаги эски жароҳатларим ўрнида ҳам  
оғриқ сезилаётган эди. Қачон тонг отиб, қачон кун бо-  
таётганини билмасдим. Келинойим ёнимда ўтириб,  
кундан-кунга яхши бўлаётганимни, докторлар шун-  
дай деб тушунтиришганини айтиб турарди.

Ниҳоят юзимдаги боғламлар ечилган куни қар-  
шимда нуроний докторни кўрдим. Унинг мовий кўз-  
ларида хурсандлик аломатлари бор эди. У ҳали ўзим-  
ни уринтирмаслигимни, юзимга қўл теккизмаслигим-  
ни тайинлаб, қандайдир хушбўй исли дорини суртиб,  
юзимга ниқоб ёпиб қўйди. Яна бир неча кун шу ерда  
ётдим. Хайриятки, энди ёруғ дунёни кўриб турардим.  
Доктор ҳар куни кириб муолажа қилар, юзимдаги  
оғриқлар кундан-кунга пасайиб бормоқда эди. Бир  
куни доктор одатдагидай ёнимга ўтириб, ниқобни  
олди ва юзимга узоқ тикилиб турди. Менинг хаво-

тирли хаёлларга чўма бошлаганимни кўриб, мамнун жилмайганча чиқиб кетди. Кейин келинойим кирди. У менга яқинроқ келиб, юзимга қаттиқ тикилди. Ёнимга чўккалаб, кўлимни кафтлари орасига олди. Кўзларидан тирқираб ёш оқди. Лекин бир сўз демасди. Юрагимни баттар кўрқув қамради. У кўлимдан тортиб ўрнимдан турғизди. Палатадан чиқиб, йўлак майдончасидаги ойна олдига етаклади. Мен кўзларимни чирт юмиб олдим. Ойна олдига боргим келмасди. Келинойим эса етаклаб бораверди. “Агар операция яхши чиқмаган бўлса нима қиламан? Яна дард устига чипқон бўлади-да. Шунча оворагарчилик, сарф-харажат, вақт увол кетади. Буларнинг ҳаммасига ўзим айбдорман, деб ич-этимни еб адо бўламан” дея ўйлардим. “Қани, гўзаллик маликаси, кўзингни оч”, – деди келинойим, ойна олдида тўхтаганимиздан сўнг. Мен азбаройи кўрққанимдан ойнага тескари ўгирилиб кўзимни очдим. Келинойим елкамдан қучиб, юзимни ойнага қаратди. У ерда менга нотаниш бўлган бир қиз турарди. Унинг ёнида келинойим турганини билгач, бу қиз ўзим эканлигимни тушундим. Нималар рўй бераётганини англаёлмай бошим айланар, хаёлларим оний лаҳзада бутун оламни кезиб чиқаётган эди. Келинойимни қаттиқ қучиб, йиғлаб юбордим. Икковимиз ҳам кўз ёшларимизни тиёлмас эдик. Кейин докторнинг хонасига бордик.

– Доктор, ахир, бу мўъжиза-ку, – деди келинойим қувончини яширолмай. – Сиз чинакам сеҳргарсиз. Фақат сеҳргарлар мўъжиза ярата олади.

– Хоним, балки бу сизга ростдан ҳам мўъжизадек туюлаётгандир, аммо мен шунчаки ўз вазифамни ба- жардим, холос, – деди нуроний доктор худди ҳеч иш қилмагандай хотиржамлик билан.

Уйга қайтганимизда Ширин мени таниёлмай бир зум бегонасираб турди. “Аммангман, жоним, ўзинг-



нинг аммажонингман” деб қучганимдан сўнг овозимдан таниб, ёнимдан жилмай қолди. Эъзоз тоғам мени қучиб йиғлади, қувонди, кулди. Кейин келинойимга қараб: “Сен ростдан ҳам одамларга ҳаёт улашувчи меҳригиёсан, Ҳаёт. Сендан миннатдорман”, – деди.

*Тангрим, одамларнинг жамики яхши амаллари учун мукофотинг борлигига имон келтираман!*

\* \* \*

Энди кўзгуга қарашдан сира-сира кўрқмайман. Ҳатто кўзгу менинг энг кўп дийдорлашадиган сирдошиму суҳбатдошим бўлиб қолди. Неча йиллар у билан бегоналашиб юрдим. Гоҳ-гоҳ қарасам ҳам, шунчаки узоқроқдан кўз ташлаб кўярдим. Ҳозир ўша айриликда ўтган кунларнинг ҳиссасини чиқариб олаётгандекман. Эрталаб уйғонишим билан ойна олдига бораман. Юзимга, сочларимга, бўй-бастимга разм соламан. Бет-қўлларимни юваётиб ҳам ундан нигоҳимни олмайман. Вақти-вақти билан доктор тавсия қилган дориларни жароҳатдан халос бўлган юзимга суриб, сўнгра ўзимга ҳафсала билан оро бераман.

– Бизнинг маликамиз энди кўзгудан бошқа ҳеч ким билан гаплашмайдилар, – дея ҳазиллашади келинойим.

– Узр, келинойи, узоқ вақтлардан бери ойнани соғиниб қолган эканман. Ростдан ҳам энди у билан суҳбатимиз роса мароқли кечяпти, – дейман шўхлигим тутиб.

– Ойнанинг омади бор экан, ҳусну латофатда тенги йўқ жиянимни ўзига ром этиб олибди, – деб ҳазилимизга Эъзоз тоғам ҳам қўшилади.

Менинг юриш-туришимга эътибор бериш келинойимнинг кундалик энг муҳим ишлари қаторидан жой олган кўринади. У дам олиш кунлари мени шаҳар бўйлаб айлантирди. Дўконларга кирдик. У ердан мен Ширинга мос келадиган нарсаларни ахтардим. Ке-

линойим бўлса, менга мос нарсаларни қидираётган экан. У, қиммат бўлса ҳам, менга атаб чиройли кўйлақларни, бир неча рангдаги пойабзалларни, ҳатто мўйнали палто ҳам харид қилди. Мен яқинларимнинг меҳрибонликларидан ортиқча талтайиб кетмаяпманми, деб хижолат тортаётган эдим. “Тортинма, сен буларнинг барига муносибсан. Энди ҳамма нарсанг хусни жамолингу қадди-қоматингга мос бўлиши керак” деб келинойим менга далда берарди. Кейин гўзаллик пардозхонасига олиб борди. Сартарош қиз сочларимни кийимларимга мос қилиб турмаклади. Оҳ, бечора сочларим, неча йиллар рўмол остида патакдай бўлиб биқиниб ётган эди. Мана, улар чимматдан қутулган Шарқ аёллари сингари яйраб нафас олишмоқда. Зулматга маҳкум этилган шу шўрлик сочлар тонг маҳали шарқираган шаршарадек жилваланар экан-ку. Мен ҳамон ўз-ўзимни таниёлмай қийналардим. Хаёлимда ўзимни бошқа вужудда кўраётгандекман. Аввалги вужудим армон билан омонатини топширган-у, мен қайтадан туғилиб, ўзга вужудда пайдо бўлиб қолганга ўхшайман.

– Сиз кундан-кунга мафтункор бўлиб кетяпсиз, Мария, – деди Маргарет хоним уйимизга келганида. – Сизга жудаям ҳавасим келяпти. Бундай жозибали қоматни ҳушёрлик билан сақлаш керак.

У менга сумкани қандай тутиш, баландроқ пошнали пойабзал кийганда қандай қадам ташлаш, қоматни қай тарзда тик тутиб юриш ҳақида эринмасдан сабоқ бера бошлади. Бундай ҳаракатлар менга қандайдир эриш туюлса-да, аммо унинг айтганларини қилганимдан кейин қаддим кўтарилиб, ўзимни яна ҳам дадил тутаётганимни сездим.

Баҳорнинг илиқ кунлари бошланганда дам олиш учун оиламиз билан Парижга отландик. Бир кун келиб бу офатижон шаҳарга пойқадамим етишини хаёлимга ҳам келтирмаганман, тушимга ҳам кирмаган. Бу

бус-бутун мўъжиза. Аслида бизнинг Боғишодимиз қаёқда-ю, Париж қаерда. Ҳали ўзимизнинг Самарқандни бориб кўролмаган мендай қизнинг Париж кўчаларида юриши афсонанинг ўзгинаси. Бу шаҳарнинг рамзига айланган кўҳна минора ёнига борганимизда Ширин икковимиз хумордан чиққунча ўйнадик. Болалигимда армон бўлиб қолган тўптош ўйинини Ширинга ўргатмоқчи эдим. Эҳ-ҳе, бу озода шаҳарда беш-ўнтача майда тошни топиш ҳам даргумон экан. Кейин Эйфел минораси ёнида роса суратларга тушдик. Истироҳат боғига борганимизда ҳам бир дунё суратга тушдик. Энди мен сураткашнинг мажбурлашини кутиб ўтирмасдан, ўз ихтиёрим билан суратга тушишни жуда-жуда хоҳлаётган эдим. Тоғамни, келинойимни, Ширинни қучиб тушдим. Яқинларинг билан завққа тўлиб яшаш қандай мароқли. Ширин ҳайвонот боғига боришни истади. Тоғам жон деб бизни у ерга олиб борди. Ҳайвонот боғининг манзараси беҳад гўзал эди. Ҳали дов-дарахтлар уйғонгач, яна ҳам бошқача бўлиб кетса керак. Одамлар гавжум эди. Ҳар ким ўзига ёққан жонивор олдида тўхтаб, томоша қилмоқда. Ширин ойнаванд қафасга солинган маймунлар қаршисида туриб, қиқирлаб кулмоқда эди. Мен эса бу бечораларни томоша қилишни истамасдим, ҳатто ойнажомлар ичида бамайлихотир сузиб юрган турфа ранг балиқларни ҳам. Уларга қарасам, бир пайтлар мени одамлар қандай томоша қилганлари, кимдир ачиниб, кимдир ижирғаниб қарагани, бундай қарашлардан хўрлигим келиб, юрагим зада бўлгани ёдимга тушаверди.

– Марям, нега маъюс бўлиб қолдинг? Сенга бу ер ёқмадими? – деди келинойим аҳволимни дарров илғаб.

– Шунчаки, мен бундай томошаларни унчалик шушламайман, – дедим. Лекин Шириннинг қувончу ҳайратига халақит бергим келмасди.

Париждаги икки кунлик саёхатимизда жонли эр-таклар ичида яшагандек бўлдим. У ерда тушган суратларимизни томоша қилиб тўймайман. Франкфуртга қайтганимиздан кейин ҳам суратлар солинган албомни ёстиғим ёнига қўйиб ётадиган бўлдим.

Тоғам билан келинойимнинг бу ердаги ишлари яқунлангунча яна икки йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Мен бу пайтда нон маҳсулотлари цехида ишладим. Биз шундай лаззатли нонлар, ширинликлар тайёрлар эдикки, ҳатто ҳидидан маст бўлиш мумкин эди. Бу ерда ҳамма нарса муҳайё. Вақтида ишлаб, вақтида дам оламан. Дам олиш кунлари ҳордиқ чиқарай десам, дўконлар, театрлар, боғлар – ҳаммаси бор. Қиш учун ўтин ғамлаш, хамир қориш учун қоп орқалаб тегирмонга бориш каби ташвишлар йўқ. Аммо шундай бўлса ҳам, негадир Боғишодни соғиндим. Ғарибгина ҳовлимиз, онам иккимиз нон ёпган тандир, ёзда итбалиқлари кўп бўладиган сойимиз – бари-барини кўргим келаверди. Тошкентга қайтадиган кунимиз яқинлашгани сари соғинчдан юрагим баттар орзиқиб кетаверди.

\* \* \*

– Марям, агар қишлоқни шунчалик соғинган экансан, майли, бориб бир хумордан чиққунча айланиб кел, – деди Эъзоз тоғам Тошкентга келганимиздан сўнг. – Тушунаман, ҳар ҳолда, ўзинг катта бўлган жой, дўст-қадрдонларинг бордир. Мен сен билан бирга бориб келаман. Сенинг баҳонангда қишлоқ ҳавосидан нафас оламан.

– Йўқ, тоға, сизни бошқа овора қилишни хоҳламайман. Ўзим бора оламан.

– Ундай бўлса, ўзинг биласан, лекин у ерда узоқ қолиб кетмасан деб ўйлайман. Тезроқ қайтиб келишинг керак. Биз бир оиламиз, энди бу ерда бирга яшаймиз.

– Ўйлаб кўраман, аввал бориб кўрай, уйимизни жуда соғиндим.

– Барибир сени ёлғиз юборолмаймиз, Марям. Балки, мени ҳамроҳ қилиб оларсан? – деди келинойим.

– Ўзимнинг меҳрибон келинойижоним-ей, мени бўри ермиди? Кап-катта одамман. Мабодо Боғишодда қолиб кетадиган бўлсам ҳам, сизларни хабардор қиламан. Мен, албатта келаман. Ҳали ўқишга тайёрланишим керак, университетга кирмоқчиман.

– Буни яхши ўйлабсан, унда тезда бор-у, қайт.

Автобусда кетяпман-у, Боғишодга яқинлашганимиз сайин юрагим тез-тез ура бошлади. Қирларни қоплаган ям-яшил майсаларнинг исларини туйгандай бўлаяпман. Қизғалдоқлар очилганидан қип-қизил тусга кирган адирларга қараб, кўзим қувнайди. Тупроқ йўлли кўчамизни ҳам, деворлари ёмғирлардан нураган уйимизни ҳам, ҳозир айна қийғос гуллаган ўрикларимизни ҳам тезроқ кўргим келаяпти. Ҳатто мени ўйинларига қўшмаган қизларни ҳам узоқдан бўлса-да, кўришни хоҳлаяпман. Майли, мени яккалашса ҳам, инсон қаторига қўшишмаса ҳам, барибир уларни қаттиқ соғинаяпман.

Кўча эшигимиз негадир очиқ қолибди. Кетаётганимизда мен унга қулф осиб қўйган эдим. Ҳовли ҳам супурилган. Лекин қолган ҳаммаси жой-жойида турибди, айтарли ҳеч нарса ўзгармаган. Ҳовлимизни ўраб турган деворлар яна бироз нурабди, бироқ хайрият, қуламабди. Сомонхона деворидаги ўша дахшатли алангадан қолган қора доғлар ҳамон ўчмаган, худди юрагимдаги доғ каби сақланиб турибди. Шу қора куя ҳар доимгидек яна кўрқинчли кунни, бечора мушукчаларни эсимга солди. Улар жудаям чиройли ва буткул ҳимоясиз эди. Шуларни эслаб, бир дам ҳовли ўртасида серрайиб қолдим. Ичкаридан чиққан ёшгина жувон хаёлимни бўлди.

– Келинг, сизга бирон ким керакми? – деди у янги, гулдор рўмолини тўғрилаб. Эгнидаги атлас кўйлагу пойчаси ўзига ярашиб турган эди.

– Мен шу уйда яшайман... тўғрироғи, яшар эдим, – дедим бу жувонни таниёлмай ҳайрон бўлиб. У гапимдан ажабланди.

– Сиз адашиб кириб қолганга ўхшайсиз. Мен келин бўлиб тушганимдан бери шу ерда яшаймиз, бу бизнинг уйимиз.

Ҳеч нарсага тушунолмай, бошим гангиб қолди. Ошхона томондан бир одам кўринди, биз томонга қараб аста-аста қадам ташлаб келаверди. Аввалига бу одамнинг кимлигини билолмадим, чуқурроқ разм солганимдан кейин отамни танидим. Сочларининг ярми оқариб, ярми тўкилган, юзлари сўлғин, қошлари ўсган, манглайини шудгор қилингандай ажин босган, қадди букилган, бутунлай абгор аҳволда эди. Ҳаммага кўрсатиб қўяман, деб олисга кетган бу одамнинг ўзи ҳамма кўргиликларни кўриб келганга ўхшайди. У мени танимаганидан яқинроқ келиб, хира тортган кўзларини қисиб қаради. Жувон эса югуриб уйга кириб кетди.

– Сизга ким керак? – деди отам хаста овозда.

– Мен... Марямман, – дедим бўшашиб.

– Марям? – отам таърифлаб бўлмас даражада ҳайратга тушди. Атрофга аланглади, юзимга қайта-қайта тикилди. – Ахир, сен...

– Ҳа, мен бошқача эдим, энди бошқа қиз бўлиб келдим. Дунёда шундай мўъжизалар ҳам бўлар экан, ота, – дедим ниҳоят, ўзимни қўлга олиб.

– Сен қаерларда юрган эдинг?

– Сиздан ҳам олисларда. Мана, қайтиб келдим. Лекин менинг қайтишим сизникидан бошқачароқ бўлган кўринади.

Бояги аёл яна уйдан ҳовлиқиб чиқди. Унинг ортидан уйқусираган Донабой кўринди. У қовоқларини уқалаб, менга яқинлашиб келди.

– Ким экан, нима иши бор экан? – деди у кўзларини очолмай, отамга қараб.

– Марям экан, – дея отам йўталиб жавоб берди.

– Нима? – Донабойнинг кўзлари катта-катта очилди.

Мен ҳам унга ҳайрон бўлиб қарамоқда эдим. Энди у аввалги отасига думдек эргашиб юрадиган Дониш эмас, бинойидай одам бўлиб қолибди. Фақат бурни остидаги икки ирмоқ ҳамон тўхтамабди, чамамда. Уйга кирганимиздан кейин Донишдан ҳамма гапни билиб олдим. Отам мусофирчиликдан қайтиб келганидан сўнг қарзларини тўлай олмай, Соли амакига уйимизни бериб қутулибди. Соли амаки Донабойни уйлантириб, шу уйга жойлаштирибди. Отам эса ўчоқхонамиз орқасидаги туршак, буғдой сингари нарсалар сақланадиган ертўлани оз-моз саранжомлаб, ўша ерда яшаётган экан.

– Сен ҳам бемалол биз билан яшайвер, – деди Донабой уйнинг хўжайини энди ўзи эканлигини билдириб кўяётгандек. – Қиз боласан, барибир, ҳадемай эрга тегиб кетасан. Жудаям ўзгариб кетибсан, бу кўринишингда бозоринг чаққон бўлади-ёв.

Мен ҳеч нарсага парво қилмай, собиқ бўлса ҳам ўзимизнинг уйимизда яшай бошладим. Отам қилар ишни қилиб бўлган, мен жон койитганим билан ўзгариб қолармиди. Ҳар балога қуюнавериб қуйиб бўлганман. У кунлар ортда қолди. Энди ҳаётга кулиб қарашни келинойимдан ўрганиб олганман.

Менинг қайтиб келганим шу куниёқ бутун Боғишодга овоза бўлган экан. Эртасига биринчи бўлиб Соли амаки келди.

– Чироғим, сенга чет элнинг ҳавоси ёқибди, ойпарчадай қиз бўлибсан. Йўл-йўригини айтсанг, момонг-

ниям бир жўнатиб олсакмикан ўша ёқларга, – деди у. – Энди совчилар келавериб бўсағанинг чангини чиқариб юбормаса гўрга эди. Шопўлат шошқалоқлик қилиб дуч келганга ортқилаб жўнатмасин. Совчи келса, мени чақиринглар, ўзим куёв танлайман. Энг яқин қариндошларинг менман, ахир. Уруғимизнинг кайвониси ҳам ўзим. Савоб учун юрган одамман. Сизларга қайишмасам, кимга қайишаман?

Кейин Дилобар хола ҳовлиқиб келди. Мен уни соғинганимдан кучоқлаб олмоқчи бўлдим. Лекин у биллур идишга беҳосдан тегиб кетиб синдириб қўйишдан қўрққандек ўзини тортди. Ёқасини ушлаб, кўзларига ишонмасди. Гўё янги тиктирган кўйлагини кўздан кечираётгандек ҳар тарафимдан гир айланиб томоша қилди.

– Ростдан ҳам бу сенмисан, Марям? Одамнинг ақли шошиб қоларкан. Давосиз дарднинг ўзи йўқ, дейишарди, тўғри экан, – деб ҳамшира хола ҳануз нима қилишини билмасди.

Боғишодлик мен таниган ва танимаган одамлар ҳар хил баҳоналар билан ҳовлимизга келаверадиган бўлиб қолишди. Эшик тақиллаган заҳоти гоҳ Дониш, гоҳ хотини ёки отам қарайди. Келувчилар, биров жавоб бермаса ҳам, тап тортмай ичкарига қадам қўйишарди. Охири отам чорпояни кўча эшикка рўпара қилиб қўйиб, келган-кетганни кузатиб ўтирадиган бўлди. Остона ҳатлаб кирганлар менга бир кўз ташламасдан кетгилари келмасди. Уларнинг қайси бири совчиликка-ю, қайсилари шунчаки томошага келганини мен билолмайман. Соли амаки ҳам ҳар куни бир келиб кетади. Отамга насиҳат қилиб, бир нарсаларни тушунтиргандай бўлади. Отам эса ранги унниқиб кетган дўпписи қийшайиб, қўлини кўксига қўйиб, индамай кулоқ туттади.



Собиқ синфдошларим келганини эшитганимда ичимга сиғмай кетдим. Улар уйимизга киришга ийманиб, эшик олдида кутиб туришарди. Югуриб чиқдим. Гулнора, Турсуной, Ҳожия, кўпчилиги келган, фақат Санобар кўринмасди. Улар мени ўраб олишди. Гир айланиб қарашар, сочларимни, кўйлагимни эҳтиёткорлик билан ушлаб кўришар, ҳайратдан гоҳ нафаслари ичларига тушиб, гоҳ бир-бирларига гал бермай чуғурлашишар, қай бирининг гапига жавоб беришни билмай ҳалак эдим.

– Вой, Марям, дугонажон, сени чет элга бориб Мария бўлиб келибди, дейишса ишонмаган эдим. Ростдан ҳам таниб бўлмайдигандай ўзгарибсан, – деди Гулнора. – Йўлини айт, дугонажон, мен ҳам ўша ёқларга бориб, Гуля бўлиб келай.

Ҳаммамиз қийқиришиб кулишдик.

– Ўзи қаерларда бўлдинг, Марка, вой ўлай, Мария, гапириб бер, – деди Турсуной.

– Кўчада гапириб бераманми, уйга киринглар, – деб уларнинг қўлларидан тортдим.

– Йўғ-е, Мария, ҳозир айни экин-тикин вақти, ҳаммамиз далада ишляпмиз. Тушлик вақтидан фойдаланиб, ўзимиз келишиб, уйдагилардан яширинча сенинг олдинга келдик. Одамларнинг ҳар хил гапларини эшитгандан кўра кўзимиз билан кўрайлик, дедик-да. Энди тезроқ далага қайтиб боришимиз керак, – дея Гулнора атрофга ўғринча қараб олди. – Хўп десанг, эртага саҳар пайтида яна келамиз. Қир ортига бориб, қуёш чиқишини томоша қиламиз. Илгари биз кўп марта томоша қилганмиз.

– Эрталаб қабристонга бормоқчи эдим, ҳали келганимдан бери онамнинг қабрини зиёрат қилолмадим.

– Унда жуда соз, биз ҳам қабристонга сен билан бирга борамиз, келишдикми?

– Майли.

– Ҳа, айтганча, чет элда тушган расмларинг бўлса, ўзинг билан олиб ол, бизга кўрсатасан.

Кечаси билан ёмғир шитирлади. Эрталаб ҳовлига чиққанимда салқин шабада эсаётган, осмон ниҳоятда тиниқ эди. Қизлар айтган вақтларида келишди. Биргалашиб аввал қабристонга бордик. Бутун қабристонни ям-яшил ўт-ўланлар, чучмомалару қизғалдоқлар қоплаган, ҳавонинг мусаффолигидан чор атроф хушбўй исларга бурканган эди. Онамнинг қабри қаровсиз қолиб, янтоқлар қоплаганмикан, деган хавотирда эдим. Бироқ онамнинг ҳам, ёнидаги Офтоб момонинг ҳам қабрлари бир хил тозаланган, иккала қабр устидан ҳам қизғалдоқлар униб чиққан, ҳатто улар ёнига икки туп қайрағоч экиб қўйилибди. Булар Одил буванинг ёки набираларининг иши бўлса керак, кўриб кўнглим ёришди. Онам билан Офтоб момонинг ҳақларига дуо ўқидим. Қизлар пичирлашиб менга қўшилишди. Кўзларимга ёш келганда улар ҳам унларини чиқармай йиғлашди. Қизларнинг бундай тақлидлари менга сохта иш бўлиб туюлар, негадир тинмай ғашим келарди. Кейин қир ортидаги адирга бордик. О, бу қадрдон ерларда қачонлардир бир ўзим тентираб, исмалоқлар териб юрардим. Баттол овчининг ўқиға учраган бечора турналар хануз кўз олдимдан кетмайди. Ўша машъум кундан сўнг бу ерда турналарни бошқа учратолмадим.

Уфқ қизараётган, лекин ҳали офтоб жамолини кўрсатмаган эди. Қизлар билан қуёш чиқишини кутиб ўтирдик. Улар менинг альбомимни очиб, чет элда тушган суратларимни томоша қилишга киришиб кетишди. Парижда тушганларимга бири ишониб, бири ишонмасди.

– Қизлар, нега Санобар кўринмайди, қаерда у? – сўрадим дабдурустдан ёдимга тушиб. Негадир шу тобда уни кўргим келиб кетди.

– Э, у бояқишга қийин, – деди Турсуной. – Эри жудаям золим чиқди. Уйидан бир қадам ҳам ташқарига

йўлатмайди. Эртаю кеч томорқада қулдай ишлатгани-ишлатган. Бойўғлига ўхшамай ўлгур, тўй куни дуппа-дуруст кўринган эди. Одамнинг оласи ичида экан-да.

– У шу ердами?

– Ҳа, шу ерда, Боғишодда яшаяпти, бошқа қаёққа ҳам борарди.

– Куёвболанинг шаҳарда уйи бор, тўйдан сўнг кўчиб кетишади, дейишган эди-ку.

– Шаҳардаги уйи унинг чет элда мусофирликда ишлаб юрган укасиники экан. Ўша уйда Санобарнинг эри ҳеч қаерда ишламай, укаси юбориб турган пулларнинг бир четидан еб, ялло қилиб яшаб юрган экан. Ҳатто бир аёл билан никоҳсиз яшаркан, боласи ҳам бор, дейишди. Укаси чет элдан қайтиб келгач, гўрсўхта акасини келгинди хотини билан уйдан чиқариб юборган. Ака бўлмиш сўппайиб қишлоққа қайтиб келди. Сирлар сандиғи очилганидан кейин Санобар дунёни бошига кўтариб кўрди. Лекин ҳеч нарса қилолмади. Қайтага сал бўлмаса, калтак остида қолиб ўлиб кетай деди. Энди эса тақдирга тан бериб, эр-хотин қўш хўкиз бўлиб, бешиқда боласи, елкада кетмони билан юрибди. Шунақаларни кўрганингдан кейин уйингга совчи келса, юрагинг безиллайдиган бўлиб қоларкан.

– Қизлар, қаранглар, қуёш чиқаяпти, – дея қичқирди Ҳожия.

Бепоеъ адирлар ортида қуёш аста-секин кўрина бошлади. Унинг илиқ тафти этларимизни жимирлатди.

*Парвардигор, қани эди бандаларинг бағридаги юрак аталмиш улкан тоғ ортидан ҳам ҳар тонг қуёш балқиб чиқса!*

\* \* \*

Уйда ўтиравериб яна нафасим бўғилаётгандек туюлди. Эски одатимга кўра, сахарлаб Узумзорга жўнадим. Аввал ўзим ишлаган идорага бораман, кейин

Нурия опани бориб кўраман, деб режа қилдим. Идорадагилар мени эсдан чиқариб юборган бўлишса ҳам, лекин идорада мен эслайдиган, мен соғинган одамлар ҳам бор. Одатдагидек, ҳали ходимлардан ҳеч ким ишга келмаган, Ҳайдар бува эса дарахтларнинг тагларини юмшатиб, шохларини тартиблаб қўйибди. Бироқ идора ҳовлиси, йўлақлар супурилмаганлиги кўриниб турибди. Фаррош ҳали келмадимикан ёки мендан сўнг бошқа фаррош олишмаганмикан, деб ўйладим. Ҳозироқ супургини олиб келиб ўзим супуриб қўйишга ҳам тайёр эдим. Ичкари ҳовлига ўтмоқчи бўлиб турганимда йўлақда Ҳайдар бува пайдо бўлди. У менга бир-икки қараб қўйди.

– Катталар ҳализамон келиб қолишади, ичкарига кириб ўтириб турунг, синглим, – деди у мен томонга уч-тўрт қадам ташлаб.

Мен салом бериб, кулиб туравердим. Ҳайдар бува мени танимади, аммо ўз исмини эшитиб, ҳайрон бўлиб қаради.

– Синглим, сизни таниёлмадим, шаҳардан келган текширувчилардан бўлсангиз керак?

– Марямман, Ҳайдар бува.

Ҳайдар бувани ишонтириш осон бўлмади. Қай юртларга борганим-у, нималарни бошимдан кечирганимни бир бошидан ҳикоя қилиб бердим.

– Ҳозир ҳамма ишнинг иложи топилади, деганларича бор экан, – деди бува. – Мўъжизага ўхшаган нарсаларни ҳаётимда кўп кўрдим-у, лекин... омадингиз бор экан, қизим.

– Нега мени сизлаяпсиз, бува, ҳар доимгидек сенлаб гапираверинг. Ахир, ўзингизнинг қизингиздайман-ку.

– Шундай-ку-я, лекин... барибир қандайдир, ноқулай.

Ҳайдар бува билан суҳбатимиз илгаригидай қовушмади. Саломат опа билан ҳам деярли шундай бўлди. У мени қаерга ўтқизишни билмасди. Кейин стол

ёнига таклиф қилиб, қўярда-қўймай дастурхон ёзди. Бисотида нимаики мазали егулик бўлса, дастурхонга қўяр, чой қуйиб узатар, бирпас ўтириб гаплашолмай типирчиларди. Мен эса бундай мулозаматга кўниколмамай, хижолатда қолиб қийналардим.

– Қойил қилибсиз, Марям, синглим, ҳамманинг оғзига урибсиз. Сизни менсимаганлар паст бўлади энди. Биз ғарибларни эслаб келганингиздан, писанд этганингиздан бошим осмонга етди. Кечқурун бизникида қолинг, сизни меҳмон қиламан, бу ердаги ўтиришимиздан кўнглим тўлмаяпти.

– Иложим йўқ, кетишим керак, – дедим тарвузим қўлтиғимдан тушиб.

Ошхонада нафасим бўғилди. Ташқарига чиқиб, олма шохидаги нафис ва беғубор гулларини ҳидладим. Деразадан ходимлар галма-галдан мен томонга қарашаётганлигини пайқаб қолдим.

– Марямжон, – дея деразадан кимдир чақиргандай бўлди. Жаннат опа экан. – Ўзингизмисиз? Нега у ерда турибсиз? Бу ёққа чиқинг.

Жаннат опа мендан кўз узолмай қолди. Лапанглаб қоғозларини йиғиштирар, стол-стулларнинг чангини артиб, менга ўтириш учун жой ҳозирлар, қаёқларга борганим-у, қачон келганимни суриштириб, тинмай юз-кўзларим билан кийимларимни мақтар эди.

– Одамнинг бошига омад қуши қўнаман деса, ҳеч гап эмас экан. Бировга эрта, бировга кеч. Бу ёғига ишларингиз юришиб кетадиганга ўхшайди, сингилжоним, кўнглим сезиб турибди, – деб куйиб-пишарди Жаннат опа. Ходимлар ҳар хил баҳоналар билан эшикдан мўра-лаб кетишаётган эди. – Бошлиқ энди сизга ҳар қандай ишни бемалол бериши мумкин, мен у кишини яхши биламан. Лекин менинг жойимни таклиф қилса, унамай туринг, илтимос. Пенсияга чиқишимга озгина қолди. –

Тўсатдан телефон жиринглади. Жаннат опа ҳовлиқиб гўшакни кўтариб, қисқагина гаплашди. – Ана, айтмадимми, бошлиқ чақиряпти. Албатта, сизнинг ишингиз бўйича гаплашса керак. Янгиликни эшитган заҳоти ишга киришганини қаранг, эътиборли одам-да. Мен бошлиқнинг феълини биламан. Марямжон, сингилжоним, илтимосим эсингизда турсин. Сиз шу ерда ўтириб туринг, мен дарров бориб келаман.

Жаннат опа лапанглаб бошлиқнинг олдига кетди. Бу ер тор ва диққинафас эди. Йўлакка чиқиб, кутиш йўлагидаги ўриндиққа ўтириб Жаннат опани кута бошладим. Ходимлар тинмай у ёқдан-бу ёққа ўтишар, менга еб кўйгудек тикилишар эди. Кутилмаганда Неляхон ўз хонасидан чиқиб келиб, рўпарамда таққа тўхтади. Ўзга сайёралик мавжудотни кўргандай бир лаҳза қотиб қолди.

– Сиз ростдан ҳам бизда фаррош бўлиб ишлаган ўша қизмисиз? – деди у ниҳоят дудуқланиб.

– Нима эди? – дедим пинагимни бузмай.

– Бу... қандай рўй бериши мумкин? Ахир... кўзларимга ишонмайман. Умуман, бўлиши мумкин эмас.

Кейин у хонасида телефон жиринглаганини эшитиб, яна югуриб кетди. Бирпасдан кейин Жаннат опа хурсанд бўлиб бошлиқнинг хонасидан чиқиб келди. Қўлимдан ушлаб, яна ўзининг каталакдай хонасига етаклади.

– Айтдим-ку, мен бошлиғимизнинг феълини биламан, деб. Сизни, яна бизда ишлармикан, деб сўради. Ҳа, дедим. “Фаррошликка олсак уят бўлар, ўзига ёққан бошқа ҳар қандай ишни айтсин, шу бугуноқ оламиз”, – деди. Омадингиз чопгани шу-да, сингилжоним. – У оғзини кафтининг орқаси билан бекитиб шивирлади. – “Иложи бориचा иш юритувчиликни сўраб кўринг”, – деди.

Мен бутунлай гангиб қолдим.

– Нима, иш юритувчи? Унда Неляхон-чи?

– Э, уни ўйлаб нима қиласиз. У анчадан бери ишни эплай олмай, бошлиқнинг ғашига тегиб юрибди. Ўша жойга сиз муносибсиз, Марямжон. Бошлиқнинг кайфияти чоғ пайтида отингизни қамчилаб қолинг. Бу ишга унинг ўзи сизни таклиф қилиб турганда фурсатни бой берманг. “Яхшилаб ўйлаб кўриб, олдимга кирсин, сиз дарров буйруқ тайёрлайсиз”, – деди. Мана, йўлингиз ўз-ўзидан очилиб кетаяпти, сингилжоним.

– Билмадим... ҳозир нима дейишим мумкин? Томдан тараша тушгандай...

– Хўп, деяверинг, ҳозироқ бошлиқ қабул қилади. Хоҳласангиз, шу бугундан ишни бошлайсиз.

– Ўйлаб кўраман, – дедим ниҳоят хушёр тортиб.

Одамларнинг бунчалик тез ўзгариб қолиши хаёлимга ҳам келмаган эди. Кўнглим бузилди.

Йўлакка чиққанимда ходимлар тўп-тўп бўлиб суҳбатлашиб туришган, назаримда, бу даргоҳда эрталабдан шивир-шивирлар урчигандан-урчиб, ходимлар ишларини тўхтатиб, жамоли ўзгарган бир қизни ўз кўзлари билан кўришга муштоқ бўлиб туришганлигини тушундим. Мен яна ҳамма жойда одамларга томоша бўлиб қолаётганимни сезиб, юрагим тилка-пора бўлди. Оҳ, бунчалар томошаталаб, бунчалар бешафқат бўлмаса бу одамлар. Наҳотки, бир умр одамларга эрмак бўлиб ўтсам? Ахир, мен ҳам одамман, томошақовоқ эмасман-ку!

Кўз ёшларимни ичимга ютиб, Нурия опанинг ўқувхонасига бордим. Меҳрибон аёл билан озгина суҳбатлашибоқ ғуборим тарқалишини ўйлаётган эдим. Лекин аксига олиб, ўқувхона эшиги қулфланган, атрофда ҳеч ким кўринмас эди. Барибир Нурия опани кўриб кетишим керак. Уларнинг уйига бориб, эшикни тақиллатдим. Ичкаридан ёшгина, хушрўйгина бир аёл чиқди.

– Нурия опа уйдами? Ишхонасига борсам, негадир ҳеч ким йўқ экан, – дедим саломлашиб.

– Қизлар мактабини айтаяпсизми? У ернинг ёпилганига анча бўлган.

– Ёпилган? Нега ёпилади?

– Ишлашга кўйишмади. Ҳар турли идоралардан келиб текшираверишди, текшираверишди, охири ёпилди. Ўзингиз ким бўласиз?

– У кишининг шогирди, Марямман. Нурия опани кўрсам бўладими?

– Улар оиласи билан чўлга кўчиб кетишган. Ўша ёқларда пахта экиб, деҳқончилик қилишаркан. Биз узоқроқ қариндоши бўламиз, уйларига қараб турибмиз.

Бошқа ҳеч ким билан кўришиш ҳам, гаплашиш ҳам кўнглимга сиғмай қолди. Не-не умидлару соғинчлар етаклаган эди мени бу ерларга. Афсус, ўйлаганларимнинг бари тескари чиқиб, дилим вайрон бўлиб Боғишодга қайтдим.

Отам ҳовлида нима қилаётганини ўзи ҳам билмай тимискиланиб юрибди. Кўчага деярли чиқмайди. Аввалги улфатчиликлар, маст бўлиб келишлар ўтмишда қолганга ўхшайди. Энди эски ошналари ҳам уни йўқламай кўйганидан ўзи билан ўзи гаплашадиган бўлиб қолган. Донабойнинг ҳам, хотинининг ҳам у билан ишлари йўқ. Ҳатто Донабой онам билан иккимиз ҳар йили сабзи, пиёз, картошка экадиган еримизга бирон уруғ қадамаган, ўша-ўша танбаллигича яшаётган эди. Уларга қараб туриб, зерикишдан тарс ёрилай дейман. Кечгача сойга тушиб, сув кечдим. Сой ёқасидаги ялпизлар ҳеч ким термаганидан қамишдай ўсиб кетибди. Уларга термилиб, болалик кунларимни эслаб ўтирдим. Анор совға қилган китобчадаги дуоларни ёддан такрор-такрор ўқигим келарди. О, кўзлари беғубор, қувноқ болакай, қаердасан ўзинг, болалик қадрдоним?

Шом қоронғисида кимдир кўча эшикдан ўғринча



мўралаб, шивирлаган овозда исмимни айтиб чақирди. Ғира-ширада қандайдир хотин киши эканлигини илғадим. Яқинроқ борганимда ҳам уни таниёлмадим.

– Кимсиз? – дедим юрагим дукиллаб.

– Мен, Санобарман, дугонажон, – деди у яна шивирлаб.

– Ие, Санобар, нега пичирлаяпсан? Кел, ичкарига кир.

– Йўқ, киролмайман. Сувни баҳона қилиб чиққан эдим, уйдагилар бу ёққа келганимни билишмайди. Сени бир кўриб кетай дедим-да, дугонажон. Ростдан ҳам бир қошиқ сув билан ютиб юборадиган қиз бўлибсан, Марям. Кўриб, хурсандлигим ичимга сиғмаяпти.

Санобар яқинроқ келиб юзимга тикилар, ноёб буюмни қўққисдан учратиб қолгандек атрофимда айланиб, суқланиб қарарди. У сираям ўзига ўхшамасди. Ёшгина бўла туриб букчайиб қолган, ҳаллослаб чопиб келган бўлса керак, рўмоли бошининг ярмига тушиб, хира тортган сочлари тўзғиган, юзи офтобда қорайиб куйган, лаблари ёрилган, қўлларини яра-чақа босган, абгор бир аҳволда эди. Турмушидан рўшнолик кўрмаган бу аёлни танимаган одам бир кўришда кампир деб ўйларди. Яхшилаб разм солсам, юзларини доғ босган, чап қовоғи қоп-қорайиб кетган экан. Унга раҳмим келиб кетди. Шу аёлни яқиндагина осмондаги ойдай ярақлаб турган Санобар эди, деса биров ишонмас, деб ўйлайман. Инсон боласининг калтакланган дайди итдай бунчалар хўрланишини тасаввур ҳам қилолмасдим.

– Вой, Марям, икковимиз қандай яхши дугона эдиг-а, – деб у ҳамон тинмай жаврарди. – Шунинг учун ҳам сени бир кўриб кетмасам сабрим чидамади. Эшитдим, қизларга расмларингни кўрсатибсан, ҳамма ҳавас қиляпти. Менга ҳам бирон кун расмларингни албатта кўрсатасан-а?

– Юр, ҳозироқ кўрсатаман.

– Узр, дугонажон, ҳозир кўролмаيمان, вақтим зиқ. Ҳозиргина даладан қайтдим. Ҳали овқат қилишим, кир ювишим керак. Болам ҳам йиғлаб қолгандир.

– Болали бўлдингми?

– Ҳа, ўғилчам бор, каттагина бўлиб қолди. Иккинчим, мана, тайёр бўлиб турибди, – деб кулди у дўмпайган қорнини силаб.

– Санобар, турмушинг яхшими, ишқилиб?

– Албатта яхши, дугонажон, мен бахтлиман, энг бахтли аёлман. Ҳали бемалол ўтириб гаплашамиз, ҳам масини айтиб бераман. Сенинг чет элда тушган расмларингни шунақаям кўргим келаяпти.

У атрофга кўрқув билан аланглаганча, шоша-пиша хайрлашди. Агар Санобарнинг бахтлиман, деганига ишонсам, унда қовоғидаги қорайган доғ ўша бахтнинг муҳри бўлса керак. Гарчи аввалги муносабатларимиз хавас билан эслагулик бўлмаса-да, унга юрагим ачиди.

\* \* \*

Уйимизга тез-тез совчилар келишмоқда эди. Ким эшик қоқиб келса, отам кулбасидан уйқусираб чиқади. Тузук-қуруқ гаплашиб ҳам кўрмасдан Соли амакига одам юборади.

– Мени турмушга бераман деб овора бўлманглар. Қачон оила қуришни, кимга розилик беришни ўзим биламан. Соли амакига ҳам айтиб қўйинг, – дедим отамга.

Отам индамади. Соли амаки бўлса, насихат қилишга уриниб кўрди.

– Чироғим, бу умр савдоси. Билмасдан, ёшлик қилиб биронта ғарибу бедавога эрга тегиб, кейин афсусланиб юрмагин, дейман-да. Эр танлашни қиз болага ким қўйибди. Бу ёғини бизга қўйиб бер. Кимнинг хотин олишга қурби етади, кимнинг чўнтагида ҳеми-

риям йўқ – буни биз биламиз. Сенга оғиз соладиганлар кўпайиб қолди. Ҳаммасини қайтараверсанг, ўтириб қоласан. Шунинг учун бизга қулоқ солиб тур.

Отам билан Соли амакидан рад жавобини олиб кетганлар ўзим билан юзма-юз гаплашиб кўришмоқчи ҳам бўлишди. Бир куни қоқ ярим тунда девор орқасида роса дупурлаган товуш эшитилди. Ухлаёлмай ҳар ёнга ағдарилиб ётдим. Эрталаб кўчага чиққан Донабой бир гап топиб келди. “Кечаси уйқумни бузиб, уйимиз орқасида қандай тасир-тусир бўлдийкин, десам, Ақром раиснинг ўғли билан Муҳсин майизфуруш иккови ёқалашган экан. Икковлари сени таллашиб муштлашибди”, – деди Донабой масхараомуз кулиб. Турган гапки, бу машмаша бутун қишлоққа ёйилган. Эртаси куни кечкурун эса Турсуной эшик олдида пайдо бўлди.

- Марям, бир дақиқага кўчага чиқ, – деди у.
- Нима гап, ўзинг киравер.
- Менинг эмас, Сайфулланинг сенда гапи бор экан.
- Қайси Сайфулла?
- Ўзимизнинг синфдошимиз Сайфулла.
- Менда қандай гапи бўлиши мумкин?
- Билмадим, ўзингга айтаркан, чиқа қолгин энди.

У кўярда-қўймай мени тол тагига етаклади. Сайфулла сочини елкасигача ўстирган, мўйлаб ҳам қўйган, эгнига алламбало олифта кийим кийган, шаҳарнинг нуқси ургани шундайгина билиниб турарди. Турсуной бизни холи қолдириб, ўзи бир неча қадам нарига бориб тўхтади. Сайфулла жағи тинмай гапиршга киришиб кетди. У синфдошлар ичидан энг учиб чиққани ўзи бўлгани, Тошкентдаги қайсидир бозор ёнида қора бозорга ишга кириб, чет эл пулларини сотиш билан шуғулланишини, топиш-тутиши зўрлигини, машина сотиб олгани, яқинда уй ҳам олишини мақтаниб гапирарди. Ниҳоят у ўзига муносиб қизни қидираётганини айтди.

– Менинг тирикчилигим зўр, кўплар ҳавас қилади. Ўз ишимни яхши биламан. Аҳмоқ эмасман Фаттоҳга ўхшаб ўлиб кетаверадиган.

– Фаттоҳ ўлдими?

– Нима, эшитмаганмидинг?

– Йўқ.

– Ҳа, ўлди. Ўлганда ҳам итдай хор бўлиб ўлди. Мўмайгина пул топаман, деб ажнабийларга сотилган экан. Унинг шериклари мен ишлайдиган бозор олдида ўзларини портлатишди. Фаттоҳ бошқа бир жойни портлатмоқчи бўлганида ҳарбийлар хушёрлик қилиб, отиб ташлашди.

Сайфулланинг оғзидан боди кириб-шоди чиқарди. У мактабда ўқиган пайтларимизни ҳам эслади. Гапларидан гўё биз иноқ бўлганмиз-у, тақдирнинг ўзи бизни яна учраштирган эмиш. Синфдаги болаларнинг озор беришидан зада бўлиб, мактабга бормаи қўйган кунларимни қандай унутай? Уларнинг орасида Сайфулла ҳам бор эди. Одамзод бировни хўрлаб ҳузур қилаётганида эртаси нима бўлишини билмайди-да. Кечки салқин тушиб, этим жунжикди.

– Совқотдим, энди ҳамма уй-уйига, – дедим ва индамай кетавердим.

– Марям, бирор жавоб айтмадинг-ку, – деди Сайфулла ортимдан.

– Бизнинг йўлимиз бошқа-бошқа, хафа бўлма, – дедим.

Эшик олдида етганимда ичкаридан ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди. Уйимизга кимдир келган-у, отам уни кузатиб чиқаётган эди. Эшик орқасида тўхтаб, бироз кутиб турдим. Улар ҳам ҳовлида тўхтаб қолишди. Аста эшикдан мўраладим. Танидим, бу барваста гавдали одам Узумзордаги ҳозирги бойлардан. Дўпписи ерга тушса, пулга олдирадиганлар хилидан. Қамбарбой деса узумзорликларнинг ҳаммаси танийди. Унинг

исмини эшитганда кўпчиликни кўрқув босишини ҳам эшитганман. Қизлар ўқувхонасида бу одам ҳақидаги шов-шувлар кўп гапирилар эди. Унинг кўша-кўша дўконлари, беҳисоб моллари, уч арзанда ўғли борлигини ҳам айтишган. Тўнғич ўғли яккатутлик бир сулув қизни кўз остига олган экан. Лекин у қизнинг аҳду паймон қилган йигити бор экан. Қамбарбойнинг ўғли қанча ҳаракат қилса ҳам, қиз аҳдидан кечмабди. Йигитни ҳам авраб кўришибди, кўрқитишибди, у ҳам қиздан воз кечмабди. Охир-оқибат бир куни тонг маҳали йигитни ўша қишлоқдаги кўприкка осилган ҳолда кўришибди. Одамлар, бу Қамбарбойнинг шов-воз ўғилларининг иши, деб жар солишибди. Лекин ҳеч ким исботлаб беролмагач, қотил топилмай, иш босди-босди бўлиб кетган экан. Шўрлик қизнинг эса Қамбарбойнинг ўғлига тегишдан бошқа иложи қолмабди. Энди келиб-келиб шу одам уйимизда айланишиб юрганидан кўнглимга гулгула тушди.

– Шопўлат ака, мендан бир-икки ёш бўлса ҳам каттасиз, ҳаётнинг паст-баландини тушунадиган одамсиз, – деди Қамбарбой ғўладай билагини отамнинг суяклари бўртиб чиққан елкасига кўйиб. Отамнинг букчайган жуссаси янаям кичрайиб қолгандек кўринди. – Ҳозир замон кимники – пул топганники. Юз гектар ерим бор. Дўконларим, мол-ҳолларим ҳақида гапирмай. Учта ёқилғи сотадиган дўконим бор. Қизингиз маликалардек яшайди. Яқинда яна битта газ қуядиган дўкон очмоқчиман. Сизни ўша ерга ишга оламан. Мижозлардан пулни санаб олиб турсангиз бўлди. Пичоғингиз мой устида бўлади. Мендай танти одамлар дунёга бир келади.

– Биламан, Қамбарбой иним, кўли очиқ одамсиз. Сиз айтгандай, гаплашиб кўраман, – деди отам ғарибсиниб.

Қамбарбой кетгунча девор орқасида бекиниб тур-

дим. Кейин ҳовлига кирганимда отам бошини куйи солиб ёнимга келди. Гапни нимадан бошлашни билмай каловланди. Гапни ўзим бошлаб қўя қолдим.

– У одам нимага келибди?

– Қайси одам?

– Ҳозиргина уйимиздан чиқиб кетган одамни айтаман.

– Ҳа... Совчиликка.

– Кимга?

– Бу уйда сендан бошқа кимга ҳам келарди. Сен йўғингда аввал ҳам бир келган эди. Соли амакингга ҳам маъқул тушиб турибди, тўғриси, менга ҳам. У давлатманд, қўли узун одам. Истаган нарсангни муҳайё қила олади.

Отам Қамбарбойни оғзидан бол томиб мақтай кетди. У ўша бойни таърифлагани сари ўзининг қанчалар нотавонлигини ошкор қилиб қўяётганини англамаётган эди. Менинг эса борган сайин ғашим келар, отамда заррача ҳам ор қолмаганини кўриб, тоқатим тоқ бўлмақда эди.

– Қайси ўғлига экан ўзи? – дедим шартта гапини бўлиб.

Отам бир зум гапиролмай, атрофга олазарак қараб қўйди. Пешонасидаги терни артди. Чуқур нафас олди.

– Ўзига, – деди ниҳоят шивирлагандай ожиз овозда.

Жон-поним чиқиб кетди. Кўзларимдан ўт чақнаб, қаҳрим бўғзимга тикилди.

– Нима?

– Олти ой олдин хотини ўлган экан. Шунга...

Вужудим ёниб кетди. Қаршимда шунчаки бир ўгай ота эмас, инсонлик қиёфасини йўқотиб қўйган кимса турганлигини англаб, нафратим қайнади.

– Сиз сотмаган нима қолди? – дедим лабларим титраб. – Қайси виждон билан менга шу тақдирни раво кўраяпсиз? Инсоф нималигини тушунасизми ўзи?

Отам кўзларимга қарай олмади. Боши эгилиб, баттар букчайиб қолди.

– Койима. Мен бир бедаво, синган одамман. Шусиз ҳам адои тамом бўлганман. Менга раҳминг келсин.

Борган сари нафасим бўғилар, бўғзимда бўғриқиб турган нафратимни қай сўз билан баён этишни билмасдим. “Сиз сингансиз? Синиш қанчалар азоблигини мендан сўрамайсизми? Сиз ёшингиз бир жойга борганда ўйламай босган қадамингиз учун ҳисоб бераётгандирсиз. Мен эса ҳали ҳаётнинг нималигини англаб улгурмай, кўзи очилмаган мушук болалари каби мурғак қизалоқлигимдаёқ синиб қолмадимми? Аждардек қутурган аланга ичида қолиб кўйганимда, ҳаммага текин томоша бўлганимда, болалар мени ўзларига яқин йўлатмай, яккалаб кўйишганида сиз қаёқда эдингиз? Ростдан ҳам отам бўлсангиз, нега синган қалбимни бутлаш учун оталик кўлингизни чўзмадингиз? Сиз мени қизим деб бошимни силамаган, фарзанд ўрнида кўрмаган бўлсангиз ҳам, мен сизни ота деган эдим. Аям икковимиз сизнинг бир оғиз илиқ сўзингизга муштоқ бўлиб яшадик. Сиз-чи? Аям аввалги турмушидаги жаҳолатдан сўнг сизни ўзига паноҳ деб билди, сизга умрини бағишлади. Сиз эса бундай садоқатнинг қадрига етмадингиз. Доим ўй-хаёлингиз сизни омадсиз деб ташлаб кетган аввалги аёлингизда бўлди. Кўп-кўп пул топиб, яшаш қандай бўлишини ҳаммага кўрсатиб кўймоқчи бўлганингиз ҳам аслида шу ваздан. Бойиб кетсам, ўша аёл қайтиб келади, деб хомтама бўлгансиз. Сиз бор муҳаббатингизни бизга эмас, ғойибона ўша биринчи хотинингизга бахшида этдингиз. Эвазига нима топдингиз? У аёл сизнинг жонфидалигингизни сариқ чақага ҳам арзитмади-ку. Аям бечора сўнгги нафасигача сизнинг инсофга келиб қолишингизни кутиб, ғам-ғуссаларини ичига ютиб

яшади. Энди эса яна диёнатдан қочиб, менинг ҳаётимни ҳам захарламоқчи бўлаяпсиз. Асли имонсизлигингиз учун ҳам омад сиздан юз ўгирган. Мана, қаранг, мен энди мажруҳ эмасман. Менинг жароҳатларимни ким тузатганини биласизми? Мусаффо юракли одамларнинг меҳр-муҳаббат деб аталган мўъжизалари тузатди. Бу жароҳатни аллақачонлар сиз тузатишингиз мумкин эди. Аммо сиз буни ўйлаб ҳам кўрмадингиз. Сиз менга ҳам, аямга ҳам, ҳатто ўзингизга ҳам меҳрингизни намоён этишга, демакки, мўъжиза кўрсатишга ҳеч қачон қодир бўлмагансиз”. Шу гапларни унинг юзига шартта-шартта айтгим келди, ичимдаги фарёд вулқондек тўлғаниб, бўғзимга қадалди. Лекин айтолмадим. Кўриб турибманки, ўгай отам шундоқ ҳам ўз қилмишларининг сийловини татиб кўраётган, шу боисдан менинг бу гапларимни чидам билан тинглай оладиган аҳволда эмас эди.

Ўгай отамнинг ўйламай қилган ҳаракати мени ҳушёр торттирди. Кўзим энди очилгандай бўлди. Юрсам ҳам, турсам ҳам, ҳатто кечаси ухلامасдан шуларни ўйлаб чиқдим. “Нега қайтиб келдим ўзи бу ерга? Нимани орзу қилган эдим-у, кўз ўнгимда нималар рўй берди? Ахир, мен кимсасиз қолган ғарибгина уйимизни, Боғишоддаги, Узумзордаги мен таниган ва мени таниган одамларни соғинганим учун келмаганмидим? Уларни қандай бўлса, шундайлигича соғинмаганмидим? Бироқ кимларни кўрдим? Ниҳоят дийдор кўришиб, юзма-юз бўлганимизда мен уларнинг юракларига йўл ахтараяпман-у, улар эса менинг юзимдан нарига ўтишмайди. Мен жонсиз бир қўғирчоқмидим ёки ҳайвонот боғида одамларга эрмак бўлишга маҳкум этилган ёввойи жонивормидимки, галма-галдан айланиб томоша қилишса? Теграмда тентираган одамларнинг ҳаммаси майсага ёпирилган чигирткага ўхшайди: яшнаб турганинда сенга томон талпинадилар-у, сўнг ўзлари адо



қилиб, яна юзларини ўгириб кетадилар. Мен қаердан, кимлар орасига келиб қолдим? Уйимизга одамлар қадам ранжида қила бошлаганларида, бир пайтлар мени ранжитиб, ўзларига яқин йўлатмаган қизлар яна атрофимда парвона бўлганида энди мен бу ерда ёлғиз эмасман, деб севинч дарёсига шўнғиб кетибман. Аммо ўйлаб қарасам, аввалгидан ҳам баттар ёлғизланиб қолган эканман. Гўё хаёлларга берилиб, буткул бегона манзилга келиб қолганга ўхшайман. Мана, кўзим очилди, бу бегона одамлар орасида рўшнолик топмаслигимни, ёлғизликдан хароб бўлишимни англаб етдим. Энди вақт ғаниматида бу маконни тарк этиб, мени кутаётган яқинларим, меҳрибонларим ёнига қанот боғлаб учишим керак” дея сўнгги қарорга келдим. Азонлаб йўлга чиқдим. Ҳеч ким билан хайрлашмадим. Зотан, бу ерда хайрлашадиган, ортимдан қўл силкиб қоладиган бирон яқиним ҳам йўқ эди. Йўл-йўлакай Боғишодда ўтган кунларимни сараладим. Ҳамма изтиробларни ортга ташладим, улар шу ерда қолгани дуруст. Фақат онам билан бирга ўтган кунларимиз, Нурия опанинг нур ёғилиб турган чеҳрасини, менга нажоткор дуоларни ўргатган, сўнмас умидларни дилимга жойлаб кетган болакай дўстим Анорни тошга ўйилган нақшдек хотирамга мангуга муҳрлаб олдим. Қолган ҳамма-ҳаммасини хотирам пучмоқларидан олиб, бепоён далаларга сочиб юбордим. “Армонли кунларингда сени ёлғизлашиб қўйган ва омадсизлигинг боис сендан юз ўгирган одамлардан вақти келиб сен ҳам воз кечишга, улардан қолган барча мудҳиш хотираларни унутишга ҳақлисан” дея ўзимга тасалли бердим.

Тошкентга келганимда Эъзоз тоғам хурсанд бўлиб кутиб олди. Ҳаёт келинойим тинмай юзларимдан ўпарди. Ширинжонимни қучоқлаб, кўнғироқ сочларини ҳидлаб тўймайман. Уни ерга қўйгим келмасди. Тоғамнинг Тошкентдаги камтарингина хонадони мен

учун ҳаловат гўшаси, бахт эшиги, жаннатнинг ўзгинаси эди. Бу ерда мени севадиган, мени тушунадиган одамлар яшайди. Мен ҳам улар учун, керак бўлса, жонимни ҳадя этишга ҳар лаҳзада ҳозир у нозирман.

\* \* \*

Университет ҳовлиси йигит-қизлар билан тўлган. Жазирама иссиқдан қочганлар дарахтлар соясида тўптўп бўлиб суҳбатлашиб туришибди. Бир ҳафтадан буён шу ерга келиб кетаётганимдан кўпчиликнинг юзи даярли таниш ҳам бўлиб қолди. Тақдир насиб этиб, университетга кира олсам, бу қизлару йигитлар билан қадрдон бўлиб кетармиз. Хужжатларим чалалиги туфайли қабул комиссиясига бир неча марта кириб чиқдим. Ниҳоят хужжатларимни қабул қилишди. Лекин ҳадеганда уйга шошилмасдим, соя-салқин бу файзли хиёбонда айланиб юргим келди. Узун йўлакнинг икки тарафида қатор ўсган чинорлар соясидаги ўриндиқлардан бири ёнида тўхтаб, китоб варақлаб ўтирган эдим. Нарироқдаги фаввора бирам чиройли эдики, гўё рақсга тушаётганга ўхшарди. Майсалар ва гул япроқларига шабнам каби қўнган томчилар маржондек товланар, улар юзидаги митти камалаклар кўзни қувнатар эди. Майса устидаги мунчоқдек бир томчи мени сеҳрлаган каби ўзига тортаверди. Энгашиб унга тикилдим. У менга ниманидир эслатарди. Гўё у менга аввалдан танишдек. Ҳа, эсладим, у бир пайтлар мени соясида сақлаган анжир япроғи устидаги шабнам томчисининг худди ўзгинаси. Фаввора ёнидан шошилганча тез-тез қадам ташлаб ўтиб кетаётган бир йигит шундай иссиқ кунда ҳам бўйинбоғ тақиб олгани учун эътиборимни тортди. Қўлида ихчамгина сумкаси ҳам бор. Балки, шу ерда ишлайдиган ёшгина ўқитувчидир. Аммо кутилмаганда унинг ўнг юзига кўзим тушди-ю, вужудим титраб кетди. “Анор!” дея қичқириб юборга-

нимни ўзим сезмай қолдим. Бу фавқуллодда юз берди. Йигит таққа тўхтаб, мен томонга ўгирилиб қаради. Довдираб қолдим. Ҳаяжондан нафас ололмай қийналардим. У томонга бир-икки қадам ташладим.

- Анор, – дея олдим яна зўрға.
- Мени чақираяпсизми? – деди йигит ҳайрон бўлиб.

Мана, яна яқинроқ бордим. Кўзлари ҳам таниш. Манглайининг ўнг томонидаги қизил холи ҳам ўша-ўша. Бу холни танимаслигим ёхуд адаштиришим мумкин эмас.

- Анормисан? – дедим кўзларимга ишонмай.
- Ҳа, ўзингиз кимсиз?
- Мен Марямман.
- Қайси Марям? – деди у елка қисиб.
- Биби Марям. Эсладингми?
- ...

- Боғишод эсингдадир? Болалигингда борган эдинг. Сойимизда итбалиқлар тутардинг. Мен сенга ўриқлар териб берардим.

- Марям! – Унинг кўзлари чақнаб кетди. – Наҳотки, сен ўша Биби бўлсанг?

- Ҳа. Сени дарров танидим, Анор.
- Сени эса таниш қийин бўлиб қолибди. Ахир сен...

- Бошқача эдим. Энди бўлса, ҳаммаси ўзгарди.

Мен ҳамон ҳаяжон қуршовида эдим. Анордан кўзларимни узолмасдим. У улғайиб, ўктам йигит бўлибди. Болалигида ҳам ёқимтой эди. Ўриндиқда бирпас ўтириб суҳбатлашдик. Бошимдан ўтганларини, узуқ-юлуқ бўлса ҳам, гапириб бердим.

- Сени ҳар ёзда интизор бўлиб кутдим, Анор. Чунки сен менинг болалиқдаги яккаю ягона ўртоғим эдинг-да. Лекин сен бошқа келмадинг.

- Қишлоққа бориш жону дилим эди-ю, аммо бувам ойимни кечирмади. Шундан кейин боришга баҳона

қолмади. Бувам вафот этганида ойим билан яна Боғишодга бордик. Сени йўқлаб уйлариңга борсам, у ерда ҳеч ким йўқ экан. Кейин қўшниларингдан суриштирдим, сени тоғаси билан чет элга кўчиб кетган, дейишди.

– Мени қидирдингми? Сен мени ростдан ҳам қидириб бордингми, Анор?

– Сени эсимдан чиқармаганман, Марям.

Анорнинг гапларини тинглаб тўймасдим. Уни учратганимга ҳам, ёнма-ён ўтирганимга ҳам ҳамон ишонмаётган эдим. Бу мен ҳаётимда дуч келган яна бир мўъжиза эди. Мўъжизалар эса тушга ўхшайди.

– Яқинда ўқишни тамомладим. Устозим қабул комиссиясида ишлаяпти. Бироз қарашиб юбор, деб мени чақирган эди. Эртага яна келасанми?

– Келаман, Анор, албатта келаман.

– Унда эртага худди шу вақтда, худди мана шу ерда кўришамиз.

У билан хайрлашдик. Ортига қараб-қараб қўл силкиди. Эртага, албатта кўришамиз. Истасанг, ҳозир ҳам кун бўйи сени мана шу арғувонлар остида кутишим мумкин, Анор.

Мен дарахтларнинг қуюқ соясидан чиқиб, фаввора ёнига бордим. Шу пайт чор атроф яна ҳам тиниқлашгандай бўлди. Чамамда, фаввора куй чалаётгандай шарқираб менинг шодлигимни олқишламоқда эди. Унинг биллур томчилари юзларимга тегиб, кўнглимни равшан этди. Ҳалиги шабнам томчиси эсимга тушиб, уни қидира бошладим. Лекин энди у ҳеч қаерда йўқ эди. Мен бир лаҳза чалғиганимни тушундим. Сояларни бир четга суриб, тобора юксакка кўтарилаётган офтоб нурлари билан майса устида омонатгина турган шабнам бир зум жимирлаб ўйнаган-у, кейин ғойиб бўлган. Мен ўзимни ҳозиргина шабнам соясидан чиқиб келгандек ҳис этмоқдаман. Заминга ҳаёт бағишлаётган сахий куёш нурларидан бирданига гангиб

қолдим. Сўнгра кўзларимни секин-аста очиб, ёруғликка кўника бошладим. Мен узоқ вақт сояда жон сақлаганимни англадим. Энди эса қаршимда мунаввар ҳаёт эшиги очилганлигини кўриб турардим. Кичкина қизалоқлигимда кўрганим сеҳрли манзара яна кўз ўнгимда намоён эди: дарахтлар ям-яшил баргларга бурканган, анвойи гуллар ифори бутун боғни тутиб кетган, ранг-баранг ниначилар завқли ўйинларини бошлаб юборишган. Фавворали ҳовузга энгашиб қараб, тиниқ сувда аксимни кўрдим. Мен энди шабнам соясида мудраётган ожиз зарра эмас, заррадан залворли қояга айланган бир хилқатман. Энди борлиқ гўзаллигини бус-бутун кўраяпман ва шу гўзалликдан куч-қудрат олаётганимдан танамга сиғмасдим. Юрагимда ишонч ва ҳавас денгиздай мавж ураётганини сезмоқдаман. Ҳозир олдинга бир қадам ташласам, қадамимдан учкун чақнашини ҳам биламан. Буларнинг барига сабабчи сенсан, Анор. Сенинг бола қалбинг осмон билан тенг. Сен ўз идрокинги ва юрагингдаги меҳру муҳаббатинг билан қанчалар буюк иш қилганингни, эҳтимол, ўзинг билмассан, чунки сен каби меҳрибон одамлар яхшиликни ҳар доимги оддий юмуш деб ўйлайдилар. Лекин мен биламан. Зимистон бағрида қуёшни кутиб яшаган, фақат сен ёққан митти шуълага суяниб, кутилмаганда ёруғликка мушарраф бўлган ва бахтдан боши айланаёзган мен, сендай дарёқалб одамларга бу шўрлик дунё нечоғлик ташна эканлигини бор овозим билан ҳайқириб айтгим келади.

Уйга келганимда тоғам ҳам, келинойим ҳам, ҳатто Ширинжоним ҳам вужудимни ҳануз ҳаяжонга солиб турган бетимсол қувончни дарров пайқашди. Бу қувонч уларнинг ҳам юзларига табассум бўлиб кўчди. Мана, яна бир сокин оқшомда хонамда ёлғизман. Йўқ, янглишдим, ёлғиз эмасман, сенинг суратинг ўйларимда, Анор, болалик қадрдоним. Кўлимда варақла-

ри титилиб кетган бўлса-да, сўзлари қалбимга кўчган миттигина дуолар китобчаси... Туни билан ҳатто мижжа қоқмадим. Тўғри-да, шундай ширин хаёллар турганда кўзга уйқу келармиди. Шу ҳузурбахш туйғуларнинг ўзи ором эмасми? Тонг ёришяпти. Бу саховатли тонг бизни яна учраштиради. Тун бўйи менга ҳамхона бўлган соҳир хаёллар ҳадемай ўнгимда рўй беражагини ўйлаб, юрагим муҳаббат номини айтиб урмоқда.

Сени менга яна қайта учратганига минг бора қуллуқ.

*Тангрим, бу ёруғ оламга келтириб, бир ожиза банданга юборган синовларингга ҳам, хайрли инъомларингга ҳам беадад шукроналар айтаман!*

2020 йил, июнь.

*Адабий-бадиий нашр*

Уйғун РЎЗИЕВ

## **ШАБНАМ СОЯСИДА**


*Роман*

Мухаррир *Дилрабо Мингбоева*  
Бадиий муҳаррир *Шамсиддин Ходжаев*  
Мусахҳиҳ *Шаҳзода Ҳакимова*  
Саҳифаловчи *Азамат Қюмов*

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
«АДАБИҲОТ НАШРИҲОТИ» МҲЖ

Нашриёт лицензияси: № АА 0043. 27.01.2020

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.

 (+98) 128-30-04. e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишга 2021 йил 18 январда рухсат этилди.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет босма. “Cambria” гарнитураси.  
Шартли босма табағи 13,44. Нашриёт босма табағи 16,0.  
Адади 1000 нусха. Буюртма №

«AZMIR NASHR PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.